

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТ



ТОЖИ ОМОНОВИЧ НОРОВ

# АЛИШЕР НАВОЙИ ИЖТИМОИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Монография

"IQTISODIYOT"

28  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТ


ТОЖИ ОМОНОВИЧ НОРОВ

СК 2022

АЛИШЕР НАВОЙ  
ИЖТИМОЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ  
ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Монография

н-18



ТОШКЕНТ - IQTISODIYOT - 2016

УЎК: 821.512.133(092) Навоий

КБК: 83.3(5Ў)1

Н79

Норов Т.О. Алишер Навоий ижтимоий қараашларининг фалсафий таҳлили. Монография. –Т.: IQTISODIYOT, 2016. -191 б.

Ушбу монография улуғ мутафаккир, файласуф ва улуғ шоир, йирик давлат ва жамоат арбоби, ўзбек мумтоз тилининг асосчиси Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг ҳаёти, ижоди, ижтимоий-сиёсий фаолияти, ижтимоий-сиёсий, фалсафий қараашлари ва унинг жаҳон ижтимоий фалсафий қараашлари тизимида тутган ўрнига бағишланган. Навоий ҳакида ёзилган асарлар ва тадқикотлар жуда кўп албатта. Ушбу монография муаллифи улуғ мутафаккирнинг ижтимоий келиб чикиши, ҳаёти, ижтимоий-сиёсий фаолияти, ижодий меросида кўтарилиган ижтимоий-сиёсий, фалсафий қараашларини ва уларнинг ижтимоий-сиёсий қараашлар тарихида тутган бетакрор ўрни ва аҳамиятини янгича талкинда тадқик ва таҳлил этган.

Монография барча ижтимоий фанлар мутахассислари, хусусан, тарих, фалсафа, фалсафа тарихи, маънавият асослари, адабиёт тарихи, хукуқшунослик, диншунослик ва Навоий ҳаёти, ижодий меросига кизикувчиларга мўлжалланган.

**Масъул мухаррир ф.ф.д., проф. Б. Алиев**

**Тақризчилар:** с.ф.д., проф. Т. Алимарданов,  
ф.ф.н., доц. А. Содиков

ISBN 978-9943-986-56-5

УЎК: 821.512.133(092)

КБК: 83.3 (5Ў) 1

© “IQTISODIYOT” nashriyoti, 2016.  
© T.O. Норов, 2016.

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ.....</b>	<b>4</b>
<b>I боб. АЛИШЕР НАВОЙ ШАКЛЛАНГАН ДАВРИ ИЖТИМОЙ МУХИТИ, ТАРИХИЙ ВАЗИЯТ ВА УНИНГ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИДАГИ ЎРНИ....</b>	<b>14</b>
1.1. Алишер Навоий яшаган ижтимоий муҳит ва унинг мутафаккир ижтимоий-сиёсий, фалсафий карашлари шаклланишидаги ўрни.....	14
1.2. Алишер Навоий ижтимоий-сиёсий қарашларини юзага келтирган тарихий шарт-шароит ва унинг хусусиятлари....	26
<b>II боб. МУТАФАККИР ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИДА ТУШУНЧА ВА КАТЕГОРИЯЛАР МОҲИЯТИ.....</b>	<b>44</b>
2.1. Навоий қарашларида ижтимоий-фалсафий категориялар: тушунча ва моҳият.....	44
2.2. Фалсафий таълимотлар моҳиятининг Навоий асрлари-даги хусусиятлари.....	62
2.3 Навоий ижтимоий-фалсафий қарашларида ислом дини ва шариат масалалари.....	81
<b>III боб. МУТАФАККИР АСАРЛАРИДА ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР ИНЬИКОСИ.....</b>	<b>89</b>
3.1. Алишер Навоий асрларидаги фалсафий тушунчалар тас-нифи ва ижтимоий жараёнлар.....	89
3.2. Мутафаккирнинг сиёсий ҳокимиёт ва уни амалга оширишга доир қарашлари.....	109
3.3. “Маҳбуб ул-кулуб”нинг Навоий ижтимоий-фалсафий қарашларидаги алоҳида ўрни.....	130
<b>IV боб. АЛИШЕР НАВОЙ ҚАРАШЛАРИДА ЖАМИЯТ ТАРКИБИ ВА ИЖТИМОЙ БОШҚАРУВ МАСАЛАЛАРИ.....</b>	<b>144</b>
4.1. Алишер Навоининг жамият ва унинг таркиби тўғрисидаги қарашлари.....	144
4.2. Алишер Навоий давлат бошқаруви ва раҳбарлик мезонларининг тизимлашуви.....	152
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>170</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....</b>	<b>177</b>

## КИРИШ

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлди, янгича демократик кадриятлар ва тамойилларга асосланган муносабатлар шаклланди. Давлат бошқарувини эркинлаштириш ислоҳотлари мамлакатда олиб борилаётган сиёсатнинг мазмун-моҳиятини ҳам тубдан ўзгартирди. Бунинг ижобий натижаларидан бири маънавият, миллий кадриятлар, миллий тарих, улуғ мутафаккирларимизнинг ўлмас меросларини янгича талқинда ва услубда холисона ўрганишига имконият пайдо бўлди. Жумладан миллий маънавиятимизнинг белгиловчи нуфузига эга бўлган, улуғ мутафаккир, давлат ва жамоат арбоби, сўз ва бадиият мулкининг сultonни деган юксак шарафга ҳакли равишда лойик бўлган зот - ҳазрат Амир Низомиддин Алишер Навоий (1441-1501)нинг ҳаёти, фаолияти, ижоди, маънавий мероси, хусусан, унинг ижтимоий-сиёсий карашларини ижтимоий-сиёсий фанлар нутқаи назаридан янгича, холисона, объектив илмий таҳлил килишнинг имконияти ва айни замонда зарурати туғилди.

Биз ушбу монографиямизда, улуғ мутафаккирнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти, бадиий мероси ва улардан келиб чиқадиган хulosалар асосида унинг ижтимоий-сиёсий карашларини фалсафий қиёсий таҳлил этишга ҳаракат қиласми.

Навоий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, мустақил мамлакатимиз кенг жамоатчилиги, хусусан, илмий, ижодкор жамоатчилиги олдидаги мухим масалаларидан бири деб ўйлаймиз. Чунки унинг бутун ижоди, ижтимоий адолат, хурлиқ, тенглиқ, комиллик, меҳр-муруват, инсонпарварлик каби улуғвор ғоялардан иборат. Шунинг учун, Президентимиз 2001 йил 24 августда, улуғ мутафаккир номи билан аталадиган Навоий шаҳрида Алишер Навоий ёдгорлик мажмуасининг очилиш маросимиидаги тантаналарда сўзлаган нутқида: “Агар шоир асарларини варакласак, деярли ҳар саҳифасида “халқ”, “эл”, “улус”, “юрг”, “раият” деган сўзларнинг “меҳр”, “оқибат”, “муруват”, “оқибат”, “саҳоват”, “садоқат” сўзлари билан узвий боғланиб кетганлигини кўрамиз”<sup>1</sup> деган эди.

Президентимиз мутафаккир ҳақида кейинчалик ўз фикрларини ривожлантириб, “Юксак Маънавият - енгилмас куч” асарида,- бу улуғ авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Аждодлари кадрланган юрт гуллаб яшнайди .-Т.: Ўзбекистон, 2005., 10 том, Б-18, яна каранг- И.А. Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби Тошкент “Ўзбекистон” 2005, 5 жилд Б 18-19.

улуг авлиёд десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак шоирларнинг сultonидир деган юксак фикрларни билдирган эди<sup>2</sup>. Бу ҳол мамлакатимиз халқи олдида турган улуг мақсад - демократик давлат, фуқаролик жамияти куришда улуг мутафаккир таълимотларида илгари сурилган гояларга содиклик йўсинида олиб борилажагини англаради.

Айни вақтда мамлакатда амалга ошириладиган ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар жараёнларида жаҳон тажрибасини ўрганиш билан бир қаторда, бу масалада бизга мерос миллий қадриятлар ва анъаналардан ҳам унумли фойдаланишга муҳим эътибор берилмоқда. Бу соҳада мустақиллик катта имкониятларга эшик очмоқда. Мамлакатимиз мустақиллигини кўлга киритганидан кейин, барча соҳаларда бўлгани каби ижтимоий-сиёсий фанларни ўрганиш ва тарғиб қилишнинг назарий-методологик жиҳатларини бошқача янгича холис, объектив-илмий таҳлил қилиш имкониятлари очилди. Ижтимоий-сиёсий фанларни ўрганишдан асосий мақсад эса аввало, хукукий, демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти куришга интилаётган мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини ҳар томонлама таъминлашда жаҳон илм-фани ва мамлакатлари эришган илғор тажрибаларининг энг юксак ютукларидан ҳамда асрлар давомида яратилиб, сайқалланган миллий қадриятларимиз, қадимий ва навқирон бетакорр тарихимиздан бизга мерос тарзида етиб келган, ўзига хос анъаналардан унумли фойдаланишdir.

Мустақиллигимиз туфайли халқимизнинг кўп асрлик тарихи, улуг аждодларимиз ва уларнинг бой меросларини чукур ўрганиш имкониятига эга бўлдик. Кейинги вақтларда жамиятимизнинг барча соҳаларида чукур ўзгаришлар юз бермоқда. Тарихимизга тўғри кўз билан қараш, маънавий қадриятларимизга бўлган эътиборнинг жонланиши, халқимиз тарихий хотирасининг янада тиклана бошлаши ҳамда инсонпарварлик гояларининг ҳаётимизга тобора кенг татбиқ этилиши истиқлолнинг гоявий-маънавий рамзи сифатида ўз аксини топмоқда. Монография мавзусининг долзарблиги Алишер Навоий ижоди ва хусусан ижтимоий-сиёсий қарашларида каламга олинган тушунчалар, атамалар, назарияларни хозирги замон ижтимоий-сиёсий ҳаётида илмий жамоатчилик

<sup>2</sup> Каримов И.А. Йоқсан Маънавият енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008, Б - 47

томонидан истеъфода этиладиган тушунча ва атамаларни таҳлил қилиш, хусусан, Навоий асарларида учрайдиган сиёсий аҳамиятли истилоҳоларни, ҳозирги замон ижтимоий-сиёсий муносабатлар ва тизимларда, сиёсатшунослик ва бошқа ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-хуқуқий фанларда кўлланилиб келаётган тушунчалар, сўзлар, иборалар, атамалар билан тафовутларини қиёсий таҳлил қилиш билан белгиланади.

Ижтимоий-сиёсий тушунчалар ҳозирги замон сиёсий тафаккури даражасида ривож топганига қадар узок ва мураккаб йўлни босиб ўтган. Лекин улар мазмун ва сифат жиҳатидан фарқ қиласди. Шуни унумаслик керакки, нима бўлгандайм, ҳозирги замон ижтимоий-сиёсий таълимотлари ва уларда қўлланиладиган атамалар асосида ифодаланадиган сиёсий қарашлар ва бу қарашларда ўз аксини топаётган тушунчаларнинг ҳам илдизи ўтмиш сиёсий жараёнлари, назариялари, тушунчаларидан ўсиб чиққанлигини инкор этиб бўлмайди. Бугунги кунда сиёсий тушунчаларнинг ўтмишдаги сиёсий тафаккурдаги мазмун-моҳиятини ва тараққиёт жараёнларида улар орасида юзага келган тафовутларни қиёсий-таҳлилий ўрганиш ҳозирги замон сиёсатшунослик фанида долзарб аҳамиятга эгадир. Ҳозирги замон ижтимоий-сиёсий фанларида қўлланиладиган аксар тушунча ва терминлар гарб фалсафасида шаклланган ижтимоий тарихий жараёнлар ва фанида ўз аксини топган атама ва тушунчалар билан юритилади. Қадимги Шарқ ва Марказий Осий ҳалқлари тарихи ва ижтимоий фалсафаси билан боғлиқ назариялар, тушунчаларнинг айрим жиҳатлари Навоий меросини янгича талқини орқали очилади деган умиддамиз.

Алишер Навоийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари сиёсий фанлар ихтисослиги бўйича, ҳеч маҳсус тадқиқ этилмаган ва умуман Шарқ мутафаккирларининг сиёсий қарашларида акс этган сиёсий тушунчаларнинг бугунги сиёсий тушунчалар билан мувофиқлиги ёки тафовути масаласи ҳозирги илмий тадқиқотлар доирасидан четда қолиб келмоқда.

Навоий ижодий мероси бўйича қилинган илмий тадқиқот ишиларининг аксарияти адабиёт, адабиёт тарихи, тил, матншунослик, мағбашунослик, фалсафа, педагогика ва бошқа ихтисосликлар бўйича олиб борилган. Бундай илмий тадқиқотлардан – Ҳ.Н. Ҳамраева, Ф.С. Низамов,

Н.П. Бозорова, А.С. Эркинов, Р.У. Рўзмонова, Ҳ.А. Жўраев ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин<sup>3</sup>.

Мутафаккир карашларининг фалсафий талқинлари, унинг ижтимоий-сиёсий талқин килиш мустақиллик йилларида давлат ва жамият бошқарувида одиллик, маънавият, эстетик, ижтимоий таракқиётда инсон омили масалалари Т.Т. Алимардонов, Ф.Р. Равшанов, Ҳ. Ахмедовларнинг тадқиқотларида ўз мавзулари доирасида тадқиқот мавзуси мақсадига мос тарзда тадқиқ этилганлигини айтиш мумкин<sup>4</sup>.

Қ.О. Эргашевнинг Ўзбек наслида ишо (Навоийнинг “Муншоати” мисолида) ва шу мазудаги рисоласида мутафаккирнинг темурйилар

<sup>3</sup>Хамроева Ҳ.Н. Педагогические основы нравственно-эстетического воспитания учащихся на гуманистических идеях Алишера Навай (на примере произведений «Махбуб ул-кулуб», «Назмул жавохир», «Лисонгут-тайр») Автореферат дис... Канд.пед.наук: 130001/ЎзНИИ нед.наук им Т.Н. Кары-Ниязи. Тошкент, 1999. – 18 с. Низамов Ф.С. Алишер Навоий дунёкаришида умуминсоний қадриялар муаммоси: Фалс.фан.номз..дисс/ Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, И.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқук институти. Тошкент- 1996.- 153 б. Адабиётлар 146-153 б. Жўраев Ҳ.А. Алишер Навоий лирикасида вокелик ва унинг поэтик талқинлари (ўзига хослик ва аньянавийлик асосида) фил.фан.фан.доктори иш дар олиш уч. Дисс. Автореферат Тошкент 2008 – 44 б. Жамалова Г.Г. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти курилишинг смёйис масалалари. Смёйис фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: ЎзР Президенти хузуридаги ДЖҚА, 2006. –24 б. Жумаев Р. Проблемы формирования и укрепления политической системы Республики Узбекистан. Диссертация на соискание ученой степени доктора политических наук. –Т.: 1996. –277 с. Эркинов А.С. Алишер Навоийнинг пейзаж яратиш маҳорати (“Садди Искандарий” достони мисолида ) филол.фан.номз.изл.дар.олиш дисс-я. Т.: 1990,-121 б. Рўзмонова. Р.У. Алишер Навоий аньянавийларнинг усмонли турк шеъртига тасвирни (Али Пашо ва Али Раис Кетибий ижоди мисолида) филол.фан.номз.изл.дар.олиш дисс-я. Т.: 2011.-146 б. Бозорова Н.П. Алишер Навоий газалларида кўнгил образи: (Бадоеў ул-бидор девони асосида) миллӣ. адаб.тархи. Фил.фан.номз.дар.ол.уч. дисс-я автореферати. Тошкент 2002.- 256 б. 4.11.Жўраев Ҳ.А. Алишер Навоий лирикасида вокелик ва унинг поэтик талқинлари (ўзига хослик ва аньянавийлик асосида) фил.фан.фан.доктори иш дар олиш уч. Дисс. Автореферат. Тошкент 2008 – 44 б. Исаевә З.Р. Тасовуф таълимотида валийлик тушунчасининг диний-фалсафий талқини (Алишер Навоийнинг “Насоим ул-муҳаббат” асари асосида) фал.фан.номз. дисс. ДЖҚА Т.: 2007Абдуманатов А.М. Алишер Навоий мероси асосида бошлангич синф ўқувчиларининг маънавий тушунчаларини шаклантириш (“Хайрат ул-аббор” достони макололари мисолида) пед.фан.номз..дисс. Т.:2004. – 136 б. Ахмедов Н. Ўзбек адабиётиди Алишер Навоий сиймосини талқин этиш муаммолари. фил.фан.док.ри... дисс. Т.: 1994. Абдуқодиров А. Тасовуф ва Алишер Навоий ижодиётни (Ваҳдат ул-вужуд проблемаси бўйича) фил.фан.док.ри ...дисс. Т.: 1998. – 295 б. Хайджетов Ф.А. Алишер Навоий газалларида мантлик ургусининг берилиши. Фил.фан.номз.. дисс. Т.: 1998. – 125 б. Мухиддинов М.К. Алишер Навоий ва унинг салофлари ижодида инсон концепцияси фил.фан.док.ри ... дисс. Т.: 1995. – 288 б. Гаффоров Н.Н. Алишер Навоий “Хамса”сида суфийлик тимсоли фил.фан. номз.. дисс. Т.: 1999. – 135 б. Юлдашев Т.Қ. Навоий ва Бобурнинг ислом фарзиярига бағисланган асарларидаги шаръий атамаларнинг лисоний таҳлили фил.фан. номз..дисс. Т.: 2004. – 148 б. Эркинов А.С. Алишер Навоий “Хамса”си талқинларининг XV-XX аср манбалари. Фил.фан.доктори...дисс. ДЖҚА Т.: 1998.- 282 б.

<sup>4</sup> Алимардонов Т.Т. Жамиятда смёят ва ахлоқ мувозуванати муаммолари. Смёйис фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: ЎзР Президенти хузуридаги ДЖҚА, 2006. –283 б. Равшанов Ф.Р. Ўзбекистон Республикасида раҳбар кадрлар таъниш асослари. Смёйис. ф. доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс-я ЎзР Президенти хузуридаги ДЖҚА / Тошкент 2009. 448 б. Ахмедов Ҳ, Ислом Каримов асарларида раҳбар кадрлар тайёрлашнинг ижтимоий-смёйис масалалари. Смёйис фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: ЎзР Президенти хузуридаги ДЖҚА, 2008. –135 б.

салганатида тутган ўрни, мақоми, хусусан, Ҳусайн Бойқаро ва унинг фарзанлари сиёсий фаолияти билан боғлиқ ёзишмалари мисолида зарур маълумотлар мавжуд<sup>5</sup>.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва хукукий давлат куриш жараёнларида Марказий Осиё ва мамлакатимиздан етишиб чиккан мутафаккирлар ижодий меросининг ўрганилганлитини хали етарли деб бўймайди. Бошқача айтганда биз ўзимизни маънавий меросининг соҳиби деб ҳисоблайдиган манбаларни яратган мутафаккирларнинг меросини тадқиқ этиш ва тарғиб этиш масаласида хали вазифалар кўп. Масалан, Маҳмуд аз-Замахшарийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари мавзууда тадқиқ этилган номзодлик ишида (2008 йил), А.Болтаев машхур аллома Аз-Замахшарийнинг умумий сиёсий қарашларини тадқиқ этган бўлса, “Ўзбекистон Республикасида раҳбар кадрлар танлаш асослари” мавзуидаги докторлик ишини олиб борган Ф. Равшанов докторлик ишининг биринчи бобида, Марказий Осиёда яшаган бир катор алломаларнинг сиёсий қарашларига асосан уларнинг раҳбар кадрлар танлаш ва тайёрлашга муносабатлари нуктаи назаридан аҳамият қаратади. Ўйлаймизки, ҳозирги сиёсатшуносликда қўлланиладиган атамаларнинг шундай мазмун қасб этишида бизнинг ватандошларимиз бўлган алломаларнинг ҳам салмоқти ҳиссаси бор. Биз мана шу нуктаи назардан Алишер Навоий қарашларида истифода этилган тушунчаларнинг тарихий мазмун-моҳияти ва замонавий терминлар мазмун-моҳиятининг акс этишини илмий-тадқиқот этишни мақсад килиб кўйдик. Чунки мавзу илгари шундай тарзда қўйилмаган ва тадқиқ этилмаган. Умуман ижтимоий-сиёсий фанларда, хусусан, сиёсатшунослик фанидаги замонавий терминларга эса бугунги кунда турли олимлар турлича ёндашадилар, шу жихатдан уларнинг баъзилари тўла шаклланган бўлса, баъзилари ҳозир ҳам шаклланishiда давом этмоқда. Бундай манбалардан Қ.Назаров, Ҳ.Бобоев, Қ.Абдураҳмонов, И.Эргашев, А.Бегматов, М.Қирғизбоев, Б.Алиев, А.Холбеков, Ш.Пахрутдинов, Т.Жўраев, М.Бекмуродов, И.Махмудов, Б.Мирбобоев, Н.Боймуродов, Ш.Зайнутдинов, А.Тўхтабоев, М.Куронов каби олимлар яратган тадқиқотларда кўплаб сиёсий тушунча, термин ва атамаларнинг қўлланилишига дуч келиш мумкин. Таяқидлаш жоизки, бу масала сиёсатшунослик фанининг муҳим обьекти ҳисобланади. Шунингдек,

<sup>5</sup> Эргашев Қ.О. Ўзбек насрода ишю (Навоийнинг “Муншасоти” мисолида) фил. фан. номз..дисс. -Т.: 1995. – 145 б. яна қаранг Қ.Эргашев Некоторые аспекты государственной деятельности Алишера Навои Т.: «ФАН» 2009; 37стр

юкорида номлари зикр этилган муаллифлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда замонавий терминларнинг тарихий моҳияти, мазмуни тарихи билан боғлиқ маълумотлар учрамайди. Бу масала ўзбек олимлари томонидан ҳам яхлит тарзда тадқик этилмаган. Бундан ташкари, ҳар бир миллатнинг ўз-характери, дунёқараши, тафаккур тарзи, хусусиятлари бор. Сиёсий атамаларнинг мазмун моҳияти эса ана шу ҳалқ тафаккурини ифодалайди. Миллий рух сиёсий атамаларда ҳам ўз аксини топади ва табиий ҳолда бошқарув тизими самаралорлигига таъсир кўрсатади. Сиёсий атамалар характеридаги етакчи омилиларни ўрганиш учун эса турли сиёсий тарихий жараёнларда асрлар давомида тўплланган ва амалий ҳаётда тажрибадан ўтган, миллий дунёқараш ва бошқарувга мувофиқ келадиган атамаларнинг характеристики, хусусиятлари, мазмуни, кўлланилиш шартшароитлари, қонуниятлари ва принципларини ўрганиш, умумлаштириш ва бугунти ҳаётда кўлланилаётганлари билан қиёслаш талаб этилади. Шунингдек, замонавий сиёсий терминларнинг тарихий мукобиллари миллий, тарихий, тарихий-эволюцион, тарихий тажкира нуқтаи назаридан ҳам ҳали жуда кам ўрганилган. Умуман олганда, барча зълон қилинган илмий тадқиқотлар, адабиётлар ва маколаларда сиёсий фанлар нуқтаи назаридан мавзуга якин йўналишида маҳсус тадқиқотлар ўтказилмаган.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, мустақиллик бизга Алишер Навоий меросини ўрганишнинг кенг уфқларини очди. Шунингдек, Навоий ижоди навоийшунослар томонидан ўрганилиб у кишининг ўзи ҳакида ва асрлари ҳакида катор рисолалар яратилди<sup>6</sup>.

Алишер Навоийнинг ҳаёти, ижодий мероси, дунёқарashi ҳакида кўплаб илмий тадқиқотлар мавжуд. Лекин мутафаккирнинг комил инсон тўғрисидаги карашлари тарихий-сиёсий нуқтаи назардан маҳсус таҳлил

<sup>6</sup> Жумладан: М.А. Азимбоеванинг “Навоий ва хозирги замон” (1991), З.М. Акромовнинг “Навоий ва ҳаёт” (1991), Р.Вохидовнинг “Навоийнинг номи барҳаёт” (1991), “Навоийнинг икки дурдонаси” (1992), Н.Маллаевнинг “Сўз санъатининг гултоғи” (1991), М.Муҳидиновнинг “Икки олам ёғдуси” (1991), А.Кодировнинг “Навоий ва тибибиёт” (1991), Ҳ.Қудратиллаевнинг “Навоийнинг адабий-эстетик олами” (1991), А.Қаюмовнинг “Нодир саҳифалар” (1991), М.Ҳакимовнинг “Алишер Навоий асрларини кўчирган ҳаттотлар” (1991), С.Ҳасановнинг “Навоийнинг етти тухфаси” (1991), А.А.Абдуазизовнинг “Алишер Навоий меросининг хорижий элларда ўрганилиши” (1992), А.Абдугафуровнинг “Навоий ижодида сатира” (1992), Н.Ражабовнинг “Алишер Навоий ва она тилимиз” (1992), Ҳ.Бобоевнинг “Алишер Навоий буюк давлат арбоби” (1993), Олим Султонмуроддининг “Накшбанд ва Навоий” (1996), Жумахўжа Нурсатилионинг “Сатрлар силсиласидаги сехр” (1996), Ш.Шариповнинг “Лисон ут-тайр ҳакиқати” (1998), З.Гаффоровнинг “Навоийнинг ҳамд ва наът газаллари” (2001), Мухаммад Носирнинг “Анкони маҳрам киздингиз.. Навоийнома” (2004), М.Абдухайровнинг “Навоий мероси сўз маҳзани” (2005) каби рисолалар яратилди.

қилинмаган. Шунингдек, шўролар давридаги илмий тадқиқотларда Навоий асарлари, кўпинча, бир томонлама, яъни ўша давр мағкурасига мос тарзда ўрганилган ва талқин этилган. Жумладан унинг сиёсий муносабатлар, сиёсий раҳбарлик, сиёсий бошқарув, сиёсий жарёнлар, дин, унинг сиёсий-хуқуқий муносабатларда ва жамият манзувий хаётидаги тутган ўрни билан боғлиқ ва бошқа айрим мухим фалсафий жиҳатлари баён қилинган асарлари шўро тузуми даври воқеълиги ва унинг мағкурасига зид бўлганлиги, учун қискартирилиб ҳатто ўзгартириб чоп этилган, ҳатто мутлақо чоп этиш тақиқланди.

Ушбу мавзунинг бальзи жиҳатлари ҳакида олимлардан Е.Бертельс, И.Мўминов, В.Зоҳидов, Н.Маллаев, М.Хайруллаев, Н.Комилов, М.Орипов, Х.Аликулов, И.Ҳакқул, Султонмурод Олим, О.Эргашев, С.Каримов, Б.Эралиев, А.Зоҳидов, М.Муҳиддинов, М.Т. Ойбек, В.Зоҳидов, А.Ҳайитметов, А.Қавомов, И.Султонов, М.Кўшжонов, С.Ғаниева, С.Эркинов, Э.Рустамов, Т.Аҳмедов, П.Шамсиев, С.Айний, Ў.Сулаймон, Ш.Шомухаммедов, А.Абдуқодиров, А.Рустамов ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин<sup>7</sup>. Бу олимларнинг Навоий ижоди бўйича олиб борган тадқиқотлари шўро воқеълиги зуғумлари таъсирида қай тарзда ёритилган бўлишидан катъи назар юқоридаги олимларни буюк хизматлари ва ҳатто қаҳрамонлигини тан олиш лозим деб уйлаймиз.

А. Навоий ҳаёти, фаолияти, ижоди, ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўрни ҳакида маълумот берувчи манбалар, унинг ҳаётлик давридаёқ, мутафаккирнинг замондошлари томонидан ишончли бирламчи манбалар сифатида ёзиб қолдирилган.

Умуман, Навоийнинг ҳаёти, ижоди, фаолияти ва хусусан ижтимоий-сиёсий қарашлари билан боғлиқ манбаларни куйидаги гурӯхларга ва даврларга бўлиш мумкин:

<sup>7</sup> Каранг: Бертельс Е.Э. Навои и Джами. Избр. труды. -М.: Наука, 1965; Муминов И.М. Выдающиеся мыслители Средней Азии. -М.: Знание, 1966; Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафakkur тарихидан лавҳалар. -Тошкент: Фан, 1999; Захидов В. Мир идей и образов Алишера Навои. -Ташкент: Из-во худ. литературы Узбекской ССР, 1961; Улуг широр ижодининг қалби. -Т.: Ўзбекистон, 1970; Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. -Тошкент: Ўқитувчи, 1965; Хайруллаев М.М. Навоий дунёкарашининг гоявий манбаларини ўрганиш ҳакида. // Навоий ва адабий таъсир масалалари. -Т.: Фан, 1968; Аликулов Х. Социально-утопические идеи в Средней Азии. -Тошкент: Фан, 1983; Арипов М. Гуманизм Алишера Навои. -Ташкент: Узбекистан, 1991; Аликулов Х. Этические воззрения мыслителей Средней Азии и Хорасана. -Т.: Фан, 1992; Султонмурод Олим. Накшбанд ва Навоий. -Т.: Ўқитувчи, 1996; Иброҳим Ҳакқул. Навоий шеъриятида комил инсон мавзуи // Алишер Навоийнинг ижодий мероси ва унинг жаҳоншумул аҳамияти. -Тошкент-Навоий: Фан, 2001; Навоийнга кайтиш. -Т.: Фан, 2007; Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. -Тошкент: Манзувият, 2005; Комилов Н. Тасаввuf. -Т.: Mavarounnahr-Ўzbekiston, 2009. ва б.

**Биринчидан:** Навоий ўз асарларида ўзи ҳакида ёзib қолдирган, биографик асарлар, ўз замондошлари билан олиб борган ёзишмалари бўлиб, булар энг ишончли манбалардир. Энг эътиборлиси шундаки, Навоий мактубий алоқаларни хукумдор Ҳусайн Байқаро, унинг фарзандлари, шаҳзодалар яъни давлат ҳокимиятининг асосий устунлари билан, ҳамда ўша давр ижтимоий-сиёсий ҳаётида кучли ўринга эга бўлган машҳур тарихий шахслар билан олиб борган. Унинг бу фаолияти шоир ва ижодкор сифатидаги мақомининг қай даражада эканлигини кўрсатса, сиёсатчи сифатида, ўз даври сиёсий ҳаётидаги ўрнини ҳам шу даражада акс эттираади.

**Иккинчидан:** тадқиқот мавзуумизнинг моҳиятини очишга хизмат киладиган асарлар бўлиб, биз бунда бевосита ижтимоий-сиёсий тафаккур, ижтимоий-сиёсий назариялар мужассамлашган асарларни таҳлил қиласиз.

**Учинчидан:** Навоийнинг замондошлари у ҳакида ёзib қолдирган хотиралари бўлиб улар биз учун, тарихий-мемуар манбалар бўлиб хизмат киласиз.

Навоий ҳакида хотиралар ёзган муаллифларни ҳам З гуруҳга бўлиш мумкин: *биринчидан* - Навоийнинг ўзи ва ўзидан катта ёшли замондошлари, уни эътироф қилган устозлари томонидан ёзилган манбалар; *иккинчидан* - Навоийнинг кичик замондошлари ва ундан кейин яшаган мумтоз адабиётимизда ўзининг ўрнига эга бўлган ижодкорлар ва тарихий асарлар ёзib қолдирган муаллифлар асарлари; *учинчидан* - кейинги давр навоийшунос олимлари томонидан яратилган асарлар<sup>8</sup>.

Биз Навоий қарашларини ижтимоий-сиёсий нуктаги назардан таҳлил қилиш учун, мавжуд асарлари ва ўрни келганда мутафаккирнинг сиёсий-ижтимоий фаолиятини кўрсатиш мақсадида у ҳакидаги бошқа муаллифлар асарларини кептириб ўтдик. Кейинчалик А. Навоий ҳаёти, ижоди ва фаолиятини, кўпроқ адабиётшунослик фани, аниқроғи навоийшунослик ихтисослиги, филологик, манбашибунослик, матншунослик нуктаги назардан бир катор тадқиқотчилар ўрганишган. Бу даврни шартли равищда XIX аср охири ва XX аср навоийшунослиги деб белгилаш мумкин<sup>9</sup>.

<sup>8</sup> Масалан: Султон Ҳусайн Бойкаронинг “Рисола”, З.М. Бобурнинг “Бобурнома”, Мирхондинг “Равзатус-сафо”, Кондамирнинг “Ҳабибус-сияр” (“Таржиман холлар”), “Равзатус-сафо”, “Хуносатул-ахбор” (“Ҳабарлар хуносаси”), “Макоримул-ахлок” (“Яхши хулқлар”) асарлари, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкираи Давлатшоҳий”, “Тазкиратуш шуаро” асарлари, Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъул-вакъе” (Ажойиб воказалар), Абдураззок Самарқандий “Матлавус-саъдайн ва Мажмъулат-баҳрайн”, Мирзо Ҳайдар “Тарихи Рашидий” асарлари шу жумладан, дейиш мумкин.

<sup>9</sup> Булар: Бартольд В.В. “Мир Али Шир и политическая жизнь” с/т “Мир Али Шер” 1928; Бертельс. Е.Э. Болдырев А.Н., Семёнов А.А. “Мир Али Шир Навои” А.А.Молчанов-“к

Улуғ мутафаккирнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ўрганиш Farб олимларини ҳам эътиборсиз қолдирмаган. Шу ўринда юридик фанлари доктори, профессор X.Бобоевнинг номзодлик диссертациясида келтирилган эътиборга лойиқ бир илмий ишни айтиб ўтиш лозим<sup>10</sup>. У 1856 йили Санк-Петербургда М.Никитский “Эмирь-Низам-эд-Динъ Али-Шир в государственном и литературном значении” номли магистрлик диссертациюни ёзган. Эътиборли жиҳати шундаки, М. Никитский мутафаккирнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, ижтимоий-сиёсий нуфузи ва нуфузини, мақомини ифода этувчи унвонларини тўғри келтиришга ҳаракат қилган. Бу ҳол ўз даври учун тўғри ва холис баҳо бўлиб, кейинги давр тадқиқчилари учун намуна бўладиган тадқиқот деб баҳоласа бўлади.

Ўзбекистонда навоийшунослик XX асрда айниқса юксак чўққига чиқди. Бу даврда ўзбек адабиётини ва адабиётшуносларини йирик номояндалари Навоийни йирик мутафаккир шоир сифатида чуқур ўрганиб таҳлил этишди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бу навоийшунослар Навоий ижоди ва фаолиятини аввало адабиёт, ўзбек адабиёти тарихи, филология, манбашунослик, матншунослик, фалсафа фанлари нуқтаи назари ва ихтисослиги асосида ўрганишган. Навоий маънавий мероси айнан унинг қарашларининг ижтимоий-сиёсий қарашларининг фалсафий-киёсий таҳлили тарзида ўрганилмаган. Биз ушбу мавзуни тадқиқ этишга ҳаракат қилдик.

Шу ўринда шуни айтиб ўтиш керакки, биз мазкур мавзумизни ёритиш учун манбавий жиҳатдан барча имкониятлар мавжуд. Яъни Навоийнинг ижтимоий сиёсий қарашларини ўрганиш ва фалсафий киёсий таҳлил этиш учун, мутафаккирнинг ўзини бевосита биографик манбалар, ўлмас асрлари, олим ҳақида унинг замондошлиари кейинги навоийшунослар қолдирган маълумотлар, барча фан ихтисосликлари бўйича қилинган диссертациялар қандай тарзда ва қандай услубда бўлишидан катъи назар ушбу мавзумизни ёритишида хизмат қиласи ва бундай манбалар муаллифларига миннатдорчилдигимизни билдирамиз.

Ушбу монографиямизда куйидаги масалаларни тадқиқ ва таҳлил қилишни мақсад қилдик:

характеристике налоговой системы в Герате эпохи Алишера Навои”; Т 1940”; Ю. Якубовский “Черты общественной и культурной жизни эпохи Алишера Навои” М-Л-1940., Семёнов А.А. Гератское искусства в эпохи Алишера Навои, “Родоначалик Узбекской литературы” Т. 1940; ЎАТ. 2. 69; Гератская художественная рукопись эпохи Навои и её авторы, ст.” Алишер Навои” М-Л-1946; Бертельс. Е.Э. Навои “Избранные труды, Навои и Джами” М: “Наука” 1965.

<sup>10</sup> Бобоев.Х. Государственно-правовые взгляды Алишера Навои. Автореф. На соиск уч ст канд юр наук. Т.-1975;

- Алишер Навоий яшаган ижтимоий мухит ва унинг мутафаккир ижтимоий-сиёсий қараашлари шакланишидаги ўрни;
- Алишер Навоий ижтимоий-сиёсий қараашларини юзага келтирган тарихий шарт-шароит ва унинг хусусиятлари;
- Навоий қараашларида ижтимоий-фалсафий категориялар: тушунча ва моҳият;
- Фалсафий таълимотлар моҳиятининг Навоий асарларидаги хусусиятлари
- Навоий ижтимоий-фалсафий қараашларида ислом дини ва шариат масалалари
- Алишер Навоий асарларидаги фалсафий тушунчалар таснифи ва ижтимоий жараёнлар;
- Мутафаккирнинг сиёсий ҳокимият ва уни амалга оширишга доир қараашлари;
- “Махбуб ул-кулуб”нинг Навоий ижтимоий-фалсафий қараашларидаги алоҳида ўрни;
- Алишер Навоийнинг жамият ва унинг таркиби тўғрисидаги қараашлари
- Алишер Навоий давлат бошқарув ва раҳбарлик мезонларнинг тизимлашуви.

## **І боб. АЛИШЕР НАВОЙ ШАКЛАНГАН ДАВРИ ИЖТИМОЙ МУХИТИ, ТАРИХИЙ ВАЗИЯТ ВА УНИНГ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИДАГИ ЎРНИ**

### **1.1. Алишер Навоий яшаган ижтимоий мухит ва унинг мутафаккир ижтимоий-сиёсий, фалсафий қарашлари шаклланишидаги ўрни**

Улуг мутафаккир олим, сўз мулкининг султони, йирик сиёsat ва давлат арбоби, ижтимоий-сиёсий, фалсафий фанлар соҳасида бекиёс мерос қолдирган улуг даҳо, ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси – бобокалонимиз Амир Алишер Низомиддин Навоийнинг маънавий меросини ўрганиш бутун жаҳон олимлар хусусан шу соҳага дахлдор бўлган мутахассисларининг асосий тадқиқот мазуси бўлиб келмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Навоий ижодини тадқиқ этган муҳтарам устозларимиз ҳам мутафаккирнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини мутлақо четглаб ўтмаганлар. Лекин уларнинг тадқиқотларида кўпроқ ургу, У кишининг асосан шоирона даҳоси бадиий сўз мулкининг султони сифатидаги сиймосини шакллантиришга қаратилган. Биз тадқиқотимизнинг асосий манбаси сифатида асосан бевосита Навоий асарлари билан бирга йирик навоийшунос олимларнинг мутафаккир ҳақидаги асарлари, илмий тадқиқот ишларидан фойдаландик.

Тадқиқот ишимизда – А.Навоийнинг туғилиб ўсган оиласвий мухит ва унинг ҳам шахс сифатида ва арбоб сифатида шаклланишида муҳим ўрин тутган ижтимоий-тарихий мухит хусусида тўхталмоқчимиз.

Кўпчиликнинг назарида, айниқса Навоий асарларига шунчаки муҳлис бўлган кишилар, Навоий ўзи аслда шоир бўлиб, темурий шаҳзода Ҳусайн Бойқаро билан мактабдошлиги туфайли унинг вазири бўлиб, сиёsat майдонига тасодифан келиб қолган деган қарашлар борлигини таҳмин килиш мумкин. Шу масалаларга ойдинлик киритиш учун, Навоийнинг, қандай оиласда туғилиб ўсганлиги, қандай ижтимоий мухитда шаклланганлиги, қандай ижтимоий-сиёсий воқеълик шароитида яшаб фаолият олиб борганлиги мисолларида, тарихий маълумотлар, мутафаккирнинг ўз асарларида ўзи ҳақидаги қолдирган манбаларга мурожаат килиб, у

ҳакида замондошлари томонидан ёзиб қолдирилган маълумотларни келтириб кейин хуласалар килиб борамиз.

Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда (хижрий 844 йил рамазон ойининг 17 куни, товук йилида) Хурросоннинг ҳам сиёсий ҳам маданий пойтахти бўлган Ҳирот шахрида туғилган. Унинг отаси томондан аждодлари темурийлар хонадонининг яқин ҳамкори, бошқача айтганда “ўзининг одамига” айланиб кетган эди. Баъзи манбаларда, гарчи улар ўртасида қон-кариндошлик алоқалари бевосита тасдиқланмаса ҳам, темурийлар хонадонининг вакили эканлигини тасдиқловчи маълумотлар бор. Тарихий манбааларни гувоҳлик беришича, Навоийнинг ота томонидан бобоси темурий шоҳзода Умар Шайх мирзо билан кўкалдош, - яъни бир онани эмиб катта бўлишган.

Йирик навоийшунос олим Иззат Султон, Мирхондинг “Равзатус-сафо” асаридаги маълумотга асосланиб, “Амир Алишернинг бобоси темурий шахзода Умар Шайх билан кўкалтош (эмикдош-бир онани эмган болалар)”<sup>11</sup> эди дейди. Шу яқинлик туфайли Навоийнинг бобоси, Бойқаро мирзо (Хусайн Бойқаронинг бобоси) даврида Кандаҳор ҳокими бўлган<sup>12</sup>. Навоийнинг ота томони авлодлари ҳам, она томон авлодлари ҳам темурийлар салтанатида узоқ ва ишончли хизмат қилган кишилар бўлган. Навоийнинг онаси, қобулнинг амирзодаларидан,- Шайх Абу Саид Чангнинг қизи бўлган. Ёш Алишер ана шу имконият ва вазият тақозоси билан сарой маликалари ва аъёнлари билан қариндошлик алоқалари юзасидан саройга тез-тез бориб турган<sup>13</sup>.

Мутафаккирнинг ўзи “Бадоेъул-бидоя” асарида Темур ва темурийлар сулоласи ва ўзининг шу сулолага қанчалик тегишли эканлигини назарда тутиб, шундай дейди:

“Отам бу остананинг ҳокбези,  
Онам ҳам бу саробўстон канизи,  
Манга гар худ бўлай булбул ва гар зоз  
Ким, ушибу даргаҳ ўлгай гулшану боғ”<sup>14</sup> дейди.

<sup>11</sup> Иззат Султон Навоийнинг қалб дафтари (4 томлик) З том Б-27.

<sup>12</sup> Ойбек Муқаммал асарлар тўплами Т.-1977. XI том 271-275 бетлар. яна қаранг Ҳ.Бобоев Алишер Навоийнинг давлат ва хукуқ ҳакидаги foяллари юрид. фан.номз. илмий. даролиц. учун ёзилган дис-я. Т.- 1973. Б- 48

<sup>13</sup> Ойбек МАТ XI том Т.-1977, Б-280.

<sup>14</sup> А. Навоий “Бадоеул-бидоя” Муқаммал асарлар тўплами(20 жилдлик) 1 жилд. -Т., 1987. Б-17. яна: Иззат Султон Навоийнинг қалб дафтари (4 томлик) З том Б-28.

Ушбу асарнинг насрый матнида ҳам “... агарчи ота-онадин етти пуштга дегинча бу рафиъ дудмоннинг бойири бандаси ва василь остоинанинг мавруси түгмаси, яъни бу хоназоданинг хонаводаси ва хонаводанинг хоназодаси эрди”<sup>15</sup> деб, ўзини шу табаррук остоинага тегишли киши эканлигини ёзади. Бу ерда мутафаккирнинг “хонавода” ва “хоназода” сўзларининг маъноси шуки, хоназода - зоди жихатдан ҳам, хонавода,- хизмат юзасидан ҳам шу сулолага хос кишилар эдилар дейди.

Навоийнинг отаси Фиёсиддин кичкина эса Абулқосим Бобур даврида Сабзавор ҳокими бўлганлиги мутафаккирнинг ўз асалари тилидан ва тарихий манбалар билан исботланган ҳакиқат. Навоийнинг отаси билан эса Ҳусайн Мирзонинг отаси Фиёсиддин Мансур ҳам жуда дўстона ва қадрдонлик алоқада бўлган. Демак темурийларда бу хонадон вакилларига нисбатан кучли ишонч ва узоқ муддатлик қадрдонлик шаклланган. Навоийнинг ўзи бу ҳақда, - “мулк подшоҳи отамни ҳукумат расми билан Сабзаворга юбориб эрди”<sup>16</sup> дейди.

Ўз замонасининг зиёлиси бўлган Фиёсиддин Кичкина бутун эътибори ва давлатини Алишернинг илмли бўлишига қаратганлиги ҳакида Давлатшоҳ Самарқандий шундай ёзади,- “У ўз фарзандини турли фазилатлар билан безаш учун олий ҳимматини борини сарф қилди ва у бузуркворнинг ҳаракати бекор кетмади, бунинг натижасида унинг ўғли иззат ва катталик таҳтига ўлтириди”<sup>17</sup>.

Навоийнинг отасини кичик баҳши дейишига яна бир сабаб шу эдики, У жуда кўп шеър ва достонларни ёдан билар ва адабий мажлисларда фаол катнашарди<sup>18</sup>. Шу ўринда унинг нафакат баҳшилиги яъни шеър ва достонлар билан чекланмай унинг асосий сиёсий макоми Сабзовор ҳокими бўлганлиги мисолидан аён бўлади.

Отадан эрта етим колган Алишер Навоий, Ҳусайн Мирзо билан бирга, темурий шоҳзода Улуғбек Мирзонинг укаси (Шоҳруҳ мирzonинг ўғли) Бойсунгур мирzonинг ўғли Абулқосим Бобур саройида катта бўлади. Ана шу даврда улар мактабда ҳам бирга ўқишиди. Лекин мактабдошлик унча узоққа чўзилмайди. Шоҳруҳ

<sup>15</sup> А Навоий “Бадоул-бидоя” Муқаммал асаларлар тўплами (20 жилдлик) I жилд.- Т., 1987. Б-17.

<sup>16</sup> Навоий А. Мақолосун ун-нағоғис МАТ 13 жилд Т.-1997. Б – 29. Яна Иззат Султон 67 бет. Яна қаранг Расулов Г. Алишер Навоин-великий узбекский поэт и мыслитель. Т.; Узбекистан, 1991.-С-6.

<sup>17</sup> Абдураззок Самарқандий. Матлаи сайдайн ва мажмаи баҳрайн. II жилд I-кисм. -Т.: Узбекистон, 2008. Яна: Ўзбек адабиёти тарихи (IV томлик) II том Т., 1977 Б-42.

<sup>18</sup> Ўзбек адабиёти тарихи (IV томлик) II том Т., 1977 Б-42.

мирзо вафотидан кейин тож-тахт учун курашлар кучайиб кетади. 14 ёшли Ҳусайн Бойкаро Абулқосим Бобур хизматига ўтади. Абулқосим Бобур ўлимидан кейин юзага келган бекарорликдан кейин кўп ийллик курашлар натижасида У 1458 йилда Марвни қўлга олади<sup>19</sup>. Сиёсий барқарорлик бўлмагани учун, кўпчилик ҳар томонга кетиб қолади. Жумладан, Навоийлар оиласи ҳам Машҳадга кетади. Навоий ўша ерда ўқишни давом эттиради. Бу орада 1457 йилда Абулқосим Бобур Машҳадда вафот этади. Бир қанча муддатдан кейин Навоий Ҳиротга кайтади. Тахдидли ҳолат ҳукм сурәтган вазиятда Абу Саид мирзо Ҳурносон ҳукмдори бўлиб колди. Бу пайтларда Ҳиротда Абу Саид ҳокимиятига қарши исенлар бўлиб турган эди. Навоийнинг тоғалари бадаҳшонийлар қўзғолонига хайриҳолик қилгани учун, Навоий ўзининг Ҳиротда туриши хавфлилигини билиб, Самарқандга келади. Айрим тарихчилар Навоий Абу Саид томонидан сургун қилинган деган маълумотларни ҳам колдиришган. Ҳусусан, “Бобурномада”, - “Билмон не жарима бирла, Султон Абусаид мирзо (Навоийни) Ҳирийдан ихрож (чикариб юборди, сургун қилди) қилди. Самарқандга борди, неча йилким, Самарқандта эди, Аҳмад Ҳожибек мураббий ва муқаввийси эрди”<sup>20</sup>, дейди.

Айрим навоийшуносларнинг фикрича, Навоийнинг Самарқандга келишини расмий сургун эмас, балки бекарорлик, нотинчлик бўлғанлиги учун ва Самарқанд шу даврда нисбатан тинч ҳамда илм ва маданият маркази бўлғанлиги туфайли деб изоҳланади. Шоҳруҳ мирзо ҳукронлиги ва раҳнамолигида Ҳирот узок муддат Ҳурносоннинг пойтахти ва маданият маркази бўлган бўлса, Самарқанд Мовароуннахрнинг пойтахти ва маданият маркази бўлиб, улар ўртасида яхши маънодаги ракобат мавжуд эди. Самарқанддаги маданият, адабиёт ва илм фаннинг ривожида сўзсиз Шоҳруҳ мирзонинг ўғли Мирзо Улуғбек мирzonинг ўрни катта эди. Навоийнинг кўпроқ айнан Самарқанднинг маданият маркази эканлиги ва нисбатан тинч бўлғанлиги, бу ерда жуда таникли ижод дарғалари борлиги қизикириар эди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Навоийнинг отаси қайси хизмат билан қаерга юборилмасин, у кўп ҳолларда саройда қоларди. Бу ҳол ўрта аср шароитида биринчидан салтанатга содик хизматлар

<sup>19</sup> Ойбек Муқаммат асарлар тўплами. -Т., 1977. XI том 419 бет.

<sup>20</sup> Бобур Захириддин Муҳаммад “Бобурнома” Т.- “Юлдузча” 1989.- Б-153. яна-Бобоев X. Алишер Навоийнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги ғоялари юрид. фанномз. илмиювудар билиш. учун ёзилган дис-я. Т.- 1973. Б- 50.

киладиган кишиларни фарзандларига хурмат, уларни ҳам сарой мухитида тарбиялаб шакллантириш учун асос бўлса, иккинчидан давлатнинг муҳим лавозимларида хизмат олиб борадиган, ишончли кишиларнинг хиёнат йўлига кирмасликлари учун уларнинг фарзандлари саройда гаровда турарди<sup>21</sup>.

Султон Муҳаммад, Абулқосим Бобур ва Алайдавлалар Бойсунгур Мирзонинг ўғиллари бўлиб, оталари ўлганидан кейин боболари, темурий шаҳзода Шоҳруҳ мирзо тарбиясида улгайишган эди. Адабиёт ва санъатга ихлосманд Абулқосим Бобур Хирот таҳтида турган пайтида саройда тез-тез мушоиралар қилиб турган. Унинг ўзи ҳам туркий ва форсий тилларида шеърлар ёзарди.

Алишерларнинг хонадонида кўплаб аслзодалар, адабиёт, маданият, дин арбоблари келиб тез-тез сұхбатлар бўлиб туриши одатий ҳол эди. Табиатан зийрак Алишер, бу сұхбатлардан катта таасуротлар олиб, ўз маънавият хазинасини бойитиб борарди. Шундай сұхбатларнинг бирида кекса, нуфузли бир барлос Алишерга “Алишербек отни яхши кўрасизми” деганда 3-4 ёшлардаги Алишер “ҳа отни жуда яхши кўраман, лекин фикрлашдан мароқлироқ машгулот йўқ. Шунинг учун фикрлашни унданда яхши кўраман” деб жавоб беради ва даврадаги катталарни ҳайратлантириб қўяди. Ўшанда кекса барлос ва бошқа даврадагилар бу болани ўқитиши кераклигини таъкидлашади<sup>22</sup>.

Навоийнинг ёш замондоши Бобур “Бобурнома”да “Алишербек – беги эмас эди, балки мусоҳиби (подшога сұхбатдош, улфат) эди”<sup>23</sup> дейди. Яъни Бобур мирзонинг эътирофи ва бошқа Навоий ҳақида манбалар қолдирган ижодкорларнинг маълумотлари ва эътирофига кўра, Навоий бек эмас, балки, шоҳнинг бевосита сұхбатдоши, маслаҳаттўйи унинг яқин дўсти бўлган.

Мутафаккирнинг бундай мақомини унинг бошқа асаллари, ўзи тўғрисида ёзib қолдирган манбалар ва хусусан унинг “Муншаот” асарида келтирилган Султон Ҳусайн ва унинг фарзандлари билан олиб борган ёзишмалари, яъни мактублари орқали ҳам аниқ билиш мумкин. Масалан “Муншаот”га киритилган бир нечта мактублар, Султон Ҳусайн ва унинг ўғилларига панд-насихат руҳи билан сугорилган.

<sup>21</sup> Иzzat Султон Навоийнинг қалб дафтари (4 томлик) 3 том Б-72 бет.

<sup>22</sup> Иzzat Султон Навоийнинг қалб дафтари (4 томлик) 3 том Б-27-40.

<sup>23</sup> Бобур Захириддин Муҳаммад “Бобурнома” Т.- “Юлдузча” 1989.- Б-153,

“Муншаот”нинг 57 мактубида қуйидаги маслаҳат мазмунидаги қуйидагилар айтилган: “Куллук арздошт улким, бир неча сўз хотирга келиб эрди, арз қилмоғи вожиб кўрунди. Аввал улким, илтизом қилилсаким, эрта уйғониб намоз қилилса, агар эшикда масжид тайин қилиб, фарзни жамоа била қилилса-худ фабиҳо ва илло беш вақт бори тарк бўлмаса, борча масжидда мұяссар бўлмаса, баъзи бори бўлса.

Яна улким, алласабоҳ ҳарамдан чиққач, девонда ўлтуриб додгоҳ сўрилса, даги додгоҳ сўрарда ўзлук била машғуллик қилилса, агар бир мазлумға бирордин зулме ўтган бўлса, золимға андоғ сиёsat қилилсаким, ўзга золимларга мужиби интибоҳ бўлса”.

“....яна улким, умид улдурким, ҳақ таоло чоғирдин куллий тавфиқ бергай. Агар бу учарда уйку иртикоғ қилилса, албатта пешиндин бурун бўлмаса...”

Яна улким, мулк ва мол ишидин, бас додгоҳ ишидин фарогат ҳосил бўлса, малолат дафъи учун китобхонаға қилилса, китобхона аҳли била машғуллик қилилса. Наввобдин ҳар қайси муносиб кўрунса таворих ўқумоқ буйрулса, батахсис “Зафарнома” агар машойих сўзи ё баъзи даввовин даги гуфту-шунуфт бўлса номуносиб эрмас<sup>24</sup>. Бундай маслаҳат мазмунидаги мактублар ушбу мактуботда жуда кўп бўлиб, Навоийнинг Султон Ҳусайнга унинг фарзандлари, бошқа темурийларга ҳам ўз фикрини билдириши, салтанат бошқариш масалаларида эркин бўлганлии, асасий маслаҳатгуй ва салтанатнинг асосий таянчларидан бўлганлиги аён бўлади.

Навоий ҳаётининг навқирон ёшлиқ даврининг тўрт (1465-1469) илии Моваруннахрнинг пойтахти Самарқанд шаҳрида ўтади. У Самарқандда ҳам илм ўрганади. Навоий Самарқандда машҳур фикҳшунос олим Хожа Фазлуллоҳ Абулайсий, Аҳмад Ҳожибек каби машҳур олимларга шогирд тушади. Абулайс Самарқандий Навоийдаги фавқулодда қобилияти ва интилишини кўриб уни ҳурмат юзасидан ўғил сифатида қабул қиласиди. Навоий асарларида, айниқса “Мажолис ун-нафоис” (“Нафис мажлислар”) да Самарқандлик ўнлаб олимларнинг номларини келтириб, уларни салаф<sup>25</sup>, яъни ижод соҳасида устоз деб улуғлайди.

Навоий доимо темурий подшоҳларнинг эътибори ва хомийлигида бўлганлиги кўплаб манбаларда акс этганлигини айтиб ўтиш керак. Машҳур тарихчи - Хондамирнинг “Макорим ул ахлоқ”

<sup>24</sup> Навоий Алишер “Муншаот” МАТ.Т. -Т.: Фан, 14 жилд Б-186-190

<sup>25</sup> Навоий Алишер “Мажолис ун-нафоис” МА Т. -Т.: Фан, Б-68.

(“Яхши хулқлар”) асарида “Соҳибқироннинг(бу ерда Ҳусайн Бойкаро назарда тутилмокда) улуғ номдор отаси Султон Ғиёсиддин Мансур, саодатли подшоҳ Мирзо Султон Муҳаммад Бойкаро ва бошқа якинлари, қариндош уруғлари, бу буюклик гули ғунчаси (яъни Алишерга) ҳамиша меҳр ва шафқат кўзи билан бокар эдилар ва илҳом нишонали сўзларидан яхшилик сезиб, муҳаббат ва марҳамат билан тарбиялар эдилар”<sup>26</sup> дейди.

Шу ўринда Алишер Навоийга берилган юксак унвон ва даражалар хусусида ҳам айтиб ўтиш лозим. Аввало кўп ўринларда бизда, Мир Алишер Навоий деб айтишга одатланилган бўлиб, аслда бу сўз “амир” сўзининг қисқартирилган шакли бўлиб, у зотнинг амирлик даражасини англатади. Бундай унвонлар жуда юксак ижтимоий-сиёсий нуфузга эга шахсларга берилиб, бундай кишилар ижтимоий-сиёсий ҳаётда салмоқли мавқега эга кишилар бўлган. Амирлар мусулмон Шарқи мамлакатларида, олий ҳокимиятга даҳлдор кишиларга бериладиган юксак унвон. Навоий ҳали Самарқанддалик пайтида “Чигатой амири” деган номга сазовар бўлган эди. Бу унвон унга ўша давр воқелигига қадимги туркий тилнинг - Чигатой тили<sup>27</sup> деб айтилганлиги ва шоирнинг бу тил ривожи ва келажаги учун ўта фидоий бўлганлиги учун, туркийзабон(чигатой тилида гаплашувчи ва ижод қиласидан) шоирлар ва олимлар томонидан берилган эди.

Навоий Самарқанд ва атрофдаги туманларда бўлиб сиёсий ишларда иштирок эта бошлайди. Тарихчи Хондамирнинг хикоясига кўра Алишер Навоий Султон Ҳусайннинг Самарқанд атрофида асир олинган аскарларини бир неча бор ўлимдан куткариб қолади. Унинг бундай муҳим ишларни ҳал қилинча қатнашиши, маҳаллий ҳокимиятда бирор расмий лавозимда бўлганлигидан далолат беради. Шунингдек “Томуғ-тавориҳ” муаллифи ҳам “Амир Алишер, Мирзо (Ҳусайн Бойкаро) хизматидан олдин Самарқандда бир канча вақт Султон Аҳмад Мирзонинг мулозими бўлган ва чигатой амири деган мансабга эга эди” деб ёзади<sup>28</sup>.

Навоийнинг ёшлиқ йилларида унга темурийлардан маърифатга ҳомий бўлган Шоҳруҳ мирзо даврида Хуросон ва Мовароуннахрда яратилган маданий юксалиш ҳам катта таъсир кўрсатди. Ўша даврда

<sup>26</sup> Иззат Султон Навоийнинг калб дафтари (4 томлик) З том Б-29-30.

<sup>27</sup> Чингизхоннинг ўғли Чигатоий улуси ерларида мумтоз ўзбек тили шакланганлиги учун Чигатой тили деб айтилганлиги тарихдан маълум.

<sup>28</sup> <sup>28</sup> Ўзбек адабиёти тарихи (IV томлик) II том Т., 1977, Б-53.

Хурсонда Шохрух (1377-1447) ва унинг ўғли Мирзо Улугбек (1394-1449) Мовароунахрда ўзига хос маданият марказларини ривожлантирган бўлиб, улар доимий алоқада эди. Шунингдек, Шохрух мирзонинг ўғли ва вазири Бойсунгур мирзо (1397-1434) ҳам Ҳиротда маданият, адабиёт, илм-фан ривожига ҳомийлиги билан ажралиб турган. Айниқса Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийнинг темурий шоҳзода Абулқосим Бобур саройида тарбия топиши ва хизмат қилиши уларнинг ҳаётида катта ҳаёт ва ижод мактаби бўлади. Темурийзодаларнинг аксарияти маданият ва адабиёт ҳомийсигина бўлиб колмасдан, балки улар ўзлари ҳам бадиий ижод ҳам килаганилиги тарихий манбаларда тасдиғини топган ҳақиқатdir. Улардан баъзилари девон ҳам тузганлиги Ҳусайн Бойқаро мисолида аён бўлади. Навоий темурийзодаларнинг деярли барчасини кўплаб асарларида юксак баҳо билан тътифлайди. Ҳусусан унинг “Мажолис ун-нафоис” асарининг еттинчи мажлисида<sup>29</sup> уларга алоҳида баҳо берип, ҳусусан уларнинг шеъриятга рагбат ва иқтидорликларини таъкидлайди.

Навоийнинг болалик пайтиданоқ ўткир зеҳни ва юксак маданиятли бўлганлиги учун деярли уни билган, у билган темурийлар унга алоҳида эътибор ва рагбат кўрсатишган.

Навоийнинг она томонидан қариндошлари, яъни тоғалари Ғарифий ва Қобулийлар<sup>30</sup> ўз даврининг таникли шоирлари бўлиб, Ҳиротдаги ижтимоий-сиёсий муҳитда ўз мавқеига эга бўлишган. Энг мухими улар ҳам темурийлар, ҳусусан Ҳусайн Бойқаронинг суюнган маслаҳатчиларидан эдилар<sup>31</sup>.

Навоий ўз замонасининг забардаст мутафаккирлари Абдураҳмон Жомий, Лутфий ва Самарқанд танишган ва сабоқларидан баҳраманд бўлган олимларнинг таъсири ҳам унинг ана шундай тафаккур соҳиби бўлиб етишишига замин бўлган.

Навоийга сиёсий мартаба сифатидаги амирлик унвони, Ҳусайн Бойқаро томонидан Ҳирот таҳти эгалланиб, уни Ҳиротга чақиртириб олиниб муҳрдорлик ловозими берилган пайтдаёқ берилган эди. Айрим навоийшунослар Навоийга бу унвон 1472 йилда унинг

<sup>29</sup> Навоий А. “Мажолис ун-нафоис”. МАТ (20 жилдлик) -Т.: Фан, 1997. 13 жилд Б -163-172

<sup>30</sup> Навоий А. “Мажолис ун-нафоис”. МАТ (20 жилдлик) -Т.: Фан, 1997. 13 жилд Б 66-67. яна қаранг,- Иzzат Султон Навоийнинг калб дафтари (4 томлик) 3 том Б -40.

<sup>31</sup> Ўзбек адабиёти тарихи (IV томлик) II том Т., 1977, Б-49.

вазирлик лавозимига тайинланганида амир, амири кабир (катта, улуғ амир)увони берилган деган фикрни илгари суришади<sup>32</sup>.

Мутафаккирга берилган яна бир юксак унвон **Низомиддин** унвони ҳам эътиборга молик. Мусулмон Шарқи мамлакатларида юксак ижтимоий-сиёсий мавқедаги, ижтимоий ҳаётда белгиловчи мавқега эга, миллат, дин, сиёсий масалада ислоҳотларга эришган кишиларга нисбатан “Низом-ад-дин”, “Низом-ал-милла”, “Низом-ал-давла”, “Низом-ал-мулк” даражалари берилган. Масалан Абу Али Ҳасан ибн Али Тусийга (1018-1092) Салжуқийлар давлатига узоқ йиллар хизмат килгани, давлат ишларини юритишнинг низомини ишлаб чикканлиги учун унга Низомулмулк, - яъни давлат низоми(устав) шарафли унвони берилган. Низомулмулкнинг машхур “Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк” асари ҳам унинг давлат бошқарувидаги тажрибалари асосида яратилган йўрикнома, панднома асар бўлиб, ижтимоий-сиёсий таълимотлар тарихида катта кашфиёт бўлганилигини барча ижтимоий-сиёсий фан олимлари ҳамда йирик сиёсатчилар ҳам тан олишади.

Навоий ҳам Ҳусайн Бойқаро салтанатининг асосий таянчи гоявий-назарий раҳнамоларидан бири бўлганлиги, бошқарув соҳасида бетакор назарий асарлар яратганлиги учун у кишига ҳам мусулмон ҳалқи ва диннинг раҳнамоси сифатида **Низомиддин** шарафли унвони берилган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, мумтоз манбаларда кўп ўринларда мусулмонларнинг эътиқодий яқинлиги юзасидан миллат ва дин тушунчалари бир маънодаги сўз сифатида эътироф этилган.

Улуг мутафаккирнинг ҳаёти ва айниқса сиёсий фаолиятида ҳам унинг жиддий ва ҳавфли ракиблари бўлиб, улар доимо унга нисбатан гайирлик қилишган. Навоий айрим вақтлар гарчи сulton Ҳусайннинг энг яқин кишиси бўлишига қарамасдан, улар ўртасига нифоқ солиши натижасида сарой ишларидан яъни сиёсий фаолиятини чекланишига сабаб бўлган воқеалар ҳам бўлиб турган. Ҳусусан унинг **1487-88** йилларида Астрободга ҳоким қилиб юборилиши ҳам шундай ҳолатлардан бири. Фожиавий жиҳати шундаки, Навоийнинг саройдан вақтингчалик четлаштириш эвазига унинг ва Султон Ҳусайн Бойқаронинг салтанатининг душманлари унинг шогирди ва шахзодалар орасидаги энг интизомли ва салтанатнинг асосий вориси хисобланган Мўмин мирзони ўлдиришга эришадилар. Бундан

<sup>32</sup> Ўзбек адабиёти тарихи (IV томлик) II том Т., 1977, Б-57.

ташқари, саройда умумий ижтимоий-маънавий мухит жуда инқирозга юз тутади. Бундай ёвуз ишларда асосий раҳномоликни малика Хадичабегим ва унинг қариндоши Мажидиддинлар қилишган. Гарчи Навоий бундай вазиятда ақл заковати билан чиқиб рақибларидан голиб келиши мумкин эди. Лекин, унинг икки жиҳати бўлиб, биринчиси – шоирнинг сарой мухитидан узоқроқ бўлиб ижод билан машғул бўлиш истаги билан Султон Ҳусайндан бир неча марта ижозат сўрагани бўлса, иккинчи тарафдан салтанатнинг асосий таянчи бўлмиш Навоий Султон билан муносабатлар ёвлашиш даражасига чиккан пайтда ва Астробод ўша пайтда салтанат учун стратегик шаҳар бўлганилиги сабабли барибир Султон уни Навоийдан бошқа кишидан вазиятни ўнглашидан ишонмасди. Навоий ҳам бундай қалтис вазиятда шоҳнинг истагини рад этолмас эди.

Навоийга кейинчалик берилган юксак мартаబалардан бирига эътибор қаратадиган бўлсак, бу ҳам алоҳида этиборга молик. Кейинчалик Мажидиддин бошчилигидаги рақиблари келишидан кейин, Навоийнинг кўп марта давлат ишларига аралашмаслик, ижод қилиш ва саройдан кетиш истагига қўшилмаган Ҳусайн Бойқаро унга “муқарраби ҳазрати султоний” яъни “ҳазрати султоннинг энг яқини” ёки бошқа талқинга кўра, “султонга тенглаштирилган улуг амир” унвонини беради. Унга берилган бу фахрий унвон гарчи у саройда масъул бир вазифа юкламаса ҳам сарой аҳлидан ва умуман ҳаммадан шоирга жуда катта хурмат билан муносабатда бўлишини тақозо қиласа эди<sup>33</sup>.

Бундай юксак хурмат-этибор ва эътирофга табиийки Навоийнинг юксак тафаккури ва ижодий даҳоси асосий сабаб эди. Мутафаккирнинг “Хамса”си ёзиг битирилгани муносабати билан хурсанд бўлган Султон Ҳусайн Бойқаро уни ўз оқ отига миндириб ўзининг пири деб эълон қилиши бунга ёрқин мисолдир<sup>34</sup>.

Шу ҳолатнинг гувоҳи бўлган Навоий замондошларининг гувоҳлиги асосида айтилган ушбу ҳолатни Восифийнинг “Бадоеъул-вақоёс”дан: Мавлоно Муҳаммад Бадаҳший ҳикоя қиласи: Алишер ўз “Хамса”сини Султон Ҳусайнга багишилаб тақдим этганда, подшоҳ айтди: “Бир можаро сиз билан бизни орамизда аллақачондан бери ҳал бўлмас эди. Бугун шу ишни бир ёқлиқ қиласидан вақти келди” дейди. Бу можаро шундан иборат эдики, Султон Ҳусайн Алишернинг

<sup>33</sup> Ўзбек адабиёти тарихи (IV томлик) II том Т., 1977, Б-71. яна И.Султон Б-324.

<sup>34</sup> И.Султон Навоийнинг қалб дафтари Т., 1973. Б-290-291.

муриди бўлишни кўпдан бери орзу қилар уни “пирим” деб атар эди. Алишер эса бунга жавобан: “Ё олло ё олло, бу қанақа сўз бўлди! Аслида – биз муридмиз, сиз – ҳаммамизга пирсиз” дер эди. Энди Султон Ҳусайн Алишердан сўради: “Пир нима-ю мурид нима?” Алишер жавоб берди: “Пирнинг тиласи - муриднинг тиласи бўлиши керак”. Шунда Султон Ҳусайн ўзининг оқ отини олиб келишини буюрди. Бу от эса жуда шўх ва чопкир эди. Султон Ҳусайн айтди: “Сиз мурид бўлсангизу, мен пириңгиз бўладиган бўлсан, истайманки, сиз шу отга минасиз, мен эса уни етаклайман”. Алишер ноилож отга минишга мажбур бўлди. От эса шундай бедов эдик, шоҳдин бошқани миндирмас эди. Алишер оёгини узангига суқиши билан от типирчилай кетди. Султон Ҳусайн отига ўшқири, от жим туриб, Алишернинг минишини кутди. Алишер эгарга ўтириши билан Султон Ҳусайн отни жиловини ушлаб етаклай бошлади. Алишер хушидан кетди. Уни эгардан кўтариб олдилар. Биз бу ҳолатни тўлик келтиришимиздан мақсад, темурийлар ва бошқа мусулмон Шарқи мамлакатларида давлат бошқаруви ишида масъул табака ўртасида шундай ҳурмат мулоқот маданияти бўлғанлигини аникроқ кўрсатиш эди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳукмдорлар ўзлари ихлос кўйган кишиларни ана шу удум оркали ўзларига пир деб танлаганлигини маълум қилишган. Шу маросимдан кейин Алишер Навоий пир, Султон Ҳусайн Бойқаро эса унга мурид бўлди. Бу ҳол Навоийнинг темурий шахзодалар ва хусусан Ҳусайн Бойқаро ва унинг фарзандлари олдидаги ҳурмат нуфузини кўсатувчи ҳолдир.

Алишер Навоий гарчи юқори мартабада бўлишига, ўз даврининг олий табақасига киришига қарамасдан, ўзининг ҳаёти жуда серташвиш, жамиятдаги ҳамма ижтимоий табака вакиллари билан мулоқот қилишга тўғри келганлиги, ортирилган ҳаётий тажрибалари, жамиятдаги ноҳақлик ва тенгсизлик ҳолатларидан келиб чиқиб, ижтимоий адолат ғояларини яратган.

Мутафаккирнинг ўз умри охирида ёзган “Махбуб ул қулуб” асарини айнан ижтимоий-сиёсий жараёнларда бошқарувчилик ва ҳал қилиш нуфузига эга бўлган кишиларга панднома сифатида яратганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу асар мутафаккир ижодида ижтимоий-фалсафий, сиёсий социологик масалалардаги мукаммал тизимли илмий-назарий, дидактик асардир. Улуғ мутафаккирнинг ўзи башорат қилганидек бу дурдона асар ундан

кейинги даврларда амалий фаолият учун дастуриламал бўлиб келмокда<sup>35</sup>.

Навоийнинг ҳаётий муносабатлардаги ибратли жиҳатларидан бири ва асосийси унинг ўта камтаринлиги, ўзини хоксор тутиши унинг ҳар бир асарида сезилиб туради. Хусусан у ўзи ҳакида гапирганда,- “менким факиру ҳақири... бу хоксор” деган сўзларни ишлатади. Навоийнинг камтаринлик ва эл ғамида бўлишлик ҳақида ўз асарларида айтиши билан бирга унинг ҳаётий фаолиятида амалда камтаринлик ва хокисорликни ўзи мисолида кўрсата олган улуғ даҳолиги таҳсинга лойик.

Навоийнинг бундай юксак инсоний фазилати, камтаринлиги ўзидан улуғ кишилар, устозлари хусусан сарой муҳитида ўзига хос сиёсий маданият ва этикет жорий килиши билан ифодалаш мумкин. У Ҳусайн Бойқаро саройида муҳрдорлик вазифасида ишлаган вақтида, сарой девони хизматидаги кишиларга хурмат юзасидан, гарчи у ўзи ҳаммадан юқори лавозимда бўлишига қарамасдан фармон ва бошқа хужжатларга шундай муҳр кўярканки, ундан кўйида муҳр босишнинг имкони колмас экан. Чунки сарой девонида ундан ёши улуг, унга устозлик даражасидаги кишилар, отаси билан бирга ишлаган кишилар бўлган. Шу туфайли Навоий уларга ихлос, хурмат юзасидан шундай килган. Зеро, муҳрдор хужжатга энг юқорида муҳр кўйиши ўша давр таомили бўлган. Навоий айнан шу масала юзасидан Ҳусайн Бойқародан рухсат олганлиги айрим тарихий манбаларда ўз аксини топган<sup>36</sup>. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, X. Бойқаро томонидан саройдаги юксак лавозимларга таклиф қилинганда у бундай амаллардан воз кечганлиги, факат сultonнинг қистови билан муҳрдорлик лавозимига рози бўлганлиги айтиш мумкин<sup>37</sup>.

Ушбу мавзууни якунлаб шуни хулоса килиш мумкин:

- Алишер Навоий ўз даврининг юқори табакали оиласида түғилган;

- У ана шундай юксак ижтимоий, ижтимоий психологик муҳит мевасидан баҳраманд бўлган;

- Ҳаётининг илк даврларидан, сарой муҳити ва юксак маънавий доирасида шаклланди;

<sup>35</sup> Навоий А. “Махбуб ул қулуб” МАТ (20 жилдлик) 14 жилд. Тошкент 1998 Б-11.

<sup>36</sup> И. Султон Иззат Султон Навоийнинг қалб дафтари (4 томлик) 3 том Б-219.

<sup>37</sup> Шу манба 218 бет.

- Унинг аждодлари темурийлар салтанатида узоқ ва садокатли хизмат қылганлиги туфайли, унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари шу заминда шаклланди ва мукаммалашиб борди;

- Кейинчалик ўз даврида кечган ижтимоий-сиёсий жараёнларда қатнашган ва унинг кечишида бевосита иштирок этганилиги туфайли, унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари юксалиб бориб келажакда ўзи ҳам бевосита ўз асарларида юксак даражада акс эттири;

- Мутафаккирнииг ўзи зътироф этганидек ва тарихий манбаларда акс этганидек, аждодларининг темурийлар салтанатида узоқ хизмат қилиши ота боболарида бўлганидек унинг ўзида ҳам салтанат иши ва тақдирни масаласида катта маъсулият хисси билан яшаган;

- Ана шу маъсулият хисси келажакда бетакрор асарлар яратиб, улар орқали ижтимоий-сиёсий таълимотлар тарихида ўчмас из колдирган таълимот яратишга унданаган.

## **1.2. Алишер Навоий ижтимоий-сиёсий қарашларини юзага келтирган тарихий шарт-шароит ва унинг хусусиятлари**

Ушбу мавзумизда йирик марказлашган салтанатга асос соглан улуг саркарда ва ҳукмдор - Амир Темурнинг вафотидан кейин унинг ворислари ўртасида кечган ўзаро урушлар ва буюк давлатининг парчаланиши жараёнлари, хусусан XV аср ўрталарида содир бўлган сиёсий воқелик ва уларнинг Алишер Навоий ҳаётида туттган ўрни ва унинг сиёсий фаолиятига тўхталиб ўтамиз.

Алишер Навоийнинг сиёсий қарашларида кучли давлат ва адолатли жамият, бошқарув тизими ва барқарор ижтимоий муносабатлар, комил инсон ва юксак маънавият масалалари ўзаро уйғун ҳолда намоён бўлади. Шунинг учун мутафаккирнииг ғоялари бутунги мустақилик шароитида ҳам жамият тараққиётини юксалтириш, фарзандларимизни баркамол инсонлар қилиб вояга етказишида бекиёс аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, “Агарки мана шу мукаддас заминимизда таваллуд топиб, вояга етган, ўз ҳаёти ва фаолияти билан нафақат тарихда, айни вактда башариятнинг бутунги тараққиёт сахифаларида ҳам ўчмас из колдирган буюк мутафаккир ва алломаларимиз, азиз-авлиёларимизни таърифлашда давом этадиган бўлсак, ўйлайманки, бу борада узоқ гапириш мумкин. Бизнинг ўз олдимизга кўйган мақсадимиз эса, бундай улуғ зотларнинг ҳаёт йўли ва колдирган меросини тўлиқ тасвирлаш эмас, балки уларнинг энг буюк намояндалари тимсолида маърифат, илму

фан, маданият, дин каби соҳаларнинг барчасини ўзида уйгуналаштирган халқимизнинг маънавий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканини исботлаб беришдан иборатдир<sup>38</sup>.

Навоий ижтимоий-фалсафий қарашларининг шаклланишида муҳим рол ўйнаган шарт-шароитлар аввало унинг “Маҳбуб ул-кулуб”, “Мажолис ун-нағоис”, “Муншаот”, “Вакфия”, “Тарихи мулуки ажам”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо” сингари ўз асарларида, у яшаган даврда яшаб, ижод этган кўплаб ижодкорлар, тарихчилар, давлат арбоблари ва бошқалар томонидан билдирилган фикрлар, яратилган тарихий, бадий ва бошқа турдаги асарларда намоён бўлади. Жумладан, Абдураҳмон Жомийнинг “Мажмуаи маросалот”, Захириддин Мухаммад Бобурнинг “Бобурнома”, “Мухтасар”, Хондамирнинг “Макорим ул-ахлюк”, “Дастурул-вузаро”, “Хуносатул-ахбор”, Мирхонднинг “Равзатус сафо”, Зайнуддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вакоэ”, Содикбек Содикйнинг “Мажмуу ун-ҳавос”, Абдураззок Самарқандийнинг “Матлаи сайдайн ва мажмами баҳрайн”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Фасих Ҳавофийнинг (1375-1442) “Мужмали Фасихий”, Муйиниддин Исфизорийнинг “Равзат ал-жаннат фи авсоф мадинат ал-Ҳирот”, Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” каби асарларида XV аср ижтимоий-сиёсий ҳаёти кенг ёритилган бўлиб, уларда жумладан, Алишер Навоийнинг бевосита иштироки бўлган кўплаб сиёсий жараёнлар ҳақида фикрлар билдирилган. Бундан ташқари, XX асрда ҳам бир қатор олимлар Навоий ижодини ўрганиш жараёнида унинг даври ижтимоий-сиёсий ҳаёти, унга Навоийнинг муносабати ҳақида тадқиқотлар олиб борганлар. Жумладан, В.В. Бартольд “Мир Алишер и политическая жизнь”, Е.Э. Бертельс, А. А Семёнов “Взаимоотношения Алишера Навои и султана Ҳусейн миrzы”, Иzzат Султон “Навоийнинг қалб дағфари” кабилар ёки XV аср ҳаётини ёритган бутунги тарихчи олимларимиз асарларида Навоийнинг сиёсий қарашлари, фаолияти кенг акс эттирилган<sup>39</sup>.

<sup>38</sup> Каримов И.А. Юқсан маънавият – сингилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. Б-43.

<sup>39</sup> Қаранг: Абдураззок Самарқандий. Матлаи сайдайн ва мажмани баҳрайн. II жилд I-кисм. –Т.: Ўзбекистон, 2008. 632 б.; Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. –Т.: Шарқ нацириёт-матбаа акциядорлик компанияси таҳририяти, 2010. –720 б.; Бобоев Ҳ. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маътирифий таълимотлар тараққиётӣ. Ўқув кўйланма. –Т.: Янги аср авлоди, 2001. -500 б.; Бобоев Ҳ. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Ўқув кўйланма. I-китоб. –Т.: Фан, 2004. -296 б. ; Валихўжаев Б. Ҳожа Аҳрор тарихи. –Т.: Ёзувчи, 1994. -96 б.; Григорян С. Н. Средневековая философия народов Ближнего и Среднего Востока. –М.: Наука, 1966. -352 с.; Давлат ва ҳуқук назарияси / Ҳ.Б. Бобоев, З.М. Исломов, У. Чориёров, Ҳ.Т. Одилкориев ва б. Ҳ.Б. Бобоев ва Ҳ.Т. Одилкориев таҳрири остида. –Т.: ТДҶОИ, 2000. -528 б.; Жақбаров М. Комил инсон гоёси: тарихий-фалсафий таҳлил. –Т.: Абу Али Ибн Сино нашр., 2000. -136 б.; Жӯраев Н. Тарих фалсафаси. –Т.: Маънавият, 1999. -192 б.; Зайниддин Восифий. Бадоеъул вакоэ. –Т.: Ғафур Гулом нашариёти, 1979. -216 б.; Захириддин Муҳаммад Бобурнома. –Т.: Олдузча, 1989. -368 б.; Иброҳимов А. Биззим, ўзбеклар. Мислий давлатчилигимиз

Шуни айтиш керакки, XV аср ижтимоий-сиёсий ҳаётини ижтимоий-сиёсий фанлар нуқтаи назаридан таснифлаганда кўпчиллик мутахассислар аввало давлат курилиши, ҳокимиётга эгалик нуқтаи назаридан ёндошидилар. Аммо XX аср сиёсий фанининг тараққиёти тарихий сиёсий жараёнларни таҳдил қилишда янгича ёндошувларни бошлаб берди. Бугунги сиёсий жараёнлар амалий сиёсатнинг назарий асослари фактат давлат ҳокимиётига эгалик билан белгиланмайди. Аксинча, давлатнинг ички ва ташки муносабатлари бир томондан шу давлатнинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни, иккинчи томондан унинг мақсад ва манфаатларини умумлаштириб, сиёсий муносабатлар тараққиётининг даражасини белгилаб беради. Шунга кўра сиёсат бугунги кунда ҳам ички ҳам ташки муносабатларнинг амалий кўринишини ифодалайди. Шу жиҳатдан сиёсатчунослик фани ана шу амалий сиёсатнинг конуниятлари, жараёнлари бу жараёнларда турли хил сиёсий тузилмаларнинг фаолиятини ва мазкур фаолиятда шахс ва жамиятнинг иштирокини ўрганишга хизмат қиласди.

Бироқ сиёсий ҳокимиёт ва унда кечадиган сиёсий жараёнларда шахс ҳамиша мухим ўрин эгаллаб келган. Давлат ҳокимиёти қандай тузимга асосланишидан қатъий назар ундаги сиёсий фаолиятда татбиқ этиладиган тамойиллар, конуллар шахс фаолияти билан чукур даражада боғлик бўлган<sup>40</sup>. Буни тарихий жараёнларда ҳам, бугунги замонавий сиёсий

---

асослари ҳакида муроҳазалар. –Т.: Шарқ, 2000. –400 б.; Иванин М. Икки буюк саркарда – Чингизхон ва Амир Темур. –Т.: Фан, 1994. –240 б.; История Узбекской ССР. Т.1. Книга первая. –Т.: АН УзССР. 1955. –544 с.; Кадырова М. Жития Ҳоджа Ахрара. –Т.: “Markaziy Osiyoni tadqiq qilish fransuz instituti”, 2007. –140 с.; Каланов К. Марказий Осиёи ҳудудидаги ижтимоий-диний табакалар. –Т.: “Markaziy Osiyoni tadqiq qilish fransuz instituti”, 2006. –94 б.; Комилов Н. Тафаккур қарвонлари. –Т.: Шарқ, 1999. –280 б.; Мавзиявият юлдузлари: (Марказий Осиёйлик машҳур сиймалар алломалар, адиллар) / М. М. Хайруллаев таҳрири остида. –Т.: А. Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1999. –400 б.; Мец А. Мусульманский ренессанс. –М.: Наука, 1973. –473 с.; Низомиддин Шомий. Зафарнома (форс тилидан Юнусхон Ҳакимжонов таржимаси). –Т.: Ўзбекистон, 1996. –528 б.; Носир Мухаммад. Насаф ва Кеш алломалари –Т.: Гафур Гулом, 2006. –128 б.;

<sup>40</sup> Садгуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норкулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. –Т.: Академия, 2000. –272 б.; Садгуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. –Т.: Академия, 2006. –140 б.; Сайдов А., Таджикханов У. Дарават ва ҳуқук асослари. Ўқув кўйланимаси. –Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 1999. –414 б.; Череванский В. Амир Темур. –Т.: Ёзувчи, 1993. –224 б.; Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. –Т.: Камалак, 1994. –288 б.; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3 томлик. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т.1. –Т.: Шарқ, 2000. –464 б. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3 томлик. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т.2. –Т.: Шарқ, 2000. –688 б.; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3 томлик. Мустакил Ўзбекистон тарихи. Т.3. –Т.: Шарқ, 2000. –560 б.; Ўлжаева Ш. Амир Темур ва темурйлар даврида миллий давлатчиликнинг ривожланиши. –Т.: Фан, 2005. –270 б.; Бертельс Е.Э. Навои и Джами. Избр. труды. –М.: Наука, 1965.; Муминов И.М. Выдающиеся мыслители Средней Азии. –М.: Знание, 1966.; Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий-филсафий тафаккур тарихидан лавҳалар. –Ташкент: Фан, 1999.; Захидов В. Мир идея и образов Алишера Навои. –Ташкент: Из-во худ. литературы Узбекской ССР, 1961.; Улуг шоир ижодининг қалби. –Ташкент: Ўзбекистон, 1970.; Маллаев

муносабатларда ҳам яққол қузатиш мүмкін. Шу жиҳатдан олиб қараганда Навоийнинг сиёсий қараашлари бугунги сиёсий қараашлардан тубдан фарқ килмайди. Гарчи дүнёда кечәётган сиёсий жараёнларга бутун ўзгача тарзда ёндошилса-да, аммо тарихий сиёсий жараёнлар билан замонавий сиёсий жараёнлар ўртасида мантикий ўхшашликни кескин ажратиш мүмкін эмас. Факат уларга муносабат билдиришда давр талабларидан келиб чиқиш мақсадга мувоғиқ хисобланади. Алишер Навоий сиёсий қараашларнинг шаклланишида XV асрнинг иккинчи ярми Хурросон ва Мовароуннахрда кечгап сиёсий жараёнлар мухим ахамият касб этади. Бизга мъалумки, Амир Темур вафотидан сўнг у тузган йирик давлат бир канча кичик давлатларга парчаланиб кетган ва XV асрнинг биринчя ярми ана шу кичик давлатларни бирлаштиришга каратилган кураашларга бой бўлган эди<sup>41</sup>. Мазкур кураашлар охир оқибатда Хурросон ва Мовароуннахр ҳудудларининг Темурнинг кичик ўғли Шоҳруҳ томонидан бирлаштирилиши, Мовароуннахрга эса унинг ўғли Муҳаммад Тарагай – Мирзо Улугбекнинг ҳукмдор этиб тайинланиши билан якунланган эди. 1449 йил Мирзо Улугбек ўлдирилгандан сўнг унинг ўғли Абдуллатиф фаолияти, ҳокимиятни эгалаш учун кураашларнинг янги бир даврини бошлаб берди. Бу давр сиёсий ҳокимиятини эгалаш учун темурий шахзодалар ўртасидаги кураашларнинг янада авж олиши билан изоҳланади. 1450 йилда Мовароуннахрда ҳокимият Иброҳим Султоннинг ўғли Мирзо Абдуллонинг кўлига ўтади. У Мовароуннахрда издан чиқсан ички ва ташқи сиёсий муносабатларни тартибга солиши, уни Мирзо Улугбек давридаги каби ҳолатта кайтариш учун ҳаракат қилиб кўрди. Бирор ҳокимият тизимидағи йирик амалдорлар тазиики остида мавжуд ҳокимиятни тартибга солишига эмас, атрофдаги темурий шахзодалар билан урушлар олиб боришга мажбур бўлди.

Бу даврда Хурросон мустакил давлат бўлиб Шоҳруҳ вафотидан сўнг унинг ўрнига набираси (Бойсунгур Мирзонинг ўғли) Абулқосим Бобур таҳтгà ўтирган, аммо у Мовароуннахрда таъсир кўрсата олмас эди. Умуман Темур вафотидан сўнг Мовароуннахр ва Хурросондан иборат ҳудудни 1447 йилга қадар факат Шоҳруҳгина бирлаштириб турга олди. Гарчи кейинроқ Абулқосим Бобур бу икки ҳудудни бирлаштиришга ҳаракат килган бўлса-да,

Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1965.; Хайруллаев М.М. Навоий дунёкарашининг гоявий манబаларини ўрганиш ҳақида. // Навоий ва адабий таъсир масалалари. –Тошкент: Фан, 1968.; Аликулов Х. Социально-утопические идеи в Средней Азии. –Тошкент: Фан, 1983.; Арипов М. Гуманизм Алишера Навоий. –Ташкент: Узбекистан, 1991.; Аликулов Х. Этические воззрения мыслителей Средней Азии и Хорасана. –Тошкент: Фан, 1992.; Султонмурад Олим. Накшбанд ва Навоий. –Тошкент: Ўқитувчи, 1996.

<sup>41</sup> Қаранг: Абдураззок Самаркандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. II жилд 1-кисм. – Т.: Ўзбекистон, 2008. 416-517-б.

1454 йилда Самарқандга қилинган юришдан кейин ва унда Абулқосим Бобурнинг муваффақиятсизликка учраши бу икки ҳудудда батамом мустакил давлатчилик шаклланишини белгилаб берди. Абулқосим Бобур Шохрух давридаги Хурасон ҳудудларини сақлаб кола олмади. Аммо ўзи ҳукм юритган ҳудудда майда феодалларнинг айрмачилигига барҳам берди. Мовароуннахрда Абдуллатифнинг ўтиллари Ахмад ва Мұхаммад Жўтийлар билан Абусайд Мирзо ўртасида ҳокимият талашишлар давом этар, бунинг ортида ҳам ички ҳам ташки сиёсат, савдо-сотик, ишлаб чиқариш, ҳунармандчилик, дехқончилик тизимлари ишдан чиқкан эди. Айни вақтда сиёсий бошқарув тизимида ҳам яқдиллик йўқлиги сабабли давлат сиёсатида мухим ўрининг эга бўлган амалдорлар гоҳ у шахзода гоҳ бу темурийзода тарафига ўтиб кетар бу эса ҳокимиятни марказлаштиришга ва шу асосда давлат ва жамият тараққиётини тартибга солишига ҳалакит берар эди. Худди шундай ҳолатни Хурасонда ҳам кузатиш мумкин эди. Гарчи Абулқосим Бобур феодал айрмачиликка барҳам берган бўлса-да ҳокимиятдаги нуфузли амалдорларни бир тамойил асосида бирлаштириш имкониятига эга бўлмади. Унинг 1457 йилда вафот этиши Хурасон давлатида ҳокимият даъвогарлари ўргасидаги курашларнинг янада авж олишига сабаб бўлди. Бироқ таҳт учун кураш олиб бораётган темурийлар сулоласи вакиллари орасида ҳеч ким Хурасон ҳудудида кучли тарафдорлар ва етарли харбий кучга эга бўлмаганлар шунингдек, улар сиёсий гурухларининг вакиллари ҳам ҳукмдорга нисбатан ҳамиша содиклик намёён этавермас эдилар. Ўша вақтда Мовароуннахр таҳтини эгаллаб турган Абусайд Мирзо мазкур вазиятни кўра билди ва Хурасонни Мовароуннахр давлатига кўшиб олишига ҳаракат қилди. Абусайд Мирзо Хурасонни босиб олиш билан овора бир вақтда Мовароуннахри Мұхаммад Жўти (Мирзо Улутбекнинг набираси) Абулхайрхон ёрдамида босиб олади ва Абусайд Мирзо Хурасондан қайтиб у билан жанг қилишига мажбур бўлади. Шохрухдан сўнг факат шу даврдагина Абусайд Мирзо томонидан Хурасон ва Мовароуннахр ягона давлат сифатида бирлашади. Бироқ давлат ҳокимиятида нуфузли амалларни эгаллаб турган амалдорлар ҳали ҳануз сулоланинг турли вакилларига садоқат билдириб келишар эди. Бу бирлашган давлатни мустаҳкамлашга имкон бермас ва давлат ишларини юртувчи мукаммал девонни шакллантиришга ҳалақит берар эди. Абусайд Мирзо марказлашган давлатчилик тамойилларига ҳалақит берган бир катор амалдорларни жазолаган, айрим айрмачиларга қарши харбий юришлар уюштирган бўлсада охир оқибатда марказлашган давлатни тутиб кола олмади. Абусайднинг Мовароуннахрда тартиб ўрнатиш билан бандлиги Хурасонда темурий шахзодаларнинг

ҳокимиятни эгаллаш учун курашларининг қайтадан кучайишига имконият яратди.

1458-59 йилларда Умаршайх (Амир Темурнинг ўғли) нинг эвараси Ҳусайн Бойқаро Ҳурносонда нуфузли ҳарбий кучга эга бўлади. Абусаид Мирзо Мухаммад Жўти билан жанг олиб бораётган вакъларда Ҳусайн Бойқаро Ҳиротга хужум қиласди. 1468 йилга қадар Ҳусайн Бойқаро Ҳурносон худудидаги бир қанча катта-кичик шаҳарларни эгаллашиб ўз қудратини мустаҳкамлаб боради. Айни шу йили Озарбайжонда Узун Ҳасан билан бўлган жангда Абусаиднинг ҳалок бўлиши Ҳусайн Бойқарога Ҳурносон худудларини эгаллаш учун катта имконият яратди. Абусаиднинг ҳалокати Ҳурносон ва Мовароуннаҳри бирлаштириб турган унинг давлатида ворислар ўргасида яна курашларининг авж олишига сабаб бўлди. Бу вазият 1469 йилда Ҳусайн Бойқарога Ҳурносонда мустақил давлатни шакллантиришига имкон берди.

Айнан шу йиллари Самарқанд Мирзо Улуғбек мадрасасида таълим олаётган Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро томонидан Ҳиротта чакиртириб олинди.

Мирхонднинг “Равзатус-сафо” асарида хабар берилишича, Ҳусайн Бойқарога Абусаид Мирзо (ўша вакъда Мовароуннаҳр ва Ҳурносон ҳукмдори) вафоти ҳақидаги хабар 1468 йилнинг баҳорида етиб келади ва Ҳусайн Бойқаро тез орада Ҳурносон маркази бўлган Ҳиротда ўз ҳукмдорлигини ўрнатади. Ҳиротнинг кўлга киритилиши ўша вакът анъанасига кўра Ҳурносоннинг бўйсундирлишини англатар ва Ҳиротни кўлга олган шахс Ҳурносон ҳукмдори саналар эди.

Ҳусайн Бойқаронинг таҳтга келиши *биринчидан*, Ҳурносоннинг яна мустақил давлат сифатида ақралиб чиқишига олиб келган бўлса, *иккинчидан* шу худудда юз беруб турган турли катта-кичик урушларнинг барҳам топишига сабаб бўлди. Бу вакъда Мовароуннаҳрда ҳокимиятни Султон Ахмад Мирзо бошқариб турар ва Абусаид Мирзонинг Корабоғда ҳалок бўлиши у ерда, ҳусусан, Самарқандда ҳокимият талашувларининг қайтадан бошланиши оқибатда ҳаёт тарзининг издан чиқишига сабаб бўлаётган эди. Балки, мана шу воеа Алишер Навоийнинг Самарқанддан Ҳиротга – Ҳусайн Бойқаро ҳузурига йўл олишига сабаб бўлади.

Ҳусайн Бойқаро Ҳурносон таҳтини эгаллагач, Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Султон Ахмадга хат ёзиб Алишер Навоийни ўз ҳузурига юборишини талаб қилиган<sup>42</sup>. Алишер Навоий Ҳиротга етиб келгандан сўнг Ҳусайн Бойқаро уни муҳрдор килиб тайинлайди. Ана

<sup>42</sup> Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. – Т.: Ўзбекистон, 1970. –Б. 37.

шундан бошлаб Хурносонда тинчлик ва сиёсий гурухлар ўргасида нисбий мувозанат қарор топади. Лекин шунга қарамай саройда турли келишмовчиликлар сақланиб турар, турли амалдорларнинг ўз мавқеларини мустаҳкамлаш, кучайтиришга уринишлари оқибатида мамлакатнинг турли ҳудудларида уларни қўллаб-қувватловчилар томонидан кўзголонлар кўтарилилар ва ҳокимиятни кўлга олишига уринишлар бўлиб турарди. Масалан, 1469 йилнинг ўзидаёт Астрободда Мухаммад Ёдгор Мирзо томонидан Ҳусайн Бойқаро ҳокимиятига қарши кўзголон кўтарилиди. 1470 йилда Балҳда Аҳмад Муштоқ ҳудди шундай тартибсизликка сабаб бўлади. Ҳусайн Бойқаро уни бостиришга йўл олганда пойтахт Ҳиротда Абулхайрхон томонидан кўзголон кўтарилиди. Шу йилнинг ўзида мамлакатнинг афғонлар яшайдиган ҳудудида ҳам бир қатор кўзголонлар юз берадики, булар бир томонидан Ҳусайн Бойқаро ҳокимиятининг мустаҳкам эмаслигидан дарак берса, иккинчи томондан уларнинг бостирилиши Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ҳамкорлигининг кучли сиёсий тизим яратилишига сабаб бўлганилигидан дарак беради.

1490 йилда Астрободда Амир Мўгул, Балҳда Дарвеш Али (Алишер Навоийнинг укаси) бошчилигида ҳудди шундай кўзголонлар кўтарилиди. Иззат Султон “Навоийнинг қалб дафтари” асарида таъкидлашича шу йили Навоий Ҳусайн Бойқаронинг “Астрободда ҳокимлик килаётган Амир Мўгул шоҳнинг хизматига етиб келсин ва Амир Алишер Астробод дорилфатҳ ҳокимлиги даражасига кўтарилисин” деган фармонига кўра Астрободга жўнаб кетади. Мана шу ҳокимлик Султон Ҳусайн Мирзо ва Навоий ҳакидаги турли хил сиёсий қарашлар ва иккала дўст ҳакидаги шов-шуввларга сабаб бўлган эди<sup>43</sup>. Навоий Астрободга кетгандан кейин Хурросон давлатининг пойтахти Ҳиротда давлат бошқарувида қисман бўлсада сиёсий ўзгаришлар юз бериб, Навоий билан маслаҳдош бўлган, одиллик билан иш юритган Ҳожа Низомулмулк ва Ҳожа Афзалиддин Мухаммадлар эгаллаб турган мансабидан четлаштирилди. “Султон химматнинг ҳаммасини Ҳожа Маждиддинга сарф этажагини айтди, фармон ёздириб, мамлакатнинг ҳамма муҳим ишларини факат Маждиддин Мухаммадга топширди”<sup>44</sup>. Бу воқеани Навоий “Маҳбуб ул-кулуб” асарида “Бу ёмон подшоҳки, бўлгай вазири ҳам ёмон андоқки, Фиръавин наёбатида Ҳомон”, - дея кайд этган эди<sup>45</sup>.

<sup>43</sup> Султонов. И. “Навоийнинг қалб дафтари”. Адабиёт ва санъат нашриёти. -Т., 1973. 307-308-бетлар.

<sup>44</sup> Султонов И. “Навоийнинг қалб дафтари”. Адабиёт ва санъат нашриёти. -Т., 1973. 308-бет.

<sup>45</sup> Алишер Навоий. МАТ.ХХ томлиқдан XIV- том. (“Маҳбуб ул-кулуб” (матн изоҳ ва таржималар билан нашрға тайёрловчи проф. С.Фаниева.) Т.: Фан. 1998.-16-бет.

1490 йилнинг иккинчи ярмида Ҳисор вилояти ҳудудида Султон Махмуд давлат ҳокимииятига карши чиқади. Уларни бостириш жараёнида Ҳусайн Бойқаронинг ўз ўғли Бадиuzzамон Мирзо билан муносабатлари кескинлашиб борган. Натижада ота ва ўғил ўртасида ҳарбий тўқнашувлар юз беради. 1499 йилда Ҳусайн Бойқаро давлати амалда иккига бўлиниб катта кисми Бадиuzzамон Мирзо ихтиёрига ўтади. Мамлакатнинг бундай бўлиниши бошка шаҳзодаларнинг ҳам ўз меросларини талаб килиши оқибатда саройда яна ворислар ва амалдорлардан иборат уларнинг тарафдорлари билан Ҳусайн Бойқаро ўртасида келишмовчиликларнинг авж олишига сабаб бўлди. Буларнинг хаммаси мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳалқаро муносабатлар тизимишининг барқарор ривожланишига оғир таъсир кўрсатди. “Маҳбуб ул-кулуб”да Навоий мазкур сиёсий жараёнлар ҳакида фикр билдириб, “Тенгри мундоқ балоларни адам ҷоҳидин вужуд таҳтҳоҳига кетурмасун ва йўқлук зиндонидин борлиғ шаҳристонига етқурмасун”, деган эди<sup>46</sup>. Шунга қарамай, Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий хаётда сезиларли жонланиш юз берган эди. Бироқ бу ривожланиши маҳаллий ҳарактерга эга бўлиб, мамлакатда сиёсий тизимишинг ривожланишига имконият бермади. Бир томондан ташки муносабатларда келишмовчиликларнинг қўплиги, иккинчи томондан ички бўлинишларнинг барҳам топмаганлиги мустаҳкам давлатчилик асосларининг шаклланишига ҳалақит берарди.

Алишер Навоий сиёсий қарашларининг шаклланиши айни шундай сиёсий жараёнлар ичida кечди. Ҳондамирнинг “Макорим ул-аҳлоқ” асарида ҳабар берилишича, Ҳусайн Бойқаро Ҳурросон ҳукмдори бўлгач, Навоийни Самарқанддан чакиритириб олади. Бу воқеа 1469 йилда юз бериб, Навоийнинг расман сиёсий фаолияти ҳудди мана шу йилдан бошланади ва шундан сўнг у йил сайин юкори даражаларга кўтарилиб ҳукмдорнинг энг яқин ноиби, ҳукумат арбобларининг юксак даражали раҳбарига айланади. Ҳондамирнинг таъкидлашича, Навоий бутун ҳалқ ва ҳукумат максадларини мувофиқлаштириш ва ҳал қилишни, мамлакат ва миillat ишларини тартибга солишини, дин ва давлат муносабатларини меъёрлаштиришни сиёсий фаолияти даврида ўзининг асосий мақсади килиб олган эди. Ҳусайн Бойқаро мамлакатда нисбатан тингчлик ўрнатган бўлса ҳам, темурийлар сулоласи вакиллари орасидаги келишмовчиликлар ҳали ҳануз давом этар ва бу ишларни ҳал этишда сиёсий арбоб сифатида Алишер Навоий ҳам иштирок этар эди. Масалан, 1469-70 йилларда Мирзо Ёдгорнинг ҳокимият давоси

<sup>46</sup> А.Навоий. МАТ.ХХ томликдан XIV- том. (“Маҳбуб ул-кулуб” (матн изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи проф. С.Фаниева.) Т.: Фан. 1998.-17-бет.

жиддий тус олади ва Ҳусайн Бойқаро унга қарши қўшин тортади. Бу сафарда Навоий Ҳусайн Бойқаро билан бирга эди. Ҳондамирнинг “Макоримул-ахлоқ” асарида таъқидланишича, Ёдгор Мирзо билан жанг килиш вақтини белгилашда амалдорлар орасида келишмовчилик юз беради. Бу вакт “Улуг мартаба эгаси ва Ҳазрат Султоннинг яқин дўсти (Алишер Навоий) арз килдиким, мунахжим чакириб пайтнинг яхши ёмонлигини ҳозирда текширишнинг фойдаси йўқ, чунки пайт мувофиқ бўлса ёки бўлмаса ҳам ишни кеичтириш мўмкун эмас ва тезлик билан ҳаракат килиш лозим. Соҳибқирон ҳазратлари оламга зийнат берувчи зот (Алишер Навоий)нинг фикрини маъқуллаб душман томонга юзланди, бироз юргандан кейин ишга бошлиш учун отланиб чиққанларининг мақсадга ғоятда мувофиқ эканлиги аниқ маълум бўлди...”<sup>47</sup>

Абдураззок Самарқандийнинг гувоҳлик беришича, 1470 йилда Ҳусайн Бойқаро Астрободда кўзголон кўтарган Ёдгор Мирзо Мухаммадга қарши қўшин тортади. Шу вактда Ҳирот ҳалқи пойтахт амиrlарининг зулмига қарши кўзголон кўтаради. Ҳусайн Бойқаро уруш билан банд бўлганлиги сабабли кўзголонни бостириш учун Ҳиротга Алишер Навоийни юборади. Навоий Ҳирот жомеъ масжиди минбаридан Ҳусайн Бойқаронинг тартиб ва адолатта чакирувчи фарменини ўқиб эшигтиради ва шундай маҳорат билан нутқ сўзлайдики, тўпланган ҳалқ ҳеч қандай тўқнашувларсиз тарқалиб кетадилар. Ҳондамирнинг “Хулосатул-ахбор” асарида хабар беришича, Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро давлатида тез-тез юз берib турган жуда кўплаб тўқнашувларнинг олдини олишга сазовор бўлган. Жумладан, Ҳусайн Бойқаронинг Султон Махмуд Мирзо, Абусаид Мирзонинг ўғли Улугбек Мирзо билан ўз ўғиллари Бадиуззамон, Абумухсин ва Кепак Мирзолар билан бўлган тўқнашувларини бир неча бор қон тўкишларсиз ҳал килишда Навоийнинг роли катта бўлган<sup>48</sup>.

Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида Ҳусайн Бойқаро ҳукмдорлиги даврида юз берган сиёсий ҳодисаларнинг таърифига тўхталаҳ экан, ҳукмдорнинг амалга оширган ишларида унинг ёнида турган содик кишиларидан энг машҳури бу серғайрат, обрўли ва шуҳратли Алишер Навоий бўлганлигини қайд этади. Унинг таъқидланишича, Ҳусайн Бойқаро давлатчиликни ривожлантиришида ундаги тартиб ва тинчликни сақланиши, ҳаётнинг фаровонлашувида “Алишербекча тарбия берувчи ва мададкор киши ҳеч бўлган эмас. Ҳирот кишиларидан бирор киши бирор нарса ихтиро

<sup>47</sup> Иzzат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. Т. 3. –Т.: Фофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1973. –Б. 191.

<sup>48</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Т.14. Муншоат. –Т.: Фан, 1998. –Б. 131-229.

қилса, уни Алишер номига кўяр эди, чунки, Навоийнинг ўзи жуда кўп янгилликлар яратар эди.<sup>49</sup>

Алишер Навоий ўзининг ҳамма ишларида Ҳусайн Бойқародан мадад олади ва ўзи ҳам унинг барча ишларини самимий қўллаб-кувватлайди. Ҳамма муҳим сиёсий ва маданий тадбирларда Навоий иштироки таъминланган. Айни вактда ана шу сиёсий ва маданий кучларни тўплаш, уларга шарт-шароит яратиб бериш ва улар воситасида мамлакатни ривожлантириш ташабbusи Навоийнинг фикрича Ҳусайн Бойқаронинг тадбиркорлиги ва донолигининг нишонаси эди. Мирхонддинг “Равзатус-сафо” асарида хабар беришича Ҳусайн Бойқаро Навоийни дастлаб саройда муҳрдорлик лавозимига тайинлайди. Навоий бу лавозимда ишлаб турганда “Салтанат ва жаҳонбонликинг улуг муҳрини сақлашии (Ҳусайн Бойқаро) Амир Алишерга топширди ва ул Амир бир неча вакт муҳрдорлик лавозимида ўтириб хизмат даражасини осмондан ҳам оширди... Ва иш шундай даражага етдики, барча турк ва тожикнинг муҳим ишларини ҳал этиш, барча яқин ва узокнинг муҳим талабларини сарсанжом этиш унинг тўғри иш тутувчи ихтиёрига топширилди.”<sup>50</sup>

Навоий сиёсий қарашларининг шаклланишида бу давр жуда муҳим хисобланади. Навоий ўзининг Ҳусайн Бойқаро саройидаги хизматини тавсифлаганда бу хизматда қандай қоидаларга риоя қилинганини жуда аниқ санаб чиқади. Булар қаторида: Ҳусайн Бойқародан ташқари ҳеч кимга ишонч билдириласлик; саройда кўриши керак бўлмаган нарсадан кўз юмиб ўтиш; саройда эшлиши керак бўлмаган нарсага қулоқ солмаслик; буйруқ бўлмаган жойга қадам қўймаслик; ҳеч ишда ўз манфаатини кўзламасдан факат ҳукмдор ва ҳалққа керакли ишни қилиш; ҳукмдорга дилдаги ҳар гапни очик айтиш; ҳукмдорни агар у билмай қолиб хато ёки зулмкорликса йўл қўяётган бўлса, тортинасадан уни огоҳлантириш ва бу йўлдан қайтариш; имкони борича “зулм тийиғини ушатиб (тииши), мазлум жароҳатига интиком малҳамин қўйиши”; катта-кичик, бою камбағал иши билан шуғуланаётганда ҳеч кимдан таъма қиласлик; сарой урф-одатларини мустаҳкам тулиши ва мамлакат ҳамда шариат қонунларига риоя қилиш; бунёдкорликни қўллаб-кувватлаш; берилган буйруқдан ташқарига чикмаслик, уни бажариш ва у ҳақда фикр билдириш; ҳалқпарвар бўлиш; зулмдан тийилиш ва бошқалар.<sup>51</sup>

<sup>49</sup> Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. –Т.: Юлдузча, 1989.

<sup>50</sup> Иззат Султон. Навоийнинг калб дафтари. Т. 3. –Т.: Фоғур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашириёти. 1973. –Б. 211.

<sup>51</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Т.14. Вакфия. –Т.: Фан, 1998. –Б. 231-270. Б.252-254.

Навоий сиёсий қараашларининг шакланишида Навоий атрофида тўпланган шахсларнинг ҳам ўрни бор эди. Ҳусайн Бойкаро ҳокимиятида Навоийнинг бунчалик обрў, ҳуқук ва таъсирга эга бўлишига саройда у билан бирга ишлаган зиёлиларнинг ўрни катта бўлган. Бу гурух орасида Навоий ва Ҳусайн Бойкарога энг якин бўлган киши мутафаккир Абдурахмон Жомий хисобланади. Навоий ўзининг “Мажолисун-нафоис” асарида кўплаб ижодкорлар ҳакида фикр юритади ва уларнинг аксарияти мамлакатда амалга оширилган ишларда катта ўринлари борлигини таъкидлаб ўтади. Албатта қобилиягтили кишиларнинг Ҳиротда кўп микдорда тўпланишида Алишер Навоийнинг роли катта бўлган. Навоий пойтахтда маданий кучларни доим ўзига жалб этиб келган. Айни вактда бу ерда козлаб истеъодли кишиларнинг ўз имкониятларини намоён килишларига шарт-шароит яратган. “Бобурнома”да таъкидланишича, “фазилат ва ҳунар ахлига Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлгай”<sup>52</sup>.

Навоийнинг бизга маълум асарларида унинг сиёсий фаолияти даврида Ҳурсоннинг чет эллар, якин ва узок кўшни давлатлар билан муносабатлари тўғрисида маълумотлар кам сакланган. Лекин Ҳусайн Бойкаро давлатчилиги тарихини ёритган олимлар бу даврда Ҳиротга турли мамлакатлардан жуда кўп элчилар тацриф буорганилигини ва турли соҳалар бўйича келишув ва битимлар мавжуд бўлганлигини таъкидлайдилар. Ўша вактда Алишер Навоий Ҳусайн Бойкаро ҳокимияти сиёсий аппаратининг юксак лавозимларида фаолият кўрсатганини эътиборга олсан, Навоийнинг бу ишларда ҳам иштироки бўлганлигини кузатиш мумкин.

Биз юқорида XV аср Ҳурсон ва Мовароуннаҳр худудларида кечган сиёсий жараёнлар билан қисман танишдик. Бу жараёнлар XV асрда яшаб ўтган кўплаб тарихчи олимлар, шоирлар ва бошқа муаллифлар томонидан жуда кенг тарзда ёритилган. Айниска, XX асрда Алишер Навоий ижодини ва бунга боғлик равищда Ҳусайн Бойкаро давлатчилиги ҳамда унинг даврига оид тарихий жараёнларни ўрганишида кўплаб олимлар томонидан асарлар яратилган бўлиб, уларда Навоийнинг сиёсий қараашларига доир фикрлар ҳам ўз ифодасини топган. Навоий сиёсий қараашларини таҳлил килишда бир катор ёндошувлар мавжуд. Биз уларни мавзунинг ўрганилиш даражасида ҳам келтириб ўтдик. Аммо сиёсий қараашлар сиёсий тизимда фаолият кўрсатадиган шахснинг бевосита сиёсий жараёнлардаги иштирокига чукур даражада боғлик бўлиб, Алишер Навоий сиёсий қараашларининг шаклтаниши ва ривожланишини бир катор жиҳатларга кўра таснифлаш мумкин.

<sup>52</sup> Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. –Т: Юлдузча, 1989.–Б. 233.

Биринчидан, Навоий сиёсий карашларида аввало, сиёсатнинг ўзи нима эканлиги, унинг таркибида кандай жараёнлар содир бўлиши, бу жараёнлар жамият хаётига қандай таъсир кўрсатиши масалалари мухим ҳисобланниб, бунда асосий эътиборни давлат ҳокимиятини қарор топтириш ва унинг олиб борадиган сиёсати тамойилларини белгилаб олиш масаласи устувор аҳамият касб этади. Навоий сиёсий ҳокимиятнинг шакли тўгрисида ўз даври анъаналарига хос тарзда фикр юритиб мамлакатни адолатли монарх (хукмдор) бошқариши тарафдори ҳисобланади. Монарх сўзи бугунги сиёсий фанларда мутлак ҳукмдор маъносини англатади. Аслида эса, монарх бу – давлат ва дин конунларини ўз қўлида бирлаштирган амалий хаётда жамията ҳам дин, ҳам давлат конунлари асосида муносабат билдирувчи, шунингдек, ушбу муносабатни амалга татбиқ қилишининг амалий механизмини бошқарувчи йўлбошчи маъносини англатади. Мазкур мазмундан келиб чиқадиган бўлсақ, бу илк ва ўрта асрлар фалсафий карашларида акс этган монарх тушунчасининг моҳияти Ўрга Осиё тарихида ҳукм сурган давлатлар тизимида давлат раҳбарларига нисбатан қўлланганда ҳам айнан шу маънода ишлатилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Тарихий жараёнлар ва улар тўгрисида яратилган замонавий манбааларда қайд этилган маълумотлар Ўрга Осиёда яшаб ўтган ҳукмдорлар ҳам айнан монарх тарзда ҳукм юритганларини тасдиқлади. Навоий ҳам шариат конунларига асосланувчи сиёсий ҳокимият ва ҳукмдорни бир-бираидан айри ҳолда тасаввур эта олмаган. Бирок Навоий ҳукмдорни дин ва давлат конунларини амалга татбиқ эта оладиган шахс сифатида кўриб, “Махбуб ул-қулуб”да “Халқ ризосидин Ҳақ ризосига толиб ва доддоҳ сўрарда сўруғ куни вахмидин кўнглига голиб”, яни шоҳ ҳалқни ҳам Худони ҳам эсдан чикармаслиги керак. У сўроқ қилганда сўроқ, яни қиёмат кунини эсдан чикармаслиги лозим, дея таъкидлайди<sup>53</sup>.

Лекин Навоий ҳукмдорни сиёсий ҳокимиятнинг ёлғиз эгаси сифатида қабул килемайди. Бу жиҳатдан Навоий сиёсий карашларининг шаклланиши нуқтаи назаридан В. В. Бартольд ва Е.Э. Бертельс, А. А Семёновлар билдирган фикрларни тўғри дейиш мумкин. Бинобарин, Навоий даврида сиёсий ҳокимият ёлғиз Ҳусайн Бойкаронинг қўлида бўлмаганлигини биз юкорида Навоий даври сиёсий ҳаёти таҳлили мисолида кўриб ўтдик. Навоий сиёсатни ҳукмдор, сиёсий ҳокимият унинг бошқарув тизими, сиёсий гурухлар, гурухлараро муносабатлар, фуқаролар ва сиёсий гурухларнинг ўзаро муносабатлари, ҳукмдор ва сиёсий гурухлар ўртасида кечган

<sup>53</sup> А.Навоий. МАТ.20 томликдан 14 том. (“Махбуб ул-қулуб” (матн изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи проф. С.Ғаниева.) Т.: Фан. 1998.-13-бет.

жараёнлар асосида тасаввур этади. Бугунги сиёсий фанларда сиёсатта шунга якин тарзда муносабат билдирилади. Навоийнинг сиёсий қарашлари хукмдор, сиёсий элита ва жамият муносабатларидан келиб чикади. Шунингдек, Навоий жамият ва хукмдор муносабатларида мухим роль ўйинчи сиёсий элитанинг ёки бошқарув ҳокимиятининг тузилиши масаласига доим катта эътибор қаралтган. Ҳақиқатдан ҳам хукмдор ва жамият муносабатларининг ривожланиши ёки таназзулида сиёсий элита катта мавжे эгаллайди. Бирок Навоий даврида хукмдор ана шу элитанинг шаклланишида катта роль ўйнаган, буни Навоий Астробод ҳокими вактида Ҳусайн Бойқаронинг унга йўллаган мактубидаги қарашларидан ҳам кузатиш мумкин: “яна улким, алассабоҳ (эрталаб) ҳарамдин чикқач, девонда ўлтуруб доддоҳ сўрулса (кишиларининг арзлари эштилиб, адолат ўрнатилса) даги доддоҳ сўрарда ўзлук била машгуллук қилилса; агар бир мазлумға бирордин зулме ўтган бўлса, золимға андок сиёсат килилсанким, ўзга золимларга муджиби интибоҳ (огохланиш сабаби, сабак) бўлса”<sup>54</sup>. Шунингдек, ўз даври сиёсий элитасининг кўзга кўринган вакиллари бўлган амир Пир Ҳожа Али ва вазир Ҳожа Мажлиддин Мухаммаддининг саройдаги мустақил фаолияти ва охир-оқибатда Ҳусайн Бойқаронинг уларга нисбатан қўллаган сиёсати ҳам Навоий даври сиёсий ҳокимияти ва хукмдор муносабатларига оид фикрларимизга ойдинлик киригати<sup>55</sup>.

Навоий сиёсий ҳокимият хукмдорнинг кўлида бўлиши тарафдори бўлса-да, унда кечадиган сиёсий жараёнлар давлат хизматида бўлган сиёсий гурухларнинг тамойилларига, мақсад ва манфаатларига кўп даражада боғлиқ эканлигини эътироф этади. Шу жиҳатдан у ўз асрларида сиёсий ҳокимият уни амалга оширишда фаол иштирок этувчи сиёсий бошқарув тизими ўз навбатида унинг таркибидаги гурухлар мавқеи ва муносабати, уларниң бошқарувга ёндашуви масалаларига кенг тўхталган. Навоий қарашларига кўра сиёсат жамият мақсад ва манфаатларидан келиб чикади. Хукмдор эса ана шу мақсад ва манфаатларни амалга оширишга йўналтирилган сиёсий жараёнларнинг тамойилларини белгилаб беради ва амалга оширади. Бу сиёсий жараёнларни шакллантирмайди, балки азалдан мавжуд сиёсий муносабатларни тартибга солиш учун хизмат қиласди. Шунга кўра, сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш ёки сиёсий жараёнларнинг бориши унда

<sup>54</sup> А.Навоий “Муншаот” МАТ (20 жилллик) Т., 1998. 13 жилд Б-187. Султонов. И. “Навоийнинг қалб дафтари”. Адабиёт ва санъат нашриёти. Т.: 1973. 310-бет. Яна: К.Эргашев Некоторые аспекты государственной деятельности Алишера Навои. Т.-«ФАН» 2009 с-37

<sup>55</sup> Қаранг: Зайниддин Восифий. Бадоевъул вақоёй. –Т.:Faafur Fуломномидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. –214 б.; Навоий замондошлари хотириасида. –Т.: Faafur Fуломномидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. –Б.176-178.

иштирок этаётган сиёсий кучлар, улар томонидан сиёсатнинг тушунилиши бу сиёсатнинг уни йўналтирувчи кучлар максад ва манфаатлари, талаб ва таклифларига, фаоллик даражаларига боғлиқлиги билан белгиланади. Бу ҳакда фикр юритар экан, ўз даврида Навоий сиёсий ҳокимият хизматига келаётганлар ёки унда фаолият кўрсатаганларни “Ҳайрат ул-аброр”да ҳушёрликка чорлаб, огоҳлантирган эди: “Ёки сени гардиши чархи баланд, Айласа шаҳ хидматига аржуманд, // Гарчики, шаҳ хидмати эрур дилрабо, Вожиб эрур айламак андин ибо: // Марҳами зимнида эрур решлар, Нўши ичинда тикилур нешилар. // Гул кўринур, ёнида юз хори бор, Бор эса бир айш, минг озори бор. // Телбага ўт шакли гулистон эрур, Тушса, холоси қачон имкон эрур. // Тифил йилон накшига мойил дурур, Заҳрини билмаски, халоҳол дурур. // Баҳорда тушса дури куршед ранг, Зимнидадур гарқу коми наҳант. // Англа бу конун ила шаҳ хидматин, Айшидин ортуқ ғам ила меҳнатин. // Суд эрур нечаки бўлсанг йироқ, Турфа буқим, бўлмаганинг яхширок”<sup>56</sup>. Бу ҳакда Навоийнинг устози ва замондоши А. Жомийнинг “Баҳористон” тазкирасида ҳам “Султонларга яқин кишилар баланд токка чиккан кишиларга ўхшайдилар. Охири ғазаби зилзиласи ёки замон силсиласи уларни тоб жинисидай иргитиб ташлайди. Ҳеч шубҳа йўқси, баланддан йиқилган қаттирок йиқилади, пастан тушган юмшокрок”,<sup>57</sup> каби фикрлар учрайдики, бундан Навоий сиёсатнинг жамиятда тутган ўрнини таҳлил этар экан, унда жамиятни бошқаришнинг асосий воситалари – ҳукмдор, унинг девони (давлат ашшарати) ва маҳаллий бошқарув тузилмалари муносабатларини тизимли ташкил килиш масалаларига алоҳида эътибор қараштанини англашимиз мумкин.

Навоий қарашларининг шаклланишида сиёсий тизимни ташкил этиш, уни ҳаракатга келтирувчи тузилмаларида фаолият кўрсатадиган амалдорлар мавқенини белгилаш ҳамда бошқарув тизими, унда фаолият кўрсатувчи шахс ва жамият ўргасидаги муносабатларнинг давлат ҳокимиятини мустаҳкамлашда тутган ўрни етакчи мавқени эгаллайди. Яъни унинг даври сиёсий қарашларида асосий эътибор сиёсий тузилмаларни қандай шаклланитириш ёки ривожлантириш эмас, балки сиёсий тузилмаларда қандай шахслар фаолият кўрсатилиши мухим аҳамият касб этган. Навоий бу ҳакда “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг “Ислом паноҳ беклар зикрида”ги фаслида: “Шохфа чин сўз дегувчи ва анинг охирати ғамин егувчи. Ёмонлар андин

<sup>56</sup> Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. –Т.: Гафур Гулом нашриёти, 1989. –Б. 148.

<sup>57</sup> А. Жомий. “Баҳористон”. Ёзувчи. (Халкаро Фирдавсий мукофоти лауреати Ш.Шомухамедов таржимаси.) Т.: 1997.24-б.

ҳаросон ва яхшилар андин душворлиғи осон<sup>58</sup>, дея тўхталиб ўтганига қараганда, унинг сиёсий қарашлари ўз даври анъаналаридан келиб чиқади. Ўша даврда сиёсий ҳокимияти бошқарув тизимида ҳар бир ҳудуд аҳолисининг ижтимоий қасб-кори, ишлаб чиқаришда тутган ўрни ва маҳаллий анъаналари билан чукур даражада боғлиқ эди. Шу жиҳатдан ҳокимият сиёсатида кечадиган жараёнлар муайян аҳоли табакалари уларни йўналтирувчи сиёсий қатлам ва бу сиёсий қатламлар етакчилари бўлган сиёсий шахсларга кўп даражада боғлиқ эди. Шуну ҳам таъкидлаш керакки, бу сиёсий гурухларнинг ёки маҳаллий қатламларнинг мақсад ва манфаатлари ҳамиша ҳам давлат ва жамият умумгоялари ва қадриятлари йигиндисини ифодаламаган. Демак, манфаатлар, интилишлар, ғоялар ва мақсадларнинг хилма-хиллиги табиий равишда давлат сиёсатига муносабатларнинг хилма-хиллигини келтириб чиқарган. Навоий буни тўғри тушунган ҳолда ўз асарларида ягона умумдавлат манфаатлари ғоясини илгари суради ва амалий фаолиятда ҳам ана шу ранг-барангликни умумдавлат манфаатлари йўлида бирлаштиришга ҳаракат килади<sup>59</sup>.

Навоий қарашларида давлат сиёсатида икки субъектнинг ўрни алоҳида қайд этилиши ўша давр сиёсий қарашлари тизимини янада ёркинроқ далиллайди. Булардан бири ҳукмдор бўлса, иккинчиси унинг кўл остида фаолият юритувчи бошқарув тизимиdir. Бошқарув тизими гарчи расман ҳукмдорга бўйсунса-да, аммо Навоий даврида манфаат масаласи ҳукмдор ва ҳокимият тизими муносабатларида муайян мустақиллик мавжудлигини кўрсатади. Улар ўртасидаги сиёсий муносабатлар жамиятга татбик этилаётган сиёсатнинг унинг турли қатламларида акс этиши ва бу сиёсатга нисбатан шу қатламларда билдириладиган муносабатларнинг кўринишида намоён бўлади. Ана шу муносабатларнинг тартибли ташкил этилиши Навоий қарашларига кўра ҳукмдор ва бошқарув тизими муносабатларининг ижобий ёки салбий ривожланишига йўл очади<sup>60</sup>. Уларнинг бир-бирига мос келиши бугунги кунда уйғунлашган мақсадлар йўлида сиёсий қучларнинг ўзаро ҳаракати, яъни сиёсий ҳамкорлик – консенсус деб аталади. Навоий ўз даврининг мутафаккири сифатида айнан ана шу ҳукмдор ва бошқарув ҳокимияти муносабатларида бир-бирига мос келмайдиган ҳолатлар ва улардан келиб чиқадиган ихтилофларни бартараф қилишга кенг эътибор қаратган. Бу билан Навоий сиёсий жараёнларда сиёсий қучларнинг вазиятни

<sup>58</sup> А.Навоий. МАТ.ХХ томлиқдан XIV- том. (“Махбуб ул-кулуб” (матн изоҳ ва таржималар билан нашрға тайёрловчи проф. С.Фаниева.) Т.: Фан. 1998.-14 -б.

<sup>59</sup> Каранг: А.Навоий. МАТ.ХХ томлик, XIV- том. Махбуб ул-кулуб. -Т.: Фан. 1998.

<sup>60</sup> Каранг: А.Навоий. МАТ.ХХ томлик “Махбуб-ул кулуб” -Т. 1983 й.

тўғри англаши, узокни кўра билиши воситасида хокимият мустаҳкамлигини саклаб колишга интилганини англаш қийин эмас.

Шуни ҳам тъкидлаш керакки, Навоий қарашларига кўра ҳукмдор ёки бошқарув ҳокимиятининг мавкеи ва тамойилларига кўра давлатнинг ижтимоий-иктисодий ва сиёсий тизими мавкеи ўзгаради. Бу давлат ва жамиятнинг сиёсий кучлари ўзаро муносабатларида ўз аксини топади<sup>61</sup>. Навоий сиёсий қарашларининг шаклланишида давлат ҳокимияти ва жамият сиёсий ҳаёти талабларининг уйгунлашуви мухим аҳамият касб этади. Навоийга кўра уларнинг ҳар бирин доирасида ва ўзаро муносабатларида уйгун мақсад ва манфаатларни шакллантириш ва шу мақсад ва манфаатларни амалга ошириш шарт-шароитларини вужудга келтира олиш, ўз навбатида улардан сиёсатни амалта оширишда тўғри фойдалана олиш мухим аҳамиятга эга. Сиёсатдан кўзланадиган бу талаб муайян қонуниятларга эътиборни торгади. Навоий бу қонунларни қўйидагича таснифлайди:

- ҳукмдор фаолияти ва унинг девони учун мажбурий бўлган ва сиёсий ҳаётни тартибга солиши асоси бўлган қонунлар. Бу ўз ичига ҳукмдор учун: А) хавфсизлик ва ўзаро ишончни ривожлантириш; Б) ҳалкаро ва давлатлараро низоларни бартараф этиш; В) умумдавлат муаммоларини ҳал қилиш; Г) аҳоли қатламлари ўзаро муносабатларини ҳамкорлик асосида йўлга кўйиш ва ўз мавкеини доимий аниқлаб бориш.

- ҳокимият тизими ёки бошқарув тузилмалари учун: А) бошқарув тузилмалари манфаатларининг ҳукмдор манфаатларига мослигини тъминлаш; Б) жамият манфаатларининг давлат манфаатлари билан мослигини инобатга олиш; В) жамият билан бошқарув тизими манфаатлари мувофиқлигини тартибга солиб туриш.

Шуни ҳам тъкидлаш керакки, Навоий сиёсий қарашларининг шаклланишида сиёсий ҳокимиятининг мазмун ва характеристи унинг ўзгариши, амал қилиш тартиби, кўзлаган мақсадлари мухим аҳамият касб этади. Навоий сиёсий қарашларининг шаклланишида ҳукмдор ва унинг ҳокимият тузилмаси мухим роль ўйнайди. Чунки Навоий даври анъаналарига кўра ҳокимият тепасига келган ҳукмдор албаттга ўз мустақилигини тъминлашга ҳаракат килган. Унинг бошқарув тизими эса гарчи расман ҳукмдор номидан фаолият олиб борса-да маълум худудга, ўз ахолисига эга бўлган масъулияти чекланган маҳаллий бошқарув тизимидан иборат бўлган. Шунинг учун у ихтиёрий-мажбурий ижтимоий-сиёсий ташкилот хисобланган. Унинг ваколатларида ишонтириш, мажбур қилиш, умуммандгаатларни амалга оширишда турли бошқарув услубларидан фойдаланиш ихтиёри берилган.

<sup>61</sup>Каранг: Султонов, И. Навоийнинг калб дафтари. Адабиёт ва санъат нашриёти. Т.: 1973.

Шу жиҳатдан ўрта асрлар давлатчилигидаги ҳокимият асоси мустаҳкам эди деб бўлмайди. Лекин бошқа томондан бу тизим турли худудларда истиқомат қилувчи аҳолини бошқарувчи тузилмаларнинг эркин фаолият олиб боришини тъзмилаган.

Хулоса қилиб айтганда, Навоий сиёсий қарашларини шакллантирган давр сиёсий муносабатларда инсонлар, турли ижтимоий қатламлар, давлат ҳокимияти ва хукмдор ўртасидаги муносабатлар воситасида шаклланганлигини кўриш мумкин. Шу муносабатлар Навоий даврида сиёсий тизим ёки ҳокимиятнинг ижтимоий асосини ташкил этган. Шунга кўра Навоий сиёсий қарашларининг шаклланишида қўйилдагилар мухим роль ўйнаган дейиши мумкин:

*Биринчидан*, Алишер Навоий оиласининг темурий хукмдорлар билан якин муносабатда бўлиши воситасида унинг Мовароуннахр ва Хурросон худудларида юз берган ва бераётган воқеалардан яқиндан хабардорлиги. Бу ўринда Алишер Навоийнинг отаси Фиёсиддин ўша вактда Абулқосим Бобур хукмронлиги остидаги Сабзавор вилоятининг ҳокими эканлиги ва давлат сиёсатини амалга оширишда бевосита иштирок этганлиги мухим аҳамият касб этади. Чунки коммуникатив алоқалар кучли ривожланмаган бир даврда Навоий даражасида сиёсий қарашларининг шаклланишида мавжуд сиёсий тизимда бевосита фаолият кўрсатиш ёки унга яқин оиласида ўсиб-улгайиш катта аҳамиятга эга эди.

*Иккинчидан*, Навоий сиёсий қарашларининг шаклланишида XV асрда Хурросон ва Мовароуннахр худудларида давлат ҳокимияти тизимида юз берган узлуксиз ўзгаришлар шоир дунёқарашида мустаҳкам давлат ва кучли ҳокимият тизимини шакллантириш асослари хақида фикр юритиши имкониятини чуқурлаштирган.

*Учинчидан*, Навоий учун яқин ўтган замонда кучли давлатчилик тизимининг мавжуд бўлганилиги ва унда аҳоли турмуш тарзининг ривожланганлиги Навоий қарашларида кучли сиёсий ҳокимиятни шакллантириш тамойиллари тўғрисида кенгроқ фикр юритиши учун етарли маълумотларни таҳдим эта олган.

*Тўртинчидан*, Навоий яшаган даврда турли соҳаларда етишган ижодкорларнинг таҳт талашувлари сабабли барқарор ривожланиши ва фаровонлик имкониятларига эга бўлмасликлари ва бунинг натижасида жамиятда мамлакатни ягона ва адолатли хукмдор кўл остида бирлаштириш воситасида аҳоли тинчлиги, фаровонлиги ва ривожланишини тъзмилашга қаратилган ҳаракатларнинг мавжудлиги. Масалан, шахзода Абусаид даврида халқни эзиш шу даражага етган эдиси, аҳоли ҳар хил солиқлар баҳонасидағи

талончиликдан безор бўлган, хукмдор ва амалдорлар зулмидан қочиб бошқа мамлакатларга кўчиб кета бошлашган эди<sup>62</sup>. Бошибошдоқлик ва ҳокимиятнинг парчаланиши оқибатида юзага чикадиган ижтимоий иллатларни ўз кўзи билан кўрган ва жабрини чеккан мутафаккир Навоий ўз ижтимоий-сиёсий гояларини деярли барча асарларида марказлашган давлат ва адаолатли хукмдор сиймосини моҳирона ёритиш орқали исботлайди ва мустаҳкам гояга айлантиради.

*Бешинчидан*, Хурсонда мавжуд иқтисодий тизимнинг издан чикиши, сиёсий вазиятдаги бекарорлик, Шоҳруҳ даврида шаклланган маданий ҳаётнинг таназзулга юз тутиб бориши, мамлакатда вайронгарчилик, талончилик, кишилар ўртасида ишончсизликнинг авж олиши, маданий муносабатларнинг тажовузкор муносабатларга айланниб бориши.

*Олтингчидан*, Алишер Навоийнинг ёшлиқдан жуда кўп илмларни эгаллаганлиги, аҳоли касбкори билан яқиндан танишлiği, ёшлиқдан хукмдорлар саройида бошқарув тизимида хизмат қилганилиги Навоий сиёсий қарашларининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этди.

---

<sup>62</sup> Ўзбек адабиёти тарихи. (15 асрнинг иккинчи ярми). Т.2. –Т.: Фан, 1977. –Б. 49.

## II боб. МУТАФАККИР ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИДА ТУШУНЧА ВА КАТЕГОРИЯЛАР МОХИЯТИ

### 2.1. Навоий қарашларида ижтимоий-фалсафий категориялар: түшүнчө ва мохият

Ижтимоий-фалсафа ва унинг заминида ижтимоий-сиёсий муносабатлар Алишер Навоий қарашларида ўзига хос мохият касб этади. Навоий асарларида гарчи сиёсатта яхлит, бир бутун ҳодиса сифатида таъриф берилмаган бўлсада, аммо қарашларида сиёсат таърифида билдирилган муносабат у ёки бу тарзда ўз аксини топади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Навоийнинг сиёсат түшүнчасига оид ҳар бир фикрида сиёсат субъекти ёки обьекти аниқ, сиёсатнинг ким томонидан амалга оширилаётгани ва кимга қаратилгани кўриниб туради. Ҳозирги замонда сиёсат түшүнчаси асосан политология фанининг обьектидир. У билан боғлиқ барча жараёнлар, воқеа-ҳодисалар шу фан билан алокадор равища таддик этилади.

Бугунги политологияга юончча *политика* – давлат ёки ижтимоий ишлар ҳамда *логос* – таълимот сўзларининг бириншидан ташкил топган атама сифатида, сиёсат ҳақидаги таълимот маъносида ёндашилади<sup>63</sup>. Унинг асосий мохияти “жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларни илмий-назарий жиҳатдан асослаб бериш билан белгиланади”<sup>64</sup>. Бошқа бир катор фанларда ҳам ижтимоий характердаги масалаларга ўша фан ёки у билан бевосита алокадор соҳа муаммолари, масалаларидан келиб чиқиб зътибор қаратилсада, «Политология»даги сингари сиёсий жиҳатлардан чукур ва мукаммал ўрганилмайди<sup>65</sup>. Шу жиҳатдан сиёсатнинг сиёсий фан обьекти сифатидаги мавқеи сиёсий мохиятга эга бўлган воқеа-ҳодисаларни умумлаштириши ва унга асосланган ҳолда жамиятни бошкариш билан боғлиқ мухим қоида ва хуносаларга сабаб бўлиши билан изохланади. Сиёсат (юн. *polītik* – давлатни бошкариш санъати) — давлат ва жамиятни идора этиш воситасидир. Сиёсат ўз табиати, мақсади ва амалга ошириш услублари, манфаатларни ифода этиш даражаси билан фарқланади. “Миллий сиёсат”, “демократик сиёсат”, “тоталитар сиёсат”, “холис сиёсат” ёки “нохолис сиёсат” каби

<sup>63</sup>Хейвуд Э. Политология: Учебник для студентов вузов / Пер.с англ.под. ред.Г.Г.Водолазова, В.Ю.Бельского. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. –Б.127.

<sup>64</sup> Политология. Учебник / М. А. Василик, Л. Д. Козырева, О. Л. Гнатюк и др. –СПб.: –Бизнес-Пресса, 1998. –С.231.

<sup>65</sup>Политология. Учебник. Изд. 2-е, доп и перераб.–М.: РАГС, 2006. –С. 309.

қатор күринишиларда намоён бўлади. Улар халқлар тараққиётига ҳар хил таъсир кўрсатади. Шунингдек, сиёсатнинг ижобий ёки салбий рол ўйнаши мумкинигини собиқ мустабид тузум тажрибасидан ва айрим давлатлар ҳаётидан билиб олиш мумкин. Сиёсат турли ижтимоий гурухлар, кучлар манфаатини ўзаро уйғунлаштириш билан боғлиқ ҳолда кечади. Акс ҳолда, сиёсий ҳаётда бошбошдоклик, парокандалик, сиёсий таназзул ҳолати юзага келиши ҳам мумкин<sup>66</sup>.

Албатта, сўнгти ўрта асрларда политология умумжаҳон фанларидан бири сифатида шаклланмаган эди ва табиийки, “унинг қонуниятлари, категориялари, усуслари ва вазифалари, сиёсатни амалда қўллаш”<sup>67</sup> масалалари тизимли равишда ўрганилмаганди. Шунга қарамай, бутунги сиёсатшунослик фанига оид категориялар, қонуниятлар нуктаи назаридан ўзига хос қарашлар мавжуд бўлган. Масаланинг яна бир муҳим томони Шарқ ва Farb сиёсий фалсафасининг шаклланиш негизи ва лисоний факторларни ҳисобга олиш зарур.

Мана шу ўринда сиёсат сўзининг Шарқ халқлари тилларида хусусан, мусулмон шарқи халқлари тилларида келиб чиқиши хусусида фикр билдириб ўтиш лозим. Ҳозирги замон ўзбек тилида ва бошқа мусулмон шарқи халқлари тилларидаги “сиёсат” сўзи - араб тилидаги “сияса”<sup>68</sup> “сиясат”, “сиёсат” сўзидан олинган бўлиб, унинг бевосита лугавий маъноси куйидагича изохланган:

- 1) Сиёсат сўзи – жазога лойиқ кишиларнинг жазосини беришида шиддат кўрсатиш, дўқ, пўписа қилиш;
- 2) Ҳукмронлик кўрсатиш; ҳукмдорнинг ўз қўли остидагиларни жазолаш ва кўрқитиш йўллари билан бўйсундириб, интизомда сақлаши; Масалан: *Сиёсат қилегулуқ – даҳшат қилинадиган, кўрқитиладиган, жазога тортиладиган; сиёсат/гоҳ – (араб/форс)* - жазо майдони, жазога тортиладиган жой

Қадимги дунё ва ўрта асрлар шароитида сиёсатда ёки бошқача айтганда, ижтимоий интизомни сақлашда ва жамиятни бошқаришини айнан кўрқитиш ва дўқ-пўписа қилиш услуги кенг қўлланилгани, ҳатто ҳозирги замон сиёсий бошқаруви услугубини ҳам фавқулодда шакли мажбурлаш услуги эканлигини ҳисобга олганда, сиёсат сўзининг шарқона келиб чиқиши варианти мантиққа якироқ эканлиги кўринади.

<sup>66</sup> Маънавият лугати: асосий тушунчалар изоҳли лугати. –Т.: Фафур Ғулом нашриёти, 2009.–Б.509.

<sup>67</sup> Основы политической науки. Учебное пособие для высших учебных заведений. Часть I. –М.: МГУ им.М.В.Ломоносова, 1996. –С.157.

<sup>68</sup> Шамсиев П., Иброхимов С., Навоий асрлари лугати. –Т.: F. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 1972.- Б 556-557.

Алишер Навоий тили ва назарий қараашларида “*сиёсат*” сўзи талқинига келганимизда ҳам, улуғ мутафаккир асарларида сиёсатни қатъият, дўқ-пўлиса, ўз қудратини намойиш этиш, ўз иродасини ўтказиш услуби сифатидаги мазмунини англаш мумкин. Лекин Навоийда бундай “*сиёсат*” адолатсизликка, ҳақсизликка нисбатан кўлланиладиган чора сифатида ифодаланган. Масалан: “Маҳбуб ул-кулуб”даги “одил салотин зикрида” фаслида “... заллама ва авонлар анинг *тиги сиёсатидин* фарсада” – яъни- одил подшохнинг тиги (киличи) даҳшатидан золим ва бебопшар ҳар томонга қочиб тўзиб кетадилар. Яна шу ерда “... *сиёсатидин* мусофири кўнгли қароқчи ваҳмидин мутманин (тинч, хотиржам)”<sup>69</sup>

Яна “Фарҳод ва Ширинда”

Бирорким топса шаҳлиғдин риёсат,  
Тузук бўлмас иши қилмай *сиёсат*<sup>70</sup>.

Ёки:

Шаҳ ар тиги *сиёсат* қиласа тез,  
Чекилгай халқ аро юз тиги хунрез<sup>71</sup>.

Яна шу ерда:

*Сиёсатни* бирор чун қилди бунёд,  
Бўлур тадриж бирла табыи мутьод, - дейди

“Садди Искандарий”да:

Адолат аро фасли наврӯздек,  
*Сиёсатда* барки жаҳонсўздек<sup>72</sup>.

Яъни сиёсатчи, подшоҳ адолатда наврӯз ҳавосидек ҳаётбахш, сиёсатда яшин сингари жаҳонни куйдиргудек, - дейди.

Яна: Адолат тариқи фош айлади,  
*Сиёсат* анга дурбош айлади.<sup>73</sup>

Алишер Навоий қараашларида сиёсатга ўзига хос ёндашувлар мавжуд бўлиб, турли даврларда кечган сиёсий ҳодисалар турли хил талқин этилган. Навоий асарларида ҳам ўрта асрлар тафаккурига хос ҳар бир воқеликни, кечачётган жараёнлар, тизим ва тартиботни илохий куч билан боғлаб

<sup>69</sup> Навоий А Маҳбуб ул-кулуб МАТ 20 томлик. -Т.: “ФАН”, 1998. 14 жилд Б- 12. яна қаранг С.Олим Навоий ёшларга Т.: 2008.- Б- 58-59.

<sup>70</sup> Навоий. А Фарҳод ва Ширин МАТ 20 томлик. - Т.: “ФАН”, 1991.- 8 жил Б-108.

<sup>71</sup> Шу манба Б-109

<sup>72</sup> Навоий А Садди Искандарий МАТ 20 томлик. -Т.: “ФАН”, 1993.- 11 жилд Б 107.

<sup>73</sup> Шу манба. Б 113, яна қаранг – Садди Искандарий (насрий баён) -Т., 1978 Б 42.

тушуниш, яратгувчини унинг асосий сабаби, манбаи деб ҳисоблаш анъанаси сезилиб туради. Бундай қарааш Навоийнинг ижтимоий-сиёсий қараашлари акс этган ҳеч бир асарини четлаб ўтмаган. Бугунги сиёсий фанлар тизимида бу теократик қараашлар деб аталади.

Алишер Навоий яшаган ижтимоий-сиёсий мухит, албатта унинг ўзидан олдинги ва кейинги даврлар ижтимоий ижтимоий мухитидан, вазиятидан фарқ қилган. Ана шу сиёсий вазият ва мухит Навоийнинг умуман ижтимоий шаклланишида ва албатта кейинчалик уни бадиий ва шу жумладан сиёсий тафаккур даҳоси сифатида номоён бўлишида асос бўлиб хизмат қилди. Тарьидлаш жоизки, Навоий ва у каби тафаккур даҳолари, ўз давригача бўлган илмий, фалсафий меросни, ўзи яшаган давр сиёсий илмлари асосида, ўз кузатишлари, тажрибалари асосида ижтимоий адолат, тенглик инсон ва инсониятга муносиб фаровон турмуш тарзини яратиш гояларини жуда мукаммал тарзда асослаб кетишган. Бундай қараашлар, назариялар ишғарилари ҳам турли услуг ёки тилларда турлича ифодаланган бўлиб ҳозирги замон ижтимоий фанлари, хусусан сиёсий, ҳуқуқий фанларида демократик қараашлар, демократик ўзгаришлар, демократик жараёнлар деган қисқача сўзда ифодаланган. Лекин Навоий сингари умр бокий асарлар яратган олимларнинг яратган асарлари, назариялари, ҳозирги замон илмий билимларини, ҳозирги ҳуқуқий сиёсий талаблар, тартиботлар, андозаллар шаклланишида асос бўлади десак муболага бўлмайди.

Сиёсий қараашлар тизимида сиёсатга турли олимлар томонидан турлича таъриф берилади. Давримиз олимларининг қараашларига кўра “сиёсат – давлат ишида иштирок этиш, давлат фаолияти шакллари, вазифалари, мазмунини белгилаш, синфлар, миллатлар ва бошқа ижтимоий гурӯхларнинг ҳокимиятга доир муносабатлари соҳасидир. Ҳар кандай ижтимоий муаммо бирор синф, гурӯх, қатлам, миллат манфаатлари билан тўқнаш келиб қолса сиёсий маъно касб этади. Щунинг учун ҳам сиёсий гоялар, қараашлар, таълимотларнинг вужудга келиши жараёни жамиятдаги табакаланиш ва давлат ривожланиши билан узвий боғлиқ”<sup>74</sup>.

Мазкур таъриф Навоий қараашларидан кескин фарқланмайди. Навоийда ҳам сиёсат деганда “давлат ишида иштирок этиш” тушунилади, бироқ унинг қараашларига кўра бу сиёсатнинг эгаси - ҳукмдор бўлмоғи лозим. Ҳукмдор унинг сиёсатини амалга оширувчи давлат ҳокимияти органлари ва бошқарув тизимиning фаолият шаклларини белгилаб беради. Ҳукмдор бўлмаса сиёсат турли одамларнинг кўлида қолади. Бу одамлар эса турли

<sup>74</sup> Алиев Б., Рафиқов F., Султонов Т., Ҳошимов Т., Содиков А., Бобоев А., Раҳмонов Б., Сиддиков Н., Халимбетова Р. Политология. –Т.: TDIU нашриёти, 2011. -250 б.-Б. 18.

табакалар, тоифаларга мансуб ва ҳар хил ривожланиш даражасида бўлганилари сабабли турли тартиб ва одатларга риоя қиласидар. Окибатда ҳукмлар ўртасидаги фарқлардан келиб чиқувчи бузилишилар юз беради. Бу ўз навбатида бир бутун эл ўртасида парокандаликни келтириб чиқаради. Сиёсатнинг амал қилиш доираси қанчалик кичиклашиб борса парокандалик шунчалик катталашиб, инсонлараро муносабатлар шунчалик чигаллашиб боради.

Навоийнинг бу фикри бугунги кун фикрлар плорализмига каршидек туюлади. Зоро, айрим олимлар сиёсий плорализм деганда жамиятдаги ҳар бир индивиднинг кечаетган сиёсий жараёнлар түғрисида эркин фикр билдириш ҳуқуки, ҳокимият тармоклари, субъектларининг сиёсий жараёнлардаги эркинлик даражасини назарда тутадилар. Чуқурроқ қараганда Навоий буни рад этмайди, аммо одил, саҳоватли ва химматли ҳукмдор бўлмаса амалга ошириладиган сиёсатнинг мезонларини белгилаб бўлмайди. Навоий қарашларига кўра ҳукмдорнинг сиёсати унинг мақсадларига тенг турит, амалга оширганда келадиган натижаларга ҳам айни ҳукмдорнинг ўзи (худо олдида) жавобгардир. Шунга кўра Навоий сиёсатга ҳукмдор ва у бошкараётган ҳокимият вакиллари фаолиятининг натижаси деб қарайди.

Навоийнинг сиёсат борасидаги қарашларида жамиятдаги сиёсий воқеликни ўзида акс эттирувчи турли тасаввурлар, хис-туйгулар, ақидалар, кайфият ва бошқа фикрлар ҳам мавжуд. Булар унинг асарларида, давлат ва жамоат арбоблари билан боғлиқ фикр ва мулоҳазаларида ифодаланган. Улар маҳсус назария даражасида бўлмаса-да, жамиятдаги турли ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг мақсадлари, сиёсий манфаатлари масаласида Навоий қандай муносабатда бўлганини аниқлаш ва ёритиш имконини беради.

Алишер Навоий қарашларида сиёсатга ўзига хос ёндашувлар мавжуд бўлиб, турли даврларда кечган сиёсий ҳодисалар турли хил талқин этилган. Навоий асарларида ҳам ўрта асрлар тафаккурига хос ҳар бир воқеликни, кечаетган жараёнлар, тизим ва тартиботни илоҳий куч билан боғлаб тушуниш, яратувчини унинг асосий сабаби, манбаи деб ҳисоблаш анъанаси сезилиб туради. Бундай қараш Навоийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари акс этган ҳеч бир асарини четлаб ўтмаган. Бугунги сиёсий фанлар тизимида бу теократик қарашлар деб аталади.

Алишер Навоий яшаган ижтимоий-сиёсий мухит, албатта унинг ўзидан олдинги ва кейинги даврлар ижтимоий ижтимоий мухитидан, вазиятидан фарқ қилган. Ана шу сиёсий вазият ва мухит Навоийнинг умуман ижтимоий шаклланишида ва албатта кейинчалик унинг бадиий ва шу жумладан сиёсий тафаккур даҳоси сифатида номоён бўлишида асос бўлиб хизмат қилди.

Таъкидлаш жоизки, Навоий ва у каби тафаккур даҳолари, ўз давригача бўлган илмий, фалсафий меросни, ўзи яшаган давр сиёсий илмлари асосида, ўз кузатишлари, тажрибалари асосида ижтимоий адолат, тенглик инсон ва инсониятга муносиб фаровон турмуш тарзини яратиш ғояларини жуда мукаммал тарзда асослаб кетишган. Бундай қарашлар, назариялар илгарилари ҳам турли услуг ёки тилларда турлича ифодаланган бўлиб ҳозирги замон ижтимоий фанлари, хусусан сиёсий, ҳуқукий фанларида демократик қарашлар, демократик ўзгаришлар, демократик жараёнлар деган қискача сўзда ифодаланган. Лекин Навоий сингари умр бокий асарлар яратган олимларнинг яратган асарлари, назариялари, ҳозирги замон илмий билимларини, ҳозирги ҳуқукий сиёсий талаблар, тартиботлар, андозаларни қарор топшишида тамал тоши бўлиб хизмат қилди ва бўлиб келмоқда. Алишер Навоий кўпчилик мутафаккирлар катори дунё тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшган олим сифатида эътироф этилиши ва унинг ўлмас асарларидан, уларда кўтарилиган ғоялар димириравища ўрганилиб уларнинг янада янтича ёндашув ва талқин килиб келинмоқда. Зоро, айрим олимларимиз эътироф этгандаридек, Навоийнинг ўқиган ҳар бир киши, шунингдек турли ёшга доир кишишлар ўзига мос ва ўзига зарур сабоқ олади ва хулоса чиқаради<sup>75</sup>.

Яна бир эътиборли жихат шундаки, ҳар бир даврнинг сиёсий қарашлари, муносабатлари уларни тили турлича бўлган. Бу ҳол эса ҳам табиат ҳам жамият конунларига мосдир. Чунки; *биринчидан* – алоҳида милитий бирликларда ҳам авлодларнинг ўзгариши, шу ўзгаришларга омил бўлувчи ижтимоий турмуш ўзгариши натижасида содир бўлади. Шунинг учун қўп ҳолларда катта ёщдаги авлод вакиллари билан ёш авлод вакиллари орасида “тап бир жойдан чиқмай қолиши” ана шу ҳаётни табиий конуниятига бевосита боғлиқ; *иккинчидан-* сиёсий тафаккур бошқа жабхаларда бўлгани каби, ҳар бир минтақа халқларининг, улар яшаётган минтақа, шу ўлкада яшаётган халқларнинг тили, тарихий келиб чиқиши, маданияти, диний эътиоди, майиший турмуш тарзи ва ҳатто шу ўлка табиати иклимига бевосита боғлиқ.

Ҳозирги замон илм -фани тадқиқчилиги ҳар бир ижодкор олимнинг ўз ижод услубини алоҳида фан сифатида ўрганади. Алишер Навоийнинг ижод услуги кўпчилик олимларнинг ва унинг ижодини эркин ўрганувчи навоийхонларига маълум бўлганидек юксак маҳоратли бадиий-лирик услубдир. Бу фазилат бошқа Шарқ мутафаккирлари каторида Навоий дахосининг янада буюкрок эканлигини билдириб туради. Яна шуни ҳам таъкидлаш ортиқча бўлмайдики, Навоий ижодига хос асарларнинг хажмидан

<sup>75</sup> Султонмурод Олим. Навоий ёшларга. -Т.: Маннавият, 2008; -Б.3-11.

катьи назар, теран фалсафий мантиққа эга эканлигидир. Навоий ижодида асосий ўринни инсонлар ўртасидаги яхши муносабатлар сиёсий ҳаёт муаммолари, жамият ҳаётини ижобий ўзгартиришларга ундовчи ғоялар, инсонларга хос юксак маънавий камолот масалалари эгаллаган. Шунинг учун Навоий асарларининг асосий, бош қаҳрамонлари Худолар, пайғамбарлар, фаришталар, подшоҳлар, вазирлар, шахзодалар, ҳакимлар (олимлар), мажозда эса қушлар ва бошқа жонзотлар воситасида ифодаланган.

Масалан, ҳозирги замон сиёсий ҳукукий муносабатларининг тартиби ҳисобланган демократиянинг бош тамойили бўлган сайлов тизимиdir. Сиёсий ҳокимиятни қонуний шакллантиришнинг мухим шарти бўлган ҳозирги замон сайлов тизимлари Навоий даврида йўқ эди албатта. Лекин Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асарида қушлар ўртасида мақом талашиб юзага келган ихтилофлар, доно Худхуднинг маслаҳати ва хикматли хикоятлари билан бартараф этилиши. Кейин қушларнинг Симурғнинг яни Оллоҳ даргоҳигача бўлган узок машақатли йўлни босиб ўтишда ўзларига йўлбошчи, рахнамо зарур эканлиги ва раҳнамони куръя ташлаш йўли билан сайлаганлиги воқеаси орқали ифодалаган. Асаддаги жуда эътиборли жойларидан бири шундаки, қушлар Худхуддан ўзларига бошлиқ бўлишини ва Симурғнинг даргоҳига бошлашдек машаққатли йўлда йўлбошчилик қилишини талаб қилиб сўрашганида, у “майли, мен билганимча йўл кўрсатай, лекин бошлиқ бўл десангизлар, кўркаманки, орамизда фарқ пайдо бўлиб қолади” деб камтарона жавоб беради<sup>76</sup>.

Бу орқали Навоий қушлар қавми мисолида жамиятни бошқариш жуда мушкул иш эканлиги ва доно ҳудҳуд бундай ишни ўз зиммасига олишдан қўрқишини камтарлик билан жавоби орқали, сиёсат аҳлида ўта масъулиятли бошқарув ишида камтарин ўта маданиятли ва албатта ўта доно бўлишини таъкидлаган. Ундан ташкари “Лисон ут-тайр”нинг асосий воқеалар баёни Навоий ўзи айтиб ўтганидек, Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”идан олинган бўлиб, лекин муалииф унга ўзи жуда кўп қўшимчалар қиласи. Ҳусусан, ҳудхуднинг куръя ташлаш йўли билан бошлиқ сайланиши воқеасинг Навоийнинг ўзи қўшган<sup>77</sup>.

Навоийнинг “Лисон ут-тайр”ининг “Факру фано водийсининг сўзи” фаслида – коинотдаги барча нарсалар ва жонзотлардан энг улуғи инсон

<sup>76</sup> Қаранг: A.Navoij “Lison ut-tayr( nasriy bayoni bilan)G.Gulom njmidagi nashiyot-matbaa ijod uyi T 2005: 356-357 бет; яна қаранг: Султонмурод Олим Навоий ёшларга Тошкент 2008; 58-59 б.

<sup>77</sup> (A.Navjiy Lison yt-tayr (nasriy bayoni bilan) G.Gulom nomidagi nashriyot-matbaaijod uyi; -T., 2005; 3-4 b.

бўлиб, унинг камолоти олдида ақл ҳайрон қолади. Лекин инсон камолотга этишгунча жуда кўп азоб-укубат, захмат чекишини таъкидлайди<sup>78</sup>.

Албатта юкорида таъкидланганидек, бундай мураккаб ижтимоий муаммолар адолатли, яъни демократик ечимини Навоий ўз замонаси ўз шахсий тафаккури ва услубида мохирона ифодалаган. Унинг баён услуги, эса худолар, пайғамбарлар, фаришталар, подпоҳлар, вазирлар донишманд олимлар ва образлар тимсолида ифодаланган. Масалан : “Сабаби сайёор” достонида Шоҳ Бахром ошиқлик дардидан ҳаддан ташқари ичклийки, айшу-ищратта берилиб кетиб, салтанат ишларини, ҳукумати фаолиятини сўрамай кўйгани учун, барча амалдорлар қонун-қоидани ўзи билганича йўл тутади. Натижада, эл ахволи ёмонлашиб, норозилик кучайиб кетиши тасвирланган. Навоий бу ҳолни мажозий тарзда, кўйлар бўриларга ем бўлишди, кўйларгина эмас, балки уларнинг чўпонлари ҳам уларга ем бўлишди дейди<sup>79</sup>.

Хозирги замон сиёсий муносабатларида ишлатиладиган атамаларни шарҳлашда илмий ёндашув асосий ўринни эгаллайди. Илмий адабиётларда кенг кўлланиладиган ва истеъмолда бўлган кўп тушунчалар, терминларнинг лотин, француз, араб, инглиз, рус тилидан кириб келганинг соғ амалий—мантиқий мазмуни бир-бирига мос тушмайди, ҳатто қарама-қарши маънога эга эканлигини кўришимиз мумкин. Ижтимоий фанларда, айниқса сиёсатшунослик, сиёсат, ҳуқуқ фалсафа фанларида асосий ўринда турувчи фуқаро ёки фуқаролик тушунчасини олиб кўришимиз мумкин. Бу сўзнинг лугавий мазмунидан ташқари, унинг келиб чиқишидаги тарихий-ижтимоий ҳолат ҳам фарқ қиласди. Фуқаролик маъоми (статуси) қадимги Farb дунёсида аввал шаҳарлик озод (кулликдан) шахсларга берилган. Бу ҳол дастлаб қадимги Юнонистон ва Римда мавжуд бўлиб, кейинчалик, Франция, Буюк Британия, Италия, Испания, Нидерландия каби мамлакатларда қулдорлик жамияти инқирозга учраб феодал тартиблар шаклдан бошлаган даврларда шаҳар(кўргонлар) аҳолисининг эркин кишиларига берилган. Ана шунинг учун бу фуқаролик сўзи французча “ситуайян” ёки инглизча “ситизенс” (citizens)- яъни шаҳарлик деган маънода кўлланилган. Рус тилидаги граждан сўзи ҳам “торожан” – шаҳарлик сўзидан олингандир<sup>80</sup>. Лекин хозирги замонда ўзбек тилида талқин қилинадиган “фуқаро” ва “фуқаролик” сўzlари факир сўзининг кўплилк шакли бўлиб, факирлар деган тарихий сўздан келиб чиқкан. Зоро, бу сўз қадимда Шарқ мамлакатларида

<sup>78</sup> Ўша асар 232-б. Насрий баёни 424-б.

<sup>79</sup> A. Navoiy Sab'ai sayyor G'ulom nomidagi nashriyot matbaa ijod uyi. –Т., 2006. 323 b.

<sup>80</sup> Мустақиллик изоҳли илмий оммабоп лугат.-Т.: Шарқ, 1998; 225-б.

жамиятнинг энг қуи қатламини англатган. Ундан ҳам эътиборли жиҳати эса фукаролар шаҳарда (шахар – қалъя) яшамаган<sup>81</sup>. Бугун ўзбек тилида “фуқаро” сўзи мамлақат ҳалқи ва унинг вакилларидан ҳар бирига нисбатан кўлланилади, айни вактда ахоли тушунчасига мүкобил маъно касб этади. Лекин Навоий тилида ахоли тушунчаси раият атамаси билан ифодаланган, алоҳида шахсга нисбатан эса бутунги фуқаро маъносидা “киши” атамаси кўлланилган. Хуллас, сиёсат соҳасига оид бундай кичик истилоҳларнинг фарқли ва ўхшаш жиҳатларига кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ҳар қандай ислоҳот ва ижтимоий ўзгаришлар олимлар, мутахассисларнинг маслаҳатлари, уларнинг илмий хуросалари асосида илмий жиҳатдан ҳар томонлама асосланиши талаб этилади. Бошқача айтганда, сиёсий жараёнлар, сиёсий ҳаёт институционал асосда ташкил этилиши талаб этилади. Илгарилари ҳам бу масалалар хукмдорларини яқин (хос) ҳакимлари (олимлари), яъни маслаҳатчи олимлар бўлган, ундан ташқари, хукмдорларнинг девонларида жиддий тадбирлар кенгаш ва машварат йигилиб қилинажак тадбирнинг фойда ва зиён томонлари батағсил мухокама килинган. Бундай масалалар Алишер Навоий асарларида жуда ажойиб тарзда баён қилинган. Аввала, унинг асарларининг бош қаҳрамонлари бўлмиш подшоҳларнинг ёнларида донишманд вузаро (вазирлар), фузало (фозиллар, олимлар), уламо (шариат олимлари), ҳакимлар яъни турли соҳаларнинг олимлари маслаҳатпўйлари бўлиб доно ва оқибатли шоҳ албатта уларни қадрлаган ва доимо уларни маслаҳатларига амал килган. Кайси подиоҳ бу тамоийлга амал қилмаса, унинг салтанати тезда инқизорзага юз тутиб барбод бўлганлиги кўплаб тарихий мисоллар воситасида кўрсатиб ўтилган. Хусусан, Навоийнинг “Тарихи анбиё ва хукамо” асарида жуда кўплаб набийлар (пайғамбарлар), ва жуда кўплаб хукамоларни (олимларни) номлари ва ибратли ҳаётлари, ўлмас мерослар, хусусида батағсил тўхтаб ўтилган. Ушбу ўлмас асарда, инсоният тарихида ўзларини ибратли ҳаётлари билан машҳур бўлган шахслар тўғрисида жуда ноёб маълумотлар берилган. Асарда хусусан қадимги Юнон сиёсий фалсафасининг даҳоларидан бири улуғ олим Аристотилус (Аристотель) ҳақида ҳам тўхтаб ўтилган. “Анинг сўзлари будурким, подшоҳ улуғ рудга (дарё) ўхшар, ва атбои (издошлари, ўришибосарлари ;Н.Т.) ариғларким, ул руддин айрилдиларким, руд суйига ҳар ҳол бўлса, ариғлар суйига ҳамул ҳолдир. Ул чучук бўлса булар чучук бўлур”<sup>82</sup>.

<sup>81</sup> Мустакиллик изоҳли илмий оммабоп лугат. -Т.: Шарқ, 1998. 227-6.

<sup>82</sup> А.Навоий “Тарихи анбиё ва хукамо” 15 томлик, F.Улом номидаги бадиий адабий нашириёт.-Т.: 1968 ; 14 том, 240-б.

Ушбу асарда яна бир юонон файласуфи Афлотун (Платон) нинг сиёсий пандномаларидан келтириб ўтади. “...Ва ҳакими олихи эрди. Ва анинг сўзларидиндурким, подшохга чоғир ичмак ҳаромдир, невчунким ул мулк ва рaiятни нигоҳбонидур. Нигоҳбонким, анга нигоҳбон керак...”<sup>83</sup>.

Ҳозирги замон умуминсоний демократик тамойиллардан асосийси, инсонпарварлик тамойилининг асосий талаби хисобланган ижтимоий кўмаклашув ёки саҳоват кўрсатиш, гуманитар ёрдам кўрсатиш хисобланади. Бу Навоий қарашларидаги бош ғоя бўлғанинги алоҳида таъкидлаш лозим. Аввало Навоийнинг ўзи бу соҳада намуна эканлиги, яъни у ўз сармояси билан она шахри Хиротда ва салтанатнинг бошқа ерларида оддий фуқароларни ўзлари ва фарзандлари учун очган мадрасалар, дорихоналар, шифохоналар, кутубхоналар мисолида унинг саҳоват олижаноблик тимсолида номоён бўлади. Ундан ташкири, Навоийнинг жамият таракқиётининг асосий омили амният яъни тинчлик, одамлар ўргасида бегараз муносабат, йиқилган ёки заифга мурувват кўрсатиш, дўстона ёндашув эканлигини тараннум этувчи ғоялари, ҳозирги даврда ҳам асосий дастурий аҳамиятга эга бўлган манбадир. Унинг “Оlam ахли билингизки иш эмасдир душманлик, Ёр ўлинг бир-бирингизгаким эрур ёрлик иш”, “Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил, ҳам жонларига мояйи дармон бўлғил” деган пурмайно ҳикматлари асрлар оша инсониятни яхшилик, саҳоватлилик мурувватга ундовчи бонг сифатида янграб келмоқда.

Навоий давлат асосларини ҳукмдор билан боғлайди ва унга ижтимоий ҳаётга татбик этиладиган тартибларни илохий асосларга амал қилган ҳолда худонинг иродасини амалга оширувчи шахс, ҳокимиятнинг илк манбай сифатида ёндашади. Шундай бўлсада, у давлат ҳокимиятининг турли бўғинларида ишлаб, ҳукмдор сиёсатини амалга ошираётган амалдорларга икки хил қараща ёндашади: сиёсий ҳокимиятдаги амалдорлар аввало ҳалк хизматкорлари; давлат хизматидагилар ҳукмдор ҳокимиятини амалга оширувчилари бўлиб, бунда ҳукмдор ўз ҳаликининг раҳнамоси ва амалдорлар эса унинг гулом (кул)ларидирлар.

Турли мамлакат ҳалклари сиёсатга турли хил ёндошиши табиий. Шарқда, хусусан юртимиз давлатчилиги тарихида сиёсатнинг моҳиятидан келиб чиқиб, уни жамият манфаатларига йўналтирган ҳолда талқин этиш, сиёсат, сиёсий ҳокимият ва сиёсий тизимда обьект ва субъектларнинг ишпироки ва тутган ўрнидан келиб чиқиб ёндошиш мавжудлиги билан ажралиб туради.

<sup>83</sup> А.Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо” 15 томлик. –Т.: Ф.Гулом номидаги бадий адабий нашриёт, 1968, 14-том, 240-б.

Юртимиз худудида шаклланган тарихий сиёсий қараашларда сиёсатга берилган таърифлар фалсафий моҳият қасб этади. Бу кўп жиҳатдан ҳалқимизнинг менталитети билан боғлик. Бизда сиёсатга фалсафий ёндошиб, сиёсий масалаларни ҳал этишга ҳаракат қилиши тарихий-маданий, ахлоқий негизларга эга бўлса, Америкада бихеовиризм, яъни сиёсатни хулқ-автор билан боғлик ҳолда таҳлил этган сиёсий қараашлар таркиб топганлигини, Германияда сиёсатнинг назарий масалаларини ўрганиш, Францияда сиёсат социологияси ва бошқа айрим давлатлар мисолида ҳам унинг аниқ ўзига хос жиҳатлари мавжудлигини кўрамиз.

Мамлакатимизда яшаб ўтган алломалар қараашларида ҳам сиёсатга фалсафий-ахлоқий, диний, фуқаролик ва ижтимоий концепциялар асосида ёндошувлар билан бирга, уларнинг негизида фозил шаҳар ҳокими, комил инсон ғояси ва манфаатлари, инсоннинг маданий-маърифий ривожи, маънавияти жамоа ва шахс манфаатлари сиёсий ҳокимият ўргасидаги муносабатда уйғунлашиб, ҳокимиятга, ҳокимият бошлигига катта хурмат билан қарааш анъанаси мавжуд бўлганлиги билан ажралиб туради.

“У ёки бу сиёсат юритилиши турли синфлар, ижтимоий гурухлар, миллат ва элат ўргасидаги муносабатларни уйғунлаштириш фаoliyatiга боғлик бўлиб, унинг марказида давлат туради. Ана шу давлат ҳокимиятини кўлга киритиш, сақлаб қолиш, ундан самарали фойдаланиш бош масаладир. Сиёсат юритилишидаги энг муҳим ва моҳиятли йўналиш – давлат ҳокимиятини куришdir. Сиёсат деганда давлат ишларида қатнашиш, давлат фаoliyatiни йўналтириш, унинг шакллари, вазифалари ва мазмунини белгилаб беришни тушунамиз”<sup>84</sup>.

Алишер Навоий даврида сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнлар, сиёсий маданият, уларнинг фаoliyiat механизми ва воситалари ҳамда амалиёти тизимли тарзда, алоҳида фан тармоғи сифатида ўрганилмаган бўлсада, сиёсий таълимотларнинг шаклланиши ва ривожи, сиёсий маданият ва мағкура ҳамда умумбашарий таракқиётнинг сиёсий муаммоларини ўрганиш ижтимоий ҳаёт муаммоларини ҳал қилишга қаратилган фикрлар заминида асосий масалалар тизими шаклида кўзга ташланади<sup>85</sup>. Унга кўра, жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсат, сиёсий жараёнлар, давлат ҳокимияти, сиёсий гурухлар ва ҳаракатлар билан ўзаро муносабатда бўлган турли ижтимоий гурухлар, сиёсий муносабатларда фуқароларнинг ўрни ва роли, ҳокимиятга муносабати, уни сақлаб туриш механизми ва воситалари,

<sup>84</sup> Политология: Учебное пособие / А.С. Тургаев, А.Е. Хренов, Т.В. Иванковская и др.; под ред. А.С. Тургаева, А. Е. Хренова. –СПб.: Питер, 2005. –С.207.

<sup>85</sup> Бобоев X. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараккиёти. Ўқув кўлланма. –Т.: Янги аср авлоди, 2001. –Б.9.

жараёнлари ҳамда амалиёти бевосита ижтимоий муаммолар ва уларни бартараф этиши билан боғлиқ фаолият доирасида ўз аксини топади”<sup>86</sup>.

Бугунги политология фанида сиёсатга “яхлит ижтимоий ҳодиса сифатида”<sup>87</sup> ёндашилади ва унинг айнан ижтимоийлик характери сиёсат борасидаги Навоий қарашлари ва замонавий қарашларни бирлаштирувчи элемент дейиш мумкин.

Бугунги сиёсат соҳасида “Давлат”, “сиёсат”, “сиёсий ҳокимият”, “сиёсий жараёнлар”, “сиёсий ҳаёт”, “сиёсий муносабат”, “сиёсий институтлар”, “сиёсий тизим”, “сиёсий онг”, “сиёсий маданият”, “сиёсий қадриятлар”, “сиёсий вокелик”, “давлат ҳокимияти” каби бир қатор тушунчалар асосий категориялар сифатида фарқланади. Бу категорияларнинг ҳар бири ўз сиёсий мазмунига эга бўлиб, сиёсий жараёнлар тизимида намоён бўлади.

Навоий қарашларида сиёсатшуносликнинг асосий категориялари бўлган *сиёсат* ва *сиёсий* масаласи мухим ўрин эгаллайди. Сиёсий тушунчаси асосида Навоий давлат ҳокимиятида мухим аҳамиятга эга бўлган лавозимлар ва уларда фаолият кўрсатадиган ёки кўрсатаётган шахслар, уларнинг маълум белгиланган қонун ва тартиб-коидаларга риоя килиши, вазифа ва бурчлари, манфаатлари ва эҳтиёжларига эътибор қаратади. Навоийнинг фикрича, уларнинг сиёсий муносабатлари охир-оқибатда ҳукмдор сиёсатининг асосини белгилаб беради<sup>88</sup>.

Навоий қарашлари уйғун бўлган бугунги сиёсий категориялардан яна бири бу *сиёсий ҳокимият* масаласидир. Мутафаккирнинг фикрича, сиёсий ҳокимият одамларнинг муайян ижтимоий характердаги ҳаракатларига обру-эътибор, қонун-қоида ёки куч ёрдамида таъсир кўрсатиш воситасида итоатда тутиш ва кўзланган мақсадларга бошқариш эркинлигига эга бўлишдири. Бу масалада Навоий мазкур эркинликдан ким ва қандай фойдаланишига кўпроқ муносабат билдиради. Чунки сиёсий ҳокимиятда шахснинг ўрни Навоий яшаган давр сиёсий режимида (монархия) мухим аҳамиятга эга бўлган. Сиёсий ҳокимият амалда лавозимлар воситасида шахслар ўргасида тақсимланган ва умумий жамият ва давлат устидан олиб бориладиган сиёсатда бу лавозим ва шахсларнинг алоҳида ўрни бўлган<sup>89</sup>.

Навоий асарларида эътибор қаратилган сиёсий категориялар доирасида *сиёсий тизим* ва унинг таркибидағи муносабатларга ҳам катта аҳамият қаратилган. Бугунги сиёсий қарашларда бунга сиёсат субъектлари ва

<sup>86</sup> Ўша манба. 230-б.

<sup>87</sup> Алиев Б., Бобоев А. Политология. Ўқув кўлланма. –Т.: ТДИУ, 2007. –Б.175.

<sup>88</sup> Каранг: Алишер Навоий. Махбуб ул-кулуб. –Т.: Faafur Гулом нашриёти, 1983. –Б.96.

<sup>89</sup> Каранг: Алишер Навоий. Муншоат. –Т.: Faafur Гулом нашриёти, 1966. Т.13. –Б.44.

объектлари сифатида ёндашилади. Навоий қарашларига кўра сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш нафакат сиёсат субъектларини шакллантиришни, балки уларнинг таркибий қисмларини мамлакат худуди бўйлаб тартибли жойлаштиришни ҳам талаб этади. Шунинг учун сиёсат объектлари сиёсий ҳокимият даражасидан келиб чиқиб, давлат ва маҳаллий худудий бошқарув тармоқларига бўлинади. Кизикарли томони шундаки, Навоийнинг бу қарашлари ҳозирги замон унитар, федератив ва конфедератив давлат қурилиши ва сиёсати тамойилларига жуда мос келади<sup>90</sup>.

Навоий қарашларида *жамият таркибини белгилани ва унинг бошқарувини ташкил этишининг ижтимоий-сиёсий шакли* масаласида ҳам бир катор асарларида фикрлар билдирилади. Замонавий сиёсатчунослик фанида бошқарув ва унинг сиёсати моҳиятидан келиб чиқиб монархия, республика (парламенттар ёки президентлик), демократик, авторитар, тоталитар ва бошқа бир катор тузумлар фарқланади. Навоий монархия тузуми даврида яшаган бўлсада жамият таркиби, уни гурухларга бўлиш, бошқаришни ташкил этиш масалаларида унинг қарашлари замонавий сиёсатчунослик кайд этган белгилардан анча фарқланади<sup>91</sup>.

*Амалий сиёсат ва жасагитдаги сиёсий муносабатларнинг ўзаро алокалари, ҳокимият субъектлари ҳамкорликдаги ҳаракатларининг ўзига хос хусусиятлари, ҳокимият субъектларининг объексларга ва объексларининг субъектларга айланishi масалалари* Навоийнинг чуқур дикқат марказида тургани асарларида яққол кўриниб туради. Замонавий сиёсат сиёсий муносабатларнинг субектлар ва объекслар алокаларида аҳоли томонидан қўллаб-кувватланадиган ва ихтиёрий равища амал қилинадиган турли ижобий ёки салбий ижтимоий-сиёсий меъёрларга таянишини кайд этади<sup>92</sup>. Мазкур муносабатларнинг чигал ва мураккаб тизимиға доир қарашлар Навоийнинг сиёсий фаолият ва сиёсий ахлоқ меъёрлари билан боғлик фикрларида ҳам ўз аксини топган<sup>93</sup>.

Шунингдек, Навоийнинг *ижтимоий қатламлар ва уларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокига оид қарашлари* бутунги бутунги сиёсий фанлар тизимида ўрганиладиган сиёсий категориялар моҳиятига анчагина мос келади. Навоий булар таркибida сиёсий элита таркибий қисмларини ҳам зътибордан қолдирмаган. Давлат сиёсатини амалга оширишда ўзаро

<sup>90</sup> Каранг: Алишер Навоий. Ҳайратул-абор. –Т.: Фаур Ғулом нашриёти, 1989. –Б.52.

<sup>91</sup> Каранг: Алишер Навоий. Махбуб ул-кулуб. –Т.: Фаур Ғулом нашриёти, 1983. –Б.12.

<sup>92</sup> Каранг: Алишер Навоий. Садди Искандарий. –Т.: Фаур Ғулом нашриёти, 1991. –Б.332.

<sup>93</sup> Алишер Навоий. Тарихи мулуки ажам. –Т.: Фаур Ғулом нашриёти, 1967. Т.14. –Б.72.

шерикчилик ва ракобат воситасида фаолият олиб борадиган сиёсий элита жамиятнинг ижтимоий-сиёсий катта кучга эга бўлган муҳим катлами эканлигини Навоий чукур даражада тушунган<sup>94</sup>.

Айнан Навоийда бутунги жаҳон сиёсий илмлар мутахассислари томонидан эътироф этилган *сиёсий лидерлик* категориясига сиёсий элита ва сиёсий таъсирга қобилиятли катламлар фаолиятидан келиб чиқиб баҳо берилади. Шунга кўра айтиш мумкинки Навоий сиёсий жараёнларни бошқаришни сиёсий катламлар – сиёсий элита – сиёсий лидерлик тизимида тасаввур этади. Шуни таъкидлаш керакки мазкур сиёсат субъектларининг ўзаро алокадорликдаги фаолияти ўрта асрларда одатда *сиёсий тизимнинг моҳияти* ва максадларини белгилаб берган<sup>95</sup>. Албатта буни Навоий яхши тасаввур эга олган ва шу жиҳатдан кўплаб сиёсий низоларни бартараф этишда жонбозлик кўрсатган<sup>96</sup>. У айни вақтда сиёсий субъектлар орасидаги алокадорликни саклаб колиш, улар ўргасида сиёсий мувозанатга эришиш воситасида Ҳусайн Бойқаро давлати сиёсий тизимини асраб қолиш тарафдори эди<sup>97</sup>.

Навоий қарашларида *сиёсий институтлар* ўз даври давлатчилик маданийти билан боғлиқ равишда акс этирилади. Унга кўра давлат мазкур институтларнинг бош элементи бўлса, ҳукмдор унинг иккинчи элементи ва таянчидир<sup>98</sup>.

Навоий асарларида кенг аҳамият қаратилган сиёсий категориялардан яна бири *сиёсий бошқарув ва сиёсий раҳбарликдир*<sup>99</sup>. Бу икки категория жамиятнинг тизимли тараққий этишида ўта хилма-хил бўлган ижтимоий-сиёсий фаолият ва муносабатларни тартибга солиш, стратегик ва тактик давлат режалари йўналишларини белгилаш ва амалга ошириш, мавжуд сиёсий жараёнларни бошқаришда асосий ўрин эгаллайди. Навоий буни яхши тушунган ҳолда сиёсий бошқарувни ижтимоий катламлар иштирокида, сиёсий раҳбарликни эса монарх ҳукмдорлик воситасида амалга ошириш гоясини тарғиб этган. Унга кўра элитар табакалар сиёсий бошқарувда ўз манфаатларини кўрадилар ва шунинг учун ҳукмдорнинг сиёсий раҳбарлигига рози бўладилар. Ҳукмдор сиёсий бошқарувни раҳбарлик билан бирлаштирса ва бошқарувдан табакалар вакиллари бенасиб қолса айнан шу вакиллар сиёсий бошқарувга эмас, сиёсий раҳбарликка қарши бош

<sup>94</sup> Каранг: Алишер Навоий. Махбуб ул-кутуб. –Т.:Faafur Fулом нашриёти, 1983. –112 б.

<sup>95</sup> Каранг: Алишер Навоий. Сади Искандарий. –Т.: Faafur Fулом нашриёти, 1991. –832 б.

<sup>96</sup> Каранг: Алишер Навоий. Муншаот. –Т.: Faafur Fулом нашриёти, 1966. Т.13. –244 б.

<sup>97</sup> Ўша манба. 14-42-б.

<sup>98</sup> Алишер Навоий. Тарихи мулукки ажам. –Т.: Faafur Fулом нашриёти, 1967. Т.14. –Б.27.

<sup>99</sup> Каранг: Алишер Навоий. Сади Искандарий. –Т.: Faafur Fулом нашриёти, 1991. –Б.430.

күтәрадилар. Бу эса табакалар ичидә кенг тарқалиб сиёсий раҳбар бошқарувига ёки сиёсий лидерга қарши *сиёсий мұхитни юзага кептиради*. Сиёсий мұхит эса бүс-бутун табакаларни қамраб олиши мумкин<sup>100</sup>. Сиёсий мұхитни сиёсатнинг ҳар бир категорияси шакллантириши мумкин. Худди шу каби сиёсий мұхит ҳар қандай сиёсий шахс, сиёсий гурух, ёки қатлам, сиёсий институттар ва сиёсий жараёнларга тәъсир күрсатыб сиёсий муносабатларни ҳамкорлық ёки мухолифатта йұналтириши мумкин. Навоийнинг бу масалалардаги қараштари “Мұншаот”да түлік ўз аксина топған.

Навоий бугунги сиёсатшунослиқда категориал аҳамиятта эга бўлган *сиёсий қадриялар* ҳақида ҳам ўз фикрларини баён қилган. Замонавий сиёсатшунослик сиёсий қадрияларни ижтимоий тажрибада кўрилган, ижтимоий субъектлар томонидан қабул қилинган амалдаги сиёсий меъёрлар ва жараёнлар мажмуаси сифатида таърифлайди<sup>101</sup>. Сиёсат субъектларининг характеристири ва фаолият услубларига кўра бу қадриялар демократик, авторитар, тоталитар, радикал, конформистик, адаптацион, табакавий хусусиятларга эга бўлиши қайд этилади<sup>102</sup>.

Навоий эса сиёсий қадрияларга *сиёсий манфаатлардан* келиб чикиб эътибор қаратади. Навоийнинг фикрича, жамиятдаги муайян гурухлар ёки шахсларнинг эҳтиёжлари ва уларнинг қондирилиши масалалари биринчидан сиёсий тарқоқликнинг олдини олади, иккинчи томондан эса сиёсий манфаатларнинг умумлашувига замин ҳозирлайди<sup>103</sup>. Сиёсий манфаатларнинг умумлашуви жамиятда гурухлараро тарзда юз беради ва бу муайян даврга хос сиёсий қадрияларнинг шаклланишига олиб келади.

Таъкидлаш ўринлики, ўз навбатида сиёсий манфаатларнинг умумлашуви сиёсий қадрияларнинг тизимлашишига, бу ҳолат эса амалда *сиёсий жараёнларнинг юзага келишига имконият яратади*<sup>104</sup>. Мазкур жараёнлар турли соҳалар билан боғлиқ масалаларни ёки уларнинг яхлит барчасини қамраб олиши мумкин. Бундан ташқари, бу жараёнлар демократик ислоҳотлар, инқиlobий ҳолат, ижтимоий тўлқинланиш ва бошқа ҳолатларни келтириб чиқариш билан изоҳланади. Шунга кўра, сиёсий

<sup>100</sup> Каранг: Алишер Навоий. Мұншаот. –Т.: Ғафур Ғулом нашриёти, 1966. Т.13. 178–6.

<sup>101</sup> Алишер Навоий. Ҳайратул-абор. –Т.: Ғафур Ғулом нашриёти, 1989. –Б.35.

<sup>102</sup> Каранг: Артемов Г. П. Политическая социология: Учебное пособие. –М.: Логос, 2003. -280 с.

<sup>103</sup> Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб. –Т.: Ғафур Ғулом нашриёти, 1983. –Б.100.

<sup>104</sup> Алишер Навоий. Мұншаот. –Т.: Ғафур Ғулом нашриёти, 1966. Т.13. –Б.78.

жараёнлар нинг ядровий тармоқларидан бири бўлиб, унинг мавжудлик ва ривожланиш шакли ва услуби сифатида намоён бўлади<sup>105</sup>.

Сиёсий жараёнлар билан доимий биргалиқда намоён бўлувчи категориялардан бири *сиёсий кайфият* (поведение) бўлиб, ҳозирги сиёсий фанларда унга асосан *сиёсий ахлоқ* нуткай назаридан қаралади<sup>106</sup>. Бир жамият таркибида бўлса-да сиёсат субъектларининг сиёсий фаолиги турли даражада намоён бўлади. Мазкур фаоллик сиёсат субъектиниң *сиёсий воқеъликка ёндашуви* ёки шу сиёсий воқеъликнинг сиёсат субъекти муносабатларида қанчалик мухим аҳамиятга эга эканлиги билан боғлиқ бўлади. Навоий фикри билан айтганда сиёсий воқеълик сиёсий кайфиятнинг асоси бўлиб хизмат қиласди<sup>107</sup>. Воқеъликнинг сиёсий моҳиятга эга бўлиши биринчидан, унинг сиёсий масалаларга алокадорлиги, иккинчидан, унинг ижтимоий характеристи, яъни кўпчиликни ўзига жалб этиши, учинчидан эса, сиёсий ҳокимият билан боғлиқ жараёнларнинг бевосита таркибий қисми бўлишини талаоб этади. ҳудди шу жараёнлар ичida сиёсий воқеълик ва сиёсий кайфият ичдан *сиёсий иштирок* категорияси ўсиб чиқади<sup>108</sup>. Сиёсий иштирок сиёсий жараёнларнинг йўналиш олишида катта аҳамиятга эга бўлган категория ҳисобланаб, замонавий сиёсий фанларда унинг *сиёсий ҳайриҳоҳлик*, *сиёсий бетаррафлик*, *сиёсий бегоналик*, *сиёсий мухолифлик* каби бир қанча турлари ҳақида фикрлар билдирилган<sup>109</sup>. Мазкур категорияларнинг моҳияти Навоийда ўзига хос тарзда ифодаланади. Унга кўра сиёсий иштирок ихтилофли жараёнларда кучаяди ва жамиятда амал килиб келётган сиёсий меъёр ва анъаналарга хавф солади. Бу хавф ўз навбатида бутун ижтимоий тизимнинг мазкур юз берган жараёнга тортилишига олиб келиб, барқарорлик, эркинлик ва хуқуқлар учун кураш заруратини шакллантиради. Навоий “Махбубул қулуб” асарида айникса бу зарурат ҳақида батағсил фикр юритган<sup>110</sup>. Мутафаккир асарни уч қисмга бўлган, қисмларнинг номлари ҳам мавзунинг ижтимоий-сиёсий муносабатларни шарҳлашга бағишлиланганлигини билдириб туради. Биринчи қисм “Соир ун-носнинг афъол ва аҳволининг кайфияти”, яъни ҳалойиқ аҳволи, феъли, тили ва кайфияти, деб номланган. Унда жамиятда яшовчи

<sup>105</sup> Қаранг: Давлат ва хуқук назарияси / X.Б. Бобоев, З.М. Исломов, У. Чориёров, Х.Т. Одилқориев ва б. X.Б. Бобоев ва X.Т. Одилқориев таҳрири остида. –Т.: ТДЮИ, 2000. –528 б.

<sup>106</sup> Қаранг: Алимардонов Т. Амир Темур давлат бошқарувининг сиёсий-ахлоқий асослари. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари милий жамияти нацириёти, 2005. –48 б.

<sup>107</sup> Алишер Навоий. Мунназот. –Т.: Гафур Гулом нацириёти, 1966. Т.13. –Б.117.

<sup>108</sup> Навоий замондошлари хотирасида. –Т.: Гафур Гулом нацириёти, 1985. –Б.124.

<sup>109</sup> Қаранг: Ирхин В. Политология, учебник. –М.: Эгзамен, 2007. 980 с.

<sup>110</sup> А.Навоий – Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик Т.: 1998; 14 том. –Б.73.

барча “ижтимоий қатламлар”, уларнинг гурух ва катлам вакиллари сифатидаги муносабатлари, давлат муносабатларида тутган ўрни таърифланади. Жамият ва давлат бошқарувида олий ҳукмдор, султонлар, подшохлардан тортиб энг куйи табақалар вакилларигача, уларни жамиятдан ва салтанатдаги сиёсий мавқеига доинишмандона баҳо берилади (мазкур масала бугунги социология ва сиёсатшунослик фанида “*социал стратификация*” атамаси доирасида ўрганилади<sup>111</sup>). Иккинчи кисмда “Ҳамида ағъол ва замима хисол хосиятида” яъни “Яхши феъллар ва ёмон хислатлар хосияти” ҳакида фикр юритилади. Бунда жамият хаётиди, унинг тарақкиёти ёки таназзулида асосий рол ўйновчи, турли гурухлар ва айрим амалдор шахсларга хос фаолиятлар ижобий ва салбий нутқи назардан баҳоланади (мазкур масала бугунги сиёсатшунослик фанида “*сиёсий тафаккур*”, “*сиёсий социализация*” атамаси доирасида ўрганилади<sup>112</sup>). Учинчи кисмда эса “Мутаффарика фавойид ва амсол сурати”, яъни “Хилмажил фойдалар ва ҳикматли сўзлар” билан жамият бошқарувида катта эътибор қаратилиши керак бўлган жиҳатларга ҳикматлар воситасида ёндашилади (мазкур масала бугунги сиёсатшунослик фанида “*сиёсий эҳтиёжлар, зарурат ва талаблар*” атамаси доирасида ўрганилади<sup>113</sup>).

“Махбуб ул-кулуб”нинг деярли ҳамма фасллари ва бобларида сиёсий бошқарувда бевосита катнашадиган сиёсий раҳнамолар, подшохлар, вазирлар, ҳокимлар, садрлар хусусида гап юритилган. Асарда ҳар бир сиёсий бошқарув бўгини мансабдорининг мақоми, одоби, яхши ёмон жиҳатлари, уларни кандай бўлишилиги масалалари мисоллар, пандномалар воситасида баён қилинган.

Яна шуни айтиб ўтиш керакки, ушбу асарда ҳар бир ижтимоий табақа вакиллари, уларни хусусиятлари, руҳияти, феъл-атвори, ҳаракат ва мақсадлари юксак маҳорат билан таҳлил этилган. Бу жиҳатдан қараганда, Навоий ҳозирги замон илмий тили билан айтганда, жамиятни ҳам сиёсий, ҳам социологик, ҳам психологик жиҳатдан таҳлил қилганлигини кўрамиз. Бу бир томонлама ҳайратланарли ҳол бўлсада, лекин, Навоий бутун умрини сиёсий арбоб сифатида жамиятда содир бўлган кўплаб ҳодисаларни кўрган, ҳал қилиши жараёнида катнашган, турли тоифа вакиллари, яхшию ёмон ҳулқли кишилар билан мулоқотда бўлишга тўғри келганини учун, унинг асарлари ҳаётий ва ишонарли тилда ёзилган. Бу асарнинг ҳозирги замон

<sup>111</sup> Артемов Г. П. Политическая социология: Учебное пособие. –М.: Логос, 2003. –С.80.

<sup>112</sup> Ирхин В. Политология, учебник. –М.: Эгамен, 2007. –С.580.

<sup>113</sup> Политическая социология: Учебник для вузов / Ж.Т. Тощенко, В.Э.Бойков, И.В.Образцов, С.С.Соловьев, Е.В.Охотский и др.; под ред. чл.-корр. РАН Ж.Т. Тощенко. –М.: ЮНИТИ ДАНА, 2002. –С.95.

сиёсатшунослиги фанининг асосий услубларидан бири, эмпирик, реал, ҳаёттй ҳакиқатлар асосида ёзилганилигини кўрсатади.

Навоий мамлакатнинг гуллаб-яшинашини одил ҳукмдорга боғлади. Оддий фақир фукаролар, камбагал ва нотавон (заифлар Н.Т.) унинг (подшонинг) муросаси ва мулойимлигидан осуда, хотиржам бўладилар, золим ва бебош бошқарувчилар (девон бошқарувчиси, амалдорлар) адолат тиги сиёсатидан тўзиб, тарқалиб (қочиб кетади) кетадилар (мазкур масала бугунги сиёсатшуносликда “бошқарув стили” атамаси доирасида ўрганилади<sup>114</sup>).

Салобатидан кўю қўзи, бўри хавфидан эмин, мусофиру гадолар, қароқчи ваҳмидан холос, тинч. Юксак ҳимматидан заифлар – аёллар жамоаси завқли шовқин-суронига тўла, ҳайбатидан йўллар қароқчилирдан ҳоли ва эл қўли мол-мулк, бойликка тўла, ситамгар амалдорларни қалами синади, аламзадалик ситами барбод бўлади. Одил Сайъ-ҳаракатидан масжидлар жамоат кўплигидан мадрасалар илм ахли баҳс-мунозарасидан шовқин-суронли бўлади. Подиоҳ кечаларда жамият учун шам, шу туфайли, дўқонлар очик, бебош, ўгри, каззоблар йўқлигидан жамоат хотиржам. Шомдан токи тонигта қадар ҳонақолар эшиги очик ва улар фақат ибодат нури билан мунаввар бўлади. Юрт сара боғ-роғлардан маъмур, роҳат-фароғатли турмушдан, тўкин-сочинлиқдан мамнун<sup>115</sup> (келтирилган таъриф бугунги сиёсатшунослик фанида “сиёсий жараёнлар” йўналишида тадқик этилади<sup>116</sup>).

Бундай адолат тамойиллари Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар давлатида ҳам бош тамойил сифатида белгилаб кўйилган эди. Хусусан улуғ Соҳибқироннинг “салтанатимнинг у сарҳадидан бошка бир сарҳадигача бошида тилла кўтарган кишини бойлигига ҳеч ким даҳл қилиши мумкин эмас”, ёки “куч адолатдадир” тамойили устивор қилиб белгиланган. Шундай улутвор тамойиллар мустақил Ўзбекистонда ҳам Мамлакатимиз Президенти томонидан асосий устивор гоя сифатида белгилаб кўйилган.

Юкорида айтиб ўтганимиздек, асар бошдан-оёқ сиёсий муносабатлар ва ижтимоий муаммоларга багишланган назарий-дидақтика аҳамиятга эгадир.

Асарнинг кейинги фасллари: “Номуносиб ноиблар зикрида” (буғунги сиёсий фанларда “сиёсий хиёнат” атамасига доир<sup>117</sup>), “Золим ва жоҳил ва

<sup>114</sup> Соловьев А.И. Политология: Политическая теория, политические технологии: учебник для вузов. –М.: Аспект Пресс, 2004. –560 с.

<sup>115</sup> А.Навоий – Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик Т.: 1998; 14 том –Б.12.

<sup>116</sup> Қаранг: Пугачёв В. П., Соловьёв А. И. Сиёсатшуносликка кириш/А. Бегматов раҳ, рус тилидан муалифлар гурухи тарж. –Т.: Янги аср авлоди, 2004. –456 б.

<sup>117</sup> Ирхин В. Политология, учебник. –М.: Эгзамен, 2007. –С.327.

фосиқ подшохлар зикрида” (бутунги сиёсий фанларда “сиёсий режим” атамасига доир<sup>118</sup>), “Вузаро зикрида” (бутунги сиёсий фанларда “сиёсий элита” атамасига доир<sup>119</sup>), “Нокобил садрлар зикрида” (бутунги сиёсий фанларда “сиёсий ахлоқ”, “кадрлар сиёсати” атамаларига доир<sup>120</sup>) каби фаслларга бўлиниб уларни хар бирига алоҳида таъриф берилади (буларнинг ҳаммаси бутунги сиёсатшунослик фанида “сиёсий муносабатлар” доирасида таҳлил этилади<sup>121</sup>). Асарнинг 13 фасли “Шоҳ улуси ўзига мушобих (мослиги), хослиги бўлур зикрида” деб номланади. Унда Навоий томонидан кўриб чиқилган масалалар бугунги сиёсатшуносликда “лигитимлик” масалалари доирасида таҳлил этилади<sup>122</sup>.

Хулас, Алишер Навоий асарларида бутунги сиёсатнинг таркибий қисмлари бўлган қатор сиёсий категориялар мазмун моҳиятига оид карашлар акс этган бўлиб, мутафаккир уларнинг ўзаро боғлиқ жиҳатларини яхши англай олган.

## 2.2. Фалсафий таълимотлар моҳиятининг Навоий асарларидағи ҳусусиятлари

Илк сиёсий таълимотлар асосан диний билимларда, афсоналарда, достонларда акс этган. Давлат пайдо бўлгач, уни илохийлаштиришга зътибор берилади. Афсоналарда давлат, ҳукмдорлик ва жамиятдаги инсон мавқеи тақдир ёки инсонга нисбатан Худонинг иродаси деган тасаввур мавжуд бўлган. Бундай карашлар узок давр мобайнида бутун жаҳон ҳалқларида инсонлар, улар ўргасидаги муносабатлар, азалдан белгиланганлигига асосланган ақидавий дунёкарашни шакллантирган бўлсада, инсон тафаккурининг ривожланиб бориши қадимги даврларданоқ давлат, ҳукмдор, жамият, тузум, сиёсатга доир ғоялар, сиёсий ҳодисаларга турлича ёндашувларни кепириб чиқарди.

Алишер Навоийнинг сиёсий карашлари унинг турли асарларида маълум бир воқелик билан боғлиқ равища қамраб олинганилиги билан ҳам характерлидир. Унинг бу соҳадаги назарий карашларининг кўплаб томонлари ўзидан олдинги даврларда яшаган мутафаккирлар ижодида ҳам

<sup>118</sup> Шевелев В. Н. Социология управления : уч. пособие для высшей школы. –Ростов на/Д.: Феникс, 2004. –352 с.

<sup>119</sup> Ўша манба. 130-б.

<sup>120</sup> Саинфазаров И.С. Матнавий баркамоллик ва сиёсий маданият. –Т.: Шарқ, 2001. -160 б.

<sup>121</sup> Социальная политика: учебник / Берестовская Л.И., Бобков В.Н., Богатырева Т.Г. и др.; под общ. ред. Н.А.Волгина. –М.: РАГС, 2005. –С.54.

<sup>122</sup> Каранг: Пугачёв В. П., Соловьев А. И. Сиёсатшуносликка кириш./А. Бегматов рах. рус тилидан мувалифлар гурухи тарж. –Т.: Янги аср авлоди, 2004. –456 б.

кисман намоён бўлди. Биз ушбу жойда Мутафаккирдан олдин яшаб ўтган ва ундан кейин яшаган Шарқ ва Фарблик олимларнинг қарашлари ва гояларидағи умумийлик ва хусусиятларини келтириб қиёслаш мақсадида мисоллар келтирамиз.

Хитой файласуфи Конфуций (эр.ав. 551-479) - давлатнинг илоҳий эгалик, замонавий айтганда патриархал - патерналистик концепциясини ривожлантирган. Императорга ер юзидағи муносабат ва воқеликни илоҳий тартиблар асосида бошқариб турувчи ягона шахс деб қараган. У одамлар ўртасида тенгсизлик мавжудлиги ва оми одамлар, қуйи табақалар, кичиллар олий насаб аслзода, катталарга бўйсунишлари зарурлигини таъкидлайди<sup>123</sup>.

Алишер Навоийнинг фикрича, Аллоҳ таоло тогу тошларни, бутун тирик мавжудотларни, деңгизу саҳроларни, жумладан, инсонни яратган экан, у албатта инсоннинг қилмишидан, юриш-туришидан доимо огоҳ бўлиб туради. Бас, шундай экан, ҳукмдор бу дунёда хайрли ишлар билан шугулланиши, одил бўлиши, ёмонлик ва ёвузликка қарши кураш олиб бориши, ҳақиқат тарафдори бўлиши керак. Навоийда фаровон жамият ўзининг мукаммалиги, яшаш конуниятлари буйича коинотга қиёс қилинади: коинот аро турли ҳодисалар ва нарсалар ўртасида уйгунилк, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни тъминлаш Аллоҳ фаолиятининг натижаси экан, шунингдек, жамиятда ҳам турли тоифалар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва мутаносиблика ҳукмдор фаолияти, унинг намунали ишлари натижасида эришилади<sup>124</sup>. Бундай қураш қадимги юонон файласуфи Платон - Афлотун (эр.ав. 427-347)да ҳам мавжуд бўлиб, у ўзининг "Конунлар" рисоласида давлат, сиёсат ва уни бошқариш услублари тўғрисида фикр юритар экан, аристократик давлат ва сиёсат гоясини илгари суради. Бундай давлатни унинг фикрича ақсли, ишбилармон, доно, қобилиятли кишилар гурухи идора килиши керак<sup>125</sup>.

Лекин Навоийга кўра, юқори хизмат лавозимларини жамиятнинг факат бой табакаси вакиллари билан тўлдириш керак эмас, балки қуйи табака вакилларини ҳам жойлаштириш керак. Чунки бадавлат табака вакиллари кўп ҳолларда бири бошқасини ҳукмдорга ё яхши, ё ёмон кўрсатишга уринади, ҳукмдор аксарият ҳолларда улар учун умумий мухолиф бўлиб қолади. Бундай вазиятда ҳукмдор ёнида қоладигани қуйи табака вакили бўлиб, у

<sup>123</sup> Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний). Учебник. Т.: «Мехнат», 2004. 3-16-б.

<sup>124</sup> Ш.Шарипов. Лисон ут-тайр ҳақиқати –Т.: Фан, 1998.-Б.17.

<sup>125</sup> Афлотун. Қонунлар. –Т.: Янги аср авлоди, 2002. –Б.145.

ўзини таъминлаётган ҳукмдордан бошқага талпинмайди<sup>126</sup>. Афлотуннинг фикрича, одиллик шахсий фазилат бўлмасдан, балки давлатга хос фазилатдир. Идеал давлат мажбурий идорадир. Барча ижтимоий ҳаёт олий тамойилга, яъни давлат ердаги ҳаётнинг олий шакли сифатида тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, кишиларни янги фазилатларга, фазовий ҳаётга тайёрлайди. У ўз вазифасини адо этгач, Худонинг ердаги маконига айланади<sup>127</sup>.

Навоий талқинида фаровонликка жамиятнинг барча аъзолари ўзларининг фаол ишлари ва одил шохлари билан ҳамкорликдагина эриша оладилар. Инсонлар ўргасидаги ҳамохижатлек ва ҳамкорлик адолатли сиёсат билан таъминланади<sup>128</sup>. Мазкур қарашининг бавзи хусусиятларини қадимги юонон файласуфи Аристотель (Арасту) – (м.а. 384–322) қарашларидаги ҳам учратиши мумкин. Жумладан, Аристотель “Этика”сида ахлоқий фазилатлар орасида биринчи ўринда адолат туради. Аристотель адолатсизлик деганда қонунни бузувчилар, бошқалардан ортиқроқ оладиган ва барчага тенг муносабатда бўлмайдиган кишиларни тушунади. Қонунга яраша иш қиласидиган, барчага баробар қарайдиган кишиларни адолатли деб хисоблайди. Унингча, барча кишилар, адолат муносабатлилигига амал қилишига розидир<sup>129</sup>.

Навоий адолатли жамиятда яшаш учун билим ва етук ахлоққа эга бўлиш зурурияти тўғрисида фикр юритар экан, бу каби фазилат ва сифатларни авваламбор ҳукмдорларда мавжуд бўлиши лозимлигини кўрсатиб беради. Унинг фикрича, бошқарув тизимида фаолият юритувчи ҳукмдор ва “ҳукмфармо”лар томонидан амалга ошириладиган сиёсат жамият ахлоқи ва фаровонлигини белтилаб беради, лекин бу ахлоқ ва фаровонликнинг даражаси юритилаётган сиёсатнинг канчалик билимли, ахлоқли, баркамол эканлигига қараб белтиланади<sup>130</sup>.

Аристотель ўзининг “Сиёсат” асарида сиёсатга “инсон табиатидан келиб чиқадиган, жамият, гурух ва инсонларнинг ўзаро муносабатлари бор жойдагина мавжуд бўла оладиган воқелик, шунинг учун инсон ўз табиатига кўра сиёсий борликдир”, дей таъриф беради<sup>131</sup>. Бу фикр Навоийда ҳукмдор кўллайдиган адолатли сиёсат юксак ахлоқий ва маънавий қадрияларга эга

<sup>126</sup> Қаранг: З.М. Акромов. Навоий ва ҳаёт.-Т.: Ўқитувчи, 1991. -154 б.

<sup>127</sup> Афлотун. Қонунлар. -Т.: Янги аср авлоди, 2002. -Б.203.

<sup>128</sup> Алишер Навоий. Садди Искандарий. -Т.: Faafur Fулом нашриёти, 1991. -Б.366.

<sup>129</sup> Аристотель. Соч. Т.4. – М.: «Мыслъ», 1983. С.91.

<sup>130</sup> Алишер Навоий. Махбуб ул-кулуб. -Т.: Faafur Fулом нашриёти, 1983. -Б.102.

<sup>131</sup> Ирхин Ю.В. Политология, учебник. -М.: Издамен, 2007. -896 с. -С.13.

жамият ва мухит бор жойдагина амалга ошиши мумкин деган фикрда ўз ифодасини топади<sup>132</sup>.

Форобий мулоҳазаларига кўра, ҳакиқий фаровон давлат уч нарса: фозил жамият (халқ), адолатли тузум ва одил ҳукмдор асосида ташкил топади ва бу давлатнинг идорасида давлатнинг учала асоси ўз ўрни ва вакти билан тенг иштирок этади. Ана шу учаласининг ўзаро мувоғиғлиги, мақсадга кўра бир йўналишдалиги ва вазифа жиҳатидан аниқ ва ҳакиқатга каратилган хатти-харакати давлатнинг ҳакиқий асосини таъминлайди<sup>133</sup>.

Алишер Навоий томонидан “Садди Искандарий” достонида тасвирланган давлатда эса фаровон жамият, адолатли ҳокимият ва одил ҳукмдорга таянадиган давлат ҳамда бошқарув тизими курилиши кўп жиҳатдан Форобий идеалига ўхшаш моҳият касб этади.

Навоийнинг фикрича, одил ҳукмдор, адолатли ҳокимият ва фаровон жамият максад ва манфаатлар гармониясига эга бўлиши керак. Айнан мана шу “мурод” ҳам бошқарув тизимининг тўғри курилганилигига, ҳам жамиятнинг тўғри ривожланишига кафолат бўлиши мумкин<sup>134</sup>.

Шундай қарааш Абу Наср Форобий (873-950)да ҳам мавжуд бўлиб, «Фозил шахар ахолисининг қараашлари» асарида давлатнинг келиб чиқишини одамларнинг ўз эҳтиёжларини қондиришига бўлган истаги билан боғлайди. Унинг қараашларига кўра давлатни донишманд киши бошқариши лозим. Давлат бошлиғи ва давлат хизматчилари бошқарув санъатини яхши билишлари керак. Шундай бошқарув кишиларни баҳтга, тинчликка олиб боради. Бундай давлатда бошқарув адолатлидир<sup>135</sup>.

Навоий қараашларида бу фикрнинг давомини кўриш мумкин, яъни жамиятдаги бошка тоифаларнинг мавжудлиги ва яшашларининг сабабчиси, улар фаолиятининг тўғри ташкил этилиши, ўзаро уйғунлиги ва тартибга солинишнинг бош ижроиси ҳукмдордир. Мугафакирнинг кўрсатишича, “адолат билан сиёsat юргизиш, раият баҳт-саодати ва фаровонлигини таъминлаш ҳам ҳар кимнинг кўлидан келавермайди.”<sup>136</sup>

Навоий қараашларига кўра ҳам, ахлоқий фазилатлар ёки иллатлар тутма сифатлар эмас, балки ижтимоий ҳаёт жараённида вужудга келадиган хусусиятлардир. Навоийнинг фикрича, адлу дод (яъни адолатни амалга ошириш) ҳукмдор ва унинг “аркони давлати” (давлат сиёсати)га тегишли<sup>137</sup>.

<sup>132</sup> Х.Бобоев. Алишер Навоий буюк давлат арабби. 1993. –Б.4.

<sup>133</sup> Абу Наср Форобий. Рисолалар. (М.Хайруллаев таҳрири остида). –Т.: Фан, 1975. –Б.44.

<sup>134</sup> Алишер Навоий. Садди Искандарий. –Т.: Гафур Гулом нашриёти, 1991. –Б.717.

<sup>135</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Т.: А.Кодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. –224 б.

<sup>136</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Хайратул-аббор. –Т.: Гафур Гулом нашриёти. 1989. –352 б.

<sup>137</sup> Алишер Навоий. Садди Искандарий. –Т.: Гафур Гулом нашриёти, 1991. –Б.483.

Хукмдор халқнинг фаровонликка эришиши йўлидаги ишларнинг моҳиятини англаши ва уларни юзага чикариш воситаларини билиши лозим. Ана шундай шоҳ ва онгли халқ бирлашганларида гина инсон ўзининг билим ва қобилиятни кўрсатиш имкониятига эга бўла олади<sup>138</sup>. «Ҳаққиқат ва адолат билан тўғри сиёсат юргизмаган ҳар бир хукмдор ва бошлиқни қаттиқ азоб-укубат ва балога гирифтор бўлишидан” огохлантириши керак<sup>139</sup>.

Абу Райхон Беруний (973-1048)нинг фикрича, одамлар ижтимоий адолатли тартиб ўрнатиш учун давлатга бирлашадилар. Хукмдор ва қонунлар жамият манфаатларига хизмат килиши, уни зулмдан химоя килиши лозим. Ҳар бир инсон эса ўзи каби одамларнинг биттаси эканлигини билган ҳолда, бошқаларга зарар эмас, фойда келтириб яшаши керак. Беруний: «Юнон файласуфлари авом халқ учин эмас, балки юқори табакалар учун усул ва қоидалар ишлаб чиққанлар»<sup>140</sup>. «Давлатни бошқариш, – дейди Беруний, – жабрланувчилар хуқуқини зўравонлардан химоя килиш, бошқарилувчи халқ тинчлигини сақлаш учун ўз тинчлигидан воз кечиш демакдир»<sup>141</sup>. У адолатли хукмдорнинг асосий вазифаси кучли ва кучсизлар ўртасида тенглик, юқори ва паст даражадагилар орасида адолат ўрнатишдан иборат деб билади.

Ибн Сино (980-1037) давлатсиз қонун-қоидалар бўлмаслигини эътироф этади. У моддий тенгликни, лекин одамларнинг бой яшашларини ёклайди, ҳамма аъзолари учун бир хил бўлган тартиблар ўрнатилган жамиятда адолатсизлик бўлмайди, деб қарайди<sup>142</sup>. Навоийнинг фикрига кўра эса, хукмдор сиёсий фаолиятнинг асосий вазифаси давлатда хукукий меъёрлар ва қоидаларни ўрганишдан иборат бўлиб, фуқароларнинг турмуш даражаларини, тинчлигини таъминлаш ва ривожлантариш йўлларини, шакл ва усусларини кўрсатиб бериши керак. У давлатнинг вазифасини мамлакат аҳолисининг баҳтли ҳаётини таъминлаш ва қўриқлашдан иборат, деб хисоблайди<sup>143</sup>. Бу ҳақда Форобийда ҳам ўзига хос қарашлар мавжуд бўлиб, мутафаккир, “қонун фаровонлик йўлидир”<sup>144</sup>, “улар ҳар қандай ақслилиқдан ҳам бенихоя устун турадилар”<sup>145</sup>, “уларнинг ўзи ўз холича олийжаноб, юқори мартабали бўлиши керак ва унинг номидан ҳамда у (қонун) ҳақда

<sup>138</sup> Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. –Т.:Faafur Ғулом нашриёти, 1990. –Б.465.

<sup>139</sup> Алишер Навоий. Сабъан сайёр. –Т.: Faafur Ғулом нашриёти, 1992. –Б.220.

<sup>140</sup> Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. Т.1. –Т.: Фан, 1968. –Б.186.

<sup>141</sup> Ўша манба. 438-б.

<sup>142</sup> Бобоев Ҳ. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Ўқув кўлланма. 1-китоб. –Т.: Фан, 2004. –Б.96.

<sup>143</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. –Т.: Faafur Ғулом нашриёти, 1989. –Б.52.

<sup>144</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. –Б. 30.

<sup>145</sup> Ўша манба. -Б. 17.

нимайки гапирилса ҳам мўътабар бўлиши лозим”,<sup>146</sup> Аммо қонунларнинг кўплиги бефойдадир... Чунки уларни билмаган ва уларга буйсунмайдиганлар (қонунларни) бемаъни деб аташни хоҳлаб қоладилар<sup>147</sup>, деган эди.

Ибн Сино ёмонлик тез ёйилиши, бунга сабаб бўладиган адолатсиз кишиларни жазолаш, агар адолатсиз бўлса, хукмдорни ҳам ағдариб ташлаш ғоясини кўллаб-кувватлайди<sup>148</sup>. Мазкур қарашга Навоийнинг ҳам қарашлари мувофиқ бўлиб, унинг таъкидлашича, жамият шундай тузилганки, унда ёмонлик тез ёйлади ва авж олади, яхшиликка эса жуда секин одатланилди. Шунга кўра, хукмдор адолатда қатъий туриши, амалда ҳам, сўзда ҳам эзгу бўлиши шарт. Агар хукмдор амалда яхши бўлиб, сўзда шундай бўлмаса, ёки сўзда эзгу бўлиб, амалда шундай бўлмаса, бу ҳолат адолатнинг бузилишига олиб келади. Оқибат исённи келтириб чиқаради. Агар шоҳдан халқи курсанд бўлмаса, душман устига юрмасин, чунки унинг ўз халқи уни мағлуб этади. Навоий ибрат учун келтирган воқеага кўра Султон Абу Сайд Хуросон ва Мовароуннаҳр подшоҳи эди. У Табриз ва Рум сари юриш бошлади. Подшоҳ давлат йигишга хирс қўйган бўлиб, ўз одамларини танглиқда тутарди. Шунинг учун улар шоҳдан норози бўлиб, ундан юз ўтиридалар. Натижада шоҳ юриш вақтида душман кўлида ҳалок бўлди<sup>149</sup>.

**Низомий Ганжавий (1141-1209)** ни улуғ мутафаккир Навоий ўзининг салафи – яни устози деб билади. Низомийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлар тизимида оригинал ёндашув бўлиб, унинг “Искандарнома”сида подшоҳсиз давлат назарияси илгари суриласди. Низомийнинг услуби ҳам бошқа Шарқ мутафаккирлари каби бадиий усул бўлган. Унинг “Искандарнома” асаридаги бош қаҳрамони бўлган Искандар доно ва адолатли подшо сифатида деярли барча жаҳон мамлакатларини босиб ёки муроса йўли билан ўз салтанатига кўшиб олади. Лекин, “*бахтиёр кишилар мамлакатига*” келган подшоҳ, бу мамлакатнинг на подшоси, на давлати, на бошқарув тизими йўқлигини билиб ҳайратланиди ва энг асосийси олам подшоҳлигидан кечиб, шу мамлакатнинг оддий фукароси бўлиб қолишини ихтиёр қилади. Чунки бу мамлакат аҳолиси шундай комилик дараҷасида тарбияланган ва маърифатли эдики, уларнинг ҳар бири ўз ишини билиб қилишар эдик, уларни бирор томонидан бошқариш ёки назорат қилишга зарурият йўқ эди. Навоий Низомий даҳосига юксак баҳо берган ҳолда, у подшоҳсиз давлат

<sup>146</sup> Ўша манба. -Б. 21.

<sup>147</sup> Ўша манба. -Б. 17.

<sup>148</sup> Давлат ва хукуқ назарияси / X.Б. Бобоев, З.М. Исломов, У.Чориёров, Ҳ.Т. Одилқориев ва б. Ҳ.Б. Бобоев ва Ҳ.Т. Одилқориев таҳрири остида. -Т.: ТДҶОИ, 2000. -Б.28.

<sup>149</sup> Навоий А. Садди Искандарий - Б. 95-103, 109-111.

эмас, балки, марказлашган давлат назариясини маъкуллаган холда давлат бошида тарбияли, адолатли ва маърифатли подиоҳ бўлиши кераклигини уқтиради.

Худди шундай қарашга машҳур мутафаккир давлат арбоби Низомулмулқ (Абу Али Ҳасан иби Ислом - Низомулмулқ – 1017-1092) ҳам дуч келиш мумкин. Низомулмулқ давлат бошқарувида дастлаб хукмдорга мухим эътибор беради. Унга кўра, хукмдорнинг биринчи хусусиятлари адолат ва саҳоватдир. Хукмдор ўзича адолатли бўлиши мумкин, лекин саҳоватли, эл-халқини рағбатлантира олиш хусусиятига эга бўлмаса, унинг адолатида хеч қандай маъно қолмайди ва агар саҳоватли бўлиб адолатли бўлмаса ҳам худди шундай<sup>150</sup>. Навоий давлат сиёсатини амалга оширишда жамиятнинг, хусусан, халқнинг ҳам ўрни бекиёс эканлигини таъкидлаган<sup>151</sup>. Низомулмулкнинг назарида ҳам халқ шундай катта кучга эгаки, “унинг ўзига маъкул келмаган хукмдорни ва бошқа амалдорларни мансабларидан олиб ташлаш ва ёки уларни мансабларга кўйишга имкони етарлидир”<sup>152</sup>.

**Никколо Макиавелли (1469-1527)** нинг фикрича, давлатни идора килиш, қаттиқ интизом ўрнатишда якка ҳокимлик бўлиши зарур. Зўрлик килмасдан туриб интизомни саклаш мумкин эмас<sup>153</sup>. Бу фикр билан Навоий қарашларида хамоҳанглик мавжуд бўлиб, хукмдорнинг қатъийлик хусусиятларидан таркиб топган феъл-атвори унинг сиёсатини амалга оширувчи ҳокимиятнинг ҳам шундай иш тутишига ва унинг шундай йўл тутиши эса ҳеч қандай ортиқча вазъ-даъватларсиз фуқароларнинг ҳам шундай йўлдан боришига олиб келади. Икки мутафаккир қарашларидаги фарқли томон шундаки, Макиавелли зўрликни умумжамиятта нисбатан кўллади, Навоий эса буни иродада ва қатъийлик деб атайди ва хукмдор уларни ўз умаро ва хизматчиларига жорий этишини фойдали хисоблайди. Унинг фикрича, бундай хукмдор ўзини кўллаб-кувватловчиларни қидирмайди. Аксинча, унга қарши бўлган фикр ёки ҳаракатга одамларнинг ўзлари зарба берадилар<sup>154</sup>.

<sup>150</sup> Низомулмулқ. Сиёсатнома. –Т.: Адолат. 1997. –Б. 19.

<sup>151</sup> Бу фикрни орадан 9 аср ўтиб “Раҳбар шахс учун эса эл-юрт назаридан колиц, жамоатчилик ишончидан маҳрум бўлишдан кўра оғирроқ жазо йўқ”, дей маъмлакатимиз Президенти И.А.Каримов ҳам кайд этган эди. Карапнг: Каримов И.А.Биздан озод ва обод Ватан колсин. Т.2. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б. 358.

<sup>152</sup> Низомулмулқ. Сиёсатнома. –Т.: Адолат. 1997. –Б. 16-17.

<sup>153</sup> Макиавелли Н. «Хукмдор» - «Жаҳон адабиёти», 2002 йил сентябр, -Б.105-148.

<sup>154</sup> Карапнг: Карапнг: Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. –Т.: Гафур Ғулом нашриёти, 1989. –352 б.

**Жан Боден (1530-1596)** фикрича, монархия давлатчиликнинг энг яхши шакли бўлиб, давлат манфаатлари дин манфаатларидан устун туриши лозим. Навоий фикрига кўра хам давлатта хукмдор эгалик килиши керак, лекин у асли, адолатли, донишманд одам бўлиши шарт<sup>155</sup>. Аммо мутафаккирларнинг давлат ва дин муносабатлари масаласидаги карашлари фарқти жихатларга эга бўлиб, Навоий давлатта дин арбоблари эгалик кильмасалар-да, давлатнинг конунлари, жамият устидан олиб борадиган сиёсати дин конунлари билан асослантирилиши лозимлигини таъкидлайди. Яъни Навоий жиноят ва жазода хукмдор ва давлат шариат конунлари асосида иш тутишлари максадга мувофиқ деб хисоблайди<sup>156</sup>.

Жан Боден сиёсат ҳеч бир дин, эътиқод ёки миллат вакилларини таъкиб кильмаслиги, аксинча, бир оиласек яшашибарига шароит яратиш лозимлигини, шундагина жамият фаровонлиги таъминланисини таъкидлайди<sup>157</sup>. Навоий карашларида эса турли ургуф-кабилалар, миллат вакилларининг ўзаро келишмовчиликлари танқид остига олинади. Асарларида тотувлиқдаги хаёт тарзи тасвирланади. Айниска, “Садди Искандарий” достонида ҳалклар дўстлиги ёрқин ўз ифодасини топган<sup>158</sup>. Ҳар икки мутафаккирда хам аслида давлатга зарар етказадиган ходисалар шу масалалардаги зиддиятлар билан боғлиқдир. Жан Боденга кўра давлат - хусусий мулкка асосланган ижтимоий мулкни сакловчи иттифоқдир<sup>159</sup>. Бу фикр Навоийда хам мавжуд бўлиб, унга кўра мулкий тенгиззлик илохий тақдир туфайли, худо бир инсонни ўз ризки билан яратган, лекин ҳалқ хукмдордан ана шу ризкларидан адолатли равища фойдаланишларига имконият яратиб бернишдан умидвор бўладилар ва шунинг учун уни ўзларига хукмдор этиб белгилайдилар<sup>160</sup>. Жан Боденга кўра эса сиёсат ижтимоий-иктисодий масалалар устидан назоратни кўлга олиши, хокимият эгаси бўлиши, хукмдор эса бу хокимиятнинг ягона ва мутлақ маёнга бўлиши лозим.

Инглиз файласуфи Томас Гоббс (1588-1679) давлат ва ҳукмдорнинг ҳалқ фаровонлигини таъминлаш ва мамлакат тинчлигини муҳофаза

<sup>155</sup> Алишер Навоий. Садди Искандарий. –Т.:Faafur Ғулом нашриёти, 1991. –Б.617.

<sup>156</sup> Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоний-фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Фан, 1999.

<sup>157</sup> Давлат ва ҳукук назарияси / Ҳ.Б. Бобоев, З.М. Исломов, У. Чориёров, Ҳ.Т. Одилкориев ва б. Ҳ.Б. Бобоев ва Ҳ.Т. Одилкориев таҳрири остида. –Т.: ТДОИ, 2000. –Б.52.

<sup>158</sup> Алишер Навоий. Садди Искандарий. –Т.: Faafur Ғулом нашриёти, 1991. –Б.183.

<sup>159</sup> Давлат ва ҳукук назарияси / Ҳ.Б. Бобоев, З.М. Исломов, У. Чориёров, Ҳ.Т. Одилкориев ва б. Ҳ.Б. Бобоев ва Ҳ.Т. Одилкориев таҳрири остида. –Т.: ТДОИ, 2000. –528 б.

<sup>160</sup> Алишер Навоий. Махбуб ут-кулуб. –Т.: Faafur Ғулом нашриёти, 1983. –112 б.

қилишдан иборат икки муқаддас бурчи бор, дея таъқидлайди<sup>161</sup>. Бу қараш “Садди Искандарий” достонида Навоийнинг ижтимоий-сиёсий гояси сифатида ғоят кенг бадиий планда тасвирланган. Бу ер юзида адолат ва осойишталик ўрнатган одил подшо, олим, моҳир лашкарбоши Искандар образи орқали гавдалантирилган<sup>162</sup>.

Томас Гоббсга кўра, ҳукмдор давлатга эгалик қилса-да уни буржуазия (оксусяклар табакаси) бошқариши зарур. Давлат ўзида жамланган ятона идора воситасида тинчликни саклаши, табиий қонунлар бажарилишини таъминлаши, тартибни жорий этиши, хўнарманҷчиликни ривожлантириши, инсонларнинг диний, маънавий, ахлоқий қарашларига ҳам таъсир этиши керак бўлади<sup>163</sup>. Навоий «Хамса» достонларида оксусяклар ҳокимиятини тузум сифатида инкор этиш даражасига кўтарилмаган, феодал қарашларни тамомила рад этган бўлмаса ҳам, унинг ўша давр ҳаётидаги социал қусурларни танқид қилиши, ҳаётни, одамларни, социал табакаларни яхшилаш, тарбиялаш, соғломлаштириш ҳақидаги ўй-фикрлари, хусусан бу фикрларни ёрқин образлар воситаси билан баён қилиши фақат ўз даврида эмас, бутун ўрга аср давомида давлат бошқарувида ҳалкнинг иштироки масаласида кагта аҳамиятга эга бўлди. Бу масалаларни у айниқса «Хамса» достонларида ғоят кенг ва чуқур ҳамда ўта таъсирли қилиб юйя билди<sup>164</sup>. Гоббснинг давлат бошқаруви масаласидаги “давлат инсонлар томонидан барчага қарши урушга чек кўйиш, тинчлик осойишта ҳаёт учун тузилган ташкилотдир”, деган фикрлари ҳам юкоридаги Навоий қарашларига ғоятда ҳамоҳангидир.

Француз файласуфи Шарль Луи Монтескье (1689–1755) га кўра, қонунлар давлатнинг турига (республика, монархия, деспотия) боғлик<sup>165</sup>, Навоийга кўра эса давлатга ҳукмдор бошчилик қилса-да, бошқарувни ижтимоий-иқтисодий, географик ва иқлим каби омиллар белгилайди<sup>166</sup>. Бундай қараш ўз вақтида Мирзо Улугбекнинг “Тўрт улус тарихи” асарида ҳам бир неча ўринларда тилга олинади<sup>167</sup>. Мустабид феодал сиёсий ҳукмронлик тизимини аёвсиз танқид қилиш, католик черковининг дунёвий

<sup>161</sup> История политических и правовых учений. Под.ред. В.С. Нерсесянца. НОРМА-ИНФРА.М. 1997. 27-с.

<sup>162</sup> Каранг: Алишер Навоий. Садди Искандарий. –Т.: Фаур Ғулом нашриёти, 1991. –832 б.

<sup>163</sup> История политических и правовых учений. Под.ред. В.С. Нерсесянца. НОРМА-ИНФРА.М.1997. 27-с

<sup>164</sup> Каранг: Алишер Навоий. Хамса. –Т.: Фаур Ғулом наприёти, 2011. 10 томлик.

<sup>165</sup> Государственное управление: основы теории и организации: Учебник/ Под ред. Б.А.Козбакенко. –М.: Статут, 2000. –С.412.

<sup>166</sup> Алишер Навоий. Тарихи мұлуккі ажам. –Т.: Фаур Ғулом нашриёти, 1967. Т.14. –272 б.

<sup>167</sup> Каранг: Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи. Т. Чўлпон, 1994. –325 б.

хукмронлик қилишга уринишини қоралаш файласуфи Монтескьега тегиши<sup>168</sup>

Монтескьенинг фикрича, «Агар қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият бир шахсда ёки бир ташкилотда мужассамлашса, эркинлик бўлмайди. Негаки, бу монарх яратган қонунлар ўз фойдаси йўлида зулм қилиш учун кўлланилиши хавфи мавжуд бўлади. Эркинлик суд ҳокимияти, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан ажратилмаганда ҳам бўлмайди. Агар бирор шахс ёки бирор ташкилот шу учала ҳокимиятни якка ўзида тўпласа, ҳамма нарса ҳалок бўлар эди...»<sup>169</sup>. Навоий эса бу фикрга бошқача ёндашади. Навоий қарашига кўра, қонун чиқарувчи ҳокимият иккига бўлиниши керак, бири ҳукмдорга тегиши бўлиб, унинг фармонлари давлат ва унинг фуқароларига тегиши қонунлар кучига, бири ҳукмдор ҳукуматига тегиши бўлиб, ҳукмдор фармонлари ва маҳаллий талаблар мувофиқлигини тартибга солиши лозим<sup>170</sup>. Навоий даврида ҳам ижро ҳокимиятини ҳукмдор девони ва маҳаллий амирлар амалга оширганлар, суд ҳокимияти ишларида эса ҳукмдор фармонлари ва шариат қонунлари жамият ва унинг аъзолари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиши кучига эга бўлган эди. Навоий ҳалқларварлик, адолатларварлик гояларини астойдил ташвиқ этди. У подшоҳларни зулм ва зўравонликни тарк этиб, адл, инсоф ва тўғрилик билан иш тутишга, ҳамиша ҳалқ қайғусини чекиб, ҳалққа ғамхўрлик қилишга ундади<sup>171</sup>. Мамлакат ва ҳалқнинг тақдири Навоий яшаган замонда кўп жихатдан ҳукмдорнинг олиб борган сиёсати ва ҳалққа муносабати билан боғлиқ эди. Шунинг учун мутафаккир шоир подшоҳнинг қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги масалага катта эътибор беради<sup>172</sup>.

Навоининг уқтиришича, шоҳлар ҳалқнинг ғамини ейишлари, очяланғочларга доимо кўумак кўргазишлиари, золимлар тиги ва қўлини қайириш, бир-бирлари билан иттифоқ бўлиб иш кўришлари керак. Ҳокимият эгаси зулмни барбод қилиши, золимларни каттиқ жазолаб, мазлумларни ўз паноҳига олиши керак. Айни замонда у кечиришни ҳам билиши керак. Гуноҳ хирмони қанча катта бўлса ҳам,— деб ёзди шоир,— оҳу надомат уни шамолга совуради. Гуноҳ ўтининг шуъласини узр сўраб оқизган кўз ёши

<sup>168</sup> Давлат ва хукук назарияси / Ҳ.Б. Бобоев, З.М. Исломов, У. Чориёров, Ҳ.Т. Одилқориев ва б. Ҳ.Б. Бобоев ва Ҳ.Т. Одилқориев таҳрири остида. –Т.: ТДЮИ, 2000. –Б.228.

<sup>169</sup> Қаранг: Нерсесянц В.С. История политических и правовых учений. М.: Норма-Инфра, 1999.

<sup>170</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Садди Искандарий. –Т.:Faafur Fулом нашриёти, 1991. –832 б.

<sup>171</sup> Шарафутдинов О. Алишер Навоий. –Т.: Ўзбекистон КП МК Бирлашганд нацириёти, 1967. –80 б.

<sup>172</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Муншоат. –Т.: Faafur Fулом нашриёти, 1966. Т.13. –244 б.

пасайтиради (яни йиғлаб тавба қылган гунохкорни кечириш мүмкін). Айни замонда сиёсатни ҳам қағтиқ тушиш керак<sup>173</sup>.

Худди шундай қараши Самуэл Пуфендроф (1632–1694) да ҳам күриш мүмкін. У давлатнинг пайдо бўлишини Худонинг хоҳиши деб қараган. Давлатни вужудга келтиришнинг асосий ташаббускори бу Худодир. Давлат фақат мутлак хукмронлик шароитида ўз мақсадларини амалга ошира олади<sup>174</sup>.

Конфуций қараашлари ҳокимият оксусяклар кўлида тўпланиши лозимлигига асосланади. Илк даврларда бу ишни императорнинг бутун мамлакатдаги кечмишларидан вokiф бўлиб, олий даражадаги ишончли назоратта эришиш, унинг обўси, мавқеини сақлаб туриш воситаси деб билишган<sup>175</sup>.

Навоий фикрича ҳам ҳукмдор қарорларини амалга татбиқ этиш ҳокимият вакиллари зиммасида бўлади. Шу туфайли ҳукмдор қандай одамлар билан ишлаётганини билиши керак. Ўзи ҳимматли бўлганидек, ҳукмдор маъмурияти вакиллари ҳам ҳиммати баланд, ақсли кишилар бўлса, давлат сири сакланади, ҳалқ ҳимояланган бўлади, давлат ва ҳалқ мулки зиён-захмат кўрмайди. Адолатсиз ва инсонфисиз кишиларни бошқарувга умуман йўлатиб бўлмайди, шунингдек, уларни тарбиялашга ҳам уринмаслик керак. Қобилиятили, хунарли кишиларни тарбиялашга ҳаракат қилиш керак. Чунки хунарманднинг ақли, одоби унинг лаёкати ва қобилиятига кафил бўлади. Навоий ҳукмдор ва жамият хизматини амалда икки тоифа одамлар бошқариши лозимлигини таъкидлайди. Биринчиси, ақилли билимдон, зийрак, сўзга уста, хушмумала, чаккон одамлар бўлиб, ҳукмдор оғир вазиятлардан улар ёрдамида кутулиб кетади. Иккинчиси, кучсиз, билимсиз одамлар бўлиб (бу ерда ҳалқ назарда тутилади), жамият юқиннинг оғирлиги улар зиммасидадир<sup>176</sup>.

Ахмад Дониш (1827–1897)нинг бу масаладаги сиёсий қараашларига кўра давлат бир гурух кишиларга эмас, балки бутун ҳалқ манфаатига хизмат килиши керак. Ҳукмдор мамлакатни идора қилища давлат арбоблари билан маслаҳатлашиб иш тутиши лозим. Ҳукмдор уларнинг гапига қулоқ солиши керак. Чунки бир киши ақлидан кўпчиликнинг ақли устун бўлади. «Кимки

<sup>173</sup> Ўша манба. 128-б.

<sup>174</sup> Сиёсий ҳукукий таълимотлар тарихи. Майдузалар матни. Наманган, 2006. –Б.156.

<sup>175</sup> В поисках смысла / Составитель Мачехин А.Е. –М.: Олма-Пресс, 2004. –С.159.

<sup>176</sup> Алишер Навоий. Садди Искандарий. –Т.: Фағур Ғулом нашриёти, 1991. –Б.232.

аклсиз бўлса, у одил хам эмас... акл ва давлатни бир-бираидан ажратиб бўлмайди, аклсиз одамлар мамлакатни идора кила олмайдилар»<sup>177</sup>.

Конфуций ҳокимиятнинг адолат ва меҳр-шафқатга асосланниши, фукаролар эса исёнлардан ўзларини тийишларини уқтиради. Бошқариши – ҳаммани жой-жойига қўйиш деб қарайди. Давлат ҳокимияти халқ ишончисиз мавжуд бўла олмайди, аммо ҳукмдорлар ҳаммага ўрнак бўлишлари лозим. Конфуций таълимотига кўра «Ҳукмдор халкни ўз фарзандидек севиши, фукаролар эса ҳукмдорни ўз отасидек ҳурмат қилиб, эъзозлаши лозим». Одамларнинг «нажиб» ва паст кишиларга бўлинишини ўзгартириб бўлмайди<sup>178</sup>.

Навоийда хам ҳокимиятга нисбатан шунга ўхшаш ёндашувни кўриш мумкин. «Барча ишлардан огоҳ Аллоҳ таолони ҳеч бир ишингда назарингдан кочириб унутма, ҳар бир тасарруфингда одил бўлиб, бирорга зулм қилма, — дейди шоир<sup>179</sup>. Ҳукмдор давлат арбоблари, ҳокимларни адолат ва ҳакикат йўлидан боришига ундаши, халққа зиён-заҳмат қиласмасликка, жабр-зулм етказмасликка чакириши лозим.

Конфуций жамият бошқаруви сиёсатининг асосини факат қонунлар эмас, балки ахлоқий нормалар хам ташкил этиши лозимлигини таъкидлайди. Одамлар ўргасидаги барча муносабатлар мана шу ахлоқий, ҳукукий нормалар асосида (зўрлик ишлатмай) ривожланиб бориши керак<sup>180</sup>.

Навоий эса жамиятда ҳар бир табақа, яхлит ижтимоий организмнинг ажралмас қисми сифатида ўзининг муайян функцияларига эга бўлиб, гўёки шу вазифаларни бажариш учун “халқ қилинган” лигини таъкидлайди<sup>181</sup>. Улар ўргасидаги энг баркамол киши эса ҳукмдор бўлиши лозимлиги гоясини илгари суради.

Шундай ғоя Платонда хам мавжуд бўлиб, у “Пифагор диалог”ида мукаммал давлатнинг муҳим ҳусусияти адолат сиёсатига амал килишдан бошланиши, бу сиёсатни билимдон одам бошқариши лозимлигини таъкидлайди. Адолат – бу ўз ишини малакали, сидқидилдан бажаришдир<sup>182</sup>.

<sup>177</sup> Манъавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиллар) / М. М. Хайруллаев таҳрири остида. –Т.: А. Кодирй номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1999. –Б.317.

<sup>178</sup> Юсупова Г.Х..Бугаева Г.А. Сиёсий фикрларнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихи. Политология. 1-кисм. –Т.: ЎзМУ, 2000. 7–14-б.

<sup>179</sup> Алишер Навоий. Садди Искандарий. –Т.:Faafur Гулом нашриёти, 1991. –Б.416.

<sup>180</sup> История политических и правовых учений. Под.ред. В.С. Нерсесянца.НОРМА-ИНФРА.М.1997. –С.27.

<sup>181</sup> Каранг: Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қутуб. –Т.: Faafur Гулом нашриёти, 1983. –И2 б.

<sup>182</sup> Алиев Б., Кодиров А. Политология. Ўкув қўлламма. –Т.: ТДОИ, 2006. –Б.305.

Навоий ҳам давлат ва раият ҳақида фикр юритганда шунга яқин фикрларни илгари суради. Унинг қарашларига кўра, жамиятнинг улуғлар ва кичиклар, яхшилар ва ёмонлар, билимдон ва нодонлар, камбагал ва бойлар, оқиллар ва жоҳиллар, гадолар ва тубанлар тоифалари мавжуддир. Уларнинг ҳар бири ўзларича адолатдан умидвор бўладилар, унга етиб фаровон яшашни орзу қиласидар. Шунинг учун ўзларига шундай имконият берадиган давлат ва хукмдорни кўллаб-куватлайдилар. Хукмдор ўз адолати билан, аввало, ана шундай сертоифа жамият ичида бирдай обрў қозона олиши керак. Бунинг учун хукмдор биринчи наебатда ўз ҳокимияти қонунларини мустаҳкамлаши лозим. Ўзига хизмат қиливчи амалдорлар учун катъий тартиб жорий этиши керак. Шунингдек, жамиятни тараққиётга етаклаши, давлат ва жамиятни бойитиши, ҳалқнинг кўпайишига шароит яратиши, жамиятни ички ва ташки душманлардан ҳимоя қила оладиган салоҳият тўплashi ва мустаҳкамлани, жаҳон давлатлари орасида ҳар томонлама нуфуз қозона олиши лозим<sup>183</sup>. Шундай қарашни кейинчалик Герберт Спенсер (1820–1903) – “Социологиянинг асоси” асарида, “давлат иктисодий маиғафтларини ҳимоя қилиш учун тузилади, жамият урущдан тинчлик томон, ҳарбий соҳадан индустрнал жамиятта ўзгариб боради”, дей тасдиқлаган эди<sup>184</sup>.

Француз маърифатпарвар файласуфи Жан Жак Руссо (1712–1778) «Одамлар ўргасида тенгсизликнинг келиб чиқиши ва асослари тўғрисида мулоҳазалар», «Ижтимоий битим» асарларида фуқароларнинг ҳақ-хукуклари ва тенглик гояларини тарғиб қилган. У тенгсизликнинг сабабини хусусий мулкда кўради. Жамиядаги тенгсизликнинг асоси эркинлик ва хукукларнинг тенг эмаслигига, деб билади<sup>185</sup>.

Навоийда тенглик-тенгсизлик масалалари бутунлай бошқача асосда кайд этилади. Навоий жамиядаги мавқени инсон барқамолиги билан боягайди. Инсоннинг комиллиги унинг бажарган амалий ишларида ифодаланади. Мутафаккир бирон-бир табакага мансуб одамларнинг вазифалари ва мажбуриятлари ўргасида тафовутларнинг сақланиши, ҳар бир одамнинг ўз қасбини яхши билиши ва ўз вазифаларини бажариши унинг жамиядаги ўрнини белгилаб беради, деб караган. Буни жамиятнинг событлиги ҳамда адолатнинг юзага чиқиши учун зарур бўлган омил, деб билган. Айни вақтда, унингча, ҳар бир одамнинг ўз қасбига тегишли вазифаларини тўғри бажариши ва унинг хукмдор ва ҳокимият томонидан

<sup>183</sup> Карап: Алишер Навоий. Махбуб ул-кулуб. –Т.: Faғur Fулом нашриёти, 1983. –112 б.

<sup>184</sup> Алиев Б.А., Рафиқов Ф.А., Султонов Т., Раҳмонов Б. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанидан ўқув кўлланма. 2005 Тошкент.

<sup>185</sup> Бобоев Ҳ.Б. Сиёсий хукукий таълимотлар тарихи. –Т.: ТДЮИ, 2003. –Б.105.

химоя килиниши - жамиятда адолатнинг сакланиши ва уни барқарорлигини тъмминалаш асосидир<sup>186</sup>.

Навоийга кўра, адолатли бошқарув тизими, у шариат қонунларидан иборатми ёки хукмдор фармони ва унинг алоҳида вазифали қисмларидан иборатми, ундан қатъий назар “ихтиёрий қабул килинганда” кутилганидек натижка беради<sup>187</sup>. Уларни жорий этишда аҳолининг унга нисбатан “муносабати, табиий ҳолат”, икки томонлама “келишувлар ва мажбурият” кабилар хисобга олиниши керак<sup>188</sup>. Хукмдор сиёсати ана шуларни хисобга олган ҳолда пухта ўйлаб, узокни кўзлаб тузилиши лозим. “Шошма-шошарлик” билан жорий этилганда улар тез орада ўз кучини йўқотадилар ва унга ишониб, алданиб қолган фуқаролар кейин бошқарув тизими ҳаққоний таклиф ва тавсиялар, қоида ва қонуниятлар билан чиққанда ҳам ишонмай қоладилар, натижада, ҳокимият барбод бўлади. Шунингдек, фармон ва қоидалар жорий этилганда жамиятнинг ҳар бир қисми аҳолисининг умумий руҳи, жисмоний куввати, одатлари ва тутган ўринлари ҳам уларни шу йўлдан тараққий эттирувчи қонунларга муҳтоҷлигини эътиборда тутмоқ лозим<sup>190</sup>;

Бу фикрни кейинчалик инглиз олими Жон Локк (1632-1704) янада ривожлантирган. У “Бошқариш тўғрисида трактат” асарида қироллик ҳокимияти илохий асосда эканлигини эътироф этиб, фармонлар ва қонунлар шахс эркинлигини химоя килиши ва уларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришининг зарур шарти эканлиги, «қаердаки қонунлар бўлмаса, у ерда эркинлик бўлмаслиги»ни таъкидлайди. У кишиларни ягона мақсад учун курашишга бирлаштирган давлат сиёсий ҳокимиятни жамият воситасида амалга оширмоги лозим», - дейди<sup>191</sup>.

Локк қарашларига кўра, одамларнинг эркинлиги ва мулки табиий ҳолатда ишончли муҳофаза килинмайди. Кўпчилик ҳамма вақт ҳам адолат талабларига риоя кильмайдилар. Бу хол ўз мулкига эгалик килишни кийинлаштириади. Одамларнинг олий мақсади ўз мулкини, табиий эркинлигини муҳофаза қилишдир. Шу мақсадда улар ижтимоий келишувлар

<sup>186</sup> Карап: Алишер Навоий. Махбуб ул-кулуб. -Т.:Fa�ур Ғулом нашриёти, 1983. -112 б.

<sup>187</sup> Ўша манба. -Б. 33.

<sup>188</sup> Ўша манба. -Б. 34. Ушбу масала сиёсатшуносликда Европа олимлари томонидан XX асрга келибгина “сиёсий легитимлик” ёки “ҳокимият легитимлиги” масалалари нуқтаи назаридан кенг тадқиқотлар доирасига тортилди. Карап: Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. -Т.: Янги аср авлоди, 2004. -456 б.

<sup>189</sup> Ўша манба. -Б. 18.

<sup>190</sup> Карап: Алишер Навоий. Махбуб ул-кулуб. -Т.: Fa�ур Ғулом нашриёти, 1983. -112 б.; Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. -Т.: Fa�ур Ғулом нашриёти, 1989. -352 б.

<sup>191</sup> История политических и правовых учений. -М.: Знание, 1997. 323 с.

асосида ўз эркинлиги, ҳаёти ва мулкини муҳофаза килиш хукуқини жамиятта топширадилар<sup>192</sup>.

Навоий фикрича ҳам, ҳокимият ва унинг сиёсатида жамият, тартиблар ҳамда ҳукмдор ўртасида турувчи ўрта бўғин – амалдорлар асосий иш юритувчилик вазифасини бажаради. Унинг энг асосий фаолияти қонунлар, ҳукмдор билан жамиятнинг ўзаро мувозанати ва мувофиқлиги, ҳамжиҳатлиги ва тенглигини таъминловчи тарозидир. Сиёсат бузилганда амалдорлар ана шу икки томондан бирига қўпроқ оғиб кетади ва мувозанат бузилади. Бундай ҳолда одамларнинг ижтимоий келишувлар асосидаги умумий эркинлик шартлари, ҳаёти ва мулки муҳофазасига зарар етади ва давлат барҳам топади<sup>193</sup>.

Бу қараш кейинчалик инглиз мутафаккири Э. Берк (1729–1797) нинг давлат ва жамият инсоннинг ихтироси эмас, балки табиий ривожланишининг натижаси, давлатнинг асосий вазифаси тартиб ва қонунни саклашдан иборат, деган қарашларида ҳам ўз аксини топган эди<sup>194</sup>.

Инглиз ёзувчиси ва давлат арбоби Томас Мор (1478–1535) «Утопия» китобида ҳаёлий Орол ахолиси яратган тузум ижтимоий-сиёсий тузумлардан энг афзали, энг инсонпарвари, энг демократлашган, энг аклли, интизом ва эркинлик, тартибот, ташаббускорлик, меҳнат ва роҳат жамиятини тасвирлайди<sup>195</sup>. Бундай қарашларни биз Алишер Навоийнинг “Ҳайратул аброр” “Садди Искандарий”, “Махбубул кулуб”, каби бир қатор асарларида кузатамиз. Уларда мутафаккир юксак онгли ижтимоий муносабатлар ҳамда ҳалқчил сиёсатни қарор топтиришга доир қарашларини асл инсонпарварлик, инсонга муҳаббат, унинг қадр-қимматини эъзозлаш, уни ҳимоя қилиш, унинг фаровонликда яшashi учун муносиб ижтимоий шарт-шароитларни яратиш омилларини асослаб беради. Адабий меросидаги назарий, хусусан, ижтимоий-ахлоқий, сиёсий мавзуларга оид қарашларида акс этган одил ҳукмдор ва адолатли ҳокимият, етук инсон ва фаровон жамият муаммолари, баркамол инсон ва турмуш тарзини яратиш ва уни ривожлантириш йўллари, адолатли ва ҳалқчил сиёсатнинг пайдо бўлиши, ривожланиши қонуниятлари тўгрисидаги қарашлари унинг нафакат шоир, балки

<sup>192</sup> Отамуродов С., Эргашев И., Акромов Ш., Кодиров А. Политология (Ўқув кўлланма). – Т.: Ўзбекистон, 1999, 14-40-б.

<sup>193</sup> Алишер Навоий. Муншашот. –Т.: Фағур Ўзум нашириёти, 1966. Т.13. –244 б.

<sup>194</sup> Қаранг!: Ирхин В. Политология, учебник. –М.: Экзамен, 2007. 980 с.

<sup>195</sup> Основы политической науки. Учебное пособие для высших учебных заведений. Часть I. –М.: МГУ им.М.В.Ломоносова, 1996. –С140.

давлат арбоби сифатида ўз бошидан кечирган тажрибалари ҳосиласи дейиш мумкин.

Голландия файласуфи Б. Спиноза (1632-1670)нинг фикрича, одам ҳаёт кечириши учун зарур нарсаларни ёлғиз ўзи топишга кодир эмас. Одамнинг хавфсизлиги, унинг табиий хуқуқлари жамиятдагина таъминланishi мумкин. Натижада одамлар мукаарар равишда бирлашадилар ва хавфсизликда яшаш учун давлат ҳокимиятини ўрнатадилар. Давлат билан бирга "умумий хуқуқ" ҳам пайдо бўлади. Бу хуқуқ давлатта бирлашган барча одамларнинг бир бутун бирикмаси - ҳокимиятни ташкил қиласди<sup>196</sup>. Бундай караш ўз вақтида Форобий томонидан баён қилинган эди. Форобийнинг "Фозил шахар одамлари қарашлари" асаридағи қарашларига кўра, инсон ўз табиатига кўра доимо бошқа инсонлар билан муносабатда бўлишга интилади. У яшаш учун кўп нарсаларга мухтоҷ бўлади, уларга эга бўлиш кишилик жамоасига эҳтиёж түғдиради... Шу сабабли, кўп кишиларнинг бирлашуви инсон жамоаси вужудга келди". Худди ана шу ўзаро интилиш, ҳаракат асосида жамият ва ундан эса давлат келиб чиқишини эътироф этади<sup>197</sup>.

Навоийда ҳар икки мутафаккир қарашларининг уйғунлашганини кўриш мумкин. «Маҳбубул-қулуб» асарининг асосан ижтимоий мазмун касб этувчи биринчи қисмини Навоий «Сориун-носнинг афъол ва ахволининг кайфияти» деб атайди. Бу қисмда жамият ва унинг воситасида давлатнинг вужудга келиши, турли ижтимоий табакаларнинг жамиятда тутган ўрни ва вазифаси, ҳар бир табаканинг ўз бурчига тўғри, ҳалол муносабатда бўлиш кераклиги хақида сўз юритади.

Навоий қарашларига кўра, фуқароларнинг розилиги, фаровонлиги ҳукмдор ва давлат фармон, буйруқ ва талабаларига бўсуниб яшашда эмас, унга бўлган ишонч ва умидда намоён бўлади, шунингдек, бу ишонч ва умид ҳукмдор ва унинг ҳокимияти қандай сиёsat юргазишига боғлик. Шунинг учун Навоий доим адолатли ҳукмдорни кўллаб-куватлади. Ҳукмдор эса ҳар бир тоифанинг орзу-истакларини тушуна олганда ва ана шу орзу истакларни бир бутун ҳолда кўриб, давлат ишларини шунга мос ҳолда олиб борганда адолатли бўлади. Бошқача қилиб айтганда, амалга ошириладиган сиёsat ижтимоий талаб ва эҳтиёжларга мос бўлсангина, Навоийнинг фикрича, "бокий" давлатга эришиш мумкин. Бошқа томондан қонун ва қарорлар чиқарувчиларнинг ҳаёт тарзи ахоли ҳаёт тарзи ва улар учун чиқарилган

<sup>196</sup> Политология. Учебник. Изд. 2-е, доп и перераб.-М.: РАГС. 2006. -С.200.

<sup>197</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри.-Т.: А.Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1993. -Б. 186.

конунларга зид бўлмаслиги керак<sup>198</sup>. Бу қарашлар кейинчалик немис файласуфи Георг Вилгельм Фридрих Гегель (1770-1831) томонидан ривожлантирилган ҳамда давлат, жамият ва конунлар мувофиқлиги асосида янада юқори даражага кўтарилиган эди. Гегелнинг фикрича, фуқаролик жамияти ва давлатнинг пайдо бўлишига табиий зарурият, табият конунларининг қатъий таъсири билан бир вактда эркин иродат таъсири ҳам сабаб бўлди. Шу нуқтаи назардан жамият ва давлат хуқуқ ва ахлоқка асосланган индивидуал ҳалқ рухи, ҳалқнинг ижтимоий онгидир. Ҳалкнинг умумий иродасини хуқуқ орқали таъминлаган давлаттинг адолатгидир<sup>199</sup>.

Немис файласуфи Иммануил Кант (1724-1804)нинг сиёсий қарашлари "Ахлоқ метофицикаси асослари", "Боқий дунё сари" асрларида ўз аксини топган. Кантнинг фикри шундан иборатки, умумий тамойилга кўра шахснинг чекланмаган ҳаракат эркинлиги бошқаларнинг худди шундай эркинлиги билан мос келадиган даражагача чекланиши керак. Амалдаги конун ҳам худди шу тарзда ҳар бир кишининг ҳаракат эркинлигини чеклайди. Турли хил мақсадларга эга бўлган одамларнинг тинч-тотув яшаш шарти мана шундан иборат. Эркиннинг шундай чекланиши эркинликларни кўпроқ таъминлади, энг аввало, низоларни адолатли тарзда тартибга солиш имконини яратади<sup>200</sup>.

Мазкур масала Навоийда ҳам муҳокама қилинган бўлиб, унинг қарашларига кўра давлатнинг ҳар бир фукаросининг эркинлигини таъминлаб бўлмайди, кимдир факирликда, бошқа кимдир эса бадавлат яшашни озу қиласди, кимдир бу дунёнинг молу мулкига, кимдир боқий дунёнинг ҳаваси билан умр кечиришни афзал билади. Охир- окибатда, бир кишининг истаги барчанинг истаги бўла олмайди. Шундай экан, умумий тартиб кимнингдир орзу ҳавасини чекласа, кимгадир орзу-ҳавастга йўл очади. Ўз-ўзидан бу тартибни бошқаришга талаб туғилади. Ҳукмдорнинг пешонасига эса Аллоҳ таоло ана шу талабни бошқариш тақдирини ёзади<sup>201</sup>.

Кейинчалик Кантда бу қарашлар янада ривожлантирилган. Кант сиёсат ва рационализмни бирлаштирмоқчи бўлди. Унга кўра, бир томондан, рационализм рўёбга чиқиши учун муайян сиёсий шарт-шароит талаб қилинади, иккинчи томондан эса, рационализм маърифатли сиёсат юритишнинг муҳим шартидир.

<sup>198</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Маҳбуб ул-кулуб. –Т.: Ғафур Гулом нашриёти, 1983. –112 б.; Садди Искандарий. –Т.: Ғафур Гулом нашриёти, 1991. –832 б.; Ҳайратул-аброр. –Т.: Ғафур Гулом нашриёти, 1989. –352 б.

<sup>199</sup> Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. –Т.: Академия, 2004. –130 б.

<sup>200</sup> Исламов З. Общество. Государство. Право. –Т.: Адолат, 2001. –С.159. -695 с.

<sup>201</sup> Алишер Навоий. Тарихи мулукни ажам. –Т.: Ғафур Гулом нашриёти, 1967. Т.14. –272 б.

Навоий асарларида адолатли шохга халқнинг йўлбошчиси сифатида каралади. Унинг ақлу-идроқи, комиллиги мънавий бойлиги халқнинг молудавлатининг мўллиги ва роҳат-фароғатда яшашини таъминлайди. Яъни одамлар ўз табиатларига кўра яхши яшашга интиладилар ва бунга хукмдор томонидан хуқукий имкониятлар берилса, эришадилар ҳам. Шоирнинг назарида халқ қўй подаси бўлса, подшоҳ чўтон, мамлакат чаман бўлса, шоҳ бу чамангага қаровчи, сув берувчи дехқон, мамлакат боғ бўлса, у боғбон бўлиб, бу боғ ёки чаман қуриб қолса, қўй подаси бўрилар томонидан таланса, факат халқка эмас, шохга ҳам ҳеч қандай наф ийк<sup>202</sup>.

Инглиз иқтисодчиси ва файласуфи Адам Смит (1723–1790) “Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари ҳакида тадқиқот” асарида худди шу масала ҳакида фикр юритар экан, “Буюк милиатлар хусусий шахсларнинг хўжасизлиги туфайли ҳеч качон камбағаллашмайдилар, балки улар кўп ҳолларда давлат ҳокимиятининг хўжасизлиги ва нодонлиги туфайли камбағаллашадилар”, - деб ёзган эди<sup>203</sup>.

Мазкур фикрга американлик мутафаккир Томас Пейн (1727–1809) ҳам кўшилган. У инсон эрки ва хукуклари масалаларига муносабат билдирад экан, одамларнинг фаровон хаёт ва баҳтга эришиш каби хукукларни табиий тугма хукуклар, деб билади. Пейн ҳам табиий хукуқ асосида ижтимоий хукуқ пайдо бўлиши, лекин у одамларнинг табиий хукукларига зид бўлмаслиги кераклигини таъкидлайди. Лекин Пейнга кўра, табиий хукуқ асосида пайдо бўлган ҳокимият якка шахс қўлида ва инсон табиий хукукларига зид бўлмаслиги керак. Ҳокимият манбаи халқнинг ўзидир<sup>204</sup>.

Навоий “Тарихи мулуки ажам” асарида халқнинг давлат ишларидаги ролини унинг китоб битгани, тошдан темир чиқарганлиги, ёгочдан уйларга эшик ясатганлиги, конлар топиши, ариклар чиқариб, юртни обод қилганлиги, шаҳар ва кентлар қургани, тўқимачиликни ихтиро қилганлиги, катта бинолар қурганлиги, боғу бўстонлар яратганлиги, дехкончиликни, хунармандчиликни ривожлантиришга аҳамият берганлиги ва ҳоказолар билан белгилайди. Ҳокимиятнинг фаолиятини эса, аввало, мамлакат иқтисодиётини юксаттириш, халқнинг моддий турмушини яхшилаш, илм-маданиятни ривожлантириш, мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш учун қилган ишлари каби мухим ижтимоий масалалардан келиб чиқиб характерлайди. Мутафаккир халқнинг яратувчанлиги эҳтиёжлари, меҳнат ранжларини

<sup>202</sup> Алишер Навоий. Ҳайратул-аббор. –Т.: Фафур Ғулом нашриёти, 1989. –352 б.

<sup>203</sup> Основы политической науки. Учебное пособие для высших учебных заведений. Часть I. –М.: МГУ им.М.В.Ломоносова, 1996. –340 с.

<sup>204</sup> Карап: Политология. Учебник. Изд. 2-е, доп и перераб.–М.: РАГС, 2006. –600 с.

камайтириш ва тинч-фаровон ҳаёт талабидан келиб чиқишини, ҳукмдор ва ҳокимият эса уларнинг бу ташвишларини енгиллатиш ва муҳофаза қилиш учунлигини таъкидлайди.

Пейн ҳам жамият ва давлат ўргасидаги фарқ ҳақида шунга яқин қарашибни баён килиб: "Жамият бизнинг эҳтиёжларимиз туфайли пайдо бўлади, ҳукумат эса бизнинг нуқсонларимиз туфайли", - деган эди.

Навоий "Муншаот" асарида давлатни идора қилиш усуслари, ҳукмдор учун фарз бўлган бурчлар, мамлакат ва фуқаролар осойиштагалигини саклаш, уларнинг ободонлиги ва фарновонлигини таъмин этиш каби масалалар юзасидан аниқ воеалар мисолида фикрлар билдириб, ўз даври ҳукмдори ва унинг фарзандларига холис маслаҳатлар беради. Айниқса, Ҳусайн Бойқаронинг валиаҳди Бадиуззамонни шуларга риоя қилишга даъват этади. Навоий унга ҳукмдорлик фаолияти учун фарз бўлган коидаларни таърифлагач, барча ишларни бажаришда марказий давлат манфаатидан келиб чикиш ва шоҳ итоатида бўлишини уктиради<sup>205</sup>.

Бу қарашиблар кейинчалик М. Вебер (1864-1920) томонидан ривожлантирилган, унинг назариясига кўра ҳокимиятга танҳо эгалик қилишга, ҳокимият монополияси ёрдамида ўз эркини буйруклар ёрдами билан ўтказиш қобилиятига асосланган ҳукмронлик, ҳукмронлик эса ўз навбатида конунийлаштирилган зўрлик, деб таърифланган эди<sup>206</sup>.

Хуллас, Навоийнинг қарашибларига кўра, сиёsat нозик иш бўлиб, доимо жадал ва ғайрат-шижоат, жасорат билан харакат қилишга ундаиди. Ҳукмдорлик шундай ишки, унинг олдида доим янги-янги муаммолар қўндаланг туради. Мамлакатнинг бошқа бирор кишиси ҳал эта олмайдиган масалалар ҳукмдор қарори билан ечим топади. Жасоратли бўлмаган ҳукмдор эса муаммоларни мудом орта сураверади. Иккиланиц, давлат ишларида қатъий карорли бўлмаслик, таҳлика ва кўркув бошқарувнинг бетартиблигига, бошқарув тизимининг эса обрўсизланишига олиб келади. Қатъийлик ҳукмдор фаолиятида ташки ва ички қаршиликларга барҳам берадиган энг муҳим ҳусусиятдир. Сиёsat ҳукмдорда кучли бўлиши мумкин. Аммо одиллик қатъийлик билан қарор топади. Адолатли бўла туриб, сиёsatда қатъий бўлмаган ҳукмдор адолатни кенг микёсда жорий эта олмайди. Сиёsatиз ҳукмдор ички зиддиятларни бартараф кила олмаганидек, ташки қаршиликларга ҳам дош бера олмайди. Фуқароларнинг тинчлиги, иктиносий-ижтимоий фарновонлиги сиёsatда қатъиятсизлик туфайли ҳам кўп

<sup>205</sup> Алишер Навоий. Муншаот. -Т.: Faфур Гулом нашриёти, 1966. Т.13. -244 б.

<sup>206</sup> Социология: учебник / Бойков В.Э., Демидов Ф.Д., Игнатов В.Ф.; под общ. ред. В.Э.Бойкова. -М.: РАГС, 2004. -496 с.

бузилади. Қатыягитли ҳукмдор адолатли ҳукмдордан ҳам кўра кўпроқ ҳукмдорлик қила олиши мумкин. Шунингдек, ҳукмдор кай вактда қатыягит кўрсатиш кераклигини ҳам билиш лозим. Масалан, жанг пайтида сулҳ тузишга ҳаракат килган, сулҳ тузиш зарур бўлганда жанг қилишини афзал кўрган ҳукмдорни қатыягитли ҳам, ақли ҳам деб бўлмайди. Чунки, ҳар икки ҳолатда ҳам у ўзига нисбатан қаршиликларни кучайтириб юбориб, зарар келтиради.

Мазкур асарда келтирилган мактублардаги қарашлар Навоийнинг улкан ва илғор давлат арбоби эканлигидан, унинг наздида мамлакатни идора этишда умум манфаати учун катта масалалардан тортиб то майда масалаларгача аҳамиятли бўлганигидан далолат беради...

Навоий қарашларига хос ҳусусиятлар, тасаввурларнинг аниқлашиб, ижтимоий ҳаёт, давлат, сиёsat, ҳуқуқ ҳақидаги таълимотларга айланishi тарихи узоқ даврни камраб олади. Бу жараён турли ҳалқларда турли хил кечган. Лекин барча ҳалқларга, мамлакатларга хос бўлган умумий қонуниятлар нұктай назаридан қараганда зулмга қарши адолат, тартибсизликка қарши қонунийлик, ёвузликка қарши раҳм-шафқат, урушга қарши тинчлик ғояларининг илгари сурилишини кузатамиз. Жамият, давлат ва инсон орасидаги муносабатлар кураши тарихида бу қонуниятлар барча даврлардаги ҳалқлар ҳаётига хосдир.

### **2.3. Навоий ижтимоий-фалсафий қарашларида ислом дини ва шариат масалалари**

Навоий яшаган ижтимоий ҳаёт ижтимоий муносабатлари шариат асосида ташкил килиниб олиб борилганлар мальум. Шунинг учун, Навоий асарларида асосий ўринни дин ва шариат масалалари эгаллаган. Навоий асарларини бошланиси ўша давр анъанаисига кўра Аллоҳга ҳамд ва санолар, пайғамбарга салавот айтиш, авлиёлар шаънига дуолар ўқиши билан бошланади. Ҳусусан, унинг “Насойим ул-муҳаббат”, “Арбайн”, “Сирож ул-муслимий”, “Вакфия”, “Муножоот”, “Рисолаи тийр андохтан” каби асарлари айнан шундай асарлари жумласига киради.

Мутафаккирнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида ҳам анъанавий Аллоҳга ҳам, Мухаммад С.А.В га салавот ва авлиёларга дуои хайр қилиш билан бошланади. Асарнинг бошланиси Ислом динининг асосий шартларидан беш асосий арконни келтиради. Яъни мусулмонлар учун шаҳодат калимасини айтиб имон келтириш, беш маҳал намозини адо қилиш, рамазон ойида рўза тутиш, закот бериш, имкони бўлса, ҳаж зиёратини адо

этишни айтиб ўтади. “Насойим ул-мухаббат”да Навоий 770 та авлиёлар хакида маълумот бериб уларни Ислом дини такомили йўлидаги хизматлари ва мусулмонлар учун ибратли амаллари, қилган қасб-корлари, гўзал хулк-авторлари хакида ажойиб мисоллар воситасида таърифлайди.

Алишер Навоийнинг мазкур йўналища ёзилган яна бир бетакрор асари “Вақфия” дир. “Вақфия” асарини унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари тизими дейиш билан бирга, унинг амалий фаолияти ва саъй-харакатлари хакида биографик маълумотлар берувчи мемуар хусусиятдаги асар десак, ҳақиқатга якин бўлади. Асар номидан кўриниб турганидек, унинг асоси диний-шаръий тамошига таянади. Бу фикримиз асарни фақат назария эмас, балки тарихий реаллик сифатида ҳам қимматини оширади. Асарда Навоий тараннум этган улугвор ижтимоий-фалсафий гоя ва фазилатлар – мурувват, футувват, жўмардлик, саҳоват каби ғояларни ўз амалий фаолияти намунасида ўзи амалга оширган ишлар баёни сифатида ҳам билиш мумкин.

Шу ўринда “Вақф” сўзига ҳам қисқача изоҳ бериб ўтиш лозим деб уйлаймиз: “Вақф” арабча сўз бўлиб,-дин йўлида ажратилган мол-мулкдир. Ислом дини анъанасида давлат ва айrim кишилар томонидан диний муассасалар, масжид мадраса ва бошқаларга ажратилган мол-мулк<sup>207</sup>. Вақф мулки вақфга Аллоҳ йўлида садака сифатида берилиб у кейинчалик камбағал, ночор кишилар етим-есирларга, ғариб-мискинларга тарқатилган. Вақф учун фақат мол-мулк, пул эмас, феодал тузум шароитидаги асосий бойлик манбай бўлган ер вақф мулки сифатида берилган ва бу ер дахлсиз ҳисобланган. Навоий Ҳусайн Бойқаро давлатига кўрсатган улкан хизматлари эвазига унга жуда катта миқдорда ер, сув ийрик иншоотлар мулк қилиб берилган эди. Лекин улуғ мутафакир бу мол-мулкларини ва ерларни вақф сифатида оддий халққа фойдаси тегиши, давлат муассасалари, кўшин харажатлари, мадраса талабалари, кироатхоналар учун, шифохона ва дорихоналар учун ва янгиларини куриш учун сарфлаган. Хиротдаги бир нечта шундай ижтимоий аҳамиятта эга бинолар, боғлар, зиёратгоҳлар, дорушшифо, кироатхоналар айнан Навоийни раҳнамолиги ва бойликлари ҳисобидан бунёд килинганилиги тарихий манбаларда баён қилинган. Аллома бу мол-мулк ва улардан келадиган даромадларни беғараз, адолатли тақсимланиши устидан, ишончли кишилар кўйиб ва шахсан ўзи назорат ўрнатган.

<sup>207</sup> Ислом (справочник) М.А.Усмонов таҳрири остида Т., 1989 Б-79. “Вақф” мақоласи

“ Вақфия” да мол- мулклар ва ерларни тизими ва тақсимоти қўйдагича:

- вақф қилингган ерлар ва мулклар;
- вақф қилингган бинолар, иншоотлар;
- уларни идора қилиш учун белгиланган вазифалар;
- вазифалар учун тайин қилингган маошлар;
- вақфлар таомили учун аниқланган ашёлар;
- бино ва ёдгорликлар таъмири;
- халқ учун, хусусан камбағаллар учун ўтказиладиган хайрия маросимлар ва уларга тортиладиган таомлар микдори;
- мударрис ва талабалар учун жорий қилингган қоидалар;
- вақфларни сақлаш, идора этиш ва назорат қилишининг қоида ва шартлари;
- вақф шарт ва қоидаларининг дахлсизлиги,<sup>208</sup>

Навоийнинг вақф қилдирган ерларини ўлчов микдори 460 жерига<sup>209</sup> тенг бўлганлиги манбаларда ва “Вақфия”да айтиб ўтилган.

“Вақфия”да тайин этилган вазифалар ва уларга тайнинланган маош ҳамда дон-дун микдори аниқ кўрсатилган. Масалан: икки мударрис, уларни ҳар бирига ўн биттгадан толиби илм бўлиши керак бўлган. Мударрисларга йилига 1200 олтин (танга) нақд пул, 24 юк (айрим манбаларда харвор ҳам дейилиб бир эшакка юк бўладига даражадаги оғирликдаги юк) ошлиф (арпа, буғдой) берилиши белгиланган. Навоий талабаларни 3 тоифага бўлган:

- аълога ўқийдиган талабаларга ойига 24 олтин нақд 5 юк ошлиф;
- ўртага ўзлаштирадиган талабаларга ойига 16 олтин нақд, 4 юк буғдой;
- паст ўзлаштирувчи талабаларга 12 олтин пул ва 3 юк ошлиф берилган<sup>210</sup>.

Хозирги замон сиёсатшунослик фанида алоҳида эътиборли мавзулардан бири жамиятни демократлаштиришнинг муҳим омили – жамоат, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг асосий мақсади эса ижтимоий масалалар бўлиб ижтимоий

<sup>208</sup> Ўзбек адабиёти тарихи (IV томлик) II том Т., 1977 Б-402-403 яна қаранг А.Навоий “Вақфия” МАТ (20 томлик) Т., 1998 14 том Б 260-269;

<sup>209</sup> Жериг- ер ўлчови бирлиги , тахм I таноб ер.Жерибни, шунингдек 1 жериг дон экиш мавзини бўлган ер бўлагини ҳам айтишган. Е.Э.Бертельсни изоҳлашича турли даврларда жеригни микдори турлича белгиланган - (100 дан 200 м.га қадар).

<sup>210</sup>Ўзбек адабиёти тарихи (IV томлик) II том Т., 1977 Б 403; яна қаранг А.Навоий “Вақфия” МАТ (20 томлик) Т., 1998 14 том Б 260-269;

химоя тизимини ривожлантириш орқали ижтимоий адолатни таъминлаши. Ислом динидаги Вақф институти ҳам айнан ана шу мақсадда йўлга қўйилган. Ҳозирги даврда эса ижтимоий институтларнинг ижтимоий химоя, хайрия ташкилотлари, хомийлик ҳаракатлари кўп ҳолларда ўз-ўзини тарғиб (самореклама) қилиш воситаси сифатида бораётганлигини кўриш мумкин.

Навоий сиёсий таълимотида ҳам давлат ва жамият таназули бойликка хирс қўйиш, фақат шахсий манфаатни ўйлаш, зулмни ҳаддан ташқари ошиб кетиши, нафсни тия билмаслик, ҳавоий хирсларга берилиш ва бошқа ижтимоий иллатларга ғарқ булиш туфайли юз беришида деб билади:

То хирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,  
То нафсу ҳаво қасри барадтод ўлмас,  
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,  
Эл шод ўлмас мамлакат обод ўлмас.<sup>211</sup>

Навоийнинг исломий илм тарғиботи асосида ёзилган яна бир асари “Сирож ул-муслимийн”<sup>212</sup> яъни “мусулмонлар чироғи”<sup>213</sup> асидир.

Навоий бу асарини “Сирож ул-муслимийн” деб аташида шундай тарихий ва мантиқий асос бор. Пайгаримиз Мұхаммад (с.а.в) башорат қилиб, умматим орасидан бир уламо чиқиб, умматимни чироғи бўлади деб айтганлар. Асар айнан исломдаги энг тўғри йўл ва дунё мусулмонларининг 90 фоизидан кўпроғи эътиқод килаётган суннийликнинг ҳанафийлик мазҳаби талаблари асосида ёзилган. Бу ҳақда Навоий “Насоим ул-муҳаббат” асарида ҳам айтиб ўтган<sup>214</sup>.

Асар назмий услубда яратилган. Мұхим жиҳати шундаки, ушбу асарни айнан шеърий услубда ёзилганлиги исломдаги асосий талаблари бешта сунний амални адашмаслик учун ёд олиб ўқиш шакли яратилиб ўзига хос янгилик яратилди. Бу асарда Навоий диннинг беш асосий талаби имон келтириш(калима), беш маҳал номозни адо килиш, закот бериш, рўза тутиш, шунингдек таҳорат, гусл, вузуъ каби шарҳий амалларни бажариш тартиби, талабларини

<sup>211</sup> А.Навоий “Вакфия” МАТ (20 томлик) Т., 1998 14 том Б-253.

<sup>212</sup> А.Навоий “Сирож ул-муслимин” МАТ (20 жилдлик) Т., 2000.-16 жилд Б-273-289.

<sup>213</sup> Бу асарни шундай номланишини шундай ишора бор деб уйлаймиз: Пайтамбаримиз Суннийлик тарикатини асосчиси Нұммон ибн Ҳанифани “умматимни чироғи” деб башорат килган эканлар. Асар айнан суннийлик тарикати талабларидан келиб чиқиб ёзилган. Шунинг учун “Сирожил муслимийн” дейилган.

<sup>214</sup> А.Навоий “Насоим ул-муҳаббат” МАТ (20 жилдлик) Т.: “Фан” 2001. 17 жилд, Б-31-32.

назмий усулда талқин қилиб, уни ёд олган киши ушбу амалларни нұқсонсиз аді этиши аник. Шунинг учун ҳам асар “Сирож ул-муслимін”- мусулмонлар йўлини ёритувчи чироқ деб номланган. Бу ҳақда мутаффаккирни ўзи ҳам алоҳида айтиб ўтади<sup>215</sup>.

“Арбаъин” ҳам мутафаккирнинг шаръий масалаларга, тўғрироғи, ҳадисларни шарҳига багишинган асаридир. Шарқ адабиётида “Арбаъин” ёзиш анъанаси мавжуд бўлиб, ҳалқ орасида машхур бўлган, энг сахих ҳадислардан 40 тасини саралаб, ҳар бир ҳадиснинг мазмунини бир робойда талқин қилинган. Маълумки, ҳадисларнинг асосий манба сифатида араб тилида ёзилганлиги ўша даврда ҳам ҳаммани тўлиқ тушунишга имкон бермаган. Шунинг учун араб бўлмаган бошқа мусулмон ҳалқлари адабиётларида арбаъий ёзиш анъанаси орқали шоирлар уларни мазмун-моҳиятини ўз тилларида шеърий усулда баён этганлар. Бу билан ҳам ҳадисни тўлик тушуниш имкони бўлган ва иккинчидан, ҳадис ёдлаб олинган<sup>216</sup>.

Алишер Навоий ўзи эътироф этганидек ва айрим манбаларда айтиб ўтилганидек “Арбаъин” Абдураҳмон Жомийнинг “Чиҳил ҳадис” сини туркий тилга таржима қилган. Бу билан Навоий туркий адабиётга “Арбаъин” ёзиш анъанасини киритган бўлса, шу билан бирга, туркий ҳалқларни ҳадислар мазмуни билан туркий тилда ҳам баҳраманд килди.

Шу ўринда “Арбаъин” даги айрим мухим ҳадисларни келтириш мухим деб уйлаймиз.

- Ҳадис - *Ло юъмину аҳадикум ҳайта яҳиббу ла аҳиҳа ма юҳиббу ли нафсиҳи.* Маъноси: Сизлардан ҳеч бирингиз ўзига раво кўрган нарсасини биродарига раво кўрмагунча, чин мўъмин бўлолмайди.

Рубоий: Мўъмин эрмасдур, улки иймондин.  
Рўзгорида юз сафо кўргай,  
Токи қардошига раво кўрмас-  
Ҳар неким ўзига раво кўргай.

- Ҳадис - *Ман аътга липпоҳи ва манаҳа липлаҳи ва аҳабба липлаҳи ва ағаза липлаҳи фақад-исътакмала иймануҳу.*

Маъноси: Кимки хайр эҳсон қилишда, ноўрин жойларга сарф қилмасликда, яхши одамларни дўст ва ёмон одамларни душман тутишда Аллоҳнинг розилигини ният қилган бўлса, демак у ўз иймонини бутун сақлайди.

<sup>215</sup> А.Навоий “Сирож ул-муслимін” МАТ (20 жилдлик) Т., 2000.-16 жилд Б-273-275.

<sup>216</sup> А.Навоий “Арбаъин” МАТ (20 жилдлик) Т., 2000.-16 жилд Б-330.

Рубоий: Кимгаким ҳуббу бугзу манъу ато  
Хақ учун бўлди жазм бил они,  
Ким эрур тенгри лутфидин комил  
Ахду иймон қошида иймони.

-*Ҳадис* – Ал муслиму ман салим ал муслимуна мин ядиҳи ва  
лисана. Маъноси: кўлидан ва тилидан мусулмонларга озор  
етмайдиган кишигина мусулмондир.

Рубоий: Ким мусулмонлиғ айласа даъво  
Чин эмас гар фидо қилур жонлар.  
Ул мусулмондирки, солимдур.  
Тилию илгидан мусулмонлар<sup>217</sup>.

-*ҳадис* – Ман лам ярҳаминаса ла ярҳамхуллоҳу. Мазмани:  
одамларга раҳмли бўлмаган кишига Оллоҳнинг ҳам раҳми келмайди.

Рубоий: Тенгридан раҳм агар тамаъ қилсанг  
Аввал ўлмоқ керак сен эдға раҳм.  
Ҳар кишиким улуска раҳм этмас,  
Анга раҳм этмас раҳими карам<sup>218</sup>

Улуг мутафаккирнинг бошқа асарларида ҳам ўз ўрнига қараб  
ҳадислардан мохирона фойдаланганлигин ҳам айтиб ўтиш лозим.  
Унинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ифодаси бўлган “Муншаот” ида  
ҳам Султон Ҳусайн Бойқаро, шоҳзодаларга йўлланган мактубларида  
ҳам ҳадислардан фойдаланиб панд ва насиҳатлар берган. Диний  
акидалар ўз аксини топган. “Муншаот”да шоҳзода Бадиuzzамон  
мирзога йўлларган мактубда “Аммо биронвиким, тенгри таолло бир  
суруқ бандалар устига ҳоким қилди- анга ҳеч амр итоати адлча  
бўлмас ва нахйдин ижтиnob чоғир таркича бўлмас, чунки “инналлаҳу  
йаъмуру бил адл ва-л-эҳсан” (Аллоҳ адл ва эҳсонга буюради) ва  
хазрат рисолат салюху васаллам буюриттурким,- Адлун саатун  
хайрун мин ибадатус-сақалайн” (бир соатлик ибодат икки дунё  
саодатидан яхширок) ва чоғир ичишни зарарли экани хусусида ҳам  
машхур ҳадисни мисол келтириб чоғирни - “уммул ҳабоис” (барча  
ярамасликларни онаси)<sup>219</sup> деб чоғир ичишдан тийилишга чақиради.

Навоийнинг “Рисолай тийр андохтан” (ўқ отиш ҳақида рисола)  
асарида ажойиб илохий ҳикоят орқали тарбиявий аҳамиятга эга  
бўлган ғояни илгари сурган. Ундаги ҳикоятни мазмуни шундай:

<sup>217</sup> А.Навоий “Арбайин” МАТ (20 жилдлик) Т., 2000.-16 жилд Б-262.

<sup>218</sup> Шу манба Б-263.

<sup>219</sup> А.Навоий “Муншаот” МАТ (20 жилдлик) Т., 1998.-14 жилд 154 бет. Изоҳлар 293-294  
бетларда.

Одамзоднинг отаси Одам Сафий (а.с) Ер юзига тушганидан кейин(Аллоҳ) унинг гуноҳини кечди. Жаброилга Одамни дехқончиликка ўргатиш амр қилинди. Жаброил уруғ олиб келди. Одам уругни ерга сочди. Лекин экилган буғдорини қаргалар ковлаб еб кета бошлади. Одам Аллоҳга арз қилиб, меҳнатимни зое қилмагин деди. Жаброилга бир ёй ва бир неча дона ўқ бериб, Одамга ўқ отишни ўргатиш амр бўлди. Жаброил Одамга ўқ отишни ўргатди. Одам ўқни қарғага отди. Лекин ўқ хато кетиб тегмади. Жаброил табассум қилди. Одам иккинчи ўқни отди. Ўқ қарғага тегди. Бундан Жаброил шодмон бўлди.

Одам сўрадики, нега биринчи марта отиб тегизолмаганимда табассум қилдинг, иккинчи отиб қарғага тегизганимда шодмон бўлдинг?

Жаброил жавоб бердик: “агар биринчи отишдан тегизганингда сени авлодинг (наслинг) кўлидан қиёматгача ҳеч нарса қолмас эди”. Ўқ отмоқ Аллоҳнинг лутфи, Одамнинг мўъжизасидир. Ўқ отмоқ савободир. Лекин ўз эҳтиёжи туфайли зарурият ов күшлари ва ҳайвонларга отиш мумкин. Лекин ўқни одам-одамга отиши гуноҳdir дейди.

Шу ўринда Навоий яна икки ажойиб ҳикматни айтиб ўтади. Пайғамбаримиз Мұхаммад(с.а.в) дан ўқ отмоқни савобини қай даражада эканлигини сўрашганларида, пайғамбаримиз марҳамат қилдилар: “гар тийрандозликни савобини айтсан ҳалқ тижорат ва бошқа ишлардан юз ўгирадилар”. Бир соат ўқ отишни ўрганиш, эллик йиллик тоат-ибодат қилишдан афзал. Бу ўринда туркий ҳалқлар қаҳрамонлик достонларида кўпинча ўта қаттиқ қаҳратонларда ёки қурғоқчилик пайтларида ов ва бошқа тадбирлар билан ўз қавмини очлик ва ўлимдан омон саклаб қолган мард ва ботирлар образларини яратилиши ҳам шу гоя ва мавзу билан уйғунлигини кўриш мумкин.

Яна бир ривоятга кўра эса, Пайғамбаримизга шундай хабар келган эканки, унда “гар бирор ерга масжид қурав бўлсалар, у жой қирқ йил бурун фахр қиласар экан. Агар бирор жойни ўқ отишни ўргатадиган жой қилиб, тийрандозлик қилинса бу ер саксон йил бурун фахр қиласар эканки, менда тийрандозликни ўрганурлар”<sup>220</sup> деб.

Асарнинг ғоявий мақсади ва хулоса шуки, одамзод ўз-ўзини муҳофаза қилиш учун ва фавқулодда вазиятларда ов қилиш озуқа топиш мақсадида ўқ отишни ўрганиш савобли, лекин ўқ-ёйни

<sup>220</sup> Навоий “Рисолаи тийр андохтан” МАТ (20 жилдлик) Т., 2000.-16 жилд Б-302-303.

одамлар бир-бирларига отишлари энг оғир гуноҳ эканлиги, шунингдек ҳар қандай масалада меъёр бўлгани каби паррандаударрандаларни меъерида ва зарур бўлганда овлаш кераклиги айтилади. Афсуски, бундай мукаддас ақидаларга амал қилиниш ўрнига инсоният бир-бирини мавҳ қилиш учун даҳшатли куроласлаҳалар яратиб, бир-бирини ўлдирища кўллаётирлар. Ёки табиат билан ногўри муносабат қилиш туфайли хозирги пайтда юзага келаётган табиат муаммоларини ҳам бунга мисол қилиш мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак:

Биринчидан: Навоий ўз даври воқелигидан келиб чикиб, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, хукукий муносабатларнинг асосини ўша даврда мукаммал ижтимоий таълимоти бўлган ислом дини бўлиши кераклигини таъкидлайди;

Иккинчидан: мутафаккир аввало ислом динини амалиётга талқини этишда унинг ижтимоий фалсафий моҳиятини тўғри тушуниш заруриятини уқтиради. Унинг диний мавзудаги асарларида, хусусан “Арбаъин”, “Рисолаи тийр андохтан”, “Вақфия” ва бошқа асарларида туркй халқлар учун тушуниш осон ва хотирада саклаш учун шеърий усулда ва ўта тушунарли, равон тилда яратади.

Учинчидан: давлат бошқаруви ва умуман хукукий муносабатларда дин асосий манба ва дастурий аҳамиятга эга бўлиб, унга ижтимоий мавқеидан қатъий назар ҳамма амал қилиши керак эканлигини уқтиради. Хусусан, унинг “Ҳайрат ул-аброр”идаги “Тилла кампир”, яъни “Золу зар” хикоясида Хусайн Бойқаро мисолида шариат ҳамма учун қатъий амал қилиниши лозим бўлган хукукий тизим эканлиги хусусан подшоҳ бу ишда намуна кўрсатиши лозимлиги айтилади;

Тўртингчидан: умуман ислом дини моддий ва маънавий ҳаётда асосий меъёрий асос бўлиши кераклиги таъкидланади, шунинг учун шариат қозилари ўта илмли, ҳақиқатгўй, адолатли ва адолат мезони сифатида эътироф этилади.

### **III боб. АЛИШЕР НАВОЙ АСАРЛАРИДА ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ТУШУНЧАЛАР ИНЬИКОСИ**

#### **3.1. Алишер Навоий асарларидағи фалсафий түшүнчалар таснифи ва ижтимоий жараёнлар**

Алишер Навоийнинг ижтимоий-сиёсий карашлари унинг давлат ишларини бошкариш жараёнида, айниса, чукурлашиб борди. У давлат ишларига киришар экан, биринчи галда халқнинг тинч ҳәётини бузатстан шахзодалар ва амалпастлар ўргасида таҳт учун кетаётган қон тўкишларнинг олдини олиш ва бу билан мамлакат сиёсий ҳәётидаги рўй бергаётган сиёсий тарқоқликка чек кўйишга уринади. Навоий шахзода Ёлғор Мұхаммаднинг фитнасини фош килиб, уни бартараф этади ва бу билан мамлакатда юз бериши мумкин бўлган киргиннинг олдини олади. Амалдорларнинг жабру ситамига қарши Ҳирот меҳнаткашлари билан ўзи музокара олиб боради ҳамда айбор амалдорларни давлат ишларидан четгалиб, уларни жазолайди. Бу эса исённинг бостирилишига ва юзлаб кишилар қонининг тўкилмаслигига олиб келади.

Хусайн Бойкаро томонидан вазирликка тайинланган Навоий мамлакатнинг тинчлиги ва осойишталиги учун курашади. У олдиндан орзу килаётган орзуларини, истакларини, яъни мамлакатда содир бўлаётган кирғинликларнинг олдини олиш, меҳнаткашларнинг ҳәётини яхшилаш, тарақкийпарвар кучларни кўллаб-кувватлаш, қисқача килиб айтганда, мамлакатда адолатли тартиби үрнатиш учун барча имкониятларни ишга солади.

Алишер Навоий сиёсий онгиннинг шакланишини ва ривожланишини нисбий равища икки даврга бўлсан бўлади. Биринчи давр – бу Алишернинг ёшлик йилларидан тортиб, токи вазирликдан истеъро берган давригача бўлган вактни ўз ичига олса, иккинчи давр эса – вазирликдан истеъро берган вактдан бошлаб, токи умрининг сўнгти кунларигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Биринчи даврнинг хусусиятли томони шундаки, бу вақтда шоир ҳали мамлакатда адолатсиз подио ўрнига адолатли подио келишига ва баҳтили жамиятта эришиши мумкинлигига ишонади ҳамда уни амалга ошириш учун курашади. Бу куаш йулида у вазирлик лавозимигача бўлган давлат ишларидаги хизмат килиб, мамлакатда тинчлик ўрнатиш, ободончилик ишларини янада ривожлантириш, тарақкийпарвар кучларни кўллаб-кувватлаш каби ишларни амалга оширади. Бу даврда шоир маърифатпарвар

шох тарафдори бўлади. Лекин шоир сиёсий онгининг муҳим босқичини иккинчи давр ташкил этади. Навоий катта сиёсий кураши йўлини босиб ўтиб, бой тажрибага эга бўлганидан кейин ижтимоий-сиёсий қарашларида янада илгарилаш юз беради. Адолатли давлатни барпо этиш, унинг тепасида эса адолатли шоҳ туриши керак, деган гояни илгари сурди.

Алишер Навоийнинг сиёсий қарашлари унинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳусайн Бойқаро саройида ҳукм сурган тартиб-коидалар, давлатни идора қилиш усуслари, амир ва бекларнинг тож-тахт учун олиб борган фоижали ҳаракатлари, оддий халқ оммасининг аянчли ахволи билан боғлиқ бўлган хилма-хил масалалар Навоийнинг сиёсий қарашларида муҳим ўрин эгаллайди.

Маълумки, ҳар бир мамлакатнинг сиёсий тизимида ҳал қилувчи бўғин вазифасини давлат бажаради. “Давлатнинг асосий белгилари қуидагилардан иборат: 1) давлат ҳокимияти (мажбурлаш, бошқариш аппарати)нинг мавжудлиги; 2) аҳолининг ҳудудлар бўйича ўюшганлиги; 3) суверенитет; 4) ҳукук ижодкорлиги (конун чиқаришга кодирлик); 5) солик сиёсати; 6) умуминсоний вазифаларни бажариш (ҳудудни кўриклиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва к.к.<sup>221</sup>. Шу нуқтаи назардан, давлатнинг мазкур белгилари, ўрга асрдаги ижтимоий жараёнлар таркиби, тизимига хос бўлган хусусиятлар ҳисобга олган ҳолда Алишер Навоий асарларидаги сиёсий тушунчаларни қуидаги мавзуйи гурухларга ажратишни лозим топдик:

Кўп минг йиллик тарихга эга бўлган туркий давлатчилик тизими фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳукукларини ҳимоя қилувчи, бунга қарши турган кучларнинг каршилигини синдирувчи ҳокимият органлари, сиёсий ташкилотлар, давлат муассасалари ва уларга оид йўналиш, иш-фаолият мажмуидан иборат бўлиб, жамият тараққиётни жараённида асрлар давомида секин-аста такомиллашиб борган. Ҳар бир давлат ва давлатчилик моҳиятида ётган ташкилотчилик муайян бир макон ва жамиятдаги мавжуд турли имкониятларни шу ерлик халқ манбаати йўлида юзага чиқаради. Халқ ижтимоий бирлашма сифатида катта куч ва салоҳиятга эга.

1. Давлатнинг ибтидоий, уругчилик жамиятидан ажратиб турадиган асосий белгиларидан бири давлат пайдо бўлган жамиятда фуқароларнинг маълум бир ҳудудга бирлашишидир. Ушбу жараён маъмурий-ҳудудий бўлинишларни вужудга келтирган ва бу ижтимоий-ҳудудий бирликлар маълум бир ном билан аталган. Навоий маъмурий-ҳудудий тузилмалар номлари ифодалаш мақсадида *вилоят, шаҳар, эл, давлат, шаҳар, халқ, миллат, юрт, ватан, углус, қасаб, жамоат, хайъ, халойик, углус, зумра, нағми-*

<sup>221</sup> Фалсафа: қомусий лугат / Масъул мухаррир: К. Назаров. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 99.

*бандия, ҳазорастийлар, сарбадорлар, низо-мийлар, сунний мазҳаб, хуруж мазҳаб* каби тушунчалардан фойдаланган.

Муким туриб қолиш ёки ўзи доимий яшаётган мамлакатини ташлаб, бошқа давлатга күчип кетиш, аксарият ҳолларда, маълум бир ижтимоий-сиёсий вазиятлар билан боғлиқ бўлади. Шу нутқтаи назардан, айни пайтда, шоир асарларида бирор жойда яшаб кетиш, мазкур мавзуий гурухга ижтимоий-худудий бирлиқда истиқомат қилувчиларнинг ҳаракати билан боғлиқ кўйидаги тушунчалар киритилди: *истиқомат, ҳазар, сокин, мусофир, гурбат, ишроят ва б.*

**2. Матъмурӣ-сиёсий тартибни билдирувчи тушунчалар:** *сиёсат, қўрултой, олий мажлис, кенгаш, машварат, тўра, ясақ, сарой, буйрӯк, ҳукм, муҳр, нишон.*

**3. Жиноят ва уларга чора кўриш билан боғлиқ тушунчалар:** *язма, горат, вабол, фитна, ўғри, жазо, ўч, интиқом, хун. зиндан, қароқчи.*

**4. Инъом-эҳсон тушунчалари:** *суюргал, тортиқ, ҳадя, инъом, исор.*

**5. Давлат бошқарувига оид тушунчаларнинг аксарияти ўша давр темурийлар ҳукмронлиги тарихини акс эттирувчи тарихий манбалар матнида келтирилган тушунчаларга муайян даражада мос тушади:**

*а) давлатнинг бош ҳукмдори ва ҳукмдор ворислари номлари:* *ҳоқон, қоон, шоҳ, подшоҳ, ҳукмрон, султон, амир, шаҳзода, амирзода.*

Навоий уларнинг тарихий даврлар маҳсулни эканлигига эътибор берган ҳолда матн руҳига мос кўллаган. Хусусан, Навоий ҳон (кичикроқ давлатнинг мутлақ ҳукмдори) ва ҳоқон (йирик давлатнинг мутлақ ҳукмдори, улуг ҳон) сўзларини темурий ҳукмдорларга нисбатан фарқлаган ҳолда кўллаган. Асарда ҳоқон лугавий бирлигининг факат Амир Темур ва унинг ўғли Шоҳруҳ Мирзога нисбатан кўллангани унда ҳонга нисбатан улуғлаш, эҳтиром маънолари устун эканидан далолат беради: «Мулук шаҳжарларининг бўстони ва салотин гаевхарларининг уммони, ҳоқони жаҳонгири соҳибқирион, яны Темур Кўрагон...»<sup>222</sup>; «Ҳоқони Сайд Шоҳруҳ Мирзоким, авлоди ва амжоди орасида соҳибқирион отасининг қўйим мақоми бўлди»<sup>223</sup>.

Султон атамаси кўйидаги маъноларни ифодалашга хизмат қилган: «подшоҳ, ҳукмрон; подшоҳ ва подшоҳзодалар номига қўшиб айтиладиган унвон»<sup>224</sup>; «ҳукмронлик, қудрат; рад этиб бўлмайдиган далил; лашкарбоши

<sup>222</sup> Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 жилдли / С. Фаниева нашрга тайёрлаган. – Тошкент: Фан, 1997. Ж.13. Мажолис ун-нафоис. – Б. 163.

<sup>223</sup> Кўрсатилган асар. –Б. 164.

<sup>224</sup> Шамсиев П., Иброҳимов С. Навоий асарлари лугати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 576.

(форсларда)»<sup>225</sup>; «баъзи мусулмон мамлакатларида VIII асрдан бошлаб ишилатилган подшоҳ унвони: XI асрда Ўрта Осиёning кўпгина феодал давлатларида подшоҳлар унвони; Хиндистон ва Индонезияда айрим князликлар хокимларининг унвони»<sup>226</sup>. Мўгуллар истилоси давригача сulton тушунчаси Такаш томонидан ташкил қилинган Олд ва Ўрта Осиёдаги мустакил давлат хукмдорига нисбатан, мўгул хоконлигининг емирилишидан сўнг Ўрта Осиёдаги Чингизхон авлодидан бўлган хукмдорларга нисбатан кўлланган. Асарда мазкур луғавий бирлик подшоҳ, хукмронлар номига қўшиб айтиладиган унвон сифатида кўлланган: «Султон Искандар Шерозий ҳам набирадур»<sup>227</sup>.

Амир –подшоҳ, хукмдор: Ҳўмини сурубон амирлардек, Лайни чекиб асиirlардек<sup>228</sup>. Араб халифалигига қарам бўлган мамлакатларни бошқариш учун тайинланган ҳоким, кўшин кўмондони, йирик лашкарбошилар амир деб атаган. Мўгуллар истилосидан кейин Олтин Ўрда, Ўрта Осиёда ва эронда мўгул ҳамда турк қабилалари бирлашмаси – улус бошлигининг унвони амир хисобланган. Соҳибқирон Темурнинг унвони ҳам амир бўлиб, тарихда Амир Темур деб юритилган.<sup>229</sup>

“Вақфия” асарида амирнинг ўғли амирзода ва шаҳзода тушунчалари билан ифодаланганинги кўриш мумкин: *Мозий салотиндин – ул ерда боз ясарга аморат сийтин солган амирзодалар, балки салтанат кўсин чолган шаҳзодалар, орзу ниҳолин тикиб...*<sup>230</sup>.

Навоий шоҳлар ва амирларга нисбат беришда, шунингдек, сulton устасалотин, сulton соҳибқирон, подшоҳи замон, хоқони жсаҳонгари соҳибқирон, амир-ул –мўъминин, амир-ул-умаро каби тушунчалардан фойдаланган;

*б) давлат идоралари ва амалдорлар номлари* Амир Темур даврида бошқарув икки идора: даргоҳ ва девошларга бўлинган. Азамат Зиёнинг «Ўзбек давлатчилиги тарихи» номли асарида даргоҳ ҳакида кўйидаги маълумотлар келтирилган: «Даргоҳ – энг олий давлат идораси. Унинг бошлиги ҳам табиий равища давлатнинг олий хукмдори хисобланган»<sup>231</sup>. Алишер Навоий асарларида «олий давлат идораси»ни ифодалаш мақсадида

<sup>225</sup> Будагов Л.З. Справительный словарь турецко-татарских наречий. В 2-х т. – СПб., 1869. Т. 1. – С.663.

<sup>226</sup> Бекмуҳамедов Х. Тарих терминлари изоҳли лугати.– Тошкент: Ўқитувчи, 1977.– Б. 150.

<sup>227</sup> Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 жилдли / С. Фаниева нашрга тайёрлаган. – Тошкент: Фан, 1997. Ж.13. Мажолис ун-нафис. – Б. 165.

<sup>228</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. –Т.: ФАН, 1983. Т.І. -Б. 85.

<sup>229</sup> Чориев З. Тарих атамаларининг кискача изоҳли лугати. Т.: Академия, 2002. –Б. 12.

<sup>230</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. –Т.: ФАН, 1983. Т.І. -Б. 85.

<sup>231</sup> Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 174.

*даргоҳ сўзи билан бир қаторда девон, подиоҳ девони, дор ус-салтанат, отий остоң* каби тушунчалар кўлланилган.

Темурийлар даврида бир нечта девон фаолият олиб борганилиги тарихий манбалардан маълум. Девонларнинг аҳамияти ва мавқеи шу қадар баланд бўлганки, манбаларда бальзан уни *даргоҳ* билан бир маънода таърифлаш ҳоллари хам кузатилади<sup>232</sup>. Асосан хисоб-китоб ишлари олиб бориладиган ушбу давлат маҳкамалари олий мажлисга бўйсунувчи ижроия идоралари бўлиб, улар куйидагича аталган: *қазо девони, дор ул-қазо, аморат девони, вазорат девони* ва б. Навоий асарларида ижроия тизимида фаолият олиб борган амалдорларни билдирувчи *девонбоши, вазир, муҳрдор, муниний, мирзо, волий, bek, ҳоким, доруга, парвоначи, доддоҳ, қушибеги*, каби тушунчалар ифодаланган.

*Доруга* - туман, шаҳар ёки вилоят ҳокими; соқчилар бошлиғи. Улар райиятни рўйхатга олиш, аскар тўплаш, соликларни йигиши ва подиоҳ саройига етказиш, маҳаллий ҳукмдорларни назорат қилиши ва бошқалар билан шуғулланган. Навоий бу ҳақда “Муншаот” асарида шундай ёзди: “Яна улким, шаҳр доругасидин беклар била Хожа Фалон андоқ соҳиб вукуф бўлсаларким, жузвий ишидин қуллий имодод тиламасалар”<sup>233</sup>.

*Кушибеги* - подиоҳнинг ов ҳайвонларини тасарруф қилиб турган хизматкор (кушчи)лар тепасида турган олий мансабдор, вазирлик мансаби. “Холоти Сайид Ҳасан Ардашер” асарида қуйидаги жумлаларни ўқиймиз: “Ул фанда гояти мулоямат ва ниҳояти маҳоратдин қушибеглил мансабига етибдор, балки мундин даги кўп бийикрак маносиб касб этибдор”<sup>234</sup>. Бу мансабдагилар подиоҳнинг ов билан шуғулланишида кўмак бериш билан бирга ўргатилган кушлар орқали алокалар олиб боришга хам масъул бўлганлар. Кейинчалик уларнинг нуфузи ортиб Бухоро амирлигига бош вазир «Кушбеги» деб юритилган.

Хусайн Бойкаро саройида *парвоначи* - сulton амр фармонларини маҳаллий ҳукмдорларга етказувчи мансабдор, вазир муовини; муҳрдор - девонхонанинг муҳр сакловчиси, муҳр босувчи, муҳр соҳиби, ҳукмдор; муниний эса котиб, мирза; подиоҳнинг шахсий котиби саналган ( У маҳфий кенгаш ва мажлислардаги бўлган гагларни холислик билан дафтарга қайд қилиб борган. Муншийлар томонидан фатхномалар ва бошка эътиборга молик хатлар хам ёзилган): “Яна улким, бекларга ва девонларга басе

<sup>232</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 176, 398.

<sup>233</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳи лугати. – Т.: ФАН, 1983. Т.І. -Б. 505.

<sup>234</sup> Кўрсатилган манба, 1985. Т.ІV. -Б. 85-86.

*парвоначи ва муҳрдор ва мунишига ҳукм бўлсаким, мусулмонларнинг нийонин ортуқ тамаъ бирла кечга қўймасалар*<sup>235</sup>.

Доддоҳ-зулмдан шикоят қилувчи, адолат истовчи, давъогар; арз тингловчи. Бу ҳақда “Садди Искандарий” достонида кўйидаги мисрлар қайд этилган: “Қачон таҳт анга бўлса оромгоҳ, Ки ўз доддин истар эди доддоҳ”<sup>236</sup> Мазкур мансабдор фукаролардан тушган арз-додларни қабул қилиб, маъмуриятта етказиб турган.

*в) сарой хизматчиларини ифодаловчи тушунчалар: таҳсилдор, чуҳра, шукурчи, ҳожисблар, муниший, маҳрам, модиҳ, мулозим, маҳсус мулозим.*

6. Манбаларда қайд этилишича, айрим шахслар, ижтимоий гурухлар ва шу кабиларнинг долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал этишга, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган норасмий фаолияти ҳалик дипломатияси деб аталади<sup>237</sup>. Навоий асарларида кўлланган сиёсий тушунчалар тадқики жараёнида мана шундай фаолият билан боғлик баъзи атамаларга дуч келдик: *омиззи, илтифот, ҳиммат, ихтилот, иршод, мададкорлиг, тақарруб, супории // супории* каби.

7. Амир Темур ва темурийлар даврида ташки сиёсий-дипломатик алоқалар изчили равишда олиб борилганини биламиз. Худди мана шу ҳолат дипломатия соҳасига оид тушунчаларнинг ривожланиши ва тараққий этишига туртки бўлди. Навоий асарларида мазкур соҳага оид элчи, чопар, сұлҳ, ҳабар, қосид, ям оти, ямхона, қабул, ишорат, руҳъа, элчилик, қонунийлик каби дипломатик тушунчалар учрайди.

8. Ҳарбий тушунчалар: *соқчи, қаровул, икто, кутвол, мавқаб, посдор, тавочи, ясовул, кўрчи, черик, лашкар, оттиг, ёғий, урущ, қалқон, қилич, кўргон, қатъа.*

9. Амир Темур ва темурийлар даврида ҳам бутун ислом мамлакатларида бўлганидек, исломий шариат суд-хукуқ тизимининг асоси ҳисобланарди. Шариат аҳкомларини бошқариш мамлакатнинг бош қозиси ихтиёрига берилган бўлиб, унинг вилоятлардаги маҳкамалари фаолияти вилоят қозилари томонидан олиб борилган. Кўшин учун алоҳида ҳарбий-суд тизими мавжуд бўлиб, уни қози-аскарлар - ҳарбий қозилар юритганлар. Мамлакат сиёсий ҳаётида суд-хукуқ тизимига доир тушунчалар, яъни *шайсулислом, садр, муфти, қози, мутавали, мултасиб* ва бошқа амандорлар ҳам катта ўрин тутган. Ўз наубатида, мазкур тушунчалар Навоий асарларида ҳам ўз

<sup>235</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. -Т.: ФАН, 1983. Т.II. -Б. 412.

<sup>236</sup> Кўрсатилган манба. Т.І. -Б. 497.

<sup>237</sup> Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдли / Мадвалиев А. таҳрири остида. - Тошкент: Ўзбекистон миллый энциклопедияси. 2006. Ж.2. А-Д. - Б. 624.

ифодасини топган<sup>238</sup>.

**10. Мажбурият ва бож билан боғлиқ:** бож, хирож, уиц, солиг, ясақ, омил.

**11. Савдо – сотик муносабатлари, яни иқтисодий сиёсат билан алокадор тушунчалар:** работ, товар, тијкорат, фойда, зиён, тохсир, бурч, ўртoқ, далил, ярмоқ, олтин, танга.

**12. Таъкидлаш жоизки, шоир асарларида аҳолининг турли табакаларини англатувчи тушунчалар** кўпчиликни ташкил этади. Уларни гурухларга ажратиш мумкин:

*а) юқори мартаба эгалари номлари:* аркони давлат, ҳазрат, мавлоно, акобир, хулафо, нақиб, раис, пешво ва б.;

*б) диндорлар номлари:* мутадайин, муттақий, ҳофиз, мулло, қори, курро, муртоз, сойим, анбиё, ҳароботий, абдолваши ва б.;

*в) зиётипарни ифодаловчи сўзлар:* афозил, муарриф, мударрис, котиб, нависандा, ҳаттот ва б.;

*г) санъаткорлар номлари:* танбурачи, нақорачи, наққош, тазхид аҳли ва б.;

*д) ҳунармандлар номлари:* ошпаз, ҳолвагар, жомабоғ, киссадўз, камардўз, ҳаймадўз, кағишидўз, мұжсаллид, кордгар ва б.;

*е) мулкдор, камбагал ва муте инсонлар номлари:* моллиқ, давлатлик, бой, ниёзманд, гадо, гариф, чигай. нотавонлиг, дарвиш/дарвеш, фатиҳ, масокин ва б.

Қайд этилганлардан кўринадики, Навоий асарларида қўлланилган сиёсий тушунчалар темурийлар давлатчилиги тизимини ёркин акс эттиради.

Темурийлар даврида Мовароуннахр ва Хурросонда давлатчилик ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақида гап кетганда шуни айтиш жоизки, кўпгина темурий хукмдорлар Соҳибқироннинг буюк давлатчилик анъаналарини, бунёдкорлик ва ободончилик ишларини давом эттирадилар. Шоҳруҳ Мирзо даврида (1407-1447) Хурросон, Улугбек Мирзо Кўрагон (1394 - 1449) даврида Мовароуннахр сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан анча юксалди. Айниқса, илм-маърифат бобида юксак погонага кўтарилиди. Самарқанд шаҳри Шарқда илм маркази бўлиб шуҳрат қозонди. Зотан, Улугбек Мирзонинг сабй-ҳаракати ва ҳомийлиги натижасида Шарқнинг машҳур алломалари, уламою фузало, шоирлар, сухандон адаблар, етук мусиқашунослар, тарих, фалакиёт, тиббиёт, хандаса, математика, мантиқ, фалсафа ва бошқа фанлар намояндалари Самарқандда яшаб ижод

<sup>238</sup> Алишер Навоий. Асарлаар. 15 томлик. Т.13. -Т.: Faфур Гулом, 1966. -Б. 17-19.

килардилар. Хунармандчилликка ва ахли хунарга катта имкониятлар очилган эди. Айникса, заргарлик ва күлгөчиллик юксак поғоналарга күтарилиган эди.

Улугбек Мирзо даврида Мовароуннахрнинг шаҳар ва туманларида ободончиллик ишлари гуркираб ўси. Кўплаб масжид, мадраса, работ, сардоба, ҳаммом ва истироҳат масканлари қурилди. Жумладан, 1417 йилда Бухорода, 1433 йилда Фиждуонда Улугбек номи билан мадраса қурилди. 1428 йилда жаҳонга машхур Улугбек расадхонаси қурилди. Бундан ташкири, Самарқанд атрофида Боғи Майдон номли боғ ва Шахрисабзда Кўк Гумбаз масжиди барпо қилинди. Бу қурилишлар ҳакида Захириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида муфассал маълумот берган. Мазкур қурилишларнинг айримлари бизнинг давримизгача етиб келган. Мазкур обидаларнинг салобати ўша замон меъморчилиги ҳамда қурилиш усталарининг юксак маҳоратидан хабар бериги турибди.

Соҳибқирон Амир Темур 1383 йилда Хуросонни забт этгач, бу ўлкани бошқариши ўзининг тўртинчи ўғли Шоҳруҳ Мирзога (1377 - 1447) беради. 1397 йили Шоҳруҳ Мирзо Хуросонга келгач, мамлакат ободончиллиги ҳамда ижтимоий-иктисодий ҳаётни юксалтириш учун қатор ишларни амалга ошириди. Хуросоннинг пойтахти Ҳирот шаҳри аста-секин обод шаҳарлар сирасига кўшилиб, Самарқандан кейинги ўринни эгаллайди. Ҳиротда ва бошқа шаҳарларда қурилиш, сугориш ишлари, шунингдек, хунармандчиллик ва маданият тез суръатлар билан ривожланади. Шоҳруҳ ва унинг хотини малика Гавҳаршод бегим Ҳирот, Балх, Машҳад ва бошқа шаҳарларда кўпгина масжид, мадраса, шифохоналар ва бошқа маиший бинолар қурилишига ҳомийлик килдилар. Ҳукмдордан ўрнак олган давлат аъёнлари, ўз шахсий маблағлари хисобидан масжид, мадрасалар кура бошлайдилар. Натижада, мамлакатда ободончиллик ишлари кенг кўламда ривожланади.

1447 йилда Шоҳруҳ Мирзо вафот этгач, Хуросон таҳтига келган Абулқосим Бобур Мирзо (1422 - 1457), Султон Абусаид Мирзо (1424 - 1469) ва айникса Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро (1438 - 1506) даврларида Хуросон музофоти янада равнак топди.

Хуросон Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро даврида ижтимоий-иктисодий ва маданий жиҳатдан энг юксак даражага кўтарилиди. Улугбек Мирзо қатл этилгандан сўнг, Самарқанд ўз иқтидорини йўқота бошлагач, бу шаҳарга йигилган ахли илм, ахли хунар, шоири адиллар, мусиқашунослар, ҳаттоту наккошлар аста-секин уни тарқ этиб, Ҳиротга кела бошлайдилар. Султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий уларга ҳомийлик қилиб, етарли шароитни вужудга келтирди. Шу боис, Султон Ҳусайн Бойқаронинг ҳукмронлик даврида Ҳирот фан ва маданият марказига айланди. Бу даврда

илму фаннинг барча жабҳаларида қалам тебратган етук олимлар, сўз устаси сұхандон ҳассос шоирлар, инсон руҳига ҳамоҳант, нозик таъб мусиқашунослар, моҳир хунарманд наққошлар ва устоз мусавирлар ўзларининг бетакор асарлари билан Хуросон ва унинг пойтахти Ҳиротнинг довргуини жаҳонга машҳур қиласидар.

Алишер Навоий факат илмий-бадиий ижоди билангина эмас, ўзининг давлат арбоби сифатида ижтимоий-сиёсий фаолияти ва ғоялари билан ҳам машхурдир. Навоий Ҳусайн Бойқаро салтанатида муҳрдорлик, яъни бош вазир вазифасини бажарган пайтида унинг илгор ижтимоий-сиёсий идеаларини амалга оширишга ҳаракат қиласди. Унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари меҳнаткаш ҳалқ манфаатлари, орзу-умидларига қаратилган эди. Ҳукмдорларни адолат ва инсофга чакириш, инсонни улуглаш, адолат ва қонунийликнинг карор топтириш сиёсати, қонун устуворлиги, қонун олдида барчанинг тенглигти, ҳатто шоҳлар ҳам шариатни хурмат килиши кераклиги, уларнинг ўзлари ибрат кўрсатиб, қонунга паноҳ бўлишлари Навоий барча асарларининг марказий ғоясидир. Шу ўринда ««Ҳайратул-аброр» достони учинчи мақолат охирида келтирилган («Онаи зол» - Кекса она) ҳикоятни эсга олиш жоиз. Унда Ҳусайн Бойқаронинг подшоҳлик вактида юз берган бир воқеа тасвирланади. Кунларнинг бирида номаълум бир кампир подшоҳнинг этагидан тутади ва унга катта дъявоси борлигини айтиб, қози олдида, шариат олдида жавоб беришини талаб қиласди. Кампирнинг авзои шу қадар жиддий эдики, подшоҳ қози олдига боришга мажбур бўлади. Қозининг олдида шу нарса мъалум бўладики, Ҳусайн Бойқаро таҳт ололмасдан у ер бу ерда қочиб юрган вактида шу кампирнинг ўғлини бегуноҳ ўлдиртирган экан. Қози бу дъявони икки гувоҳ топиб, ўз дъявосини далиллайди. Қози шариат: буйича шоҳни айбдор деб топиб, кампирга ундан қасос олиш ёки ўғлининг хуни баҳосини тўлатиш ҳакида ҳукм чиқаради. Подшоҳ бунга рози бўлади, ўз бўйинни рўмол билан боғлаб, кампирнинг кўлига қилич беради ҳамда бир халта тилланинг оғзини бойлаб унинг олдига қўйиб, хоҳласанг ўғлинг учун бошимни чопиб қасос ол, хоҳласанг ўғлингнинг хун баҳосини ол! Ихтиёр ўзингда!— дейди:

Деди: “Кисос айласанг, олингда бош.  
Сиймни ол — гар ғаразингдур маош.  
Мен эдим ул амрда беихтиёр,  
Хар не сен этсанг, манга не ихтиёр”<sup>239</sup>.

<sup>239</sup> Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20томлик. Т. 8. –Т.: Фан, 1991. –Б.462.

Шунда она подшонинг бу жавобидан жуда таъсиранади, адолатидан хайратда колиб, шоҳ оёғига ўзини ташлаб, ўғлим сенга қарши урушган бўлса, менинг жоним сенга курбон бўлсин, дея ўз даъвосидан воз кечади.

Навоий одилликни тарғиб этиш учун Ҳусайн Бойқаро ҳаётидан шу характерли воқеани тасвирлаб кўрсатади. Бу ўша даврда яшаган подшохлар ҳаёти учун типик бир ҳодиса эмас, албаттa. Заҳиридин Муҳаммад Бобир «Бобурнома» да Султон Ҳусайннинг бирорни ноҳақ ўлдиртиргани учун ўз ўғиларидан бирини ҳам қозининг олдига юборганини ёзади. Лекин Навоий томонидан бу асарда, шу тасодифий, бирор ўша вактда ишониши қийин бўлган воқеанинг хикоя қилиниши жуда катта сиёсий ҳамда тарбиявий аҳамиятга эга эди.

Навоий Астробод ҳокимлигини бошқарган пайтларда у Ҳусайн Бойқарога мурожаат этиб, саройдаги адолатсизликларга бархам беришини талаб этади. Алишер Навоий давлат курилиши ишларига ҳам фаол иштирок этади, саройда тартиб-интизом, қонунларга риоя этиш, чинакам бошқариш усулини яратиш каби ишларни бажаришда ўз амалидан фойдаланади. Алишер Навоий Амир Темур ва темурийлар қолдирган сиёсий, хуқукий қарашларга катта хурмат билан каради ва уни фаолияти, асарларида давом эттириди. Шоҳларни, шаҳзодаларни адолатга, қонунчиликка риоя етишга тузукларни, "Зафарномаларни" ўрганишга чакиради.

Адолатсизликнинг марказида дунёқарашибди чалкашлик, дини исломнинг илохий талабаларини билмаслик ёки унга риоя етмаслик, айшу-ишратга берилиш ёгади. Ҳусусан, мансабпастлик иллати барча адолатсизликларнинг бош омилидир. Дарҳакиҷат, мансабпастлик шундай иллатки у виждан, дисент, адолат деган муаддас тожу-тахтга интилиш, бу борада ҳар қандай жирканчлиқдан ҳам қайтмаслик, фарзандлар ўргасидаги тож-тахт талашиш охир-оқибатда давлатчилик тизимиға катта зарба етказади. Адолатсизлик билан кўлга киригтан тожу-тахтнинг умри бокий бўлмайди.

Таъқидлаш лозимки, Ҳусайн Бойқаро ўғиллари орасида таҳт ва юрт талашиш ҳали оталари тириклигидаёқ бошланган эди. Улар баъзан Бойқарога бўйсунмай, мустакил ҳаракат қилишга интилардилар. Бу ҳол Алишер Навоийни қаттиқ ташвишга солади. Шунинг учун у ҳар бир шаҳзодага алоҳида мурожаат қилиб, ота измидан чиқмасликка даъват этади, мамлакат яхлитлиги учун жон куйдиради. Айниқса, шоир катта ўтил Бадиузвазмон Мирзога умид боғлаб, анчайин аччикроқ гапларни айтади: "Ота рози – худо рози, отага қарши исён – Худога қарши исён билан баробар".

Менинг сўзларим оғир ботса ҳам айтаман, деб давом этади Навоий Бадиуззамонга ёзган бир мактубида, чунки насиҳатларим бегараз, ниятим эзгулиқдир. "Ёшиңгиз узун бўлсун. Андоқ кам воқеъ бўлубдирким, бу кулнинг сўзин рад килмиш ўлғайсиз. Эмди даги бу кулнинг жони куйганда, ўзгаларнинг этаги куймас"<sup>240</sup>. Ушбу мактуб таъсирида Бадиуззамон Мирзо отаси билан ярашиб, узр сўрайди ва бир урушнинг олди олиниади. «Мажколисун нафоис» асарида даврнинг шунга ўхшаш ижтимоий-сиёсий лавҳалари реал чизиб берилган. Масалан, Улуғбек Мирзонинг ўғли Абдуллатиф Мирзога бағишланган мақолада қуидаги икки жумла бор: «Ўтар дунё маслаҳати учун донишманд ва подшоҳ отасин ўлтурди. Ҳар ойинаким, салтанат Шеруяга вафо қылғонча анга қилди»<sup>241</sup>. Бу ўринда сўз Абдуллатиф Мирзонинг тож-тахт талашиб ўзининг олим ва фозил отаси — Улуғбек подшоҳни қатл қилдиргани, бундай қотилилк эвазига кўлга киритилган салтанат тепасида жуда қисқа муддат тургани ҳакида кетмоқда. Навоий Шеруяни тилга олиб, Абдуллатифни унга ўхшатади. Бу ўринда Навоий тож-тахт учун шахзодалар томонидан зимдан олиб борилаётган курашнинг бехуда эканлигини яна бир бор уқдириб ўтишни кўзда туттанилиги шубҳасизdir. Бадиуззамонга юборилган бошқа бир мактубда эндиғина Ироқ ва Курдистон ҳокимлигига тайинланган шахзодага давлат бошқарувининг дастури бўладиган ўтиз икки банддан иборат фикрларини баён этади. Мактуб, гарчи, насиҳат усулида ёзилган бўлса-да, унинг замирида талаб ва огохлантириш оҳангি ётади. Агар бу фикрларни умумлаштирасқ, Навоий қуидаги уч жиҳатга ёзтибор қаратганини кўрамиз:

— шоҳнинг ўзи шартият талабларига амал қилиши ва бошқалардан ҳам шуни қатъий талаб этиши лозим;

— роایатнинг аҳволидан доимо хабардор бўлиб турлии, адолат истаб келгандарнинг арзини мунтазам равишда эшишиб, золимларни жазолаш, шоҳ ва фуқаро орасида ўзаро ишонч ва муҳаббатни қарор топтириши;

— девонда иш юритишни қатъий интизом асосида йўлга қўйни, тъмамигирлик, пороҳурлик, сусткашликка йўл қўймаслик.

Навоий яна шуни таъкидлайдики, мамлакатнинг ҳалол, виждонли кишиларини, обрў-эътиборга эга уламолар, араббларни қадрлаш ва уларга суюниш лозим. Сиёсат адолат ва додхонлик асосига курилгандағина давлат мустаҳкамланади. Мазлумлар химоя қилинса, ёмонлар, талончи ва фирибгар-фитначилар жазоланса, бу бошқаларга ибрат бўлади. Улуғ шоир

<sup>240</sup> Навоий Алишер. Асарлар. 15 томлик. Т.13. Т.:Faфур Ғулом, 1967. –Б.129.

<sup>241</sup> Навоий Алишер. Асарлар. 15 томлик. Т.12. Т.: Faфур Ғулом, 1967. –Б.67.

насиҳат қилиб ёзди: "Алассабоҳ ҳарамдан чиққач, девонда ўлтириб додҳоҳ сўрулса, даги додҳоҳ сўрарда ўзлук била машгуллук қилинса, агар бир мазлумга бировдин зулме ўтган бўлса, золимға андок сиёсат қилсаним, ўзга золимларга мужиби интибоҳ бўлса"<sup>242</sup>.

Алишер Навоий "Муншаот"даги 57-мактубда бундай ёзди: "Аркони давлатка ҳар ишким буюрулур, агар бутмаги бир кун мұяссардур, агар икки ё уч кун. Андок муқаррар бўлсаним бот бутардек иш ҳамул кун арз қилиб жавоб олсалар. Кечрак бутур ишни тонгла (эртаси) ё индин ё миодидин (муддатидан) ўткармасалар...". Яъни ҳар бир амру фармон белгиланган муддатда бажарилиши лозим. Бугунги ишни эртага қолдириш мүмкін эмас. Агар ғофиллик ва сусткашлик оқибатида иш орқага сурладиган бўлса, бунинг сабабкорлари аникланиб, каттиқ жазоланиши керак. Айниқса, котиблар, нусха кўчирувчилар, муҳр босадиганларнинг ниҳоятда чаккон, пухтакор ва ҳалол бўлиши таъкидланади. Навоий дейдик, девон иши жуда инжик, аммо ниҳоятда зарур. Юборилаётган хатлар чиройли қилиб, дона-дона, аниқ иборалар билан ёзилсин, тавочи беклар (девон бошлиғи) ахлоқан пок бўлсин, парвоначи(хат ташувчи)лар чаккон ва мунтазам фаолият кўрсатсин.

Навоийнинг "Муншаот" асарига 88 та мактуб киритилган бўлиб, уларнинг бир қисми, аниқки, темурий шахзодалар, жумладан, Ҳусайн Бойқаро ва унинг ўғилларига битилган. Ҳукмдорга ёзган мактубларининг аксариятида шоир панд-насиҳат айтишни канда қилмайди. Панд-насиҳатларнинг асосий йўналиши эса ҳукмдорни шариат коидаларига, бугунги тушунчалар билан айтганда, конунга амал қилишга каратилган. 10-мактубда нома йўналтирилган киши амр ва наҳйга амал қилишга чакирилади. Амр Худонинг бандасига бажарилиши шарт бўлган буйруқларини англатади. Наҳй эса Аллоҳ тарафидан қилиши ман этилган ишлар. Навоий амрнинг энг асосийси сифатида адолатни ва наҳйнинг энг асосийси сифатида ароқхўрлик қиласликни таъкидлайди: "Аммо бировниким, Тенгри таюло бир сурук бандалари устига ҳоқим килди – анга ҳеч амр итоати адлча бўлмас ва наҳйдин ижтиnob чоғир тарқича бўлмас. Ва чоғирни "умм ул-хабойис" (яъни ярамасликлар онаси ) дебдурулар. Албатта, адолат ва ичмаслик ҳукмдор учун бош масала бўлиши керак. Чунки яхшиликнинг каттаси – адолат ва ёмонликларнинг аксари ичқилик орқасида рўй беради: "Жамъи ямонлик андин (яъни ичқилик орқасидан) мутаваллид бўлурким (туғиладики), борча яхшилиқ ва ямонлик бу икки нима (адл ва чоғир тарқи) ва агар мұяссар бўлмаса, улча мақдурлар (яъни имкони бор

<sup>242</sup> Кўрсатилган сахифа.

қадар), бу икки ишида қўшиш қўлгайсиз"<sup>243</sup>. Мазмунидан кўриниб турибдики, ана шу мисол келтирганимиз мактуб Хусайн Бойкарога битилган.

33-мактубда ҳам ичқиликни, лоакал, ёз ойлари бўлгани учун камайтириш илтимоси баён этиладики, мантиқ юзасидан бу ҳам Ҳусайн Бойкарога жўнатилган хат бўлиши керак. Чунки ичмаслик кераклиги ҳакидаги фикрдан олдин шоир подшохнинг унга давлат иши билан боғлиқ маслаҳатлар бўлса, бемалол айтишига рухсат берилганини эслатиб ўтади: "Хукм бўлуб эрдиким: "Хаёлингта келган давлатхокона сўзунг бўлса, айт". Сўз будурким, ҳаво исиди, улча имкони бор, чоғир ичарда риоят вожибдур"<sup>244</sup>.

Давлатчилик тартиби ва унда конунийлик масаласида "Муншаот"даги 55-мактуб алоҳида ажралиб туради. Ундаги бутунги давлатчилигимиз билан боғлиқ бир жихат, айникиса, диккатга сазовор. Бу бошқа мамлакатлардан келган савдогарлардан закот солиги олиси масаласи. Навоий таъкидлайдиди: "Закотни шаръ ва ҳукм йўсуни била закотчилар алардин мустахлас қиласалар. Закотчилар ишидан тавочи моҳ-бамоҳ, балки ҳафта-баҳафта вуқуф топиб, арзга еткурсалар. Жузвий жарима қилганини куллий сиёсат килилса, бок йўқдур, то бу овоза олам мамоликига ёйилса, тужкорнинг ружуъи кўпрак бўлса"<sup>245</sup>. Навоий четдан келган савдогарлардан солик олмаслик тарафдори. Чунки улар кўпроқ бу ерга келиб савдо килишга интилсин. Агар закотчи кичик бир хатога йўл қўйса ҳам, унга катта жазо берилсин, токи бунинг овозаси бутун оламга ёйилсин-да, хорижий савдогарларнинг бу мамлакатта интилиши кўпаяверсин. Шу насиҳатларини ўқир экансиз, Навоийнинг буон давлатшунос, улуғ иқтисодчи эканига ҳам ишонасиз. Давлат ва иқтисод ривожида эса назоратнинг, яъники қонунчиликнинг аҳамиятини ҳам у жуда тўғри кўрсатади.

Навоий давлатчилик қарашларини баён этар экан, икки жихатга эътибор беради: бири – шоҳ амру фармонларини маҳаллий амирлар, ҳокимларга етказиш, иккинчиси – куйидан келадиган хат-хабарларни шоҳга етказиш. Ҳар икки томон ишида ҳам пайсалга солиши бўлмасин, дейди шоир. Баъзи амиру амалдорлар "мусулмонларнинг нишонин (хужжатини) ортиқ тамаъ бирла кечга қўймасалар, шаръий ва қавлий нишонни (шартномани) бир чорсў муҳри била ҳукм бўлғон кун-ўқ буткариб берсалар". Бундан кўринадики, Навоий ўз кузатишлари, амалий фаолиятида давлат бошқарувининг бу жихатларига ҳам чукур аҳамият берган.

<sup>243</sup> Навоий Алишер. Асарлар. 15 томлик. Т.13. Т.:Faфур Ғулом, 1967. -Б.101.

<sup>244</sup> Кўрсатилган манба. -Б.114.

<sup>245</sup> Кўрсатилган манба. -Б.132-133.

Ҳазрат Навоийнинг давлатдорлик фаолиятида адолат ва қонуний жамиятта доир қарашлар алоҳида ажратиб туради. Шоир ўз "Хамса"сида шаҳзодалар – Бадиузвамон, Шоҳғариф Мирзо, Султон Увайсга алоҳида боблар бағишлар экан, уларга диний ва дунёвий билимлар, айниқса, тарих, илми нужум, тиббиёт, адабиёт бўйича асарларни кўпроқ ўқиши, ўзидан аввал ўтган шоҳларниң қилган ишларидан сабоқ олишни таъкидлайди. Бадиузвамонга ёзган мактубида эса "Зафарнома"ни мутолаа қилиб, улуг бобокалони Амир Темур фаолияти, давлатчилик тадбирлари устида мулоҳаза юритишга чакриради. Навоий таърифича, шоҳ ҳамма вақт огох бўлиши керак:

Эрурсан шоҳ – агар огоҳсен сен,  
Агар огоҳсен – шоҳсен сен<sup>246</sup>.

Огоҳлик деганда жуда кенг маъно назарда тутилади: Худодан огоҳлик, оҳиратни ўйлаб, савоб ишларга кўл уриш, нафсни тийищ, раият ва лапикар ахволидан хабардорлик ва ҳоказо. Умуман, Навоий тушунчаси бўйича, подшоҳ – Худонинг ташлаган одами, бу ҳар кимга ҳам насиб бўлмайди. Одил подшоҳ эса бандаларга юборилган неъматдир. Шунинг учун ҳам подшоҳ Худо олдида ва ҳалқ олдида масъул.

Адолат гояси Алишер Навоийнинг қарийб ҳамма асарларида турли йўсунда ифодаланган. Подшо учун "Бир соатлик адолатли бўлиш олтмиш соатлик ибодатдан устун" деган Пайғамбар ҳадиси тез-тез такорланиб келади. Яъни, бошлиги адолатли бўлиши мамлакатта энг катта фазилат, энг улуг савоб. "Подшо қандай бўлса, унинг аъёнлари ҳам шундайдир" деган ҳадиснинг маъноси шунга ишора. Аммо адолат аллақандай мавҳум тушунча эмас. Адолат қилиш, биринчи галда, ўртада туриб, ҳақ ва ноҳакни ажратиш, гуноҳкор, золимни жазолаш, мазлум одамини ҳимоя қилишдир. Шоҳ агар яхши-ёмонга бирдек муносабатда бўлса, бу одиллик эмас, балки золимнинг тарафини олишдир. Демак, адолат мамлакат осойиштагиши, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, давлат пойдорлигининг гаровидир.

Адолатли сиёсат деганда, Навоий кўп ҳолларда нафси бузук, ҳалқ молига кўз тиккан амир-вазирлар ва бошқа мансабдор шахсларни назарда тутган. Чунки агар "аркони давлат" соглом бўлмаса, давлат ишлари барорли бўлмайди. Золим амирлар, пораҳур қози ва садрларни шоҳ жазолаб, мансабдан четлаштириши лозим. Шунда подшонинг обрў-эътибори ортади, амру фармони зудлик билан бажарилади.

<sup>246</sup> Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20томлик. Т. 8. –Т.: Фан, 1991. –Б.462.

Ростгўй одам қасддан ёлғон гапирмайди, бироқ каззоб, ёлғончи одамнинг табиати шундайки, у ёлғон гапирмай туролмайди. Шу боис, давлат хизматига энг ҳалол, ростгўй, садоқатли, муносиб одамлар тайнинани лозим. Шу билан бирга, улар ишчан, омилкор бўлиши керак. Навоий шу талаблардан келиб чиқиб, бир нечта амалий тавсияларни баён этган:

- ҳар кишининг қобилиятига қараб иш бериш;
- бир вазифани икки кишига бермаслик (шунингдек, бир одамга икки вазифани юклаш ҳам ножсиз. Ҳар икки ҳолда ҳам масъулиятсизлик юзага келади ва иш бажарилмай қолади);
- мансабдор шахсларнинг ишини назорат қилиб туриш, нопоклиги, хиёнати сезилган ходимнинг баҳридан ўтиши;
- агар ходим тухмат қурбони бўлган бўлса, ишини тафтиши қилиб, аниқлаб, авф этиши ва керакли жойда ундан фойдаланиши;
- итоат ҳалқасидан бош чиқармоқчи бўлган маҳаллий ҳокимлар, амирларни хиёнаткор сифатида қаттиқ жазолаш.

Шоир гарчи тасаввуп ғоялари, зэгулик, раҳм-шафкат ҳақидаги фикрларни куйласа-да, аммо давлатчилик масалаларида Низомулмулк, Фаззолий, Амир Темур томонидан ҳаётга татбиқ этилган "хавфу ражо" (кўркиш ва умидворлик) тамойилини кўллаб-кувватлайди. Унинг адолат ҳақидаги фикрлари ҳам шу тамойилга мувофиқдир. Бунинг маъноси шуки, марказлашган давлат мустаҳкам ва хавфсиз бўлиши учун ҳар қандай айрмачилик, хиёнат ва зулмнинг олди олиниши шарт. Бунинг учун эса барча шохнинг газабидан кўркиши лозим. Аммо шоҳ ёмонлик ва хиёнатни ўтқир сиёsat билан бартараф этар экан, айни пайтда содик, вафодор хизматчилар, аъёнларга марҳамат кўрсатиши, уларни сарафроз этиб туриши керак. Бу принцип лашкар тузиш ишида ҳам қўлланилади. Подшога содик лашкар душман устидан ғалаба қилиши мумкин, лекин лашкарбошилар норози бўлса, исён кўтаради ва натижада душман ғалаба қиласди. Навоий буни "Садди Искандарий" достонида Доро қўшинининг мағлубияти мисолида кўрсатиб беради:

Вазири бўлуб шоҳ ила ҳашмнок,  
Анинг қасидидин бўлди Доро ҳалок<sup>247</sup>

Алишер Навоийнинг одил шоҳ тимсоли, адолат ҳақидаги ғоялари кўп тадқиқотларда караб чиқилган. Аммо назаримизда, бу мавзу давлат курилиши, давлат ва жамият муносабатлари, давлат бошқаруви тажрибаси нутқи назаридан ҳали батафсил ўрганилиши лозим.

<sup>247</sup> Алишер Навоий. Садди Искандарий. –Т.:Faafur Fулом, 1991. –Б. 74.

Навоий кўп йиллик давлат бошқаруви ва фиқҳ (хукук)дан назарий ҳамда амалий билимга эга бўлиб, бу борадаги қарашлари давлат, қонунлар тўғрисидаги асарларида акс этган. Шоирнинг "Тарихи мулуки Ажам" асари ана шундай асарлардан биридир. Унда тўрт минг йил аввал қадимги Ажамда уруғчилик тузумининг емирилиши, давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳакида мухим маълумотлар берилган.

Гап шундаки, хозирга қадар қадимги Турон давлатининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳакида адабиётларда тафовутлар мавжуд бўлиб, ягона фикр йўқ. Қадимги Ажам давлати бундан тўрт-уч минг йил аввал Ўрта Осиё худудида пайдо бўлган, унинг тепасида якка шахс – шоҳ турган. Бу давлатнинг худуди жуда катта бўлиб, Турон, Хоразм ўлкалари унинг таркибиға кирган. Аммо Ажам давлатининг бирлиги ҳамма вақт ҳам барқарор бўлмаган. Шоҳ ва шахзодалар ўртасидаги тож-тахт учун конли тўқнашувлар, қарам бўлган ҳалқларнинг озодлик учун олиб борган қурашлари натижасида унинг чегараси ўзгариб турган. Ажам давлати ўз таракқиёти жараённида бир неча боскичларни босиб, гоҳо турли тил ва урф одатларга эга ҳалқларни бирлаштирган, катта худудда марказлашган империяга айланган бўлса, гоҳо парчаланиб, майда-майда давлатларга бўлиниб кетган эди.

Навоий асарда Ажам давлатига раҳбарлик килган олтмиш беш шоҳга ва уларнинг олиб борган ички ва ташқи сиёсатига таъриф берар экан, бу давлат тўрт табақага: пешодийлар, кайонийлар, ашконийлар, сосонийлар табақасига бўлинишини эътироф этади. Улар 4337 йилу 10 ой хукмронлик килганлар, деб ҳисоблайди шоир. Навоий ўзининг бу фикр-мулоҳазаларини Эрон ва Турон давлатларининг тарихига оид манбалар: "Низом-ут-таворих", "Девон-ун-насаб", Мұхаммад Газзолийнинг "Насихат-ул-мулук"<sup>248</sup>, Табарий, Жалолий, Банокатий асарлари ва Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асарларидағи маълумотларга асосланган ҳолда ёзади.

Мутафаккир тўрт сулолада хукмронлик килган шоҳларни номма-ном эслаб, уларни адолатли, маърифатли ва адолатсиз шоҳларга бўлади. Энг мухими, биз Навоий асарларида қадимги Турон давлати Тур исмлик шоҳнинг номидан келиб чиққанини кўрамиз. Бундан ташқари, Гуштасп шоҳлик килган замонда зардўшлик дини давлат дини даражасига кўтарилгани, ана шу замонларда Самарқанд шаҳрининг деворлари курилгани, Искандарнинг Эрон ва Туронга юришлари каби жуда мухим маълумотлар берилганининг гувоҳи бўламиз.

<sup>248</sup> Навоий Алишер. Асарлар. 15 томлик. Т.14. -Т.:Faфур Ғулом, 1967. -Б.183.

“Тарихи мулуки ажам” ҳам Навоийнинг бошқа асарлари сингари асосан ўз замонининг ижтимоий-сиёсий талабларидан келиб чиқиб ёзилган. Навоий асарда тўрт табака: яъни 4 сулола вакилларидан иборат Эрон подшохларининг деярли ҳаммасига, яъни биринчи афсонавий подшоҳ Каюмарсдан бошлаб Сосонийларнинг сўнгти вакили, Эроннинг араблар томонидан босиб олинишида ўлдирилган Язи Журди шахриёргача тавсифлаган, тарихда нима иш килиб, қандай ном қолдирганига тўхталади. Бундан келиб чиқиб, у подшоҳ қандай бўлиши керак, мамлакатни қай усулда идора килиши, нима ишлар килиши лозим деган саволларга жавоб беришга харакат киласи. Феодал монархия шароитида бу катта ижтимои-сиёсий аҳамиятга эга эди.

Навоий “Тарихи мулуки Ажам” ўз олдига асосой вазифа килиб подшохларнинг шахсий ҳаётларини ёритишини эмас, балки уларнинг жамиятга, ҳалқ ва мамлакат манфаатига муносабатларини кўрсатишни қўйган. Ана шу ижобий факт Навоийдаги тарихни объектив тушуниш тенденциясини кўрсатади. Демак, “Тарихи мулуки Ажам” да Навоийнинг Эрон подшоҳлари ҳакида янги материал беришидан кўра, уларнинг ижтимоий фаолиятини қандай ёритиши, қайси масалалар нуқтаи назаридан талқин этиши мухим фактдир. Навоий асари таҳлилига шу тарзда ёндашибилгандагина унга тўғри баҳо берса олиш мумкин.

Навоий Пешдодийлар сулоласининг иккичи подшоҳи *Хўшиангнинг “Оид ва хирадманд подшоҳ эрди”* деб таърифлайди. Шоирнинг ёзишича, у биринчи бўлиб мамлакатни илм ва қонун билан бошқаришга уринган, тарихда биринчи бўлиб китоб битган тошдан темир чиқарган, ёғочдан уйларга эшик ясаган, конлар топган, отга эгар ясаган, ариклар чиқариб, юртни обод қилган, ҳайвон терисидан кийим сифатида фойдаланган, кирк йил подшоҳлик килган, ибодатни унутмаган.

Манучехрдан кейин ландавур, бўшанг *Навдар*, ундан сўнг Афросиёб подшоҳ бўлди. Афросиёб мамлакатни иктисадиётини, ҳалқ ахволини яхшилаш ўрнига босқинчлилик урушларини авж олдиради. Унинг замонида “оз ерда маъмурлик қолди, йиғочларни кесди ва иморотни йикитди ва коризлар билан булокларни кўмди” – деб ёзди Навоий. Ундан сўнг подшоҳ бўлган Зоб бия Тахмос эса “одил подшоҳ эрди. Кўп вақт Эронда *Афросиёб* бўзғон ерларни ислоҳ қилдиким, юз ободонликка қўйди. Дерларким, етти йил раийатдин хирож олмади...”

Низомиддин Амир Алишер Навоий ўзининг “назираи-беназир” – тенги йўқ “Хамса”сида давлатчилик асослари, тараккиётга юз тутган жамият муаммолари, инсон ҳуқуқи масалаларига ҳам чуқур муносабат билдирган.

Навоий "Хамса"нинг биринчи достони – "Хайрат ул-аброр"да жамият фаровон, хукумат адолатли, инсон баҳти бўлмоғи учун нималар лозим эканлиги хусусида фикр юритиб, йигирмата мақолот келтиради. Бу мақолотларда баҳти яшашни истаган инсон учун зарур бўлган фазилатлар ҳакида сўз юритилади. Давлатда адолат, жамиятда осойишталик барқарор бўлиши учун подшоҳ ҳатто ўз фарзандини ҳам қурбон қилмоққа тайёр бўлмоғи лозим. Бу фикрнинг муболага эмаслигини тасдиқлаш учун шоир Ҳурросон подшоҳи Султон Ҳусайн Бойқаро ҳаётида юз берган тарихий бир воқеани мисол қилиб айтади.

Давлат мустахкамлиги ва жамият равнакининг яна бир асосий талаби – бу шаҳзодалар ва бўлгуси давлат арбоблари тарбиясига қаттиқ киришмоқдан иборатдир. Шоир шаҳзодалар тарбиясида нималарга эътибор қилмоқ кераклигини аниқ таъкидлайди. У "Фарҳод ва Ширин" достонининг шаҳзода Шоҳгариб Мирзога багишланган 53-фаслида шоҳлик илмини чукур ўрганмоғи лозимлиги, ҳакиқий илм эса шоир яшаган даврнинг етакчи мағкураси бўлмиш дин илми эканини уқтиради. Дин илмида асосийси, дейди шоир, фикр, яъни ислом қонуншунослиги (юриспруденция), ҳадиси набавий – тўғри яшаш дастури ва тафсир – илохий китоб ҳикматларини англамокдир<sup>249</sup>.

Алишер Навоий "хавосу авом" – подшоҳу раият, барча синф ва тоифадагилар тарбияси борасида сўз юритган донишманд мутафаккир эди. Унинг қарашларига кўра, хукуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятида иккисод ҳам, маънавият ҳам том маънодаги эркинлик асосида ривожланмоғи лозим. Бу соҳадаги ёт мағкура тазикини шоир катта фалокат деб билади. Буюк бобоколонимиз баҳри уммонидан ўзимиз истаган қайси соҳада бўйласин, имкониятимиз даражасида дуру жавоҳирлар топмоғимиз мумкин. Чунончи, шоир "бутун юрт шоду хуррам бўлса-ю, орада битта ғамзада инсон бўлса ҳам, менга дунё қоронгудур", дея қуончаклик билан хитоб қилиб турганда, қай тариқа унинг бебаҳо меросига лоқайд бўлмоқ мумкин:

*To гамдадур Навоий, даҳр анга тийрадур,  
Шод англамас улусни бирор бўлса қайгулик*

Худди шу сўзлар буюк шоир Навоийнингтина эмас, балки йирик сиёсатдон, давлат арбоби, вазири аъзам Низомиддин амир Алишернинг гоявий йўриқномаси, асосий қонуни эди.

Йўкимоий муносабатларда ҳамма давларда ҳам Навоий истаган ва угит берган тарзда, адолатли бошқарувни тақозо этади. Навоийнинг ўзи

<sup>249</sup> Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20томлик. Т. 8. –Т.: Фан, 1991. –Б.463-464.

маърифатли мулқдор бўлган ва маърифатли мулқдорликни ёқлаган. Агар ёш тағбиркор маънан баркамол, кўзи тўқ, саковатли, олихиммат бўлмаса, нафси ундан голиб келади. Бойлик ортиришнинг эса чек-чегараси йўқ. Оқибатда, бундай мулқорлик маънавий инқизозга олиб боради. Навоий эл шод, мамлакат обод бўлишининг асосий шартини қуидаги катта бадий жасорат билан намойиш этган:

*To ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,  
To нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,  
To зулму ситам жонига бедод ўлмас,  
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.*

Демак, бўлгуси мулқорларни маънавий камол топтириш учун уларнинг маънавий-рухий оламидан ҳирсу ҳавас, нафсу ҳаво каби бузгунчи тамойилларни барҳам топтириш, зулму ситамнинг жон таслим этишига эришиш зарур экан. Шундагина, Навоий орзу эттанидек, жамиятда маънавий баркамол мулқорлар синфи шакланади, эл шод, мамлакат обод бўлади.

Навоийнинг тушунишича, мамлакатнинг ободлиги, иқтисодий, маданий, сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлиги элу-юрганинг тинч -осойиштаги, одамларнинг фаровони ҳаёти кўп жиҳатдан юртбошига, унинг адолатли, ҳалол покизалигига, инсофу диёнатига боғлик. Адолатли подшоҳ ҳақ таолонинг ҳалойиққа кўрсатган марҳаматидир, бундай шоҳ мамлакат учун тинчлик ва фаровонлик сабабчисидир, дейди. Подшонинг бутун фикри зикри, асосий эътибори элнинг осойиштаги, фаровонлиги, юрганинг ободонлигига қаратилиши зарурлиги ҳақида гапириб, эслатиб ўтганимиз «Маҳбуб ул-кулуб» асарининг биринчи фаслида шундай дейди: «Одил шоҳ кўёш билан баҳор ёмғиридек қора тупроқдан гуллар ва мамлакат ҳалқи бошига олтин билан дур сочади. Камбагал ва бечора одамлар унинг яхши, мулойим муомаласидан роҳатда; золим амалдор ва миршаблар унинг тифи сиёсатидан кўркканида ҳар томонга қочиб кетадилар дейди. Яъни бошқача айтганда ҳукмдор ўз қиличини доим адолатсизликка қарши тезлар экан, ундай мамлакатда золим ва бебошларга ўрин бўлмайди ундай иллатлар адолат тифидан нобуд бўлади.

Адолатли шоҳ шундай кўрикчики, унинг сояйи давлатида кўй – қўзилар бўри ҳавфидан омон; ёмонларга шафқатсизлигидан йўлдаги мусофиirlар йўлгўсарлар вахимасидан эсон. Марҳаматидан мактабларда болалар шовқин сурони... Ҳайбатидан йўлларда кароқчилар йўқ ва ҳалқ моли билан тўлиқ Забтидан амалдорлар қалами синиқ ва золимлар байроби йиқик.... Қасоскор тифидан ўғри қўли эл молига етмайди... Савдо килиш учун тунбўйи дўконларда шамъ ўтмайди, олди – сотти қилувчилар кўчаларда безорилар

дайдишидан кўркмайди... Шахарда кўчалар посбони у, далада кўйлар чўпони у. Ахолининг ховли боғи унинг шарофатидан обод... Кампирлар ип йигирапкан, чарх созига жўр бўлиб, унинг ҳақига дуо ўқийдилар... Факирлар унга дуо тақсин ўқиб, эркалик киладилар. Шоҳ эса очик қўллилик билан фукарога саҳоват килади ва уни сийлайди... Адолатпарвар шоҳ ҳалкни рози қилса, ҳак таоло шоҳдан рози бўлади...<sup>250</sup>».

Алишер Навоий назариётчи ва амалиётчи сифатида давлат сиёсатининг адолатли асослари ва унинг маънавий мезонларини ривожлантиришига катта хисса қўшади. Айникса, адолатсизлик ва зулм давлатни таназулга, жамиятни жаҳолатга олиб келиши тўғрисидаги қарашлари ўз ифодасини топади: "...давлат иши билан машғул бўлган амалдорлик чоғларимда кўнгил мулкини турли одаларнинг хужуми булгалади. Гоҳ амирлик ўрнида ўтиридим ва хукумат маҳкамасида ҳалқнинг арзодони сурдим ва гоҳ подшоҳ ёнида вазирлик қилдим ва менга умидвор назар билан караб турган элга мурувват кўрсатдим".

Навоий адолат тўғрисидаги қарашларида инсон руҳияти билан борлиқ ижтимоий иллатларнинг моҳиятини излайди. Жамиятда ёвузликнинг келиб чикиш сабабларини таҳлил этади. Адолатли жамиятта эришишда нафақат подшоҳнинг одиллиги, балки, фукаролар ўртасидаги муносабатларнинг адолатли, маънан соглом бўлиши лозимлигига эътиборни қаратади: "Оламда бўлмиш ҳар навъ одам билан қўришдим; катта — кичикнинг феълу атворини ўргандим; яхши — ёмоннинг хислатларини тажрибадан ўтказдим; яхшилик ва ёмонликларнинг шарбатини иҷиб, заҳрини тотиб кўрдим. Бахл ва пасткашларнинг заҳмини, саҳоватли кишиларнинг малҳамини кўнглим дарҳол сезадиган бўлиб колди" дейди. Айни пайтда, инсон руҳияти билан боғлиқ иллатлар моҳиятига шундай нисбат беради: "Яхшиликка мукофот — кўполлик одоб билан қилинган хушмуомала эвасига кеккайиш, такаббурлирдан ўзгача муносабат кўрмайсиз. Бирорга бир хизмат килсанг, ундан ўн зарб ейишга тайёр турмок керак; кимгаки бир тавозеъ кўрсатсанг, минг кўполлик ва дилсиёхликка хозир бўлиб турмогинг лозим". Шу тариқа, у, "Маҳбуб ул қулуб" асарида ҳар хил одамларнинг феъл — атвори ва ахволи, яхши феъл хосияти ва ёмон хислат касофати ҳакидаги қарашлари асосида жамият ижтимоий муносабатларининг яхлит назарий тизими, фукаро — жамият — давлат ўртасидаги ахлокий маҳбуриятларни умумлаштиришига эришади.

<sup>250</sup> Навоий Алишер. Асарлар. 15 томлик. Т.13. Т.:Faafur Fулом, 1967. -Б.10-11.

Навоий давлат арбоби сифатида мамлакатда тинчлик ва маърифат ишларини ривожлантириди, "Ихлюсия", "Шифоия", "Низомия", "Халосия" каби кўпилаб мадрасалар, мактаблар курдиради. Бу мадрасаларда замонасининг етук шоирлари, тарихчилари, олимлари билим олишади. Мирхонд ва Хондамирлар ўз асарларини ана шу кутубхоналарда ёзганлар. Навоий адолат, ҳокимият, конун масалаларини инсоннинг ҳак-хуқуқларини химоя килишга даъват этган жаҳон цивилизациясига ўз ҳиссасини қўшган мутафаккир эди.

Навоийнинг сиёсий карашларида ифодаланган ғоялар ҳозирги кунимиз учун ҳам катта аҳамиятга эга. Бу карашларда сиёsat, сиёсий ҳаёт ва сиёсий муносабатларнинг шундай масалалари баён килинганки, уларда ҳозирги кундажамиятни сиёсий ривожлантиришнинг кўпгина масалаларига жавоб топиш мумкин.

### 3.2. Мутафаккирнинг сиёсий ҳокимият ва уни амалга оширишга доир қарашлари

Сиёсий ҳокимият мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, у давлат ҳокимияти ва бошка сиёсий ташкилотлардан таркиб топади. Уни амалга ошириш механизмлари, фаолият кўрсатиш даражаси ниҳоятда ранг-баранг бўлиши билан бирга, унда ҳокимиятнинг бошка турлари ҳам ўз ифодасини топади, уларнинг ҳар бири ўзининг аниқ мақсад ва вазифаларига эга.

Ҳокимият тушунчаси оддий тилда ва илмий адабиётларда жуда кўп қўлланилади. Масалан, «оила ҳокимиияти», «ота-она ҳокимиияти», «давлат ҳокимиияти» ва ҳ.к. Илмий манбаларда политологлар – сиёсий ҳокимият тўғрисида, иқтисодчилар хўжалик ҳокимиияти ҳақида, социологлар – социал ҳокимият, юристлар – давлат ҳокимиияти, диндорлар – илоҳий ҳокимият тўғрисида сўз юритиб, улар ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил соҳаларини ўрганишда ҳокимият тушунчасидан фойдаланадилар. Демак, ҳокимият тушунчаси кенг ва хилма-хиллар. Ҳокимиятга қуйидагича таъриф бериш мумкин. «Ҳокимият – бу кишилар, ижтимоий гурӯхлар ҳамда синфларнинг фаолиятига, хулқ-атворига, харакатларига иқтисодий, сиёсий, ғоявий, ижтимоий механизмлар, шунингдек, куч ишлатиш, зўрлик килиш, ишонтириш қобилияtlари билан таъсир этувчи фаолиятнинг алоҳида шаклидир»<sup>251</sup>.

<sup>251</sup> Алиев Б., Рафиқов F ва бошқалар. Политология фанидан маъruzalар матни. –Т.: ТДИУ, 2005. –Б. 81-82.

Ҳокимиятнинг моҳиятини раҳбарлик, ҳукмронлик ва бўйсундириш муносабатлари ташкил этади. Ҳокимиятнинг алоҳида тури, бу сиёсий ҳокимиятдир ва унга қўйидагича таъриф бериш мумкин:

“Сиёсий ҳокимият – бу сиёсий субъектларнинг сиёсатда ифодаланган иродасини турли йўллар, усуслар ва воситалар ёрдамида амалга ошириш фаолиятининг ўзига хос алоҳида шаклидир”<sup>252</sup>. Шунингдек, «сиёсий ҳокимият» қўйидаги ҳолатлар билан ҳам белгиланади:

1) ҳокимият – бу жамиятга хос бўлган кишилар ўртасидаги иродага асосланган муносабатлардир.

2) ҳокимият – бу кишилар ўртасидаги сиёсий ҳукмронликдир.

3) ҳокимият – бу давлат ташкилоти тизимиdir.

4) ҳокимият – бу маъмурий ваколатларга эга бўлган муассаса ва идорадир<sup>253</sup>.

Маълумки, давлат ҳар қандай жамият сиёсий тизимининг бир қисми (элементи), ҳокимиятни амалга оширувчи воситадир. Унинг фаолияти жамиятнинг ҳамма соҳасига таъсир қиласди. У ваколатни ҳалқдан олади ва ўзига тегишли ваколатни ўзининг маҳсус тузилмалари – давлат органлари орқали амалга оширади. Давлат ҳалқ манфаатини кўзласа, унга ижтимоий ҳаётда, давлат ишларида, хўжалик юритишида эркинлик берса, тинчлик сиёсати юргизса, давлат демократик хисобланади ва тараққиётга сабаб бўлади. Аксинча, ҳалқнинг эркинлигини чекласа, тараққиётта тўсқинлик қилиса, зўровонлик билан иш олиб борса – реакцион давлат хисобланади. «Давлат» сўзи кўшинча «мамлакат» сўзи ўрнида ҳам ишлатилади. Масалан, айрим ҳолларда «мамлакатимиз» деган сўз ўрнида «давлатимиз» деган сўзни учратишими мумкин. Давлатнинг кўрсатмаси жамиятнинг ҳамма аъзолари – фуқаролар. Фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл фуқаролари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари учун мажбурийдир. Давлат қонун яратади ва ўзи ҳам қонунларга бўйсунади<sup>254</sup>.

Давлат ҳокимияти (давлат аппарати) – бир-бiri билан ўзаро боғлиқ бўлган, муайян тузилмага бирлашган, давлат ҳокимиятни амалга оширувчи давлат органларининг тизимиdir. Давлат ҳокимияти – ҳалқ ҳокимиятнинг маҳсус тузилма – давлат орқали амалга оширилишидир. Давлат ўз органлари орқали сиёсий ҳокимиятни амалга оширади. Ҳокимият давлат қўлида тўпллангандағина у малакали ва самарали амалга оширилиши мумкин. Давлат

<sup>252</sup> Рамазонов И., Мўминов Э. Политология. -Т.: Адолат, 1997. 92–93-бетлар.

<sup>253</sup> Сиёсатшунослик (ўкув кўлланма). –Т.: ТДПУ, 2003. –Б.60-61..

<sup>254</sup> Қаранг: Конституциявий хукуқ. Изоҳли лугат. -Т.: Академия, 2001, 27-бет.

ўзига тегишли ҳокимият ёрдамида мажбурлов ва таъсир чораларини кўллаиди.

Жаҳон ҳамжамиятида тан олинган ҳуқуқий давлат назарияси ва демократиянинг умумътироф этилган тамойилига кўра, дунёдаги ривожланган мамлакатларда давлат ҳокимиятининг 3 га бўлиниш принципи мавжуд. Ушбу принцип Ўзбекистон Конституциясида ҳам қатъй белгилаб кўйилган. Ўзбекистон Конституциясининг 11-моддасида эса давлат ҳокимияти 3 та бўлиниш принципига асосланиши баён этилган. Улар 1) қонун чиқарувчи (парламент); 2) ижро этувчи (Вазирлар Махкамаси) ва 3) суд ҳокимияти<sup>255</sup>.

Амир Темур ва темурийлар даври ўзбек давлатчилиги тарихида алоҳида ўринга эгадир. Амир Темур номи билан Ўзбекистонда давлат ўзининг энг ривожланган босичига кўтарилган эди. Бу империянинг чегаралари Шарқда Хитой даворигача жанубда Ўрта ер деңгизи ва Хинҷистон ва Фарбда Русь Киязлиги худудлари билан чегараланганди. Бу марказлашган давлат ўз даврида дунёдаги енг кучли давлатга айланган эди. Амир Темур даврида давлат ва қонунчиликни юксалиши ўз навбатида сиёсий ва ҳуқуқий дунёараши ҳам юксакликка кўтарди. Самарқандда ўзига хос ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар мактаби ривожланди. Бунга мисол тарикасида Амир Темурнинг «Тузуклари», «Бобурнома», Алишер Навоийнинг асарлари, Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си каби асарларни келтирсан бўлади. Бу асарларда инсон, адолат, қонунчилик, давлатчилик, сиёсат, маданият равнаки ҳакида, бутунги кун учун ҳам назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган ғоялар, фикр ва мулоҳазалар баён этилган.

*Дарҳаккат, Алишер Навоийнинг сиёсий ҳокимият ва уни амалга оширишига доир қарашларини ёриттида Амир Темур ва темурийлар даври давлатчилик тизими, бошқаруви катта ўрин тутади. Чунки Амир Темур ўрта асрларда Туркistonда шундай шарт-шароит яратдики, унда Улуғбек обсерваторияси, Алишер Навоий, Бобур ва бошқалар ўз асарлари, одил сиёсатлари билан дунё жамоатчилигининг дикъат эътиборини тортишга муваффақ бўлди. Бу буюк ишлар амалга оширишишининг бошида, сўзсиз, Амир Темур турар эди.*

Мальумки, курултойлар қадимий давлат бошқарувимизнинг мухим бўғинларидан ҳисобланади. Курултойлар орқали жамият ва давлат ўргасидаги муносабатларни яхшилашга эришиш, давлат бошқарувини такомиллаштириш қадимги давлатларнинг асосий мақсади эди. Курултойда

<sup>255</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 11 модда .-Т.: Ўзбекистон, 2014. Б-6

давлат аҳамиятига молик энг муҳим масалалар, бошқа давлатларга уруш қилиш ва тинчлик ўрнатиш ёки давлат бошқарувига оид бошқа муҳим масалалар ҳал этилган. Бундан кўринадики, қадимий давлат бошқарув анъаналаримизга мувофик давлат бирор муҳим ишни ва ўзгаришларни бошлашдан аввал ҳалк вакиллари билан кенгашиш, масаланинг ечимида бирор хато ва адолатсизликка йўл қўймаслик учун олий даражадаги кенгащда муаммоларни ҳал этган. Биз қадимги қурултойлар тарихини мушоҳада этар эканмиз, улар бугунги парламент тизимининг дастлабки боскичи ва унинг асослари бизнинг давлат бошқарувимизда азалдан мавжуд бўлғанлигини англаб етамиз. Тўғри, қурултойлар мўтукларда ва бошқа ҳалкларда ҳам бўлган, аммо бу сиёсий институт бизда ҳам аввалдан мавжуд бўлган. Оқсоқоллар йигини, ҳарбий демократия ва бошқа ижтимоий-сиёсий институтларнинг ўтмишдаги фаолияти фикримизга далиллар. Демак, аслида бугунги парламентимизнинг тарихи минг йилиларга бориб тақалувчи тарихий жараёндир. Тарихий тараққиёт боис конунлар ҳам такомиллашиб асрлар оша сайқалтаниб бугунги икки палатали парламент тизимига қадам қўйилди. Ушбу тарихий фактлар бугунги кунимиздаги мавжуд Олий Мажлиснинг бизга ташкаридан кириб келмаганлигини кўрсатади.

Туркий давлатчилик удумларимизга кўра, давлат раҳбарлари Қурултойда сайланган ва улар оқ кигиз устига ўтказилиб юқорига кўтарилиган. Оқ кигизнинг тўрт учини энг нуфузли амалдор ва диний раҳнамоларгина кўтариш ҳукуқига эга бўлган. Ушбу удумлар бажарилган тақдирдагина унинг ҳокимияти қонуний ҳисобланган. Бу анъаналар ўша давр одатларидан бири саналган. Демак, Қурултойда давлат ҳокимияти раҳбари сайланган ва ўз ҳокимиятини қонунан мустахкамлаган. Соҳибқирон Амир Темур ҳам ўзининг давлат ҳокимиятини Қурултой орқали мустахкамлаган. У 1370 йилнинг 8 апрелида Қурултойда амир этиб сайланган ва ўша даврдаги одатга мувофик у оқ кигиз (намат) устига ўтказилиб, юқори кўтарилиган, унга диний раҳнамоси Саййид Барака оқ фотиха, ҳукмдорлик нишони түғ, ноғора ва байрок берган. Ўша кундан эътиборан Соҳибқирон Амир Темур бутун Мовароуннахрнинг қонуний ҳукмдор-амири ҳисобланган. Биз Қурултойларнинг давлатчиликдаги муҳим ўрнига қараб уни давлатнинг олий маслаҳат кенгаши деб кўрсатишмиз мумкин. Амир Темур даврида Қурултой олий табака вакилларининг кенгаши ҳисобланган. Мантикан олиб қаралганда шундай бўлиши ҳам керак эди. Негаким, йирик салтанатда оммани йигиши, шунингдек, масалани тартиб билан ҳал килишининг иложи йўқ эди. Шу туфайли худудларнинг вакиллари-мъмурлар, ҳарбий бошликлар, зодагонлар ва олимлар Қурултойда

катнашиб, асосий қабул килингандар қарорлар хакида маълумот олишган ва қарорлар қабул қилинишида, мансабдорларни сайлашда, овоз беришида иштирок этиб, ушбу янгиликларни жойларга бориб етказгандар<sup>256</sup>. Шунинг учун Навоий унинг аҳамиятини таъкидлаб, «Хазойинул маоний» да шундай ёзди:

*Сокиё, май туту қўйигил сўзни,  
Хон қурултойига еткур ўзни<sup>257</sup>*

Курултойда қабул килингандар қарорлар зудлик билан муншийлар томонидан қўпайтиришиб мамлакатнинг энг чекка жойларига ҳам жарчилар, чопқунчилар орқали етказилган. Ўша даврдаги муҳим қарорлар ва фармойишлар биринчи томондан, маъмурлар, иккинчи томондан, хабаргирлар орқали кенг оммага етказилган. Бўлаётган ўзгаришлардан халқ оммаси хабарсиз колмаган. Оммавий аҳборот воситалари бўлмаган ва транспорт чекланган ўрта асрларда аҳборот коммуникациясининг яхши йўлга қўйилганилиги давлат бошқаруви намунали бўлганидан далолат беради.

Темур салтанатини бошқаришда, хусусан, уни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашда давлат аҳамиятига молик масалаларни мухокама килиш ва тадбири чоралар белгилаб олиш мақсадида қурултойлар ва кенгашлар ўтказишга катта аҳамият берган. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, «Темур томонидан Қарши, Самарканд, Корабоғ ва бошқа жойларда ўтказилган катор қурултой ва кенгашларда шахзодалар, давлат маъмурлари, ҳарбий бошликлар, уламолар ва мулкдор зодагонларнинг вакиллари катнашганлар. Олий даражадаги бундай йигинларда мамлакатнинг иқтисодий ва ҳарбий аҳволига оид энг муҳим масалалар мухокама этилар ва зарурий ишларни бажариш тўғрисида қарорлар қабул килиниб, тадбирлар белгиланар эди. Давлат аҳамиятига эга ҳар бир масалани ҳал этишида Темур шу соҳани билимдонлари ва олимлар билан маслаҳатлашар эди»<sup>258</sup>. Амир Темур ва темурийлар давлат бошқарувида машварат, кенгаш, тадбиркорлик, мулоҳазакорлик ва маслаҳат бошқарувнинг бошарконоси сифатида эътироф этилганлигини Навоий сиёсий карашларини ўрганиш орқали билиб олиш мумкин: «Ва Рум сағрида Шаҳрирод деган Парвизнинг бир улуқ кишиси бор эрдиким, кули иш бўлса, анинг била машварат қилмай бўлмас эрди. Ва Ардашерни подшоҳ қилғанлар анинг била машварат қилмай, ул ишни қилдилар. Ул бу ишдин мутагайирир бўлиб, Ардашерга хуруж қилди»<sup>259</sup>;

<sup>256</sup> Ўлжаев Ш. Амир Темур ва темурийлар даврида миллий давлатчиликнинг ривожланиши. –Т.: Фан, 2005. –Б. 85-86.

<sup>257</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. –Т.: ФАН, 1985. Т. IV. -Б. 81.

<sup>258</sup> Шарафиддин Али Яздий Зафарнома. –Т.: 1996. –Б.125.

<sup>259</sup> Навоий Алишер. Асарлар. 15 томли. Т.14. –Т.: Faafur Fулом, 1967. –Б. 232.

Факирни подшоҳ байзи маслаҳатлар учун Мурғобдин таъжил била Машҳадга юбориб эрдишар<sup>260</sup>. Бундан ташқари, шоир “Насойимул мұхаббат” асарида подшоҳ иштирок этадиган кенгаш, яны олий мажлис хусусида ҳам фикр юритади: “Қобулий бу шеърини битиб наввобдин бирининг воситаси била олий мажлиска еткурубдур”<sup>261</sup>

Навоий давлат ишида машварат, яны кенгашиб иш қилишни қайтакайта таъкидлайди. Кенгашларда нафакат “аркони давлат”, балки нуфузли шахслар, донишманд ҳакимлар ҳам қатнашиши мумкин. Аммо ҳар бирининг ўз ўрни, ўз мавриди бор. Демак, давлат миқёсидағи мухим ишларни айёнлар, аркони давлат, биринчи навбатда, хайрихоҳ, покдил, ҳақгўй одамлар билан маслаҳатлашиб, кейин қарорлар қабул қылган маъқул. Албатта, давлат ишида таъжил (тез бажарилиши керак бўлган) ишлар ҳам бор. Бунда шоҳ ўзи қарор қабул қилиши шарт. Шунингдек, байзи тадбирларни таваккал қилиб амалга оширишга тўғри келади, деб давом эттиради Навоий, аммо шунда ҳам энг яқин одамлар билан маслаҳатлашиш фойда беради.

Курултойда ҳалқ вакиллари маҳалий хукмдорни сайлаши, олий хукмдордан уни ўзгартиришни талаб қилиши ёхуд солиқларни камайтиришни сўраши мумкин эди. Биз учун Курултойларнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, Курултойда нафақат маҳаллий маъмурлар, балки хабаригрлар, Амир Темургагина бўйсунадиган, аммо маҳаллий амалдорларга маслаҳатчиллик қиласидиган тажрибали, илмли ва давлатта садоқатли кишилар ҳам қатнашган. Бу эса жойлардан олинганд турли маълумотлардан ҳаққонийисини аниқлаш имконини берган.

Курултойлар, унинг жамият ва давлатдаги ўрнини таҳдил қиласидиган Х.Вамбери қурултойларга «миллат мажлиси» деб баҳо берган<sup>262</sup>. Проф. З. Мукимов «Амир Темур давлатни бошқаришда албатта Қуръон, ҳадислар, тўра ва тузукка таянган. Шу билан бирга, кенгаш ва машваратга ҳамда унинг қарорларига таянган. Шу нутказ назардан қурултойлар Темур салтанатига демократик тус берувчи задагонлар кенгашидан иборат эди», - деб фикр билдирган<sup>263</sup>.

<sup>260</sup> Навоий Алишер. Асарлар. 15 томли. Т.14. –Т.: Ғафур Гулом, 1967. –Б. 39.

<sup>261</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. –Т.: ФАН, 1983. Т.II. –Б. 516.

<sup>262</sup> Вамбери Х. Бухоро ехуд Мовароуннаҳр тарихи. –Т.: Ғафур Гулом нашриёти.

1990, 35-бет.

<sup>263</sup> Мукимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. 1 кисм, Самарканд: Зарафшон, 1998, 167-бет.

Х.Бобоев Шарқ деспотик давлатларидан Амир Темур давлати Курултойи билан фарқланишини, шарқона мутлоқий монархиянинг демократия билан кўшилганини айтган<sup>264</sup>.

Агар биз Европадаги парламентлар билан шарқона қурултойларни солиштирсак, шарқона парламентаризмда хукмдорнинг хукуқини чеклаш ёки хукмдорнинг парламентга ўтказган тазиқини эмас, балки зодагонларнинг олий кенгаши бўлмиш Курултойда ҳаммага тенг хукук берилгани, унда ҳар ким ўз фикрини айта олгани, давлат бошқарувидаги долзарб ва йирик масалалар, ҳарбий юришлар бошлаш масалаларини адолатли ҳал қилиш бош масала бўлганлигини кўрамиз. Амир Темур ва темурийлар даври Курултойида хукукни чеклаш хақида гап ҳам юритилмасди. Монархия тизимида шарқона демократиянинг мавжудлиги ўз даври давлат бошқаруви учун муҳим аҳамиятта эга эди.

Амир Темур ва темурийлар даврида давлатчилик анъаналари, жумладан, давлат бошқаруви тизими юкори даражага кўтарилиган. Соҳибқирон, аввало, сиёсий тизимни мустаҳкамлашга интилиб, ана шу мустаҳкам давлат машинаси орқали давлатни тараққиётга олиб чиқишига интилди. Амир Темур давлатининг мътмурий тизими ўша даврдаги миллий давлатчилик, форс, араб, мўғул ва ўз даврининг давлатчиликнинг энг асл сифатларини ўзида мужассамлаштириди. Унда урф-одатлар, турли миллий қадриятлар тараққиётига йўл очиш, инсоният фаровонлигини таъминлаш асосий мақсад килиб олинган эди. Соҳибқирон Амир Темурнинг мътмурий тизими янгича анъаналарни ўзида мужассам этсада давлатининг барча соҳаларида туркий давлатчилик анъаналари устунлик қилди.

Соҳибқирон Амир Темур ўрта аср туркий давлатчилик анъаналарини бошқарувга асос қилиб олиб, уларни янги асосда ривожлантириди.

Маълумки, мамлакатда хокими мутлақ шубҳасиз Соҳибқироннинг ўзи эди. У чекланмаган ҳокимиятта эга бўлиб, унинг амр-фармонлари сўзсиз ижро этиларди. Амир Темур ўзини амир деб атаган. Амалда эса давлатнинг мутлок хокими Амир Темурнинг ўзи бўлиб салтанатга тегишли ишларни унинг ўзи ҳал қилган.

Манбалар ва тадқиқотчи муаллифларнинг шоҳидлик беришича, Амир Темур йигирма етти давлатни ўз ичига олган салтанатни етти вазирлар ёрдамида бошқарган. Улардан тўрт вазир олий даргоҳ ишларини юритса, учта вазир вилоятлар ишлари билан машғул бўлган. Вазирлар девонбегига бўйсунгандар ва бу олий ташкилот Олий Девон дейилган.

<sup>264</sup> Бобоев. Х. Амир Темур ва темурийлар салтанати. –Т.: Камалак, 1996. –Б.62-63.

Азамат Зиёнинг айтишича, «Даргох тизимида бу девонга девонбеги бошчилик қилган. Олий девоннинг аҳамияти ва мавкеи шу қадар баланд бўлганки, баъзан уни даргох билан бир маънода таърифлаш ҳоллари ҳам кузатилган. Олий девонда ҳар куни тўрт вазир, яъни ижроия идораларидан бош вазир, ҳарбий вазир, мулкчилик ва солик ишлари вазири, молия вазири хозир бўлиб, ўзига хос равишда хисобот бериб турганлар»<sup>265</sup>.

Девонбоши- девон (давлат маҳкамаси, ҳукумат идораси, ҳонлар, шоҳлар иш юритадиган маҳкамаси) бошлиғи; давлат маҳкамаси бошлиғи: *Мавлоно Олим ... бир қун бир жамоат эл била девон бошига қазиғи арз қилди*<sup>266</sup>. Амирдан кейин турадиган олий мансаб бўлиб, давлат ишларида мухим роль ўйнаган. У салтанат ишларининг боришини назорат қилган. Девонбеки салтанатда юз берадиган ва кунма-кун олинаётган маълумотларнинг хисоботини шахсан Амир Темурга етказган. Бизнингча, бу мансабга кўйилган мансабдор шахс олдида жуда катта бурч ва маҗбуриятлар турган.

Вазир шоҳ саройида биринчи мансаб эгаси хисобланган: «Аммо мансаб юзидан ортти, нечукким, ул вазир эрди, бу вазорат мансабин тай қилди ва ҳоло ашрофи олий мартабасида мутамаккиндор»<sup>267</sup>. Навоий асарлари тилига бағишиланган деярли барча лугатларда «вазорат» лугавий бирлигининг «вазирлик» («вазорат мансаби» – «вазирлик мансаби») маъноси кайд этилган. Лекин бу сўзниг бирикма шаклида «вазирлик маҳкамаси», «вазирлар маҳкамаси бошлиғи» маъноларини ҳам ифодалашини назарда тутишимиз лозим<sup>268</sup>. Навоий асарларида *вазир «шоҳ амалдори, ҳукмдорнинг яқин сиёсий маслаҳоди ва қўмакчиси»* маъносида қўлланган бўлса, *вазорат лугавий бирлиги* «давлат сиёсий ва ижтимоий ҳаётида мухим ўрин тутган мансаб, девонхона бошлиғи; вазирлар бошлиғи»ни ифодалашга хизмат қилган. Ўрта асрларда буюк вазир – *вазири аъзам ҳукумат бошлиғи* хисобланган ва сulton номидан фармонларни эълон қилган, сулҳ шартномаларига кўл қўйган. Кейинроқ ушбу вазифани *садри аъзам бажарган*<sup>269</sup>.

Темурийлар салтанатида Курултойдан кейинги ўринда махсус орган, давлат мажлиси турган. Соҳибқирон хузурида мазкур кенгаш икки кўринишида чакирилган. Катта кенгаш тинчлик пайтида, Самарқандда амир саройида юқоридаги кўринишида чакирилган. Ҳарбий юришлар пайтида,

<sup>265</sup> Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилигитарихи. –Т.: Шарқ, 2000. 177-бет.

<sup>266</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. –Т.: ФАН, 1983. Т. I. -Б. 484.

<sup>267</sup> Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 жилдли / С. Фаниева нашрга тайёрлаган.

– Тошкент: Фан, 1997. Ж.13. Маҳколис ун-нафонис. –Б. 140.

<sup>268</sup> Бараков Х.К. Арабско-русский словарь. – М. Русский язык, 1989.– С. 885.

<sup>269</sup> Карапанг: Бекмуҳамедов Х. Тарих терминлари изоҳли лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977.– Б. 27.

катта жанглар олдидан чакириладиган кичик кенгаща Амир Темурнинг энг яқин кишилари иштирок этган. Демак, Сохибкорон салтанатидаги кенгашлар ўз вазифаси ва аҳамияттига кўра бир-биридан бирмунча фарқланиб турган. Баъзи кенгашлар ўта маҳфий тарзда ўтказияган ва унда тегишли кишиларгина иштирок этган.

Темурийлар даврида бошкарув икки идорадан: даргоҳ ва вазирлик (девон)дан иборат бўлиб, даргоҳни олий хукмдор бошқарган. Даргоҳ фаолиятини бошкариш, унинг девонлар, маҳаллий ҳокимият идоралари билан боғланниб туриш ишлари олий девон зиммасида бўлган.

Саройдаги даргоҳ - Олий кенгаща ички ва ташки сиёсатнинг энг мухим масалалари, Ҳокимиётнинг юқори амалларига мансабдор шахслар тайинлаш ва бошқа масалаларни мухокама қилган. Даргоҳ тизимида арзбети, товачи, ҳожиб, жибачи, қушбеги, ҳазинадор, хонсолар, баковулбоши, котиб, мунший, битикчи ва бошқа сарой амалдорлари фаолият кўрсанганлар.

Амир Темур давлатининг марказий ижро маъмурияти бош вазир - девонбети бошлик етти вазирликдан иборат аркони давлат - Вазирлар маҳкамаси томонидан бошкарилган. Биринчи вазирлик - мамлакат ва расмий ишлар бўйича фаолият иш олиб борган. Бу вазирлик вилоят туманларидан тўпландиган ҳосил, солислар, ўлтонлар ва уларнинг тақсимоти, кишим-чиқимлар ҳамда ободончилик ишлари билан шугулланган. Иккинчиси - вазири сипоҳ, яъни ҳарбий ишлар бўйича бўлиб, аскарларнинг маоши ҳамда озиқ-овқат ва қурол-яроғлари таъминоти билан шугулланган. Учинчиси - тижорат вазирлиги бўлиб, савдо гарларнинг мол-мулкидан олинадиган закот ва божлар, эгасиз қолган мол-мулкларни тасарруф этиш, мерос ва меросхўрлар билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш каби ишларни бажарган. Тўртинчиси - салтанат ишларини юритувчи вазир, яъни молия ишлари вазири бўлиб, давлат ҳазинасидан сарф этиладиган харажатлар, умуман, салтанат кишим-чиқимларини бошқарган. Мазкур тўрт вазирликдан ташқари, чегара вилоятлари ва тобе мамлакатлар ишларини назорат килиб туриш учун яна маҳсус учта вазирлик таъсис этилган эди. Бу уч вазир мазкур вилоятлардан давлат ҳазинасига келиб тушадиган даромадларни назорат қилиш ва улар билан боғлиқ бўлган молиявий масалалар билан шугулланган. Улар, ўз навбатида, салтанатнинг бош назорат ҳайъатини ташкил этганлар. Мазкур ҳайъат “холиса” деб аталган. Бу етти вазирлик девонбетигига бўйсунган ва у билан бамаслаҳат салтанатнинг мухим молиявий ишларини амалга оширган.

Маълумки, Амир Темур давлатни мӯгуллар каби улус, вилоят ва туманларга бўлиб бошқарган. У салтанатини тўрт улусга бўлиб, уларга ўғил

ва набираларини ҳукмдор этиб тайинлаган. Шунингдек, вилоят ва туманларга ҳам асосан темурий шаҳзодалар ва ҳарбийлар раҳбарлик қилган. Булар ҳақидаги маълумотлар олимлар томонидан илмий доирага киритилган<sup>270</sup>.

Амир Темур вилоят, туманларга кўпинча жангларда синалган, қайта-қайта баҳодирлик кўрсатган ҳарбийларни бошлиқ этиб тайинлар эди. Шунинг учун ҳам базъи олимлар бу тизимни ҳарбий феодализм тизими деб атайдилар. Чунки, ҳарбий пешқадамлик халқаро сиёсий нуфузни белгилаган ўрта асрларда ҳарбийларнинг нуфузи баланд бўлган ва улар шу йўл билан рағбатлантирилган. Маълумотларга кўра, у ўз ўғил ва набираларига ишончли, синалган тажрибали, тадбиркор кишиларни маслаҳатчи қилиб тайинлаган.

Соҳибқирон Амир Темур жангларда, давлат ишларида тобланган, садоқатли, тадбиркор ва олим кишиларни ўғиллари ёнига маслаҳатчи қилиб тайинлаган ва уларга йирик вилоят ва ҳудудларни ишониб топширган. Бунинг иккинчи жиҳати шундаки, Амир Темур маҳаллий ҳокимликларни ўзига итоат этувчи давлат маслаҳатчилари орқали ҳам мувофиқлаштириб турган ҳамда маҳаллий ва марказий ҳокимият алоқадорлигини шу мансаб орқали ушлаб туришга интилган.

Темурийлар давлатининг маҳаллий бошқарув тизими ва маъмурий бўлиниши масаласига келсақ, бу улкан давлат ноҳия-округларга, ўнмингликларга-туманларга, мингликлар-хазора, юзликлар-сада ва ўнликларга-даҳаларга бўлинган. «Тарихи мулукку Ажам» асарида куйидаги жумлаларни ўқиймиз: «Андин қайтқонда, анга арз қилдиларким, қифчоқ Дарбандга муставлий бўлуптур. Ул йўлға убур қилиб, Қифчоқни мақхур қилиб, Дарбандни олиб, обод қилиб, яхши кишилар тайин қилиб, андоғ мазбут қилдиким, ул ноҳиятдин хотири жамъ бўлиб, Мадойинға азм қилди»<sup>271</sup>. Бундан кўриниб турибдики, темурийлар салтанатида маҳаллий бошқарувнинг ўнликлар тизими мавжуд бўлган.

Темурийлар маъмурий тизимига хос жиҳатлардан бири шуки, ҳар бир вилоят, шаҳар ва туманларнинг ўз ҳокими, молия девони, қозиси, муфтийси, мутавалиси ва мухтасиби бўлган. Ҳар бир шаҳар ва кишиларни кутвол, яъни комендант тайин этилган. Кутвол-калья бошлиғи бўлиб, улар мудофаа ишларида мухим роль ўйнаган. У пайтда шаҳарлар деворлар билан ўраб олинган бўлиб, шаҳарга дарвозалар орқали кирилган. Ёв бостириб келган

<sup>270</sup> Ахмедов Б. Улугбек и политическая жизнь Мавераннахра в первой половине XV века//Из истории эпохи Улугбека.(Сб.ст. -Т.: Фан, 1965.С.) 5-56.

<sup>271</sup> Навоий Алишер. Асарлар. 15 томлик. Т.14. -Т.:Faғур Ғулом, 1967. -Б.225.

тақдирда ҳам дарвоза очиш ёки очмаслик масаласини кўпинча кутвол ҳал қилган. Шаҳар дарвозлари калити кутволда турган.

*Қатъанинг кутволи ул занги,  
Кутволи сипеҳрдек ранги*<sup>272</sup>.

Бизнингча, улар бир томондан маҳаллий мъймурларга, иккинчи томондан Олий девонга бўйсунгандар. Бу эса бошқарувнинг нечоғли мукаммал бўлганига далилларидир.

Амир Темур ва темурийлар давлат бошқарувидаги маҳаллий эркин жамоалар ва маҳалла оқсоқолликлари катта роль йўнаган. Навоий ўзининг Бадиuzzамонга йўллаган мактубида маҳалла ахли ҳолидан хабар олиш, уларни эзгу амалларга давлат этиш, маҳалладаги турли келишмовчиликларни бартараф этиш, маҳалла ахли фарзандларига таълим бериш хусусида шундай ёзди: «Яна улким, судурга хукм бўлсаким, шаҳр масожидин эҳтиёт қилиб, имом, муаззиндин маҳалла аҳлини сўруб, балким хат олиб, намозга тарғиб қиласалар, агар фиску фасод ахли бўлуб, алар амри маъруд кила олмасалар арз қиласалар, то судур шаръ йўсуни била аларни маънъ қиласалар. Даги ҳар масжиднинг имомига тайин қиласаларким, маҳалла аҳлиниң ўғул ва ушогига мактаб ту tub ўқутсалар»<sup>273</sup>. Амир Темур миллий одатларга амал қилиб, соликлар йигиши ва бошқа масалаларда жамоа ва маҳалла оқсоқолликларининг мустакил фикрларини инобатга олган. Ҳатто, у ўзи забт этган ҳудудларга хукмдорларни ҳам кўпинча ҳалқ фиқрини инобатга олган ҳолда маҳаллий аҳоли орасидан тайинлаган. Майдум бўладики, ўша пайтларда маҳаллалар бошқарув бўгини сифатида эътироф зътилган.

Амир Темур ва темурийлар давлат органлари тизимини ташкил этишида асрий -миллий анъаналарга таянган ва бошқарувда қонунлар барча ҳудудлар учун тенг кучга эга бўлса-да, миллий ҳудудларга анча кенг имкониятлар яратилган, яъни давлат томонидан қайсиидир миллий тил зўрлик кучи билан бошқа ҳудудларга олиб кирилмаган. Ўрга Осиёда эса туркий тил анъаналарини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Амир Темур ва темурийлар даврида турк тили анъаналари айниқса Ҳусайн Бойкаро даврида кучайди. Бу анъаналарга Амир Темур тамал тошларини кўйди. Буюк мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий томонидан «Хамса» (Беш достон) асарининг яратилиши фикримизнинг далилларидир.

<sup>272</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изохли лугати. –Т.: ФАН, 1983. Т.II. -Б. 141.

<sup>273</sup> Навоий Алишер. Асарлар. 15 томлик. Т.13. Т.: Faafur Gulom, 1966. –Б.130-131.

Ўша йилларда кўпчилик амирлар, шу жумладан, Навоийнинг ўзи хам Хусайн Бойкарони «Соҳибқирон» деб улуғлар эди. Навоий «Хамса»сини Хусайн Бойкаро бу улуғ рутбага Навоийни муносаброқ кўради...

Хондамир ёзган эсдаликларда шундай воеа келтирилади. Хусайн Бойкаро Навоий «Хамса»сини биринчи марта ўқигандан кейин, уни эъзозлаб, ўзининг яхши кўрган оқ отига миндиради. Подшоҳ отнинг жиловидан тутиб, сарой аҳлининг кўз олдида Навоийга жиловдорлик килади ва ҳаммага эҷиттириб айтадики, «Туркӣ тиљда шундай «Хамса» ёзганлигинги учун мендай подшоҳ сизга жиловдор мурид бўлса арзигай». Бу сўзларнинг муболага эмаслигини Хусайн Бойкаро ўзининг Навоийга бағишланган рисоласида тасдиклайди. Рисолани якунлар экан, Хусайн Бойкаро Навоийни шундай улуғлайди:

*Эрур сўз мулкининг қаҳрамони,  
Эрур гар чин дессанг - соҳибқирони<sup>274</sup>.*

Амир Темур ва темурийлар даври давлатчилигининг мухим жихатларидан бири хам шундадир. Амир Темур ва темурийлар даврида хар бир вилоят ва катга шахарларда Адолат уйи ташкил этилган. У асосан давлатта қарши жиноятлар, бошқариш тартибига қарши жиноятлар ва мансабдорлик жиноятларини кўриб тегишли жазо тайинлаган.

*Мулоғимларини Скандаларфар эт,  
Адолат уйин Садди Искандар эт<sup>275</sup>*

Фуқароларнинг арз-шикоятлари ва бошқа талабларини тўғри хал этиш давлатнинг асосий ишларидан бўлғанлиги туфайли давлат бошқарувида бу масалаларга мухим ўрин ажратилган. Арз-шикоятлар ва уларнинг натижалари мирзолар томонидан рўйхатга олинган ва тез-тез марказий хамда маҳаллий ҳокимият томонидан ўтказилган тафтиш, шунингдек, чопарларнинг маълумотлари орқали марказда жойлардаги ахвол назорат килинган.

Хар бир карор ва фармонлар мунишийлар томонидан кўчирилиб тезда вилоят ва туманларга жўнатилган. Амир Темур ва темурийлар давлат органлари тизимида тезкор ахборот алмашиш йўлга қўйилганлиги сабабли йирик салтанатнинг энг чекка ерларига хам давлат фармон ва карорлари тезда етиб борган. Бу эса йирик салтанатнинг энг чет жойларида хам конун устуворлигига эришилганлигини кўрсатади. Демак, давлат ҳокимиятини амалга оширища хабаргирлар ва тезкор ахборот алмашинувига эришиш мухим усуслардан ҳисобланган.

<sup>274</sup> Кодиров П. Тил ва эл. –Т.: Маънавият, 2010. –Б. 140.

<sup>275</sup> Алишер Навоий асрлари тилининг изоҳли лугати. –Т.: ФАН, 1983. Т. I. -Б. 44.

Амир Темур ва темурийлар даврида давлат ва бошқарув масаласи бирбирига уйғуллаштирилган. Давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг барча бўғинлари ягона марказга бирлашган. Бу даврда маъмурй бошқарув ахлоқига катта эътибор қаратилган ва бу жихатлар давлат бошқаруви билан уйғуллаштирилган. Фармон ҳамда қонунларда ҳаракатчанлик, мансабдор шахс яшаган даврдаги мутаносиблик, алментацион (mansabдор шахснинг мансабига қараб ҳақ тўлаш) бўйсуниш, мансабдор шахснинг шахсий жавобгарлиги, совғалар олиши масаласи, интизомий жавобгарлиги месъёrlлаштирилган. Щунингдек, марказий ва маҳаллий давлат органлари тизимини ташкил этища давлатга қарши жиноятлар ҳамда коррупциянинг олдици оладиган қонуний асослар яратилган.

Амир Темур ва темурийлар давлати мафкурасининг негизини ислом анъаналари ташкил этади. Маълумки, асл маънодаги ислом мафкураси умумисоний қадриятларга асосланган тинчликларвар ва инсонларвар мафкурадир. Аслида эса бу тушунчалар умумисоний ғояларни тарғиб қиласди, темурийлар салтанатида диний, ирқий ва миллий низоларнинг келиб чикмаганлиги ҳам бу давр давлатчилиги мафкурасининг пойдевори умумисоний қадрият эканлигидан, шарқона демократия анъаналари мавжуд бўлганидан далолат беради.

Бизнингча, Амир Темур давлат аппаратини ташкил этувчи маъмурй тизим, тизимларо ва жамият ўргасидаги муносабатлар мутаносиб ривожланган ва уларнинг ҳар бирининг аник вазифаси белгиланган, ҳар кандай қонун ва ижролар ана шу тизим орқали бажарилган. Мамлакатнинг энг чет жойларигача қонун устуворлиги ва унинг ижроси таъминланган. Бу омиллар марказлашув анъаналари кучайишига таъсир кўрсатган.

Амир Темур ва темурийлар даври давлат бошқарув тизими мукаммал давлатчилик тизими бўлиб, у давлат ҳокимиятини амалга ошириша самарали восита вазифасини бажарган эди. Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб айтиш мумкини, давлатчилик тизимидағи ушбу қондалар миллий бошқарувимиз санъат даражасига кўтарилигини, давлат органлари тизимини яратища у билан боғлиқ ҳар бир соҳа эътиборга олинганини, бирбири ўргасидаги муносабатлар тартибга солинганини ва мувофиқлаштирилганини, бу борада яхлит концепция яратилганини кўрсатади.

Амир Темур ва темурийлар даври суд тизимининг ўзига хос хусусияти шундаки, бу даврда жиноятта жазо беришни кучайтиришга эмас, балки унинг олдини олишга катта эътибор берилган. Ҳар бир шахарда шахар

хокимининг сарои (Дориламорат), Дорул казо (қозихона, суд идораси), адлия бошқармаси (Доруладолат) курилган:

*Аввалги эзур котиби дорул қазо,  
Иш анга ношаръга бермак ризо<sup>276</sup>.*

Улар давлат, жамият ва шахсга қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олишида мухим аҳамият касб этган.

**Шайхулислом** - мусулмоилар пешвоси. Навоий «Шайхулислом мусулмонлар пешвосидан иборатдур ва ислом муктадосига ишорат. Мундок киши олими керак исломланоҳ ва орифе керак. Мухарраби даргоҳ, хирадманди шариат шиор ва факрға ҳурсанд ва тариқат осор, яхши-ямонга шафқати фазли ом ва улуг-кичикка иршоди нафви молокалом. Комил бўлғай шарҳ қонунига росих ва барча мубтадеълар бидъатига носих»<sup>277</sup>, - дейди.

Демак, шайхулислом бўлмиши киши, аввало илмли, ислом динининг паноҳи, ориф, яъни комил инсон, ҳар томонлама мукаммал, шариатга сўзсиз итоат этадиган, уни қаттиқ химоя қиласидиган, инсон бўлиши, мискинларга, яхши-ёмонга шафқатли бўлмоғи, улуг-кичикка нафи етадиган, мутасаввуф, бидъатни заифлаштиргомги ва исломни кучайтиргомги, турли ғояларга қарши курашмоғи керак. Бинобарин, шайхулислом олий, диний мартаба хисобланганлиги боис бу мартабага катта салоҳиятли, ҳалол, пок, илмли кишилар кўйилган. Чунки ўрта аср мусулмонлари давлатчилигига ислом ғоялари асосий мағкура хисобланган. Ўрта асрларда шайхулислом катта сиёсий нуфузга эга бўлган ва у маънавий ҳаётга, ҳатто мамлакат сиёсий ҳаётига катта таъсир кўрсатган.

**Қози** – судья, хукм чиқарувчи. Ҳар бир шаҳар ва вилоятда, девоннинг турли бўғинларида қонуни назорат қиласидиган. Қозилар даражаси ва мартабасига кўра бир-бирларидан фарқ килиб турган. Улар садри аъзамга бўйсунган: «Қози ислом биносиға аркондур ва мусулмонлар хайр ва шарриға ноғизи фармондур<sup>278</sup>».

Темурийлар даврида мажбурлов кучини амалга оширишда судлар катта аҳамият касб этган. Соҳибқирон салтанатида судлар ихтисослашган бўлиб уларнинг уч хил тури мавжуд эди. **Биринчиси-лашқар** (қози лашқар) қозиси. Бу қозилик ҳарбий масалаларга оид жиноят ва низоли масалаларни кўрган. **Иккинчиси-шариат** қозиси бўлиб, у шариат билан боғлиқ жиноят ва низоларни кўриб чиқсан. Учинчи қозилик дунёвий-фуқаролик ва давлатга тегишли бўлган масалаларни масалан, ўғирлик, молиявий ва

<sup>276</sup> Алишер Навоий асрлари тилининг изоҳли луғати. -Т.: ФАН, 1983. Т.1. -Б. 504.

<sup>277</sup> Навоий Алишер. Асрлар. 15 томлик. Т.13. Т.: Faфур Ғулом, 1966. -Б.17.

<sup>278</sup> Кўрсатилган манба. -Б.18.

маъмурий соҳаларга оид ишларни кўрган. Навоий “Муншаот” асарида шариат қозиси тўғрисида қўйидагиларни таъкидлайди: “Агар қозий ислом тангри раҳматига борди – подшохи исломни ҳақ таоло кўп йиллар диери ислом ва ахли ислом бошига поянда ва мустадом тутқай”<sup>279</sup>. Бу қозиликларнинг ҳар бирининг аниқ ва алоҳида вазифалари изчил белгилаб берилган. Судларнинг фаолияти ҳакидаги барча маълумотлар тўғрисида девонга хисобот бериб турилган. Албатта. Амир Темур ва темурийлар даври суд тизими катъий қонунийлик ва адолат тамойилига асосланган.

Муфтий – фатво чикарувчи, мусулмонлар раҳбари. Навоий наздида бундай одам шариат қонунларининг билдишони, янги қонунлар яратувчи, ишончли олим бўлмоғи лозим: “Муфтий факихи керак мутадайин ва олиме керак мўъмин, ислом илмида моҳир ва диенат нури жабинида зоҳир”<sup>280</sup>.

Садр – диний жамоа ва рухонийлар бошликларига берилган унвон. Улар асосан саййидлардан чиқсан шахслар бўлиб, улар ахли исломга бошчиллик килган. Уларнинг энг муҳим вазифаларидан бири мамлакатдаги вакъфларни назорат килиши бўлган. Садрлар суюргонни ҳам белгилаб турганлар.

Хукукни муҳофаза этувчи тузилмалар ичida доругалар ҳам катта роль ўйнаганлар. Улар зиммасига ўз худудларига карашли ёрларда тинчлик ва баркарорликни сақлаш вазифалари юклатилган: “Яна улким, шаҳр доругасидин беклар била Хожа Фалон андоқ соҳиб вукуф бўлсаларким, жузвий ишдин кулий имдод тиламасалар”<sup>281</sup>.

Ҳар бир шаҳар ва қишлоққа кутволлар тайинланган бўлиб, улар ҳалқининг тинч-осоишишталигини кўриклилаган, бордию бу худудда бирор нарса йўқолса ёки ўғирланса кутволлар жавобгар бўлиб, уларга доругалар каби йўқолган молни тўлаш мажбурияти юкланган. Шунингдек, йўловчиларни бир манзидан иккинчи манзилга бехатар етказиб кўйиш учун зобитлар тайинланган. Агарда йўлда ўғирлик ёки котиллик жинояти содир этилса, жавобгарлик улар зиммасига юкланган. Асаслар эса кечакарорлари, қидирив ишлари бошликлари бўлиб, ўз ходимлари-посбонлар билан маълум худудларга бўлинниб фуқароларнинг тинчлигини таъминлаш ва жиноят ишларини очишда муҳим ўрин тутганилар: «Оқибат бир кун асаслар бордилар ва ани зиндондин банд била судраб чиқардилар»<sup>282</sup>.

<sup>279</sup> Кўрсатилган манба. –Б.124.

<sup>280</sup> Кўрсатилган манба. –Б.18.

<sup>281</sup> Навоий Алишер. Асарлар. 15 томлик. Т.13. -Т.: Гафур Гулом, 1966. –Б.130.

<sup>282</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳи лугати. –Т.: ФАН, 1983. Т.1. -Б. 122.

Шариат асосида ижтимоий таркибни назорат килиш ва маънавий бузукчиликларни олдини олишига мўлжалланган таркиб **муҳтасиблар** деб аталган. Улар бозорлардаги тошу тарозилардан уриш ва бошка хуқукбузарликларнинг олдини олганлар, тартиб саклаганлар ва ўз вазифаларидан келиб чишиб жазолаш ишларини олиб боргандар. Бу ҳақда «Вақфия» асарида қўйидаги қайдларни ўқиймиз: “Муҳтасиб хафтада икки катла бозор ахлиниң нархларидин вукуф топсалар”<sup>283</sup>.

Гарози ҳакидан уриши ва маънавий бузукчиликларни жазолаш учун жазони ижро этиш масъул кишилар ихтисоб аҳли деб юритилган, уларга муҳтасиб бошчилик килган. Муҳтасиб берадиган жазо қўйидагича бўлган: муҳтасибининг паҳлавон бир навкари мужрим (айбор)ни опичган, иккincinnisi унинг этагини кўтариб иштонини туширган, учинчиси думбасига раис айтган миқдорда дарра урган. Шундан кейин мужрим ўзини йигинтириб олиб муҳтасибига таъзим билан тавба килиб, кўзини очиб қўйғанилиги учун унга миннатдорчилик билдирган. Тавба ва миннатдорчилик муҳим шартлардан бўлиб, адо қилинмаган тақдирда жазони давом этириш эктимоли бўлган.

Хукукни муҳофаза этувчи таркиблардан бири **шиҳналар** деб аталган ва улар ҳарбий маъмурлар бўлиб, шахарлардаги тинчликни саклашга масъул бўлганилар.

Ички ишлар органлари мансабдорлари **ясоғлиқ** деб аталган ва улар давлат ва жамиятнинг тинчлигини саклашга масъул бўлиб, жиноятларни очища муҳим аҳамият касб этган: “... ясоғлиқ аро бойлик марғзори ичра ҳар сурук қўйдин йилда ҳамалдек минг кўзига конеъ бўлмағандин йўқсизлик широъларида қўй кутуб...”<sup>284</sup>.

Амир Темур ва темурийлар даврида **қурчи** деб аталган мансабдорлар давлатнинг курол-яроғлари оборони бошлиги ҳисобланиб, уларни авайлаб-асраганилар, уларнинг қаерга ва нима учун ишлатилаётганилигини назорат килгандар ва подшоҳ саройини қўриклигандар. Бу лавозим ҳакида ҳазрат Навоий “Муҳокаматул lugatayn” асарида шундай дейди: “Мансабда андокки, қўрчи ва сувчи ва хизоначи ва керак-яроғчи ва чавгончи ва найзачи ва шукурчи ва юртчи ва шилончи ва ахтачи йўсунлугт кўпдур”<sup>285</sup>.

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, Амир Темур ва темурийлар даврида хукукни муҳофаза этувчи органлар ихтиослашиган. Улар қундузги ва тунги ҳамда фукаролик ва ҳарбий бўлинмаларга

<sup>283</sup> Навоий Алишер. Асарлар. 15 томлик. Т.13. -Т.:Faafur Fулом, 1966. -Б.160.

<sup>284</sup> Кўрсатилган манба. -Б. 168.

<sup>285</sup> Навоий Алишер. Асарлар. 15 томлик. Т.14. -Т.: Faafur Fулом, 1967. -Б.117.

ажратилган. Шунингдек, хар бир ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ўз маълумотларини тезлик билан салтанат марказига етказган, давлатсири билан боғлиқ масалалар махфий кенгашларда, иккинчи даражали масалалар саройнинг очиқ кенгашларида кўриб чиқилган ва худудлардаги мавжуд ахволга монанд чора-тадбирлар кўрилган.

Амир Темур ва темурийлар даврида ҳуқуқни муҳофаза этиш ишлари билан нафақат маҳсус органлар, балки хар бир ҳудуднинг маъмурлари ҳам шугулланган. Уларнинг барчаси давлат ва фукароларнинг тинчлик ва хотиржамлигини тъминлашга масъул бўлган ва асосан маъмурий тартибдаги кичик ҳуқукбузарликларни жазолаш ишлари билан шугулланган. Агарда давлатга, шахсга, ҳаётга ва соглиқса карши жиддий жиноятлар содир этилса, улар тегишли қозиликларда кўрилган ва муносиб жазолар тайинланган.

Амир Темур ва темурийлар даври мажбурлов функциясини ташкил этишдан давлатнинг асосий максади оммани қонунларга хурмат руҳида тарбиялаш ва жиноятларни олдини олиш, содир этилган жиноятларга мукаррар равишда жазо бериш, факат жиноят содир этилгани аниқдангандагина жазо тайинлаш, давлат ва жамиятнинг тинчлик хотиржамлигини сақлаш эди.

Мансабдорлар томонидан содир этилган маъмурий ҳуқукбузарликлар ва жиноятларга жазо тайинлаш алоҳида назорат қилинган. Мансабдорлар томонидан содир этилган қилмиш турига эҳтиёtsизлик туфайлими ёки қасддан содир этилганингига аҳамият берилган ва шунга яраша жазо тайинланган. Агарда қишлоқ оқсоколи ва шаҳар улуғлари кичикроқ даражадаги одамга зулм қиссалар, ўша зулмга яраша, хар кимнинг шароитига кўра жарима солинган, яны фукароларнинг ижтимоий турмуш тарзи эътибордан четда қолмаган. Агар мансабдорлар ҳалққа жабр зулм этса, уларни хонавайрон этса, бу қилмишига яраша аёвсиз жазоланган. Бу жазо оддий жаримадан тортиб ўлим жазосигача бориб етган. Давлат амалдорларининг кўпорувчилиги, пораҳӯрлиги ва бошка жиноятлари ҳам энг хавфли жиноятлардан ҳисобланган. Булар бутунги кундаги коррупция ва кўпорувчилик жиноят турига тўғри келади.

Амир Темур ва темурийлар давридаги мажбурлов аппаратининг тарбиявий кучи шундаки, жазолар ҳалқдан яширинча эмас, очиқчасига, бозор ва очиқ ҳалқ гавжум бўлган майдонларда ижро этилган. Бинобарин, бундай темир қонунлар ва жазо усууллари давлат аппарати ва жамият ўртасидаги мутаносибликни тъминлаган.

Жанглардан кочиш ва кўрқоқлик энг ёмон жиноят ҳисобланган. Шунинг учун Амир Темур сипохи шижаат ва жасурлик билан жанг қилган. Мальавий жазо усулуари ҳам яхши самара берган.

Темурийлар салтнатидаги сотқинлик энг олий жиноят ҳисобланган. Бирон навкар душман билан келишиб, ўз эгасига мунофиқлик қилса, бундай навкар душман кўлига топширилган. Агар сипохий қисмлардан ёки амирлардан қайси бири ёв билан келишиб, ғаним сафига бирлашса, улар юргдан чиқариб юборилган, мамлакатда уларга ўрин берилмаган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Амир Темур ва темурийлар даврида адолатсизлик, ҳукукбузарлик содир қилганлар учун жазо тайинлашда қонунчилик адолат ва инсонпарварлик принципига асосланган ҳолда сиёсат юритилган. Бу эса жамиятдаги бошқа шахсларни бундай салбий ҳатти-харакатларини содир этишдан тўхтатишга имкон берган.

Биз кўп ҳолларда демократиянинг Шарқ ва Фарб демократияси андозаларида маълум тафовутлар ва баҳсли масалалар борлиги хусусида ўқиймиз ва эшитамиз. Бу ўринда шуну алоҳида таъқидлаш лозимки, аввало, ҳар иккала мингтақа ва маданият вакиллари, хусусан демократия билан боғлиқ назарияларнинг мақсадлари муштараклиги, лекин улардаги тил, баён этиш услублари, маданий-маиший ва эътиқодий масалалардаги айrim ҳолатлар бундай баҳсларга сабаб бўлишини айтиб ўтиш керак. Масалан, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар, жамиятни бошқариши билан боғлиқ масалаларда Шарқда ҳам, Фарбда ҳам адолатлатли подшоҳ зарурлиги ғояси асосий ўринда туради. Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достони ана шундай муҳим сиёсий муносабатлар масалага бағишлиланган. Эътиборли жиҳати мутафаккир асарининг асосий услуги мажозий хусусиятга эга бўлганиниги уни тушуниш бироз қўйинчилик түғдидари.

“Лисон ут-тайр” воқеаси шундайки, гулистону бешаву баҳру биёбон, яъни чаманзору чакалокзору денгизу чўлу дашт қушлари йигилиб, базм тузмоқчи бўлишади. Лекин Тўтидан – Олқарға, Булбулу Кумридан- Қарға, Шунқордан-Калҳат, Товусдан – Йортачи (ўлаксаҳўр қуш) юқорироқ ўтиради, хунарли қушлар қолиб, бехунарлар тепароқ чиқади, тоҷдор қушлар бошида туки йўқ – тепакал қушлардан куйига тушиб кетади. Ноҳақликдан норозилик чиқиб, жанжал кўтарилади.

Шунда қушлар бир доно, одил шохга эҳтиёж сезишади, токи у ҳақни барҳақ, ҳар кимга ўз мавқейига яраша жой тайин қилғай. Ҳуджуд (Попишак) Семурғ деган шоҳдан дарак беради. У билан қушлар орасидан бўлиб ўтган кўп савол-жавобу сўзларган дилгир ҳикоятлардан кейин бу жамоа Семурғни излаб, қанот қоқишига тушиб кетишади.

Лекин яна ҳар ким ўз билганича учар күчлироғи илгарилаб кетиб, ожизроғи ортда қолар, хуллас, улар паға-партиш, бебошларча ҳаракат қылар эди. Жамоага мақсад сари бир тану бир жон бўлиб учишларида сардорлик қиласидиган, бу йўлнинг пасту-баландини яхши биладиган бир бошлиқ керак бўлиб қолади. Күшлар ҳеч иккиланмай, Семурғдан хабар бериб, уларни мақсад сари ундаган Худҳуддан раҳбар бўлишни илтимос қилишади. Аммо Худҳуд, гарчи бунга чиндан ўзинингэнг муносиб қуш эканини билса-да, қўнмайди. Майли, мен билганимча йўл кўрсатай, лекин бошлиқ бўл, дессангизлар, кўрқаманки, орамизда фарқ пайдо бўлиб қолади, дейди. Күшлар, ноилож, куръя ташлаш фикрига келишади. Қарангки, яхши ният – яrim давлат, деганларидек куръя ҳам келиб Худҳудга тушади.

Куръя солиб ҳар бирининг зотига,

Тушди улдан куръя Худҳуд отига.

Шу тарика Худҳуд күшларнинг пешвоси бўлади.

Куръя ташлаш воқеаси “Матиқ ут-тайр” да ҳам бор. Унда ҳам куръя Худҳудга тушади.

Бироқ Худҳуднинг раҳбарликдан бош тортиши – Фоний, яъни Навоийнинг ўзи кўшган талқин.

“Фарход ва Ширина” достонидан биламизки, Фарход ҳам отаси – Чин хоқони тақлиф қилган тождан бош торгади. Мен хукмдор бўлишга ҳали лойиқ эмасман, дейди. Демак, муносиб одамгина ҳалқка йўлбошчилик қилиши керак, деган гоя, гарчи бу бош масалалардан бўлмаса-да, Худҳуд тасаввухдаги раҳнамо – пир рамзи бўлса-да, кўрганимиздек, “Лисон ут-тайр” да ҳам илгари сурилган.

Қаранг, шоҳнинг вориси, яъни авлодигина подшоҳ бўлиши мумкин, деган ақидага баҳсласиб ўтирамай, қаъый амал қилинадиган бир замонда Навоий раҳбарнинг ҳалқ иродаси билан танланиши ва унинг пешвою раҳнамолиска лойиқ бўлиши масаласини кўтарган. Бошқача айтганда, давлат раҳбарини сайлов йўли билан энг муносиб кишини жамиятни раҳномоси бўлиши кераклиги гоясини илгари сурилган.

Албатта, демократия – бизга Фарбдан кириб келган сўз. Бироқ кўриб ўтганимиз воқеа замирида нима ётиби? Айнан демократиянинг асосий тамойили ва талаби сайлов институунинг гоявий асоси эмасми?<sup>286</sup>

Шарқ демократиясининг айрим ўзига хос хусусиятлари назарий асосларини қўйидаги мисолларда кўриш мумкин. Шоҳ Баҳром образини талқин этиш, Навоийгача ҳам Шарқ адабиётида мавжуд

<sup>286</sup> Султонмурод Олим. -Т.: АВУ МАТВИОТ-KONSALT, 2008. Б-58-59.

бўлган. Хусусан машхур файласуф машхур “Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк” асари билан ўчмас из колдирган мутаффакир салжуқийлар подшоҳлари вазири – Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий (Низомулмул) (1018-1092) асарида ҳам Баҳромни саргузашти давлат бошқаруви билан боғлиқ хикоятлар орқали ёритилган. Унинг “Сиёсатнома”сида хусусан, давлат бошқарувида асосий ўринда турувчи вазир эканлигини уқтиради. Лекин мулк бошлиғи (подшоҳ) вазирларини доимо текшириб туришларини таъкидлайди. Низомул мулк “Сиёсатнома”<sup>287</sup> да бу масалани шундай ажойиб хикоят орқали ёритади.

Бир куни Баҳром овга чиқиб адашиб колади. Баҳром Гўрнинг Ростравшан деган вазири бўлиб, Баҳром унга ишониб давлатни барча ишларини унга топширган эди. Вазирни устидан ҳеч шикоят бўлганини эшифтмаган эди. Бундай ишончидан ботирлашиб бир кун Баҳромга: ҳалқ жуда адабси бўлиб, адолат сероблигидан ўткирлашиб кетди, жазо бермасак ёмон бўлади деб кўрқаман дейди.

Баҳром шароб ичишу шикор қилишдан бўшамас, давлат ишларини ўз ҳолига, Ростравшанни ихтиёрига ташлаб қўйган эди. Ростравшан бу ҳолдан фойдаланиб жуда кўп разилликларни килди. Хусусан, кўп кишиларни бойликларин тортиб олиб ўзларини зинданбанд қилди. Кўп яхши кишиларни мамлакатдан ҳайдаб юборди. Солиқларни жуда ошириб юборди. Бундан разилликлардан улус мамлакатдан чиқиб кетдилар. Ҳазинага пул тушмай тушмай тугаб колди. Бир куни Баҳромнинг мамлакатига душман тажовуз қилди. У кўшин ишини таъминлаш учун ҳазинадан пул олиш учун келса ҳазина бўм-бўш. Мамлакатдаги машхур кишилардан сўраса, улар вазирдан кўркани туфайли билмаймиз деб жавоб беришиди. Бу ҳолдан Баҳромни кўнгли бузилда ва сиқилганидан яна овга чиқди. Узок йўл юргани учун жуда чанқаб кетади. Шу пайт узоқдан бир тутун чиқкан жойни кўради. Ўша ёққа қараб боради. ҳақиқатдан ҳам шу ерда бир чўпоннинг капаси бўлиб, капанини эшиги ёнида бир итни осиб қўйилганига кўзи тушади. Капанини оғзига чиқиб бир киши чиқиб, унга салом бериб ичкарига таклиф қиласи. Лекин у чўпон келган киши шоҳ Баҳром эканлигини билмас эди. У бор овқатини шоҳни олдига кўяди.

Шоҳ чўпондан кўрган ҳолатни сабабини тушунтириб беришини сўрайди. Шунда чўпон, нега итни ўлдириб осиб қуйганини сабабини

<sup>287</sup> Низомулмулк «Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк» Тошкент «Адолат» 1997. Б-30-38.

айтиб беради. У айтадики бу ит мени күйларимни посбони эди. Мен унга жуда ишонар эдим. Шунинг учун отарни ўзига ташлаб кетардим. Шаҳарга кетсам ҳам кўйларни ўтлатиб қайтариб келарди. Ҳеч қандай бўрини отарга йўлатгани кўймасди. Бир куни санаб кўрсам бир нечта кўй кам чиқди. Бу жойларга ўғри келганини ҳеч ким эслолмайди. Аҳвол шу даржага етдики бир куни садақа омили келиб, закот сўраган эди қолган кўйларим закот адосига кетди. Энди шу омил учун чўпонлик қиласман деди. Яхши хабарим йўқ эди-ю, лекин, бу ит ўргочи бўри билан топишган бўлса керак деб ўйлаб юрарадим. Бир куни ўтин териш учун даштга чиқдим ва ажойиб ҳолни гувоҳи бўлдим. Қарасам бир бўри кўйларни ичига кириб олиб кўйларга бемалол яқинлашашяпти. Бир бута орқасидан яшириниб кузатдим. Ит бўрини ёнига келиб, думини ликиллатиб турарди. Кейин ит у билан жуфтлашди ва бир чеккага бориб ётди. Бўри кўйлардан бирини ёриб ташлади. Хуллас, итни хиёнати туфайли ана шу аҳволга тушганимни сабабини тушундим. Мен итни тутиб олдим ва қилган хиёнати учун жазоладим.

Бу хикоятда Баҳром Гўр жуда таъсиrlаниб жуда таъсиrlаниб, ўз вазири Ростравшанни ишларини ҳам текшириб кўриш режаси пайдо бўлади.

У саройга қайтиб келиши билан, Ростравшанни ҳужжатларини олиб келишни талаб қиласди. Ҳужжатлардан аён бўладики, вазир халкка ситам ўтказган.

Баҳром Ростравшанни зиндонга ташлашни амр қиласди.

Кейин уни элга маълум қилиб, кимни, ундан шикояти бўлса қўрқмасдан келиб шикоят қилиши мумкин дейди.

Зиндонларда ётган, илгари саройда ва вилоятларда ишлаб турган адолатли амалдорларни сўраб, нима ситамлар ўтганини сўраб ҳамма ҳакиқатни билади.

Ростравшанда ҳеч қандай подшохликда йўқ бойлик мавжудлиги маълум бўлди. Олиб текширилган хатлар текширилганда уни кўшни Баҳромга душман подшоҳ билан олиб борилган маҳфий хоинона ёзишмалари ҳам чиқади. Унда Ростравшан подшоҳни мастилигини ва сустлиги туфайли уни кўшинини заифлаштиргани, хазинасини бўшагани, раийят ва амалдорларни ундан нафратини оширгани ва шу билан Баҳромни мулкини босиб олишга тайёр қилиб кўйганлигини билдириб ёзган мактубини ҳам топиб олишади.

“Майдон бўш, душман ғафлатда, ғафлат уйқусидан турмасидан келсангиз яхши бўлар эди” дейилганди мактубда.

Бу хат Ростравшанинг охирги мактуби бўлиб, у хали душманга юборилмаган эди. Баҳром “Ростравшанинг рост ва ёруғлик эмас, балки ёлғон ва коронғуликни ўзгинаси эканқу”, - деди<sup>288</sup>.

Баҳром Ростравшанинг ҳамма бойликларини тортиб олиниб, ўз эгаларига қайтариб берилади. Қолгандари эса хазинага олиб келинади. Уни ўзини эса сарой дарвозаси олдида катта дор қилиниб, ўша дорга осиб кўйидади. Токи бу ҳамма давлат амалдорларига ибрат ва сабоқ бўлсин деб.

Баҳрони ғафлат уйқусидан уйғотиб катта сабоқ берган чўпон, саройга чакирилиб, катта инъомлар берилиб, кўйларини туёгини тиклаб, ундан ҳеч қандай солиқ олинмаслиги ҳукм қилинди. Баҳромнинг бу саргузашти аслида Низомий Ганжавийнинг “Ҳафт пайкар” достонида ўз аксини топган<sup>289</sup>.

Навоийда Баҳромни ўз хатоларини англаши билан боғлиқ ҳолат бошқачароқ тарзда тасвирланган. “Ҳайрат ул-аброр”да ҳам ажойиб тарзда тасвирланган. “Ҳайрат ул-аброр”нинг 59 боби “Баҳромнинг май таъсиридан бахтини кўзи уйқуга кетиб, мамлакатни биноси бу селдан йиқилгани ва мазлумлар фарёдидан уйғониб, бунинг чорасини кўргани”<sup>290</sup>.

Навоий “Тарихи мулуки Ажам” асарида Баҳромни тарихий шахс ва подшоҳ бўлганлигини ёзди. Яъни Баҳром бинни Яздижурд бўлганлигини айтиб ўтади ва унинг фаолияти айнан “Сабъаи сайёр” даги ҳолатга анча яқинлигини Навоийнинг ўзи ҳам айтиб ўтганлигини айтиб ўтиш лозим<sup>291</sup>.

### 3.3. “Маҳбуб ул-қуулуб” асарининг Навоий ижтимоий-фалсафий ва сиёсий қарашларидаги алоҳида ўрни

Мутафаккир томонидан яратилган бошқа асарларнинг бадиий ва илмий қийматини юксак эътироф этган ҳолда унинг “Маҳбуб ул-

<sup>288</sup> Шарқ адабиётida бадиий асарлар образларини номлари рамзий маънога эга бўлган. Хусусан, Ростравшан ҳам, -ростлик ва ёруғлик рамзи сифатида шундай аталган.

<sup>289</sup> Н.Маллаев Сўз санъатининг гултоҳи. Т., 1991. Б-92. яна: шу муаллиф Алишер Навоий ва ҳалқ ижодиёти. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.

<sup>290</sup> Алишер Навоий Ҳайрат ул-аброр МАТ (20 жилдлик) Т.: “Фан” 7 жилд Б-316-1-317. яна “Ҳайрат ул-аброр” (насрый баёни) Т – 1975, Б-132-133.

<sup>291</sup> Алишер Навоий “Тарихи мулуки Ажам” МАТ(20 жилдлик) Т.: “Фан” 2000.16 жилд, Б-234-237.

кулуб” асарининг мутафаккир ижодидаги ва ижтимоий-сиёсий таълимотлар тарихида алоҳида ўринга эга бўлган бўлган бебаҳа манбаъ сифатида баҳолаш лозим деб уйлаймиз. Ушбу дурдона асар мутафаккирнинг умрининг сўнгига, яъни унинг ўзи таъкидлаганидек бутун умри давомида тўплаган ҳаётий ва амалий тажрибалари натижасида яратилганд. Йирик навоийшуносларнинг тарихий ва мемуар асарларга асосланиб эътироф этишларича, асар Навоийни ўлимидан икки ой аввал ёзил битирилган<sup>292</sup>. Шунинг учун Навоийнинг ўзи ҳам ушбу асарни авлодларга насиҳатнома сифатида қолдиришини ният қилиб ёзилганини асар мукаддимасидан билиб олиш мумкин. “Умид улким, ўқиғучилар дикқат ва эътибор кўзи билан назар солғайлар ва ҳар қайси ўз фахму идрокларига кўра баҳра олғайлар, битигувчига ҳам бир дуо била баҳра еткургайлар ва руҳини ул дуо футухи била севундургайлар”,<sup>293</sup> – деб улуғвор башоратни айтади.

Шу ўринда мазкур асарнинг номи ҳақида ҳам ўз фикримизни айтиб ўтиш ўринли деб уйлаймиз. Навоий даври анъанасига кўра асосий йирик асарлар, достонларни араб тилида номлаш расм бўлган. Эътибор қилинадиган бўлса, Навоийнинг ҳам деярли барча асарларининг номланиши арабча. Жумладан, “Махбуб ул-кулуб” ҳам. Йирик навоийшунос олимлар хусусан, Иззат Султон ушбу асарни ўзбекча таржимасини “Қалбларнинг дўсти” ёки “Кўнгилларнинг севгани” деб номлайди<sup>294</sup>. Бошқа навоийшунослар ҳам шу тарзда баҳолашган. Биз “Махбуб ул-кулуб” билан баҳоли қудрат танишиб чиқиб, ундаги бутун гоялар юксак ахлоқ, тарбияланганлик, маърифатлилик, сабрлилик, эзгулик, адолатга, яхшиликка қаратилганини ҳисобга олиб, йирик навоийшунос, устоз олимларни фикрларини инкор этмаган ҳолда асарни номини “Ошиқ қалби” ёки “Яхшиликка ошиқ қалб” деб номлаш мумкин деган таклифимизни илгари сурмоқчимиз. Чунки, арабчадан таржима қилганда “маҳбуб” - ошиқ, “кулуб” - қалб, юрак, кўнгил каби таржима қилинади.

Асар бизнинг давримизда беш асрдан зиёдроқ вақт олдин ёзилган бўлса ҳам мукаммал илмий ҳам дидактик қимматта эга ва Навоий даври ижтимоий тузилма нуқтаи назаридан тизимга солинганлиги жиҳатидан эътиборга молик. Унда жамиятнинг социал тузилиши,

<sup>292</sup> И. Султон Навоийнинг қалб дафтари. -Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. Б-343.

<sup>293</sup> Алишер Навоий Махбуб ул-кулуб МАТ 14 жилд. -Т., 1998, Б-11

<sup>294</sup> И. Султон Навоийнинг қалб дафтари. -Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. Б-343.

уларни ҳар бирига хос хусусияти, хулқ-атвори, вазифаси, функцияси, ижобий ва салбий жиҳатлари тизимга солинган. Мутафаккир жамиятда, тўғрироги давлат ишида ўзи бевосита фаолият олиб борганлиги ва турфа тоифа кишилар билан мулоқотда бўлгани туфайли шундай мукаммал тарздаги бебаҳо мерос сифатида аҳамиятта эга. Зеро унинг тарбиявий жиҳати ҳамма давларга мос тушиб, унинг қиёсий талқинида ҳам ўз моҳиятини йўқотмайди.

Анвало асарнинг тузилиши мукаммал илмий-услубий хусусиятга эга эканлигини таъкидлаш ўринли. Асар уч бўлимдан иборат бўлиб, улар фаслларга бўлинади. Ҳар бир қисми фаслларга бўлинниб, ҳар бир муҳим ижтимоий мавзу хусусида қисқа, лекин теран ёритилган. Масалан: китобнинг биринчи қисми 40 фаслдан иборат бўлиб у “Соир ун-носнинг афъол ва аҳволининг кайфияти” ёки “Халойиқ аҳволи ва афъоли ва аҳволининг кайфияти” - яъни, ҳар хил тоифа одамлар феъл-атвори ва ахволи кайфияти номланади. Ушбу бобда Навоий яшаган даври ижтимоий-сиёсий жараёнлари, ижтимоий-хукукий муносабатларда асосий ўринни эгаллаган тизимлар ва асосий лавозим эгалари хусусида алоҳида тўхталиб ўтилган. Фикримизча ушбу қисмдаги фаслларини номларини ҳаммасини кўрсатиш ортиқчалик ёки зарар килмайди. Аксинча ўкувчида асарнинг тузилиши ва умумий моҳияти ҳақида аниқроқ тасаввур пайдо бўлишида ёрдам беради. Масалан: *одил салотин зикрида, исломпаноҳ беклар зикрида, номуносиб ноиблар зикрида, золим ва жоҳиги ва фосиҳ подшоҳлар зикрида, вузаро зикрида, ноқобиг садрлар зикрида, фосиҳ ва бадмаош, баҳодирлик лофини ургонлар зикрида, ясовул гуруҳи зикрида, ясоглик ва қора черик зикрида, шоҳ улуси ўзига мушобиҳ бўлур зикрида, шайх ул-ислом зикрида, қузот зикрида, муфтими фақиҳлар зикрида, мударрислар зикрида, атиббо зикрида, муфтими фақиҳлар зикрида, назм гулистонининг ҳушинағма қушлари зикрида, котиблар зикрида, дабиристон аҳли зикрида, имомлар зикрида, мукрийлар зикрида, ҳуффоз зикрида, мутриб ва муганнийлар зикрида, қиссасоз ва қиссаҳонлар зикрида, насиҳат аҳли ва воизлар зикрида, аҳли нујум зикрида, тијкорат аҳли зикрида, шаҳарда олиб сотқувчилар зикрида, бозор косиблари зикрида, соирип ҳунарвар ва санъатпардоз зикрида, шаҳна ва зиндонийлар ва аласлар зикрида, дехқонлик зикрида, ятим ва лаимлар зикрида, гариб ва бенаволар зикрида, мубрим гадолар зикрида, қуичи ва сайёд зикрида, тарбият топиб, ҳаромнамаклик*

*қылғон навкарлар зикрида, кадхудолик сифати ва хотунлар зикрида, риёй шайхлар зикрида, харобот аҳли зикрида, дарвешлар зикрида.*

Иккинчи боб “Хамида афъол ва замима хисол хосиятида” - яъни, *яхши феъллар ва ёмон хислатлар хосияти*; деб номланган бўлиб, у ўн фаслдан иборат ва улар куйидаги номланади: *тавба зикрида, зуҳд зикрида, тавакқул зикрида, қаноат зикрида, сабр зикрида, тавозузъ ва адаб зикрида, зикр шарҳида, таважжусъ зикрида, ризо зикрида, ишқ зикрида,*

Учинчи боб “Мутафарриқа фавойид ва амсол сурати” - яъни, *хилма-хил фойдалар ва ҳикматли сўзларнинг кўриниши* деб номланиб у ҳам ўн фаслдан иборат: *карам ва фуутувват тариқида, мурувват бобида, вафо бобида, вафо зайлода ва ҳаёз зикрида, ҳилм зикрида, подшоҳлар зикрида, шабоб айёми зикрида, шайхухот зикрида, сафар маноғии зикрида*, деб номланиб, кўриниб турганидек асосан инсонни хулқ-одоби, унинг яхши ёмон хусусиятлари ҳакида гап боради.

Кўриниб турганидек Мутафаккирнинг ушбу асари, ўз даврида жамият таркибини ўзига хос тарзда, фалсафий, социологик, сиёсий, психологик, ёшга доир тафовутлари таҳлили ва дидактик усулда авлодларга собок сифатида тартиб берилган мукаммал асардир. Улуг мутафаккир ушбу асар дебочасида ушбу асарни ўз ҳаёти давомидаги барча тажрибаларидан келиб чикиб, шуларнинг хulosаси сифатида ёзиб қолдиражагини таъкидлайди. Ўз умрини давлат ва жамият ишлари юзасидан энг юксак амал ва иззат-икромдан то тубан одамлар даврасида, жоҳил одамлар ва уларнинг фитналари туфайли бошига қанчадан-канча гам ва маломат тошлари ёғилганини алоҳида айтиб ўтади<sup>295</sup>.

Мутафакир ўз асарини ижтимоий-сиёсий қарашларининг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий муносабатларда мухим ўрин эгаллаган ижтимоий соҳалар, бу соҳаларни бажарувчи мутасаддилар, бошқа турли касб соҳалари соҳиблари, кишиларнинг ёш тафовутига жамиятдаги фойдалари, оиласи жамиятдаги ўрни каби мухим масалаларга бағишилган. Кўйида асарнинг уччала бўлимидан ўрин олган мухим боб(fasl)ларида тавсифланган мавзуларига тўхталиб, киска таҳлил қилишган ҳаракат қиламиз.

Бобнинг биринчи фасли “Одил салотин зикрида”, яъни одил султонлар зикрида деб номланган. Ушбу фаслда Навоий ижтимоий –

<sup>295</sup> Алишер Навоий Махбуб ул-кулуб МАТ 14 жилд. -Т., 1998, Б -9; (303)

сиёсий қарашларининг марказий ўрнида турувчи жамият ва давлатни бошқаруви билан боғлиқ бош ғоя- адолатли, тарбияли ва албатта маърифатли подшо ғояси яна бир бор мустаҳкамланган. Бу фасли хусусида тадқиқот ишимизнинг бошқа параграфида келтириб ўтганимиз учун бу ҳақда яна кенг тўхталиб ўтирадик.

Ушбу асарнинг Ҳилм яъни юмшоқ табиатлилик зикрида деб номланган фаслида подшоҳлар табиати ҳақида ҳам кенг фикр юритилган.

“Шоҳдин ҳам лутф марғубдир, ҳам сиёсат матлубдир. Аммо ҳар бир ўз маҳалида хўбдур. Бас анга дўстдин душманни фарқ этарға кўп мулоҳаза керак ва фаросат ва ёрдин ағёрни айиурға кўп тажриба керак ва қиёсат”<sup>296</sup>.

“Подшоҳ душманга андоғ ғазаб сурмак керакки, дўст ҳам ундин эмин бўлмағай ва мухоллифга андоғ сиёсат кўргузмак керакки, мувофиқ ҳам андин мутманн қолмағай”<sup>297</sup>. Яъни подшоҳ, мамлакат раҳнамосига ўта зукколик, катта тажриба, мулоҳазакорлик, зеҳнилик зарур. Чунки, подшоҳ дўстдан душманни, яхшидан ёмонни тез ажратадиган бўлиши керак. Эътиборли жиҳати шундаки, Навоий асарларида ҳукмдорларга салобат ва қатъият, ўрни келганда кескин чоралар кўриш асносида айбдорлар, гуноҳкорларни шундай жазолаш керакки, ундан ёмонлар билан бирга, подшоҳга яқин турувчилар ҳам ўзлари учун ибрат ва хулоса қилиб ўзларини доимо тийиб юришлари лозимлиги уқтирилади.

Иккинчи фасл – исломпаноҳ беклар зикрида деб номланган. Ушбу фаслда мутафакир даврида ҳам ундан олдин ҳам кейин ҳам мусулмон жамиятида адолатнинг асосий кафолати ҳисобланган ислом дини деб эътироф этилиши ва айни вактда, диннинг ўзи ва унинг паноҳида бўлган эл-улусга ҳам паноҳ бўлувчи мамлакатни ва вилоятларни бошқарувчилари яъни беклари ҳақида гап борган. Навоий адолатли элпарвар, динпарвар бекларни пайғамбаримиздан кейин ўтган тўрт халифа(Чориёр)ларга қиёс қиласиди. “Мундог шоҳга мусулмон бек набий хизматида тўрт ёрдин биридек. Номуродларнинг паноҳи ва подшоҳнинг давлатхоҳи...”<sup>298</sup>.

“Шоҳ эшиги мундог бекдин холи бўлмасин ва давлатнинг андин ўзга интиқоли бўлмасин”.<sup>299</sup> Яъни мутафакир ҳар қандай пошоҳнинг

<sup>296</sup> Шу манба Б-88.

<sup>297</sup> Шу манба Б 89

<sup>298</sup> Шу манба Б-14

<sup>299</sup> Шу манба Б-14

даргохыда доим ана шундай дин ва диёнатли, ростгүй, эътиқодли, вижданли, халқпарвар беклар асосий таянч бўлиши кераклигини уқтиради.

Кейинги учинчи фаслни аллома “Номуносиб ноиблар зикрида” деб номлаган. Ушбу бобда иккинчи фаслдагидан мутлақо тескари салбий хулқ-атворли ноиблар ва уларни кирди-корларидан келадиган оқибатларни таърифлайди. Мутафаккир бундай номуносиб, мунофиқ ноибларни – ёлғонни савоб сифатида талқин қилувчи, ўзининг нафси йўлида халқ қонини сўрувчи ва ҳамма каззобликларни қилиш учун ўз сўзларини Жаброил вахийисидек сирли килиб кўрсатувчи гуноҳкор сифатида талқин этади. Улар дейди Навоий ёлғон гапни мисоли дин ўрнида савоб деб тушунадилар, қилган гуноҳларидан фаҳранадилар. “Мундоғ ноибки, бир бўлмагай феълию қавли, шоҳ эшигидан гум бўлғони авли”<sup>300</sup> дейди.

Мутафаккир асаарларидаги яхши билан ёмоннни қиёслаш усули катта тарбиявий таъсирга эгалиги аҳамиятини алоҳида айтиб ўтиш ўринли. Шунинг учун айрим фаслларда амалдор ва мутасаддиларни аччиқ, кесатиқ сўзлар билан таърифлаб ўз даври ижтимоий иллатларини очиб ташлади.

Тўртингчи фасл золим ва жоҳил ва фосиқ подшоҳлар зикрида деб номланган. Бу фаслни номидан кўриниб турганидек, бу фаслда маърифатсизлиги яъни жоҳиллиги туфайли зулмкор ва фосиҳлик, тубанлик йўлини тутувчи подшоҳлар хақида гап борган. Навоий шоирона ташбех билан “одил подшоҳ кузгу бу анинг учасидир. Ул ёргу(одил подшоҳ) субҳ бу анинг қоронги кечасидир” дейди<sup>301</sup>.

Мутафаккир ўз гениал фикрларини давом эттириб, - “Чин дер элга – жон хатари, хайрға далолат қилгувчига ўлум зарари. Ҳақ анинг қошида ботил, хирадманд анинг ақидасида жоҳил. Яъни чин сўзни айтгучи золимлар наздида худди ўлим келтирувчи бало, ҳақ сўз улар учун рӯё, аҳли донишлар эса ундан нодонлар учун жоҳил бўлиб кўринади.

Элдин кўнглида кийнаси – маҳфий хазинасининг дафинаси. Қатл учун жон бермак шиори, эл молу жонига қасд – шикори.

Бу ёмон подшоҳки, бўлғай вазири ҳам ёмон андоғки, Фиръавн наёбатида Ҳомон...”

<sup>300</sup> Шу манба Б-14

<sup>301</sup> Шу манба Б-14

“Тенгри бундоқ балоларни адам чохидин вужуд тахтогохига келтурмасин ва йўқлик зинданидин борлиқ шаҳристонига келтурмасин”,<sup>302</sup> дейди мутафаккир.

Бу фикрларни изоҳлаш бизнингча ортиқча. Лекин, улуг Навоий ижтимоий-сиёсий карашларининг асосини ташкил этувчи мамлакат ва жамиятнинг тақдирни подшоҳдан экан, бутун жамият ундан андаза олади ва унинг буйруғига тобеъ бўлар экан, подшоҳ ўз халқига фақат ижобий хислатлари билан ибрат бўлиши кераклиги уқтирилади.

Бешинчи фасли вузаро зикрида деб номланади. Ушбу фаслда ижтимоий муносабатларнинг асосий белгиловчи мақомда турувчи вазирлар хусусида боради. Мутафаккир вазирларни сиёсий етакчи аниқрог айтганда подшоҳнинг асосий таянчи сифатида билади. Чунки ҳар бир соҳани, тармоқни мутасаддиси вазирлар бўлиб, шу соҳа учун жавобгар бўлишган. Ушбу мавзуни ёритишда Навоий тарихий манбаларга мурожаат қилиб, адолатли вазирлар мисолида мукаммаллаштиради. Шунингдек, мавзуга мос ҳадислар ва ҳикматлар билан бойитган. Масалан: вазир вузрдан муштақдир ва бу феъл аниңг зотига аҳақ ва аляқдир. Бу ишни писандга қилғон Осаф эрмишким, нигини нақши “қад раҳимуллоҳу ман инсафа” яъни – “инсоғ қилганга Оллоҳ раҳм қиласи” деган ҳикмат Осафни узугида нақшланган дейилади. Яна эътиборли жиҳати Сулайман подшоҳнинг Осаф деган адолатли вазiri бўлиб, адолат бобида жуда юксак мартабага ва эътирофга лойик бўлиб, унинг узугида юқоридаги ҳикмат битилган ва унинг ўзи айнан раҳмдил ва одилликни унутмаган. Умуман Осаф образини Шарқ адабиётида адолатли вазир образи сифатида талқин этиш анъанаси бўлган. Унинг образи “соҳиби тадбир”,<sup>303</sup> донишманд вазир сифатидаги талқини Навоий ижодида ҳам унга шундай ўрин ажратилган.

Мутафаккир золим вазирларни одил вазирларни зидди сифатида таърифлар экан уларни мулкни барбод қилувчи, халқни чаёндек чақиб катта зиён етказувчи, улус қонини сўрувчи конхўрлар сифатида тарифлайди.<sup>304</sup>

Кейинги фасл ишқобил садрлар ҳақида боради. Маълумки садрлар мусулмон шарқида жамият ва давлат ишларини асосий ташкилотчилари ва назоратчилари бўлишган. Лекин, садрларни

<sup>302</sup> Шу манба Б-14-15

<sup>303</sup> Шу манба Б- 16 ва275.

<sup>304</sup> Шу манба Б- 16.

салбий хулқлари ва жамият ахлига зиёнли харакатлар, қаллоблик, риёкорлик, фиску-фужр, майхўрлик, майший бўзуклик, таквода соҳтакорлик каби иллатлар билан фош этади. Чунки ҳамма даврларда бўлгани каби Навоий даврида ҳам шундай риёкорлар бўлиб, улар динни никоб қилиб жуда катта жиноятларни қилишганини ва уларни келтирадиган зиёнларини таърифлаган<sup>305</sup>. Зоро динда ва ўша давр тартиб-коидаларига кўра, садрлар адолат тарозиси сифатида халқни хизматида бўлиши кераклиги таъкидланади.

Кейинги еттинчи фаслида ҳам фосиҳ ва бадмаош, баҳодирлик лофин ургонлар зикрида деб номланиб унда ҳам Олим ўз замонида мавжуд иллатлардан - хоинлик, мақтанчоқлик, баландпарвозлик, лофчилик, халққа зулм ўтказиш, зулмни “савоб” сифатида қилинишини таърифлайди<sup>306</sup>.

“Маҳбуб ул-кулуб”нинг биринчи қисм ўнинчи фасли – шоҳ улуси ўзига мушобих бўлур зикрида деб номланган. Ушбу фаслининг эътиборга лойиқ жиҳати шундаки, бу мавзуда жиддий сиёсий таълимот илгари сурилган. Бу назария Навоийдан илгари ва ундан кейин яшаб ижод қиласан олимлар назарияларида ҳам асосланган, лекин Навоий талқинидагичалик мукаммал тарзда ҳам илмий ва мажозий тарзда ифодаланмаган. Мутафаккир жамият ахли хусусан, жамиятни бошқарувида иштирок этадиган юқори катлам, шоҳ билан бевосита мулоқотда бўладиган амалдорларнинг хулқ-атвори хатти-харакатлари шоҳга муносиб бўлади дейди. Шоҳга бўйсунадиган мулоғимларнинг феъли, шоҳга муносиб бўлади. Агар подшоҳга адолат шиор бўлса унинг тобъеларига ҳам шу шиор, агар шоҳ зулмкор бўлса, унинг тобъелари ҳам адолат қилишдан “андиша” қилишади, агар шоҳ исломпаноҳ, унинг мулоғимлари ҳам динни асосий шиор қилиб, харакатларини дин талаблари асосида қатъий олиб боради, агар шоҳ куфр ишларни қиласа, унинг тобъелари унданда минг карра кўпроқ куфр ишларини килувчи бўлишади.

Мутафаккир шу ерда ажойиб мажозий хикмат келтиради: “Хукамо шоҳни дебдурлар: дарёйи заҳхор ва қавму хайлини дарё теграсидаги анҳор. Дарё суйига не кайфият ва не хосият, анҳорга ҳам ул кайфият ва хосият. Ул аччиғ-бу аччиғ; ул чучук-бу чучук; ул тийра – бу тира; ул сузук – бу зузук”,<sup>307</sup>.

<sup>305</sup> Шу манба Б-16-17.

<sup>306</sup> Шу манба Б-19

<sup>307</sup> Шу манба Б-20.

Яъни олимлар, хукамолар подшохни бир пишқириб оқадиган дарёга ўхшатишган, унинг кўл остидаги кишилар гурухи ҳам шу дарёдан ажралиб чиқадиган арикларга ўхшайди. Агар дарё суви аччиқ бўлса арик суви ҳам аччиқ, чучук бўлса ариклар ҳам чучук, агар дарё суви лойқа бўлса арик суви ҳам лойқа бўлади, агар дарё суви тиник бўлса ариклар суви ҳам тиник дейди Мутафаккир.

“Махбуб ул-кулуб”нинг яна бир муҳим мавзуларидан бири жамиятнинг муҳим белгиловчи бўғини ҳисобланган – оила мавзусига бағишиланган. У “кадхудолиг сифати ва хотунлар зикрида”<sup>308</sup> деб номланган. Оила –рўзгор ҳамма даврларда жамиятнинг муҳим бойлиги бўлиши билан бирга, турли тарзда асосий муаммоси ҳам бўлиб келган. Шунинг учун мутафаккир аввало оиласи асосий ташкил этувчилари эр ва хотин бир-бирларига муносиб бўлишлари, бир-бирларини тушуниши ва ҳурмат қилишлари кераклигини уқтиради. Навоий замони лисоний хусусиятидан келиб чиқиб, рўзгор болиғи ёки бошқача айтганда оила бошлиги - кадхудо деб, рўзгор бикаси эса кадбону деб айтилган.

“Мувофик тушса кадбону, давлат ва жамиятга бўлмоқдуур ҳамзону. Уйнинг ороиши андин ва уйлукнинг осойиши андин... Бу навъ жуфт кишига қовушса, балки мундог комгорлик иликка тушса, ниҳоний ғаму меҳнатда ҳамроуз ва ҳамдаминг бўлғай ва махфий ва пинҳон дарду машақатга дамсоз ва марҳаминг бўлғай. Рўзгордин ҳар жафо етса, анисинг ул ва ҷарҳи давворинг ҳар ибтило келса жолисинг ул. Кўнглинг ғамидин ул ғамнок ва баданинг заъф малолатидин ул ҳалок”<sup>309</sup>.

Оиласи муносиблик жуда катта олий баҳт топиш қандайдир ноёб ва тасоддифий ҳодиса сифатида эътироф этилади. Бу масалада шоир кисман пессимизм тарзида кайфиятни талқин этади. Хусусан намунали ва ҳамма ҳавас қиласидаган аёллар ҳар юз йилда дунёга келади, лекин юз минг йилда муносиб жуфтига йўлиқмас дейди. Бу фикрдан икки хил хulosи чиқариш мумкин, биринчиси – Навоий ҳазилномо муболага қиласидаги бўлиши мумкин; иккиласми чўз даври ижтимоий муаммолари, хусусан оиласардаги ўша давр муҳитида ҳам ҳозирги каби ҳар хил рўзгор икир-чикирлари каби можаролар катта муаммолардан бири бўлганлигини англаш мумкин. Нима бўлганда ҳам оила жамиятни шакллантирувчи ва уни яшатувчи асосий омил

<sup>308</sup> Алишер Навоий Махбуб ул-кулуб МАТ 14 жилд . -Т.:1998, Б-43.

<sup>309</sup> Шу манба Б-43.

эканлиги, жамиятдаги умумий ижтимоий юксалиш ёки ҳалокатлар оиласында мұхитда пайдо бўлиши ҳақидағи ҳикмат ҳеч вакт эскирмайди. Мана У бу ҳақда нима дейди: “улки аввал бўлди ва юқорироқ мастур бўлди рўзгор аносидан юз йилда бир түгмас ва юз минг йилда бир йўлиқмас. Йўлиққан кишига тоғи тарок бўлсин ва бу саодат анга муборак бўлсин”<sup>310</sup>!

Мутафаккир, оила тинчлиги бутун жамиятга фойдалы эканлиги, лекин агар ёмон бўлса, айниқса оиласында аёл нобоб бўлса, ундан ёмони йўклигини уқтиради. Ундей оила ва рўғордан фақат оиласи ўзигина эмас, балки бутун жамият азият чекади ва зарап кўради дейди. Ёмон аёл ҳам бир касалликка ўхшайди, у турмуш ўртоғини, оиласи ҳалокатга олиб боради. Агар аёл ўзи кўпол ва тили шаллақи бўлса ундан аввало эрини ва бошқаларни ҳам дили шикаста дейди олим. Чунки оқибатсиз ва шаллақи юзсиз аёл туфайли оиласининг бутун сири ошкор бўлади ва бундай иллат бутун жамиятга ёйлади.

“Аммо наузубилло, носоз жуфт элга муҳлиқ(ўлдирувчи, ҳалок қилувчи) мараздур(касаллик) ошкор нуҳуфт(яширин). Салита(уятсиз, шаллақи) бўлса, кўнгил андин шиканжа. Ямон тиљлик бўлса, абушқа(эри) кўнгли андин яроғлиг”<sup>311</sup>

Аёллар макрини ҳамма донишмандлар қанчалик муболага қилиб тарифлашган бўлса ҳам, бу тарифлар ҳақиқатни мингдан бири ҳам эмас. Илло аёлларни юзидан иффат ва ҳаё ниқоби кетмасин ва доимо шунга эхтиёт бўлиш керак, чунки қайсики аёл ҳар биримизга она, амма-хола, опа-сингил, келин ёки қиз экан улар бегона эмас. Уларга аввало тўғри тарбия бериш керак ва оллоҳдан улардан инсоф диёнат, шарм-ҳаё пардасини кўтарилимаслигини тилаш фойдадан-фойда, дейди мутафаккир<sup>312</sup>. Зеро оиласи тарбия масаласи миллати, дини, тили, ижтимоий ва майший турмуш тарзидан қатъий назар, ҳамма халкларнинг асосий муаммоларидан бири. Ҳозирги кунда у глобал муаммо сифатида эътироф этилмоқда. Демократия, инсон хуқуқлари ниқоби остида турли номақбул, инсон маънавиятга зид бўлган урфларни шакллантиришга уринаётган оқимлар ва ғаразли гояларни тарғиб қилаётганлар, оиласи муносабатларга раҳна солиш орқали бутун инсониятнинг маънавиятини заҳарлашашаётпичи. Бундай иллатлардан Европа ва Америка жамиятларида жорий қилинаётган бир

<sup>310</sup> Шу манба Б-43

<sup>311</sup> Шу манба Б-43

<sup>312</sup> Шу манба Б-43-44

жинсли никохлар, аёллар ҳуқуқи, гендер тенглик каби сохта ва хавфли гояларни тарғиб қилаётган гоялар ва уларни муаллифлари ва тарафдорларини айтиб ўтиш мумкин. Вахоланки оиласда тарбиянинг асосий юки ва масъулияти аёллар зиммасидаги вазифа. Аёллар эса ўз тарбиялари, маънавиятлари билан шунга муносиб бўлишлари керак.

Деҳконлар зикрида деб номланган бобда Навоий “деконки, дона сочар, ерни ёрмок била ризқ йўлин очар. Агар ростлик ва салоҳи бордир ўйи Солих нақорасидин намудордир... Олам маъмурлиги алардин. Ҳар қаён қиссалар ҳаракот, элга ҳам кут етказур ҳам баракат”<sup>313</sup> деб жамиятда асосий ноз-неъматларни яратувчилари меҳнаткаш ва захматкаш тоифа деҳконларни ююри бахолайди.

“Мундок киши керакки, бухлдин(бахил) муарро(холис) бўлса ва кизбу(кazzоблик, ёлғончилик) имсоқдин(бахиллик) мубарро(пок, тоза). Шоҳ молин берурдин ибо қилмаса ва забун шерикка жафо қилмаса то донаси дурри саодат бар бергай ва тухм сочиб, анжуми улувви(олий, баланд даража) риғъат(баланд мартаба) тергай. Мундок деҳкон Одамнинг(Одам ато назарда тутилмоқда) фарзанди халафидур, балки мазруқлар анга фарзанд ва ул Одами сафийдур”<sup>314</sup>. Шунингдек Навоий деҳконлар билан адолатли ва бегараз, холис муносабат қилинса, ҳам мамлакат ҳалқи тўқ ва фаровон яшайди ҳам давлат ҳазинаси тўлишига кафолат бўлади, дейди.

*Асарнинг тижорат аҳли зикрида, шаҳарда олиб сотқучилар зикрида, бозор косиблари зикрида, сойир ҳунарвар ва саъатпардоз зикрида*<sup>315</sup> фаслларида – ҳар хил найранг, кazzоблик билан ҳалқни кийинчиликларга солувчи, инсофисизларни фош этилган. Вахоланки, тижорат аҳли, мамалакат маъмурчилигини таъминлаши, ўз юритида мавжуд бўлмаган маҳсулотларни олиб келиб, инсоф диёнат билан нарх қўйиб сотиб одамларни йўгини бор қилувчи тоифа бўлиши кераклиги айтилади. Бундай муаммолар бизни давримизда ҳам йўқ эмас. Умуман бундай мавзулар ҳамма даврларда ҳамма жойда бор бўлган муаммолардан бўлганлиги учун ўз долзарблигини йўқотмайди. Навоий тижоратчиларни ўз молларига сигинувчи, пули кетиб қолишидан кўркиб ўзини таом емакдан тийилювчи зикна, бир пулга олган молини юз пулга сотувчи инсофисизлиги иллатларини очади ва бундай иллат инсониятни бошига доимо бало келтирувчи

<sup>313</sup> Шу манба Б- 37-38

<sup>314</sup> Шу манба Б- 37-38

<sup>315</sup> Шу манба Б-34-36.

иллат эканлигини очиб ташлайди. Бунинг учун эса юрт рахнамоси бўлган подшоҳ ва унинг мутасаддилари мамлакат бозорларида қаттиқ назорат ўрнатиши лозимлигини уқтиради.

“Шаҳр савдогари ғадркиш(хонин, рахмисизлик, золим) ўзига суд ва мусулмонларға қаҳтандиши(қаҳатчилик, қақшатиш). Элга зиён анинг суди(фойда, даромад), ўнгой(осон, арzon) олиб оғир сотмоқ анинг максуди. Олурда катонни(киммат бир мато тури) бўз деб, сотарда бўз васфида катондин ортуғ юз сўм деб. Шолни тўрқа ўрнида ўткара олур бўлса, таъсир йўқ. Дўконида барча матоъ мавжуд, гайри инсоф...”<sup>316</sup> зеро мамлакат фаровонлиги ва барқарорлиги иқтисодий омилларига таянар экан аввало юрт рахнамолари биринчи навбатда моддий бойликлар ва тижорат ишларини адолатли расомад килиши лозим. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Президенти мустақилликни илк куннларидан бошлаб, иқтисодий ресурсларни эркин, лекин қатъий қонун доирасида харакат олиб боришини таъминлаш масаласига ўта жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Бирок Навоий тарифлагандек иллатлар ботқоғига ботган тижорат ва иқтисодий, молиявий тизимлар мутасаддилари ҳали афсуски кўп.

Асарнинг шайх ул-ислом зикрида ва қузот зикрида фаслларида жамиятнинг асосий эгулишка чорлаши ва адолатни таъминлашда масъул бўлган икки мутасаддилари ҳакида фикр юритилади. Лекин Навоий бу тоифа кишиларни аччиқ танқид остига олади. Агар дейди мутафаккир, шундай ижтимоий муносабатлар, сиёсий ҳокимиятнинг асосий таянчи бўлган кишилардан ёмонлик келадиган бўлса жамият ва давлат инқизога маҳкум бўлади. Қозилар ўзлари элни гуноҳкорлик ва жиноятдан тийиш ўрнига ўзлари майхурлик, пораҳурлик, майший бузукчилик иллатларига киришдан андиша қиласмилиги катта инқизоз эканлиги таъкидланади ва қаттиқ танқид қилинади. “омий қозики май ичкай – ўлтургаликдур ва дўзах ўтига етмасдин бурун куйдиргуликдур. Қозий ришвагар(пораҳўр) – ислом ҳисорига рахнадир...”<sup>317</sup>

Асарнинг кейинги фаслларида назм гулшанининг хушнағма күшлари зикрида, котиблар зикрида, дабиристон аҳли зикрида, қиссасоз ва қиссаҳонлар зикрида, насиҳат аҳли ва воизлар зикрида каби мухим мавзуларда гап боради<sup>318</sup>. Бу фаслларда мутафаккир,

<sup>316</sup> Шу ерда

<sup>317</sup> Шу манба Б -21-22

<sup>318</sup> Шу манба Б 22-32

жамият ҳаётида муҳим, масъулиятлди шундай бўғилари ва унда мутасадди кишилар хусусида қисқача лекин теран ва таъсирили фикрлар юритади. Чунки инсонлар ўртасида муносабатлар событилиги ва баркарорлигига хукумат таркибидаги масъулиятли кишилар жавобгар бўлса, тарбиявий масалаларда мактаб ва тарбиячилар, таълим берувчилар, ижод аҳли, қиссасозлар, таълим-тарбиянинг тури тарзини олиб борувчи соҳа кишилари ўз вазифаларини доимо эътибор билан олиб боришлари зарур. Чунки жамият ҳаётининг асосий белгиловчи таянчи бу маънавий тарбия масаласидир.

Зеро, бизнинг мамлакатимизда ҳам жамиятнинг маънавий камолоти масаласига давлат сиёсатининг устивор масаласи сифатида жиддий қаралаётганлиги ҳам бежиз эмас. Инсон бошқа мавжудодлардан ўзининг тилу-забони ва тафаккури билан фарқланар экан, унмнг кейинги камоли ва жамиятнинг равнақи ҳам юксак маънавият ва комилликка асосланиши керак.

“Маҳбуб ул-кулуб”нинг кейинги иккинчи ва учинчи қисмлари кўпроқ диний масалалар хусусан диннинг инсон маънавияти камолотига хизмат қиласидан мавзуларига бағишлиган бўлиб, тавба, зухд(зоҳидлик), таваккул, қаноат, сабр, тавозуъ ва адаб, зикр, таважжух, ризо, ишқ<sup>319</sup> каби теран масалалар ўрин олган бўлиб, бу масалалар ҳам инсон камолоти билан боғлиқ муҳим мавзулар бўлиб, улар асосан илохий услуг ва тилда баён қилинганлиги учун уларни изоҳлаш масъулиятини ёритишида тажриба ва билимимиз этишмаслиги боис андиша килдик.

Асарнинг учинчи қисми: карам ва футувват тариқида, муруватт бобида, вафо бобида, вафо зайдида ва ҳаё зикрида, ҳилм зикрида, подшоҳлар зикрида, шабоб айёми зикрида, шайхухот зикрида, сафар манофии зикрида<sup>320</sup> каби фаслларга бўлинган бўлиб теран инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган. Бу қисмда инсон ўзгалар ғамини хис қилиши, муруватли, хушфеъл бўлиши, муруватли бўлиши, ёшлиқ даври бехуда ва ҳар хил мазмунсиз ишлар билан ўтказмаслиги, кексайганда ёши улуг кишилар ёшларга намуна бўладиган нуроний ва насиҳатгўй бўлиши, ўз ҳаётий тажрибаларини кейинги авлодларга етказишида масъул бўлиши каби теран ғоялар акс эттирилган.

<sup>319</sup> Шу манба Б 47-71.

<sup>320</sup> Шу манба Б 72-130

Умуман ушбу асар хусусида хulosавий фикрларни умумлаштиrsa қуйидагиларни айтиш мүмкін:

- “Махбуб ул-кулуб” Алишер Навоий ўзи айтганидек, ўз умри давомида түплаган ҳәётий тажрибалари ҳосиласи сифатида ёзилган панднома сифатида ёзилган кимматли дурдона асардир;

- Ушбу асарда Навоий җаври ва бошқа давр ва минтақалар анынавий жамиятларида мавжұд бўлған ҳозирги давр учун ҳам бегона бўлмаган ижтимоий муносабатлар ва сиёсий бошқарув билан боғлик тизимлар, мутасадди шахслар хулқ-автори, ҳолати ва масъулияти билан боғлик хulosалар ва тавсиялар баёни тасниф этилган;

- Ушбу асарда мутафаккир, ўз даври жамиятини ҳам сиёсий ҳам социологик ҳам психологияк жиҳатдан таҳлил қилган ва уларни бир-бири билан муносабатларда умумийлиги, хусусиятлари ва зиддиятлари, ижобий ва салбий жиҳатлари хусусида мутлақо янгича ва тақрорланмас ғояларни илгари сурган;

- Асарнинг ҳар бир бўлим ва бобида ижтимоий муносабатлари билан боғлик ҳар бир бўғинни ижтимоий-сиёсий тавсифи, унинг яхши ва ёмон томонларини қиёсий тарзда баёни қиласи, унинг тарихий шахслар, хусусан подшоҳлар, вазирлар, бошқа тарихий воқеалар тафсилоти ва хulosалари, тўқима образлар ва мажозий воситалар билан тавсифлаган ва таърифланган;

- Асар инсониятни юксак маънавий мукаммалликка чорловчи ғоялари мужассами бўлган умуминсоний адолат тамойиллари ва инсон маънавий камолотининг илоҳий асоси бўлган диний асосларидан моҳирона фойдаланади;

- Инсоний камолотнинг мухим талаблари бўлган – адолат, инсоф, диёнат, мурувват, футувват, жўмардлик, вафо, садоқат, сабрлилик, мардлик, бағрикенглик, унинг асоси бўлган эътиқодлилик, тажрибалилик, тарбиялилик, маърифатлилик каби башарий сифатларининг зарурлигини эътироф этади;

- Эътиборли жиҳати эса, ушбу асарни барча даврлар учун ўз қадрини йўқотмайдиган мукаммал эканлиги, шунда деб уйлаймизки, чунки, мутафаккир ушбу асарни, ўз давригача бўлган машҳур тафаккур даҳолари маънавий меросига таянган ҳолда ва уларни ўз ҳәётий тажрибаларида синовидан ўтган ҳақиқат сифатида тарих варагида мангу муҳрлаган;

## **IV боб. АЛИШЕР НАВОЙ ҚАРАШЛАРИДА ЖАМИЯТ ТАРКИБИ ВА СИЁСИЙ РАҲБАРЛИК**

### **4.1. Алишер Навоийнинг жамият ва унинг таркиби тўғрисидаги карашлари**

Инсоният тарихида ўзига хос чукур из колдирган кўплаб алломалар сингари Алишер Навоий ҳам доимий ўзгариш, ривожланишида бўлган жамият ва унинг таркиби тўғрисидаги карашларни илгари сурган. У ўз карашларини турли бадиий асарлари оркали изоҳлаган. Шу маънода, айтиш мумкинки, Навоий давригача шаклланган илмий билимлар ва миллый фалсафий тафаккурнинг ривожланиши унга жамиятни илмий асосда ўрганиш учун кенг имконият яратган. Навоий ўз давридаги жамият ва унинг тузилишини таҳдил қилас экан, ижтимоий ўзгаришлар жараёнида унинг таркиби ҳам ўзгариб боришини таъкидлайди. Шунингдек, аллома туркий халкларга хос ижтимоий табакалар деганда, урф – одатлар ёки қонун билан мустаҳкамланган, авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтадиган хуқуқ ва бурчларга эга бўлган ижтимоий бирликлар назарда тутилишини кўрсатиб ўтади. Навоий ўзининг олиб борган изланишлари оркали жамиятнинг ҳар бир онгли аъзоси ўз касб-кори ва ихтисосидан катъий назар, жамият тўғрисидаги билим ва таълимотларни чукур эгаллаш оркалигини теварак-атрофда рўй берадиган ижтимоий ҳодиса ва жараёйларнинг келиб чиқиши сабаблари ва оқибатларини билиш, уларни бошқариш қобилиятига эга бўлади, деган хulosага келади ва жамият тўғрисидаги билимларгина барча халкларга хос ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий ҳодисаларнинг умумий асосини аниқлашга, яъни ижтимоий-сиёсий ҳаёт баркарорлигининг фундаментал асосларини белгилашга, жамиятни яхлит ҳолда сақлаб қолишга имкон беради, деб таъкидлайди.

Навоий ижодида жамият тушунчаси, аввало, кишилар жамоаси, уларнинг бирлигини ифодалаш маъносида ишлатилган ва бундай ёндашув кўпроқ диний карашлар билан омухталаштирилган. Унинг фикрича, жамият шунчаки кишилар йигиндиси эмас, балки у аввало, ўзаро бир-бири билан ижтимоий алокада бўлган кишиларнинг бирлигини ифодаловчи тушунча хисобланади. Шунингдек, жамиятнинг ижтимоий ҳаёти ундаги мавжуд кишилар, турли ижтимоий бирликлар ва гурухлар орасидаги турли-туман алоки ва муносабатларни ҳам ўз ичига камраб олади.

Навоийнинг фикрига кўра, жамиятнинг ижтимоий ҳаёти унинг ижтимоий таркибида ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам жамиятнинг ижтимоий таркиби турли ижтимоий бирликлардан иборат, деб қаралади.

Навоий ўз ижтимоий-сиёсий карашларида жамиятнинг кишилар уюшмасининг маҳсус шакли, кишилар ўргасида амал қиласидан жуда кўплаб муносабатлар йигиндиси, табиатнинг бир қисми, ижтимоий борлик сифатида тушунмаган бўлсада, унинг ғоят мураккаб ва кўпқиррали ҳодиса эканлиги, мутгасил равишда ўзгариш ва ривожланиши хусусиятига эгалигини билган. Шунинг учун ҳам Навоий жамият моҳиятини билишга ва инсоннинг жамиятдаги ўрни ва ролини белгилашга ҳаракат қилган. Булардан кўринадики, унинг асарларида ўз даврининг тафаккури, рухияти ҳамда орзу-ингилишилари ифода этилган. Ўз навбатида, жамият фаровонлиги ва миллат равиначи учун хизмат қиласидан ғоялар ҳам ўртага ташланган. Навоийнинг фикрича, жамият шунчаки кишилар йигиндиси эмас, балки у аввало ўзаро бир - бири билан ижтимоий алокала бўлган кишиларнинг бирлигини ифодаловчи тушунча ҳисобланади. Унингча инсоннинг ёғиз ўзи ҳал қилувчи қудратга молик эмас, унга куч қудратли факат жамият беради, деган илгор фикрларни олға суради. Инсонларнинг эҳтиёжлари турли-туман ва сон-саноқсизdir. Бу эҳтиёжларни қондириш зарурияти инсонларни бирлашишига, бирга яшашга давъят этади. Бу эса, ўз навбатида, инсонларнинг қишлоқ ва шаҳар каби ижтимоий ҳаёт кечирувчи марказларни пайдо қилишга олиб келди.

Навоий жамиятнинг юзага келиши асосида инсоннинг энг аввало ўзаро ёрдамнинг зарурлигини, ўзаро фойда, биргаликда эҳтиёжларни қондириш заруратларини тушунган, одамларнинг умумий манфатларини кўрган ва шунга кўра, у жамият кишиларнинг ҳамкорликда фаолиятларини ўтказиш заруратидан келиб чиксан дейди. Навоий инсоннинг қадр-киммати ўз вазифасини аъло даражада бажаришидан иборат бўлиб, шунинг учун ҳам инсоннинг энг асосий вазифаси ва ўрни меҳнат билан белгиланади, инсон ўз истагига меҳнати туфайли эришади, деб кўрсатади. Навоий ўз даврида ёк жамият ва инсон моҳиятнан бир-бири билан узвий боғлиқ эканлигини яхши билган ва мазкур тушунчаларни бир-бири билан айнийлашгериш ҳам, уларни бир-бирига қарама-карши қўйиш ҳам хато эканлигини исботлашга уринган. Унинг фикрича, инсон моҳиятини бир ёқлама тушуниш мукаррар равищда жамият моҳиятини ҳам бир ёқлама ва хато тушунишга олиб келади, чунки инсон ва жамият – бир-бири билан узвий боғлиқдир. Инсон жамиятдан ташқарида ўзининг ҳақиқий моҳиятини йўқотади.

Улуғ мутафаккир бобокалонимиз А.Навоий асарларининг деярли барчаси ижтимоий-сиёсий муносабатларни такомиллашувига, инсонлар жамиятини камолотига, улар ўргасидаги ўзаро муносабатларни юксалиб

боришига хизмат қиласынан ғоялар билан сүгорилган. Унинг ана шундай мукаммал асарларидан бири “Махбуб ул-кулуб”дир.<sup>321</sup> Тәкілдаш үрнеклики, үрта аср бадий адабиетига хос бўлган анъана, *асар қаҳрамонлари*, асосан, жамиятнинг юкори табақалари вакиллари образида ифодалашаща ўзига хос рамзийлик бор.

Навоий “Махбуб ул-кулубда”нинг муқаддимасида, жамият жуда мураккаб тузилишга эгалигини таърифлар экан, турли инсонлар, турфа феъл-автор, мақсад ва манбаатлар унинг ҳаракатлантирувчи кучи эканлигини, лекин жамиятнинг ҳар бир аъзоси ундан ўзига хос хулоса чиқаришни айтади ва бунга ижтимоий сиёсий муносабатлар масаласида ўз ҳаётида кечган жараёнлардан мисоллар келтириб ўтади.

Маълумки, Навоий жамият манбаатларини кўзлаб, айниқса ўз даври сиёсий элитаси ва олигархияси вакилларига намуна бўлиши мақсадида, кўплаб доруш-шифо (касалхоналар), қироатхоналар (кутубхоналар), каналлар ва ариклар қаздирган ва бошқа бир қанча ижтимоий иншоотларни ўз хисобидан қурдирган ёки уларга раҳнамолик ва хомийлик қилган. Ижтимоий-сиёсий фаолиятининг бош гояси эса мурувват, футувват, саховат, жўмардлик, инсонпарварлик ғояларига қаратилган. Унинг бу ғоялари деярли барча асарларида ўз аксини топган. Шунинг учун умр поёнида авлодларга ушбу масалаларни тушунишга ёрдам берувчи бир панднома - “Махбуб ул-кулуб”ни мерос қолдиришга қарор қилганини баён қилади. Назаримизда, ушбу асар мутлақо ижтимоий-сиёсий мавзуда бўлиб, давлат ва жамият ишини бошқариш ишларига бағищланган. Чунки, асар кўпроқ подшоҳлар, хукмдорлар, султонлар, ҳокимлар, беклар, садрларнинг яхшилик ва ёмонлик хислатлари, ижтимоий муносабатлари ҳақида ёзилган. Бу жиҳатдан асарни бутунги сиёсий фаннинг “қиёсий сиёсатшунослик” йўналишидаги “субстанциал қиёслари” бўйича яратилган дейиш мумкин. Шунингдек асарда инсонларнинг жамият бошқарувидаги “сиёсий шитирок” и ҳам кенг шарҳланади.

Ҳар бир ўзгарган тарихий даврда жамият моҳиятини янгича идрок этиш, унга янгича ёндашиш зарурияти пайдо бўлади. Турли тарихий даврда яратилган жамият тўғрисидаги фалсафий таълимотларда давр рухи, жамиятнинг маънавий салоҳияти ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам Навоий ўз ижодида жамият тараққиети ва унинг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий меъёрлардаги ўзгаришларини даврлар билан қиёсий равишда талкин қилган. Ижтимоий назария ва таълимотлар ҳамиша жамият дуч келган мураккаб муаммоларни ҳал этиш заруритидан пайдо бўлади.

<sup>321</sup> А.Навоий – Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. -Т.: 1998; 14 том 273 бет.

Жамият илғор фалсафий таълимотлар туфайли олга томон ривожланиши билан ҳозиргача амал қилиб келган таълимотлар ўрнига илғорроқ таълимотларни яратиш ҳәстий эҳтиёжга айланади. Шунинг учун ҳам Навоий ўз ижодида жамият тузилиши ва бошқарувидаги ижтимоий-сиёсий қарағашларнинг янада юксак аҳамият касб этганигини алоҳида кайд этиб ўтади. Навоий жамият, унда чексиз равищда рўй берриб турадиган ижтимоий-сиёсий ҳодисалар, жараёнлар хусусида мухим ижтимоий-фалсафий ғояларни илгари сурди ва исботлаб берди. Жамиядта бўлиб турадиган ўзгаришлар, яъни тузилиш ва бузилишларнинг, пайдо бўлиш ва йўқолишларнинг ўзига хос сабаблари борлиги ҳакидаги мулоҳазаларини ўргатга ташлайди. Шуни алоҳида айтиш мумкинки, Навоий ўз давридаги ижтимоий-сиёсий ҳәётни чуқур таҳлил қиласар экан, асрлар мобайнидаги ижтимоий ўзгаришлар жараённида унинг жамият таркиби ҳам ўзгариб бортаглигини алоҳида таъсилтайди. Шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳозирги даврда ҳам бу масала довзарб бўлиб колмоқда.

Маълумки, Алишер Навоий яшаб ижод қилган даврда жамиятнинг таркибий тузилиши бир неча қабила, уруғ, элат ва миллатлардан ташкил топган эди. Лекин жамиядта булардан ташқари турли хил касб-кор эгалари ҳам бор эдик, улар ўртасидаги ўзаро ижтимоий адолат принципларини мувофиқлаштириш мухим масалалардан бири эди. Бу ҳақда Навоий ўзининг “Вақфия” асарида кенгроқ тўхталиб, Ҳусайн Бойқаронинг салтанат таҳтини эгаллагач биринчи тадбирлар қаторида ўз кўл остидаги турли табака, ҳар хил уруғ ва қабилаларга бўлган муносабатини бирмунча тўғри белгилаганлиги масаласига эътибор қаратади. Гарчи бу муносабатнинг ана шу турли қабила ва уругларнинг моддий ва маданий ҳәётини енгиллаштириш маъносида бўлмасдан, балки улар орасидан чиққан нуфузли шахсларни давлат ишларини бажаришга баробар жалб этиш доирасидаги бу тадбирни Навоий ихтилоф ва норозиликларни бартараф этилишида ижобий кадам деб ҳисоблайди. Масалан Навоий ёзди: “замоннинг азимуーション содот ва фузалоси ва давроннинг каримулхули қузот ва уламоси ва темурий најод шахзодалари ва “барлосий” ниҳод озодалар ва “арлотий” исмлик садрнишинлар ва “тархоний” расмлик айшгузинлар ва “қиёти” наасаблик мутаайиинлар ва “қўнгирот” ҳасаблик мутамаккинлар ва “уйгурый” сифат бахшилар ва “уйгур” чарғалик яхшилар ва “чўли”лик биёбонида жонсипорлик қилғон жондорлар ва бойрилик айёмида хизматторлик қилғон жонсипорлар ва “жалойир” гавғоси ва “қавчин” алоласи мавжуд эрди ва ҳар подшохона иноят ва ҳар қайсига бир муносаб мансаб била сарбаланд ва

хисравона тарбият ва хар бирисини мувофиқ амал “шүглиға пайванд күлдилар”<sup>322</sup>.

Алишер Навоий ўз асарларида замонасидағи ижтимоий табакалар, гурухлар, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий ҳодисаларга фаол муносабат билдиради. Навоийнинг фикрича, жамиятдаги инсонлар табиатан турли хил бўлади. Уларни шартли равища 5 турга ажратиш мумкин. Бу ҳақда шундай дейди: «Биринчиси, сўз табиати ва келиб чиқишига кўра яхши одамлар. Бундай кишилардан ҳалққа ҳаммавақт яхшилик тегади. Уларни доимо қўллаб-куватлаша ва улар билан муомалада бўлиш лозим. Иккинчи гурухга мансуб одамлар яхшиликни факат ўзларигагина рано кўрадилар. Шунинг учун уларнинг яхшилиги бошқаларга ўтмайди. (лекин) бундайларни қадрлаша ва (бошқаларга) яхшилик қилишга ундаш керак. Учинчи гурух (юкоридагилар) ўргасида бўлиб, улардан ҳалққа на фойда ва на зиён етади. Уларни яхшиликка чақириб, ёмонликдан сақлаш даркор. Тўртинчи гурух ёмон одамлардир. Лекин улар ҳеч кимга ёмонликни рано кўрмайдилар. Уларни ёмонлик қилимасликка маъжбурлаш лозим. Бешинчи гурух ўта ёмон кишилар бўлиб, улар ҳалққа ёмонлик қиласидилар. Уларга нисбатан таҳдид, кўрқитиш ва вайда бериш каби усулларни қўллаш керао»<sup>323</sup>.

Айтилганлардан келиб чиқадиган муҳим хуносалардан бири шуки, Навоий ўз давридаги ижтимоий-сиёсий ҳаётни кенг равища қамраб олишга, унинг ҳамма тармоқларини ўрганишга интилган. Шу маънода, “Махбуул-кулуб”нинг дастлабки қисми фоят муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишлиланган ва унда Навоий даври жамият таркибининг асосий структураси бирма-бир Таҳлил этилади. Бу Навоий даври учун жуда ҳам муҳим масала эди. Ҳеч шубҳасизки, уруғлар ва қабилалар орасидаги ихтилофлар хукмдорларнинг уларга бўлган нотекис муносабати билан ҳам изоҳланади. Шунинг учун Навоий асарда Ҳусайн Бойқаро ҳақидаги ўз муроҳазаларини унинг шу масалага бўлган муносабатидан бошлиар экан, буни у уруғ ва қабилалар орасидаги низоларни бартараф этиш, уларни бирлаштириш каби мамлакат учун мустасно аҳамиятга эга бўлган тадбирлар билан боғлиқ ҳолда тушуниб, буни катта ижобий воқеа сифатида талқин қиласиди.

Навоий ўз давридаги ижтимоий табакаларнинг жамиятда тутган ўрни ва вазифаси ҳақида, ўз бурчига тўғри, ҳалол муносабатда бўлиш кераклиги ҳақида сўз юритади. Одил ва золим подшоҳлар, фирибгар ва жохил амалдорлар, яхши ва ёмон санъаткорлар, қаламкашларнинг ҳақиқий

<sup>322</sup> Султонов. И. “Навоийнинг қалб дафтари”. Адабиёт ва санъат нашриёти. -Т., 1973.

<sup>323</sup> Алишер Навоий. “Махбуул ул-кулуб”. Муқаммал асарлар тўплами 14- том. (матн изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи проф. С.Фаниева.) -Т.: Фан, 1998. 107 а.

киёфаларини, ижтимоий “афъолини” реал тасвирлаб беради. Навоий сарой амалдорлари, атрофидағи мансабдорлар ва бошқа нуфузли табакалар, чунончи ноиблар, садрлар, шаҳарда олиб соткувчилар, шахна ва зиндонийлар ва асаслар, ғарип ва бенаволар, шайхлар ва вазирларга характеристика бериб, уларнинг жамиятдаги тутган ўрни ва ролини чукур таҳтил этади.

Алишер Навоий ўз давридаги 34 та ижтимоий табака ҳакида маълумот бериб, уларни ижтимоий мавкеъи ва хулқ-атвори ҳакида тасниф беради. Хусусан мударрислар, илми тоилиблар, котиблар, дехқонлар, санъат аҳлари, хунармандлар ва шунингдек, аёлларнинг ҳам оила ва жамият мустаҳкамлиги йўлида жамиятдаги бошқа тоифалардан кам аҳамиятта эга эмаслигини зътироф этади. Шунингдек, мутафаккир бу тоифадаги кишилар ҳакида гапирав экан уларга хос бўлган камчиликлар билан биргә уларнинг ижобий томонларини ҳам кўрсатиб беради.

Алишер Навоий меҳнат ахлиниң яна бир тоифаси котибларнинг ижтимоий ўрни ва ролига ҳам юксак баҳо беради. Дарҳақиқат, ўз замонасиининг маърифат таратувчилари бўлган котибларнинг умумжаҳон маданияти тарихидаги мухим ролини инкор этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Навоий ана шу тоифадаги меҳнат ахлини назардан четда қолдирмайди. Навоий таърифича, котиб ахли сўз маҳзанининг хазинадоридир, “хушнавис котиб сўзга оройиш берур ва сўзлагувчига осойиш еткарур”. Айниқса, ўрта асрлар шароитидаги китобат қилиш ва уни тарқатиш мушкуллиги ҳисобга олинса, Навоийнинг котиблар ҳакида айтганларининг саломги янада ошади. Бирор бу нодир касб эгадари орасида ҳам саводсизлари, локайдлари, бадхатлари учраб турган. Навоий “анингдек хабиси меҳнатзадага юз лаънат”, дей каттиқ танбех беради, бундай кишиларнинг “манзили қаламонидек соҳ аро бўлсун, қаламидек боши яро, юз қаро бўлсун” дейди<sup>324</sup>. Бундан ўша даврларда котиблик санъатининг накадар мухим ва масъулиятилиги англашилди.

Навоий ўз даврининг асосий ишлаб чиқарувчи кучи дехқонлар бўлганилиги сабабидан, уларни жамиятни ҳарактлантирувчи кучи сифатида зътироф этади. Навоий дехқонларнинг моддий неъматлар яратувчи асосий куч эканлигини, жамиятнинг иктисадий-ижтимоий тақдирни уларга боғлиқлигини очиб берди. Шуниси характерлики, Навоий бошқа тоифадаги кишиларни таърифлаган тақдирда ҳам, уларда мавжуд бўлиши эҳтимоли бор нуқсон ва иллатларини кўрсатиб ўтади. Аммо дехқонлар ҳакида гап боргандা

<sup>324</sup> Алишер Навоий. “Маҳбуб ул-кулуб”. Муқаммал асарлар тўплами 14- том. ( (матн изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи проф. С.Ғаниева.) -Т.: Фан, 1998. 46 б.

эса, ҳатто бир оғиз ҳам иллат ё нүксон кўрсатмайди. Аксинча, “олам маъмурлиги алардин, олам аҳли масрурлиги алардин” эканлигини турли мисоллар воситасида таҳлил этади. У ёзадики, “оламнинг ободонлиги дехқондан, меҳнат аҳли шодон, улар шодон”. “Дехқон қандай экин эшишга қиласа ҳаракат – элга ҳам озиқ-овқат етказир ҳам баракат”<sup>325</sup>. Шунингдек, у дехқонни «кризқ йўлини очувчи», «дунё ободлиги»ни сабабчиси, «одамнинг фарзанди», «одамгарчилику» тимсоли, бахт ва фаровонликни таъминловчи инсон сифатида таърифлайди. «Дехқон агар тўғрилик билан дон сочса, - дейди ҳазрат Навоий, - ҳақ бирига юз эшигини очади. Сочган донаси кўттаргунча, ўриб, хирмон қилиб ҳосилини кўттаргунча, курту қуш ундан баҳраманд бўлади, дашт ваҳшийлари у билан шодланади. Чумолилар уйи ундан обод, гўр деган ҳайвонлар кўнгли у билан шод. Каптарлар ундан маст бўлади, тўргайлар ундан севинчга тўлади. Яроқчига ундан ризқ ҳосил бўлади, машокчи унинг устидан кўз югуртиради. Кўшчи унинг орқали мақсадга етишади, марза тортувчи ундан... <sup>1</sup>». Бу билан мутафаккирнинг дехқонлар ҳақидаги иқтисодий ғоялари бутунги кунимизнинг ҳам устувор йўналишлари бўлиб қолмоқда. Президентимиз И.А.Каримов “Дехқон тўқ бўлса, юрт тўқ бўлади”, деган сўзлари Навоий ғоялари билан ҳамоҳангдир.

Алишер Навоий жамиятнинг маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган санъат аҳлинининг қаламга олинган ҳар бир тоифасини муфассал муҳокама қилиб, бу санъаткорлар ижодидаги ижобий ва салбий хусусиятларни, улар характеристидаги яхши ва ёмон жиҳатларни ёритиб беради. Чунки Навоийнинг қарашлари факатгина оддий назариётчи ёки холис тарихнависнинг қараши эмас, балки бутун бир давр маданий ва адабий ҳаётини йўналигириб турган, унинг бурчини белгилаб берган буюк арбобнинг қарашидир. Шубҳасизки, Алишер Навоий адабиёт ва санъатнинг муҳим икътимонӣ қурол эканлигини яхши англаган. Шунинг учун ҳам, хоҳ тазкирасида бўлмасин, хоҳ рисоласида бўлмасин, хоҳ достонларида адабиёт ва санъат аҳлининг мадҳияси, тавсифига алоҳида ўрин ажратади. Айтайлик, Навоий “мутриб ва мутаннийлар зикрида” сўзлар экан, уларнинг “иккласига дарду ҳол аҳли жон қилурлар фидо” деб юксак баҳо беради. Чунки Навоий таъкидлашича, “кўнгил куввати хушнавоздин, рух куввати хуш овоздин”. Созанда ва хонандалар ҳақида гапирав экан, Алишер Навоий булардек киши руҳига таъсир этишга қобил кишилар сирасида ҳам, “лаимсийрат ва гадо” бор эканлигини айтади. Шоир улар ҳақида айтадики, “то буюргувчиди сила ва

<sup>325</sup> Ўша асар. 516.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. “Махбуб ул-кулуб”. Муқаммал асарлар тўплами 14- том. ( матн изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи проф. С.Ғаниева.) -Т.: Фан, 1998. Б-198

инъом бор, алар мулозимдур ва хизматтор". Буюргувчиларнинг берадиган сийлови ва дастурхондаги неъмати тугаши билан ижрочилар ҳам нозу истиғно қила бошлайдилар. Бундай кишиларнинг "аксари фосик ва бадхўй ва қолғони қажтабы дуруштпўй"<sup>326</sup>. Албатта, бу танқидлар ўз замонаси учун ҳам ҳозирги кунларимиздаги айрим ўткинчи санъаткорлар шательнига ҳам тааллуқлидир.

Жамиятнинг яна бир муҳим тоифаси бўлган аёлларнинг оила ва жамият мустаҳкамлиги йўлидаги юксак ролини Навоий чуқур таҳлил этиб, шундай дейди: "Уйнинг оройиши андин ва уйлукнинг осойиши андин"<sup>327</sup>. Навоийнинг тавсифича, аёл агар оқила, саранжом, зрга маргуб бўлса, оиласи гул қиласи. Жамият осойишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам у ана шундай аёлларни қадрлаш, уларни оила ва жамиятнинг таянчи деб эъзозлашга чорлайди. Бундай ижтимоий концепциянинг исботи учун эса, аёл ёмон бўлганда не оқибатлар бўлиши мумкинлигини ҳам баён этиб ўтилар беради. Бундай ғайриахлоқий, номувофик заминга курилган оила ҳам жамият ҳам барбод бўлади. Навоий айни пайтнинг ўзида хотин-қизларни бундай нұксонлардан ҳоли бўлишга ҳам чорлайди.

Жамиятнинг яна бир муҳим тоифаси илм аҳли ва илмга интилувчилар ҳакида Навоийнинг не чоғли қайғургани «Вакфия»да аниқ акс этирилгандир. Вакф арабблар ва вазифадорлари орасида (мутавалини истисно қилганда) кўп маош мударрисга ажратилиади. Талабалар учун нафака уларнинг таҳсилдаги ўзлаштириш ва муваффакиятларини назарга олган ҳолда белгиланади. Шундай килиб, хушхон ҳофиз, шайх воиз, имом, кори, ошпаз, табақчи, фаррош ва мутавали, мушриф, соҳибжамълар Навоий томонидан тайин қилинган вакфлар хизматидаги вазифа эгаларидир. Навоий олимларнинг мальявий қиёфаси, хулк-одоби ҳакида ҳам ўз фикрини айтиб ўтади. Ул зотни, энг аввало, олимларни жамиятдаги ўрни, мамлакат келажаги ва фаровонлиги учун масъулиятли, ўзаро урушлар ва қарама-қаршиликларни бартараф қилишдаги савъ-ҳарракатлари қизикириади. Ҳакиқий олим олийжаноблик, ҳаққонийлик, меҳнатсеварлик, сабр-тоқат, нафсни тийиш, жавонимардлик каби хислатларга эга бўлиши, билимдон ва ғамхўр устоз танлаш ўз билимини бошқалар билан баҳам кўриш лозим. Навоий фикрича, олим камтар, мулоим бўлиши, қанча билими юқори бўлмасин, магурламаслиги, доимо илм сирларини эгалашга ўз вақтини сарфлаши лозим. «Билмаганин сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим.

<sup>326</sup> Алишер Навоий. "Махбуб ул-кулуб". Муқаммал асарлар тўплами 14- том. (матн изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи проф. С.Фаниева.) Т.: Фан. 1998. 141 б.

<sup>327</sup> Ўша асар. 167 б.

Оз-оз ўрганиб доно бўлур, катра-катра йикилиб дарё бўлур. Ўрганишдан қочган лаванд ва юзига хийла, баҳона эшигини очган хушёқмас абрах, меҳнат килиб илм ўрганган эсли хушли<sup>1</sup> деб уқтиради мутафаккир. Навоий дунёкарашининг эътиборга молик томонларидан яна бири илмнинг амалий аҳамияти ва жамият учун фойдаси тўғрисидаги фикридир. Илмдан мақсад халқлинг турмуши, маънавияти ва хулқ-одобини яхшилашдир. Шунинг учун олим, энг аввало, жамиятга нафи тегадиган илм билан машғул бўлиши лозимлигини уқтиради. Алишер Навоий «Махбуб-ул кулуб» рисоласида илмни ўрганиб унга амал қилмаган кишиларни қоралайди, уларни «суруг сочиб ҳосил ололмаган» дехқонга ўхшатади. Бошқа бир жойда эса фосиқ олим билан давлатманд баҳилни бир-бирига киёслаб «бу икки киши умрни бекорга ўтказди ва гўрга ҳасрат ва армон олиб кетди. Бири буки, илм ўрганишга мащаққат чекти амал қилмади, бири буки, мол йигишга меҳнат қилди, сарф килишни билмади»<sup>2</sup> дейди. Навоий фикрича, олим ўз билимини турмушга кўллай олмаса, унинг бутун ҳаракатлари зое кетади.

Шу жихатдан қараганда Навоийнинг жамият ва унинг таркиби тўғрисидаги қараашлари барча давр ва замонлар учун ижтимоий аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Хулоса ўринида шуни айтиш мумкинки, А.Навоий жамиятнинг ижтимоий таркибини мукаммал тизимлаштириш ва уларни ҳар бирини ижтимоий мақоми ва вазифасини тўғри ташкил этишга асос бўлишига, бу ҳол эса:

Биринчидан – жамиятнинг яхлитлиги ва барқарорлиги, баҳамжиҳатлиги таъминланиши, ижтимоий гурухлар ва сиёсий институтлар ўргасидаги муносабатларни олдиндан белгилаш ва бошқариш имконини беради;

Иккинчидан – табакалар ўргасидаги муносабат мувозанатини таъминлаш, жамият аъзолари яқдил ва ҳамжиҳатлиги таъминлайди. Бу назария хозирги кунда ҳам жуда мухим бўлиб, ривожланган мамлакатларда, социологик сўровлар ва тадқиқотлар олиб бориш оркали жамият хаётини доимий мониторинг килиш одатий ҳолга айланаб қолган.

#### **4.2. Алишер Навоий давлат бошқаруви ва раҳбарлик мезонларининг тизимлашуви**

Ижтимоий-сиёсий бошқарув ва сиёсий раҳбарлик муаммоси инсоният таракқиётининг турли даврларида ва турли минтақаларда яшаб ижод этган кўплаб мутафаккирларни ўзига жалб этиб келган. Хусусан, бу муаммо XIV-

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Махбубул кулуб. Асарлар, 13-том. -Т.: 1966. 232-233 бетлар.

<sup>2</sup> Ўша асар. 222-бет.

XV асрда энг долзарб мавзулардан бири хисобланиб, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Абурахмон Жомий, Захириддин Мухаммад Бобур, шу жумладан Алишер Навоийнинг ижодида чукур таҳлил қилинган. Бу мутафаккирлар давлат бошқаруви ва раҳбарлик масаласига Шарқона ахлоқ меъёрлари нуқтаи назаридан ёндашиб, раҳбарликни ижтимоий адолатни амалга оширишдаги муҳим восита деб тушунгандар. Хусусан, Амир Темур ўзининг “Темур тузукларида” давлатни бошқариши ҳақидаги мулоҳазаларида “султон ҳар нарсадан адолатпеша бўлсин, кошида инсофли, адолатли вазирлар сақласин, токи подио зулм қилгудек бўлса, одил вазир унинг чорасини топсин” деб ёзади. Темур ўз фаолиятида сиёсий бошқарув ва сиёсий раҳбарлик мамлакатдаги бошбошдоклик ва парокандаликини олдини олишининг муҳим омили эканлитини кўрсата олди. Ушбу анъянани бир қанчча темурий хукмдорлар амалий ҳаётга жорий этишга ҳаракат килган бўлса, унинг назарий асосларини ўз даври нуқтаи назаридан Навоийчалик атрофлича очиб берган мутафаккир йўқ, дейиш мумкин. Негаки, ўз даври олимларидан фарқли ўлароқ, Навоий ўттиз йил мобайнида давлат ишлари билан шуғулланиб, замонасидаги ижтимоий сиёсий муҳит хусусида бой тажрибага эга бўлганлиги билан изоҳланади. Шунинг учун Навоий ўзининг сиёсий қарашларида давр талабига асосланган сиёсий бошқарув ва раҳбарлик масалаларини ўз салафларига нисбатан мазмунан чукур ва атрофлича ёритиб берган. Зоро, ўша давр машҳур тарихчиси Хондамирнинг тъбири билан айтганда, “Навоий Ҳиротда давлат давлат ишига ўтиб, энг юқори дараҷага кўтарилиб, шавкатли подшоҳ ноиблигини кўлга киритиб, ҳукумат арбобларининг раҳбарлигини бутун халқ ва ҳукумат мақсадларини хал қилишни, мамлакат ва миллат ишларини тартибга солишини, дин ва давлат аҳволини интизомга кўйишини ўз устига олди”<sup>328</sup>. Яна бу ҳақда “Ахли фазл ва ахли хунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай”<sup>329</sup>, - деб хотирлайди Захириддин Мухаммад Бобур.

Мутафаккирнинг жамиятни сиёсий бошқарув, ижтимоий-сиёсий муносабатлардаги қарашларининг асосий хусусияти шундаки, у ижтимоий муносабатлар ва хусусан давлат бошқаруви ишида юксак ахлоқ ва юксак маданиятга, маърифатта асосланган хукмдор адолат бўлиши кераклиги кераклигини таъкидлайди. Навоий жамиятни юксалиши кўп жиҳатдан унинг бошида раҳнамоси бўлган адолатли подшоҳга боғлик деган сиёсий фалсафий қарашни илгари суради. Лекин унинг қарашларида ажralиб турган айрим

<sup>328</sup> Хондамир. Макоримул - ахлоқ. -Т., 1967. 38 б.

<sup>329</sup> Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. -Т., 1989. 154 б.

жихатларни айтадиган бўлсак:

- биринчидан - Навоий жамиятни яккабошлиқ асосида бошқариш тарафдори бўлганилигини;

- иккинчидан – ҳукмдорнинг насл-насабидан қатъий назар у мукаммал тарбияланган жуда маърифали бўлишилиги кераклиги;

- учинчидан – подшоҳ қанчалик донишманд бўлишига қарамасдан, доимо унинг ҳар бир килинажак тадбири албатта замонасининг фозилу фузалоларининг маслаҳатлари асосида амалга оширилиши лозимлиги. Навоийнинг ўз таъбири билан айтганда салтанат иши доимо илм тарозусида ўлчаб килиниши керак эди. Шунинг учун олим, ҳукмдорлар даргоҳида доимо йирик олимлар, фозиллар унинг маслаҳатгўйи ва жиловдорлари бўлиши зарурлиги таъкидланади;

- тўртингчидан - ҳукмдор аниқ конун қоидаларга амал қилиши кераклиги. Унинг даврида ва муҳитида ислом дини ҳукмдорларнинг фаолиятидаги дастури бўлиши кераклигини уқдиради.

- бешинчидан – ҳукмдорнинг ўзи тартиб-қоидаларга риоя қилишда намуна бўлиши кераклиги. У ўта зукко ва ҳушёр бўлиши гарчи салтанатидагиларга ишонсада уларни доимо назорат қилиб туриши лозимлиги. Ҳар бир давлат ловозимига тайинланадиган кишинининг шу соҳада катта тажрибага эгалигини ҳисобга олиши кераклиги;

- олтинчидан – давлатнинг ҳар бир ловозимида фаолият олиб борадиган кишиларнинг асосий шиори адолат бўлиши кераклиги ва ҳаказо;

Улуғ мутафаккирнинг ижтимоий сиёсий қарашларидағи баъзи жихатларини ҳисобга олганда, сиёсий бошқарув масаласида ўз устозлари томонидан талқин этилган гояларни қадрлайди. Масалан у ўзининг салафи яъни устози деб билган озарбойжон мутафаккири Низомий Ганжавийнинг “Искандарнома” достонида талқин этилган “подшоҳсиз давлат” гоясини кўллайди. Низомийнинг даҳосини юксак баҳолаган олим, ўз асарларида унинг “подшоҳсиз давлат” гоясини ўз асарларида сингдира олмади. Чунки, унинг ота боболари узоқ ва садоқатли хизмат қылган салтанат ва унинг вакили ҳамда унинг энг қадрли дўсти Ҳусайн Бойқаро билан бўлган муносабатни бузмаслик учун ҳам бу гояни илгари сурмаган. Шусиз ҳам, саройдаги носоғлом маънавий муҳит Султон Ҳусайн билан Навоий ўртасидаги муносабатларини кўп марта ёмонлашувига олиб келган. Ана шундай ҳолат туфайли Навоий ўз рақибларининг фитна найрангларидан ожиз қолиб чекинишига тўғри келганилигини ҳам ўз асарларида айрим ўринларда айтиб ўтади. Бунинг ёркин мисоли сифатида, унинг Астрободга юборилиши ва унинг ўзи яна саройга қайтиб келгунича эса саройда

Навоийни тарбиясида улгаяётган Мўмин мирзонинг фитна йўли билан қатл қилинишини айтиб ўтиш мумкин.

Шу ўринда Ганжавийнинг “Ҳамса”сидан ўрин олган “Искандарнома” достонида талқин этилган “подшоҳсиз давлат” ғояси ҳакида айтиб ўтиш жоиз. Достон қархамони ўзининг донолиги адолати билан барча подшоҳликларни бирин-кетин босиб ола бошлиди. У бир ваqt бир мамлакатта юриш қилиб шу мамлакатни ўз тасаррufига олишга ҳаракат қилибди. Бу мамлакат “баҳтлилар ўлкаси бўлиб” унинг подшоҳси йўқ экан. Бу мамлакатнинг аҳолиси шу даражада фозил эканки, уларни хеч ким бошқармас экан. Ҳамма ўз вазифасини ва мажбуриятини ўз билим ва вижданни билан килар эканки, бу мамлакат аҳолиси бошқариш эҳтиёжи йўқ экан. Бу мамлакат фозилилги туфайли баҳтиёр ўлка экан. Бу ўлкани босиб олиш нияти билан борган Искандар етти иқтим подшоҳлигидан кечиб “баҳли мамлакатнинг” оддий фуқароси бўлганлигидан ўзини баҳтли билиб шу мамлакатни фуқароси бўлиб қолибди. Навоий гарчи Шарқ адабиёти анъянасини давом эттирган ҳолда Искандар ҳакида достон яратар экан, унинг тимсолини ўз талқинида яратади. Унинг Искандари ўзидан илгари яратилган Искандарлардан фарқли равишда, у шоҳзода Искандар эмас, оддий вайронадан топиб олинган бола бўлиб, саройда тарбия топади. У саройда ўз даврининг энг машхур ва даҳо олимлари томонидан таълим ва тарбия олади. Бу орқали Навоий инсонни тақдиди унинг тарбиясига боғлиқлигини кўрсатиши орқали, бу хусусият оддий фуқаро учун ҳам подшоҳ учун ҳам муҳим талаб деб айтади.

Масалан , “Лиссон ут-тайр” да пошоҳсиз мамлакат ғоясини рад этади. Яъни жамият барибир ким томонидандир бошқарилиши керак, лекин бундай раҳнамо шунга муносиб бўлиши кераклигини таъкидлайди. “ Лиссон ут-тайр” да күшлар образи орқали мажозий услубда, жамият бошқарувга доимо эҳтиёж сезади. Уни раҳнамеси ўта донишманд бўлиши талаб этилиши айтилади. Бу асарда доно раҳнамо қиёфасида худхуд ифодаланган. Лекин асарнинг умумий тузулиши, ўта мураккаб фалсафий тилда бўлиб англаш қийин бўлган нозик ёндашувлардан тузилган. Хусусан күшлар токи доно подшо бўлган Симурғга етишунча етти водийдан кечиб ўтиши мисолида, аввало инсон ўзини ангалаши қийин жараён эканлигини ёритади мутафаккир. Симурғ сўзи форс тилида “си” –ўттиз ва “мурғ” –қуш парранда дегани бўлиб Навоий аслда хеч қандай Симурғ деган күш бўлмаганлигини күшлар узоқ ва машҳатлий йўл етти водийни кечиб ўтиб охир оқибат ўзини топганлигини, яъни ўзларини ўзлигини англаганликларини тасвирлайди. Ушбу гениал асарнинг моҳиятидаги яна бир хусусият шундаки күшлар

охирги водий, яни “факру фаноҳ” водийсига бориб ҳакиқатга эришганлигини мохирона тасвирлаш орқали бу ўткинчи дунёда ҳар хил ҳавойи хисларга берилиб умрни бехуда ўтказмаслик кераклиги ўқтирилади. Барча Шарқ мутафаккирлари каби Навоийда ҳам фано, яни ўткинчи дунё мазуси кенг мушоҳада этилган. Кушларнинг охирги манзили факру фано дейиш орқали, кушлар охирги манзилга бориб фано яни ўткинчи дунёнинг фукароси эканлигини англашади. Бу ерда факт сўзи фукарони англатади. Энг муҳим ва эътиборли жиҳати шундаки улуг мутафаккирнинг форсий тилдаги таҳаллуси бежизга Фоний эмас эканлигини англаш мумкин. Аввало Навоий ўзини фоний, ўткинчи бевафо дунё фукароси мақомида камтарона инсон сифатида улуғвор қиёфасини кўриш мумкин.

Зоро мутафаккирнинг ўзи айтганидек:

*Эл нетиб топгай мениким,*

*Мен ўзимни топмасам.*

“Лисон ут-тайр” нинг бош гояси инсон ўз-ўзини англаши лозимлиги, лекин бу жуда қийин жараён эканлиги айтилади.

Навоий ҳалқка, жамиятга, давлат учун фойдали ишларни амалга оширган раҳбаргина одил ҳукмдор сифатига эга бўлади, деган фикрни илгари суради. У ўзининг “Садди Искандарий” асарида ҳар қандай давлат раҳбари мамлакат мамлакатмок учун адолатни ўзига шиор килиб олмоги кераклигини таъкидлайди:

*Қаю шоҳки ўйқадл ила дод анга,*

*Улус бирла мулк ўлмас обод анга.*

*Халойиғ топиб топиб адлидин интизом,*

*Иши икки дунёда бўлгай томом<sup>330</sup>.*

Бизнингча ҳам, одил раҳбарсиз ҳеч қандай сиёсий барқарорлик бўлиши мумкин эмас. Раҳбар фаолиятининг асосий мезони адолат, улар маънавий ахлоқий қиёфасининг белгиси эса инсонийлик бўлиши керак. Шу сабабли ҳар бир раҳбар мамлакатидаги бошқарув тизимини меъёрда ишлашини таъминлаш учун ўзига хос принципларни ишлаб чиқиши керак. Шу маънода, Навоийнинг бошқа бир қанча асарларида ҳам раҳбарларнинг давлат ишларидаги ижобий фазилатлари ва ҳалқ, жамият ҳаётидаги аҳамияти таърифланади<sup>331</sup>. Навоий асарларини тадқиқ этган олимлар эътироф этганидек, унинг барча асарларида бошқарув тизимини ислоҳ килиш, адолатли жамият қуриш, етук раҳбарларни тарбиялашга қаратилган гоялар илгари сурилган.

<sup>330</sup> Алишер Навоий. Садди Искандарий. -Т., 1991. 483 б.

<sup>331</sup> Алишер Навоий “Махбуб-ул-кулуб”. 14 том, -Т., 1998. 12 б.

Навоий фикрича, сиёсий бошқарувнинг асосий принципларидан бири муроса ёки консенсус, яъни манфаатдор томонлар билан келишиб, кенгашиб сиёсат юргизишдир. Бу тушунча ҳозирги давр сиёсий тушунчасида барча манфаатдор томонлар билан келишган ва фикрлашган холда қарорлар қабул килиши принципига муқобиллар. Зеро, инсониятнинг минглаб йиллик тажрибалари асосида шаклланган бу принцип Навоий асарларида жуда моҳирона тарзда тасвирланган. Унинг “Садди Искандарий” достонида Искандар Чин Ҳоқони билан жантсиз муросага келганилигини мисол келтиришимиз мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Навоий ўзигача бўлган Шарқ ва Farb мутафаккирлари сингари баркарор сиёсий бошқарувни таъминлаш учун энг асосий манбаи ҳамда раҳномоси сифатида адолатли ҳукмдор сиймосини тиклайди. Навоий даври, ундан олдинги сиёсий бошқарув ва раҳбарлик соҳасидаги қарашларда асосий эътибор, “адолатли жамият” назариясини ишлаб чиқиши масаласи бўлган. Буни сиёсий ҳаёт ва сиёсий жараёнлар тизимини ўрганишга доир ҳали сиёсий технологиялар шаклланмаганилиги билан изоҳлаш мумкин. Навоий ва унинг замондошлари сиёсий бошқарув ҳамда раҳбарлик санъатининг янгича қирраларини очишига ҳаракат қилган. Шунинг учун ҳам уларнинг асарларида сиёсатда ижтимоий ахлоқий принциплар билан бирга сиёсий маҳорат, яъни сиёсий етакчилик масаласига алоҳида ургу берилган. Ижтимоий сиёсий мухит ана шуни такозо этарди. Лекин шу билан бирга, Навоий раҳбарлар билан ёнма ён уларни маслаҳатчилари бўлиши лозимлигини таъкидлаган. Уларнинг сиёсий бошқарувдаги функциялари сиёсий етакчининг ҳар бир ҳаракати ва тадбиррида консультант ёрдамчи вазифасини бажарган. Ҳатто Искандарни атрофида ҳам Арасту ва унга ўхшаш ўйлаб маслаҳатчилар бўлиб, Искандар ҳар бир қилинажак тадбирни уларни маслаҳатисиз қитмайди ва уларни маслаҳати билан қилинган тадбирлардан доимо зафарларга эришганини “Садди Искандарий” достонида моҳирона тасвирлаган. Асарда сиёсий бошқарувга оид ишларни ҳозирги замон сиёсий тафаккури ва тили билан айтганда, коллегиал тарзда ҳал килинишига ишорат қилинган. Айниқса “Садди Искандарий”даги воқеалар ривожи баёнида буни яққол кузатиш мумкин<sup>332</sup>.

Навоий сиёсий бошқарувда раҳбарнинг шахс ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг тартибга солиши, давлат ҳокимиётини мустаҳкамлашда мухим ўрин тутишини таъкидлайди. Навоий бу ҳақда “Маҳбуб ул-кулуб” асарининг “Ислом паноҳ беклар зикрида”ти фаслида: “Шоҳга чин сўз дегувчи ва аниңг охирати ғамин егувчи. Ёмонлар андин ҳаросон ва яхшилар

<sup>332</sup> Алишер Навоий. Садди Искандарий. Муқаммал асарлар тўплами. -Т.: Фан, 1998 94-95 бетлар.

андин душворлиги осон”<sup>333</sup>, дея тўхталиб ўтиб, сиёсий раҳбарга ўз даври анъаналаридан келиб чиқиб баҳо беради. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ҳокимият сиёсатида кечадиган жараёнлар муайян аҳоли табакалари уларни йўналтирувчи сиёсий қатлам ва бу сиёсий қатламлар етакчилари бўлган сиёсий шахсларга кўп даражада боғлиқ эди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу сиёсий гуруҳларнинг ёки маҳаллий қатламларнинг мақсад ва манфаатлари ҳамиша ҳам давлат ва жамият умумгоялари ва қадриятлари йингиндисини ифодаламаган. Демак, манфаатлар, интилишлар, ғоялар ва мақсадларнинг хилма-хиллиги табиий равишда давлат сиёсатига муносабатларнинг хилма хиллигини келтириб чиқарган. Навоий буни тўғри тушунган ҳолда ўз асарларида ягона умумдавлат манфаатлари ғоясини илгари суради ва амалий фаолиятда ҳам ана шу рангбарангликни умумдавлат манфаатлари йўлида бирлаштиришга ҳаракат қиласи<sup>334</sup>.

Навоий қарашларида давлат сиёсатида икки субъектнинг ўрни алоҳида қайд этилиши ўша давр сиёсий қарашлари тизимини янада ёрқинроқ далиллайди. Булардан бири ҳукмдор бўлса, иккincinnи унинг кўл остида фаолият юритувчи бошқарув тизимиdir. Бошқарув тизими гарчи расман ҳукмдорга бўйсунсада, аммо Навоий даврида манфаат масаласи ҳукмдор ва ҳокимият тизими муносабатларида муайян мустақиллик мавжудлигини кўрсатади. Улар ўргасидаги сиёсий муносабатлар жамиятга тағбиқ этилаётган сиёсатнинг унинг турли қатламларида акс этиши ва бу сиёсатга нисбатан шу қатламлarda билдириладиган муносабатларнинг кўрининишида намоён бўлади. Ана шу муносабатларнинг тартибли ташкил этилиши Навоий қарашларига кўра ҳукмдор ва бошқарув тизими муносабатларини ижобий ёки салбий ривожланишига йўл очади<sup>335</sup>. Уларнинг бир-бираiga мос келиши бутунги кунда уйгунашган мақсадлар йўлида сиёсий кучларнинг ўзаро ҳаракати, яъни сиёсий ҳамкорлик – консенсус деб аталади. Навоий ўз даврининг мутафаккири сифатида айнан ана шу ҳукмдор ва бошқарув ҳокимияти муносабатларида бир-бираiga мос келмайдиган холатлар ва улардан келиб чиқадиган ихтилофларни бартараф қилишга кенг зътибор қаратган. Бу билан Навоий сиёсий жараёнларда сиёсий кучларнинг вазиятни тўғри англаши, узокни кўра билиши воситасида ҳокимият мустаҳкамлигини сақлаб қолишга интилганини англаш қийин эмас.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Навоий қарашларига кўра ҳукмдор ёки бошқарув ҳокимиятининг мавзеи ва тамойилларига кўра давлатнинг

<sup>333</sup> Алишер Навоий. “Маҳбуб ул-кулуб”. Муқаммал асарлар тўплами 14- том. (матн изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи проф. С.Ғаниева.) -Т.: Фан, 1998.-14 б.

<sup>334</sup> Ўша асар. 15 б.

<sup>335</sup> Карап: А.Навоий. МАТ. 20 томликдан “Маҳбуб-ул кулуб”. -Т., 1983.

ижтимоий-иктисодий ва сиёсий тизими мавқеи ўзгаради. Бу давлат ва жамиятнинг сиёсий күчлари ўзаро муносабатларида ўз аксини топади<sup>336</sup>. Навоийга кўра уларнинг ҳар бири доирасида ва ўзаро муносабатларида уйғун мақсад ва манфаатларни шакллантириш ва шу мақсад ва манфаатларни амалга ошириш шарт-шароитларини вужудга келтира олиш, ўз навбатида улардан сиёсатни амалга оширища тўғри фойдалана олиш мухим аҳамиятга эга. Сиёсатдан кўзланадиган бу талаб муайян қонуниятларга эътиборни торади. Навоий бу қонунларни қўйидагича таснифлайди:

1. Ҳукмдор фаолияти ва унинг девони учун мажбурий бўлган ва сиёсий ҳётни тартибга солиш асоси бўлган қонунлар. Бу ўз ичига ҳукмдор учун:

- хавфсизлик ва ўзаро ишончни ривожлантириш;
- халқаро ва давлатлараро низоларни бартараф этиш;
- умумдавлат муаммоларини ҳал қилиш;
- аҳоли қатламлари ўзаро муносабатларини ҳамкорлик асосида йўлга кўйини ва ўз мавқенини доимий ачиклаб бориш;

2. Ҳокимият тизими ёки бошқарув тузилмалари учун:

- бошқарув тузилмалари манфаатларининг ҳукмдор манфаатларига мослигини таъминлаш;
- жамият манфаатларининг давлат манфаатлари билан мослигини инобатга олиш;
- жамият билан бошқарув тизими манфаатлари мувофиқлигини тартибга солиб туриш.

Шуни ҳам таъкидлаш қеракки, Навоий сиёсий ҳокимиятнинг мазмун ва характеристи унинг ўзгариши, амал қилиш тартиби, кўзлаган мақсадлари мухим аҳамият касб этади. Навоий сиёсий қарашлари марказида ҳукмдор ва унинг ҳокимият тузилмаси мухим роль йўнайди. Чунки Навоий даври аънаналарига кўра ҳокимият тегасига келган ҳукмдор албатта ўз мустақиллигини таъминлашга ҳаракат қилган. Унинг бошқарув тизими эса гарчи расман ҳукмдор номидан фаолият олиб борсада маълум худудга, ўз аҳолисига эга бўлган масъулияти чекланган махаллий бошқарув тизимидан иборат бўлган. Шунинг учун у ихтиёрий-мажбурий ижтимоий-сиёсий ташкилот ҳисобланган. Унинг ваколатларида ишонтириш, мажбур қилиш, умуммансаатларни амалга оширища турли бошқарув услубларидан фойдаланиш ихтиёри берилган. Бошқа томондан бу тизим турли худудларда истиқомат қилувчи аҳолини бошқарувчи тузилмаларнинг эркин фаолият олиб боришини таъминлаган.

<sup>336</sup> Қаранг: Султонов. И. “Навоийнинг қалб дафтари”. Адабиёт ва санъат нашриёти. -Т., 1973.

Умуман олганда, Навоий ўз асарларида қандай раҳбарни яхши раҳбар деб хисоблаш мүмкінлиги ҳақида ёзди. Унинг фикрича, раҳбар ҳам бошка одамлардек бир одам. Аслини суриштирганда, одий одамларнинг кўпидан у ҳатто “ожизу афганда” бўлиб, у сира ҳам ўзини ёруғ нуру, бошқаларни қора туфроғ деб хисобламаслиги керак. Аксинча, у гарчи ташки кўринишда бошқалар билан тенг бўлса ҳам, аммо хунар ва билимда, хушхулқлик ва шириңсўзликда, адолат ва инсоғ масалаларида, майнинлик ва ҳаёда, тоат-ибодат ва ҳоказоларда бошқалардан тубан туради.

Бил муниким сен доғи бир бандасен,  
Кўпрагидин ожизу афгандасен.  
Эрмас алар туфроғу сен нури пок,  
Хилкат аларга сенга тийра хок<sup>337</sup>.

Навоий қараашларидаги яна бир муҳим жиҳат шуки, сиёсий хокимиятга эга бўлган раҳбарни кўл остидагиларидан бирон ортиқ жойи йўқ бўлсада, мамлакат ва ҳалқ тақдирини уларнинг ҳатти-харакатига боғлиқ деб билган. Шу маънода, Навоий раҳбарларни адолатли, ҳалқпарвар, сахий, олийхиммат бўлишга ундейди. Бундан ташқари, улар учун катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган афв фазилатини таъриф килади. Шоҳлар ичиди энг муҳтарами афв ва қарам кўрсатган шоҳ бўлади. Шоир шоҳга хитобан дейди: “Сенинг ҳукмининг қарам бўлган кишилар билан сен бир жинсдасан, камолда уларнинг кўплари сендан баланддирлар, жазолаш пайтида ўзингни ўша гунохкорлар ўрнида ҳис этгин, ўзингга нораво нарсани уларга раво кўрмагин. Қишининг гунохидан ўтсанг, у сендан абадий миннатдор бўлади, агар у яхшиликни билмаса, сенга Тангридан яхшилик қайтади, яхшилик эвазига сенга ҳеч нарса қайтмаган тақдирда ҳам, ҳалқ орасида яхшилик билан от чикарасан”<sup>338</sup>. Бу ҳақда Навоий “Лисон ут-тайр”да “Истиғно водийси” мисолида кўрсатади, “Истиғно водийсида аъло ва паст табакали кишиларнинг ҳаммаси тенг саналади. У ерда етти иклимин забт этган қаҳрамон шоҳ ҳам одий бир гадога тенгдир. У ерда минглаб лашкарлар тўдаси зътибордан колиб, ногоҳ Одам, шараф тожини кийди”<sup>339</sup>. Тадқиқотчи олим Э.Шодиевнинг таъкидлашича, Навоий адолатли жамият ва одил ҳукмдор бошлиқ бўлган давлатнинг тимсолини ўз асарларида мукаммал таърифлаб беради<sup>340</sup>. Ўрта аср шароитида унинг бу олийжаноб нияти амалга ошиши мумкин эмас

<sup>337</sup> Алишер Навоий. 20 томлик, “Ҳайратул аброр” -Т., 1983. 67 б

<sup>338</sup> Алишер Навоий. 20 томлик, “Ҳайратул аброр” -Т., 1983. 72 б.

<sup>339</sup> Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. МАТ. Т. 12. -Т.: Фан, 1996.103 б.

<sup>340</sup> Шодиев Э. Алишер Навоийнинг форс-тожик тилидаги асарлари. -Т., 1995. 40 б.

эди. Шунинг учун ҳам у баъзида янги бир оламни ўзи яшаб турган оламга мутлақо ўхшамайдиган, ўзгача одамни орзу қиласди<sup>341</sup>.

Таъкидлаш лозимки, сиёсий раҳбарнинг ўзига ҳам Навоининг бошқа асарлари сингари асосан ўз замонининг ижтимоий-сиёсий талабларидан келиб чикиб ёзилган. XV асрнинг йирик мутафаккири Алишер Навоий ўз асарларида идеал жамиятнинг рамзий суратини чизиб, унилг етук сиёсий раҳбар киёфасини яратишга ҳаракат қилди. Шунинг учун ҳам Навоий орзу қилган идеал жамият давлати тামойили мамлакатни бўлинниб кетишдан саклашга қаратилган бўлиб, у бу давлатни халқ манфаати ва тинчлиги билан боғлаб тушунтирган ва бу ўз навбатида XV асрнинг руҳини ифодалаб турад эди.

В.Зоҳидовнинг таъкидлаганидек, Навоининг марказий монархияга қарашида жуда характерли лаҳза шу ҳамки, унингча, монарх ижтимоий ҳаётнинг тизимини ёлгиз ўз қўлида сақлаган бўлмасдан, унинг(монархнинг) хукуки муайян даражада чекланган бўлиши керак, у ўзининг атрофига катта олимларни, яхши, ақли, соф виждонли, тадбирли, халқпарвар маслаҳатчиларни, ўзининг илмини халқ баҳти хизматига кўллаган ақл эгаларини тўплаши керак<sup>1</sup>.

М.Ориповнинг фикрига кўра, Навоий қарашларида темурийлар салтанати сиёсий инқирозининг гувоҳи бўлиб, давом этаётган сепаратистик тенденциялар ва ўзаро урушлар тарихнинг ўтқинчи босқичи сифатида намоён бўлган<sup>342</sup>. Шу билан бирга Навоий одил шоҳ ҳакида фикр юритар экан, ҳар бир шоҳ максадга эришиш, манзилга бориш ва кайси ишнинг натижаси мактовга лойиқлигини билиб ҳамда висолга этишиш умидини факатгина саховатли ва савоб иш ҳисоблаб, халқдан ўзини йироқ тутмасагина унга ғамхўр бўлсагина эришиши мумкинлигини айтади. Навоий бу ҳакда шундай ёзади:

*Деди: Халқдин ўзини фард айламак,  
Фано йўли қўйинда дард айламак.  
Деди: ул кишиким тавонгардурур,  
Анга хайр кўпрак мұяссардурур.*

Навоий одил шоҳлар ҳакида ёзганда уларни адолатдилигини исботлаш учун форс тарихий шоҳларига мурожаат қиласди ва уларнинг инсоний хислатларни очиб беради. Мутафаккир бу тарихий шоҳларни инсонпарварлик сифатларига қараб ўзича 4 гурӯхга ажраттац, Уларнинг энг

<sup>341</sup> Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. -Т., 1975. 444 - 445 бетлар.

<sup>342</sup> Арипов М. Гуманизм Алишера Навои. -Т., 1990. 192 б.

қадимийси "Пешдод", иккинчиси "Қаёний" учинчиси "Ашконий" ва түрттинчиси "Сасоний"лардир. Шуниси қизикарлики, Навоий одил шоҳлар ҳакида фикр юритганда, аввало, шоҳларнинг шохи Одам алайхиссалом бўлганилигини, унга қадар "Расули араб" "Араб пайғамбари" деб юритилган шоҳ бўлганилигини ва у илоҳий билимларнинг мукаммал эгаси бўлганилигини ёзди, Мұхаммад а.с. ҳакида гапира туриб Навоий унинг пайғамбарнинг шохи бўлганилигини айтади ва шу билан шоҳлар худди Мұхаммад пайғамбардек адолат йулини тутишини уқтиради. Навоий ва бошқа тасаввуф намояндлари назарида шоҳ ҳудонинг ердаги сояси, уни ва унинг сиёсатини ҳар бир киши зарурий ҳолат деб қабул килиши керак,

Навоий ўз асарларида адолатли шоҳларни кўкларга кўтаради, зулмкорларини эса уларга қарама-қарши кўяди. Унинг назарида одил шоҳлик мезони мамлакатни обод килиш, шаҳарлар қуриш, ариклар қаздириш, ҳалқни соликлардан озод қилиш, адолатсизликка қарши фармон чиқариш, илоҳий илмларни тарқатиш учун ғамхўрлик қилишдир, Навоий золим шоҳлар ҳакида тўхталиб улар дунёни ўйинчоғдик билан ўтказиб юборганинни ва шоҳлик расм-руsumларида ҳаёлга огоҳлик билан қараш йўқлигини ёзди. "Лисот ут-тайр"да эса ўзини тождор шоҳ деб атаган Шунқорга Худхуднинг жавоби орқали ҳақиқий шоҳнинг қиёфасини очиб беради.

Асардаги номлар орасида "султон" ва "шоҳ" тушунчалари кенг таркалган, уларни ҳатто паст, тубан кишилар ҳам ўзларига нисбатан кўлладидилар. Аммо ҳар бир киши ўзини эр дегани билан эр бўлаверадими? Қўлидан келмайдиган ишни бажараман дея оладими? Нодон кишиларгина сени шоҳ деб атайди, холос. Бу бутни ёки оловни илоҳ деб аташга ўхшаш нарса.

Навоийнинг асарларида идеал подшоҳлар адолатли жамиятга эришишнинг асосий раҳнамолари бўлиб, улар насл-насабидан катъий назар, тарбияланган ва албатта маърифатли бўлишлари талаб қилинган. Навоий ўзи орзу қилган шоҳнинг одиллигини кўп жихатдан илм аҳлари билан муносабатига боғлик деб ўйлади. Шу нуктаи назардан шоҳ илм аҳлари билан ҳар бир масалада маслаҳат қилиш зарур деб қаралган. Олдимнинг ўз таъбири билан айтганда мулк иши билан боғлик ҳар бир тадбир аввал илм тарозусида ўлчаниши лозим бўлган. Жумладан, Навоийнинг афсонавий қаҳрамони бўлган Искандар билан беш юз олим бирга бўлган. Ҳусусан, улардан ўнгаси кечаю-кундуз у билан бирга эди ва унинг яқин дўстлари хисобланган.

## Жанобимнинг хизматида бўлиб беш юз ҳаким

### Аларди ўнтаси бўлиб инга надим

Булар жумласига: Афлотун, Арасту, Бадинос, Арашмидус, Шаминос, Килинмуп, Волис, Фарфорнус, Сукрот ва Ҳормус кирар эдилар. Бу билан Навоий олимларни факат маслаҳатчилар тарзидағина эмас, балки давлат шилярини бошқаришда иштирок этувчилик сифатида кўрсатмоқчи бўлади. Чунки уларнинг тиллари шундай бурро эдики, домига ёғ суртилган қилични эслатди:

Бори илмдин бари соҳиб вукуф,  
Келиб ҳар бириси жаҳон файласуф.  
Ҳамул ҳайлдин шоҳи олий хирад,  
Кидиб ҳар бирин бир сори номзод<sup>343</sup>.

деб ёзади. Навоий яна таъкидлаб ёзадики, одил шоҳ агар ўз сиёсатини тўғри олиб боришни хоҳласа, айниқса, у тарих фанини чуккур билиши керак. "Масалан, - дейди Навоий, - подшоҳ тарих фанини ўрганса ва унинг (тарих фанининг) кўзгусидан ўтсак ва-вақъларга караса, қайси мамлакатлар қайси подшоҳнинг қандай ҳаракатидан, қандай тадбирларидан обод бўлади ва ҳалқ шод бўлади-ю, давлат мустаҳкамланади-ю, қайсилари аксинча, нималар натижасида, қайси подшоҳларнинг қандай тадбирлари, ҳаракатлари натижасида барбод ва унинг ҳалқи баҳтсиз бўлади, давлати тарқалади, мамлакат парчаланади, шуларни яхши англаб олади, кечмишининг аччиқ тажрибаларидан ўrnak олиб фалокатларнинг олдини ола билади. Навоий мавжуд жамиятдаги яхшилик ва ёвузлик сиёсий раҳбар шахсиятининг субъектив сифатлари билан, унинг камчилик ва етукликлари билан белгилангандир, деб тушунтиради, Шунинг учун давлат тепасида адолатли, билимдон киши ўзининг ақсли маслаҳатчилари билан туришлари керак ва бу билан ҳар қандай адолатсизликка чек кўйилади ва мамлакат гуллаб яшнайди, деб фикр қиласди.

Навоийнинг одил шоҳ ҳақидаги ғояларини ўрганар эканмиз, ўзининг фикрларини баён қила туриб ўша давр амалдорларига инсонпарварликка уларнинг амалий фаолиятларида амал қилишларига ундашга ҳаракат қилган. Навоий адолатсиз подшо бошқараётган давлат ҳалқини хайрон подасига шоҳни чўпонга киёс қиласди. Чунки бундай ҳалқ ёвуз хайвонлар тўдаси томонидан йўқ килиб ташланиши мумкин, дейди. Ер ҳам, осмон ҳам адолат туфайли туроди ва бугина ҳалқни ҳалокатдан қутқарив колиши мумкин деб ўйлайди. Навоий маърифатга жуда юкори баҳо берив уни маърифат билан янада тўлдиради. Чунки адолат факат маърифатли билимдон шоҳ бўлган

<sup>343</sup> Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. МАТ. Т. 12. –Т.: Фан, 1996.134 б.

вактдагина тұғри амалға ошиши мүмкін. Чунки шоҳ адолатли бўлсаю маърифатсиз бўлса бундай шоҳ адолат қонунини тез-тез бузиши мүмкін.

Навоий сиёсий раҳбар учун шарт бўлган бир қатор хусусиятлар ҳакида фикр юритади. Ҳар бир хусусиятнинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат килади. Биз куйида Навоий раҳбаршунослигидаги раҳбар тантлаш принципларини муаллиф тартиби бўйича изохлашга ҳаракат киламиз. Навоий адолатни ҳар қандай раҳбарликнинг биринчи шарти деб билади ва уни шундай шарҳлайди. Агар раҳбар: фуқарони азоб-укубатлардан асраб, тинчлиги ва осойишталигини тъминласа; кимдандирип ноҳақ зулм кўриб, адолат истаб раҳбар олдига келиб, ундан ҳам озор кўрган одамлардан иборат душманлари бўлмаса; мансабини сунистемол килган, мамлакат ва ҳалқ мулки хисобига бойишга интилаётган манфаатпастлардан бўлмаса ва ўшандайларга барҳам берса; бешафқат ва зулмкор кишиларни жиловлай олса, ўрта ва қуий табака вакилларида ҳам ўзига ишонч-умид тутдира олса; раҳбарлик сиёсати низомига эга бўлса; мамлакат ва ҳалқ учун зарур нарсаларни яратиш ва ташкил этиш йўлидан борса; фуқарога ва мамалакат ободлигига ғамхўрлик кўрсатса, яхши одамлар уни дўст деб билса ва шу дўстлик унинг тириклигига айланса; ҳалқни меҳнат (урушлар, кўчиб юришлар, босқинч тўдалар хуружи кабилар)дан ҳалос этиб тинчлик устувор бўлган мумтоз замон яратса олса; мамлакат фаровонилиги учун ўзроҳатидан воз кечга олса; арз-додларни батағсил эшитиб, адолатли чора кўра оладиган раҳбариятга эга бўлса; фуқаропарварлик қоидаларига мукаммал амал килса ва шу туфайли ҳеч кимнинг эшиги зулм-адоват билан очилмаса; мамлакат хаётida юз берәётган ишлардан ҳамиша ҳабардор бўлса, ҳокимлар, мансаб-амалдорлар томонидан йўл қўйиладиган нобоп, қўнгилсиз воқеалардан ўзи тез-тез қабул қилиб турадиган оддий одамлар орқали ҳабар олиб турса бундай раҳбарни адолатли раҳбар дейиш мүмкін.

Ўзбекистон Республикаси мустакиллика эришганидан кейин мутафаккаир асарларида назарий асосланганидек, Амир Темур каби улуг аждодларимизнинг давлат ва жамиятни бошқариш амалий аньналарига шунингдек ижтимоий-сиёсий таълимотларга асосланаб, мамлакатимизда бошқарувнинг ишончли яккабошлиқ бошқаруви – Президентлик бошқаруви тасис қилинди ва президентлик институти миллий давлатчиликнинг янги босқичида такомиллашиб бормоқда. Хусусан, Навоийнинг “Садди Искандарий”, “Фарход ва Ширин”, “Махбуб ул-қулуб”, “Саббайи саййёр” каби асарларида ифодаланидек давлат бошлиғи гарчи ўзи ўта маърифатли, тажрибали, адолатли бўлишига қарамасдан, ижтимоий ҳаётнинг турли масалалари ва соҳаларида унинг давлат маслаҳатчилари унинг девони

мисолида мукаммал жорий килинган. Бу ҳолатни қуйида Президент девони мисолида кўрамиз.

**Ўзбекистон Президенти девони** – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон Президенти ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади. Президент девони мустақил давлат ҳокимияти идораси эмас, шу боис, у мажбур этувчи императив ваколатларга эга бўлмай, бевосита кундалик бошқарув билан шуғулланмайди. Мазкур девон Президент самарали фаолият юритишини таъминлаш мақсадида таъсис қилинади.

Президент томонидан тасдиқланган Низомга биноан, Президент девони зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилган:

-Президент фаолиятини ташкилий, экспертлик-хукукий, илмий ахборот жиҳатдан таъминлаш, республика сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасида Президентга конкрет таклифлар (лойихалар) киритиш; киритилган таклифларни амалга ошириш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқиш;

-Ўзбекистон Республикаси вазирларлари ва идораларининг, Қарақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳокимликларининг, шунингдек, корхона, муассаса ва бирлашмаларнинг Президент фармонлари ва бошқа топширикларини бажариш бўйича фаолиятини уйғунлаштириш ва назорат килиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони таркибига Президенти девони таркибига Президенти девони таркибига Президент фаолиятининг қуйидаги соҳалари бўйича давлат маслаҳатлари киради:

1. Ташкилий-кадрлар сиёсати;
  2. Мътмурий-хукукий масалалар, ҳарбий ва мудофаа сиёсати;
  3. Давлатлараро муносабатлар ва ташки иқтисодий алоқалар;
  4. Миллатлараро муносабатлар масалалари ва дин ишлари;
  5. Фан, таълим ва ижтимоий муаммолар;
  6. Ижтимоий-иктисодий сиёсат масалалари;
  7. Маданият, маънавият ишлари ва жамоат бирлашмалари билан алоқалар;
  8. Давлат маслаҳатчиси – назорат инспекцияси раҳбари.
- Бундан ташқари Президен девонида қуйидаги бўлинмалар мавжуд:
- Президент котибияти;

- Президентнинг ёрдамчилари;
- Матбуот котиби хизмати;
- Ахборот маркази хизмати;
- Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгаши котибияти;
- Ишлар бошқармаси;
- Консультантлар гурухлари (бош консультантлар, етакчи консультантлар, консультантлар, экспертылар, референтлар).

Президентнинг Давлат маслаҳатчилари ўз фаолиятларини Президент томонидан белгиланган йўналишларда амалга оширадилар. Улар тегишли соҳадаги вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг фаолиятини уйғунлаштирадилар, шунингдек, ўз итоатларидаги девон тузилмаси (хизмат) гурухига раҳбарлик қиласидилар. Давлат маслаҳатчилари ўзлари раҳбарлик соҳада давлат дастурлари, Президент фармонлари, фармойишлари ва бошқа топшириқларнинг қатъий бажарилишини таъмин этиш вазифаларни бажарадилар. Шунингдек, илмий асосланган тавсияларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда ҳаётга жорий этилишини таъминлайдилар. Тегишли давлат идоралари ва ташкилотлар фаолияти самарадорлигини таҳлил этиб, маълумотномалар тузадилар. Ваколат ва итоатлари доирасига кирувчи давлат бошқарув идоралари раҳбарлигига номзод кадрларни танлаб (агар улар Президент томонидан тайинланадиган бўлса), Президентга бу хусусда таклифлар киритадилар. Президент эътиборига ҳавола этилган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳасини чукур экспертизадан ўтказиб, улар бўйича хуносалар тайёрлайдилар<sup>344</sup>.

Мутафаккир “Лисон ут-тайр” асарида яна бир ҳолатга эътибор беради, шундай шахслар бўладики, нуқсони бўлатуриб, комилликка даъвогарлик қиласидилар, ўзларини комил инсон эканликлари тўғрисида лофт урадилар. Навоийнинг фикрича, ўзини етук ва нуқсонсиз деб ҳисоблаганлар ҳеч қачон комил бўлолмайдилар:

*Ким ўзин комил кўрар ноқисдур ул,  
Нуқс бермайдур камоли сори иўл*<sup>345</sup>.

<sup>344</sup> Мустакиллик изоҳли илмий-оммабоп лугат “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти Т.-2006. - Б-435-38. Яна қаранг Ўзбекистон Миллий Энциклопедиси, Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.- Б-194-96

<sup>345</sup> Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. МАТ. Т. 12. –Т.: Фан, 1996.199 б.

Мутафаккирнинг ижтимоий ғояларидаги асосий жихатларини хуносалайдиган бўлсак: биринчидан, ҳазрат Навоий мукаммал жамоа, одил подшоҳ ва комил инсон тушунчаларининг ўзаро уйғунлигини асарлари орқали тарғиб қилди;

Иккинчидан - Алишер Навоий кучли марказлашган давлатни, мукаммал жамиятни тасвирлади, бундай давлат тузумини орзу қилди. Факатина орзу қилиб қолмасдан, ўзининг режаларини ҳаётга татбиқ қилмоқчи бўлди;

Учинчидан - Навоий ўз идеалидаги мукаммал давлат ва одил шохнинг ҳаёлий образини “Ҳайратул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Сабъаи Сайёр”, “Садди Искандарий” каби достонларида яратибгина қолмасдан, ўша даврдаги ҳукмдорларни тўғри йўлга солишга, ҳаётда адолатли ва комил бўлишга чақиради. Навоий асарда ўзининг ғоялаини ўтмишга қараб гавдалантиради, ўтмишдаги адолатли подшоҳларни, улар замонини ўз даврига қарама-карши кўяди ва ҳукмдорларни улардан сабоқ олишга чақиради. Аммо “Тарихи мулуки Ажам” муаллифи ўз олдига асосий вазифа қилиб сиёсий ҳокимиятга эга бўлган раҳбарларнинг шахсий ҳаётларини ёритишини эмас, балки уларнинг жамиятта, халқ ва мамлакат манфаатига муносабатларини кўрсатишни кўйган. Ана шу ижобий факт Навоийдаги тарихни объектив тушуниш тенденциясини кўрсатади. Демак, “Тарихи мулуки Ажам”да Навоийнинг Эрон подшоҳлари ҳақида янги маълумотлар беришидан кўра, уларнинг ижтимоий фаолиятини қандай ёритиши, қайси масалалар нуктаи назаридан талқин этиши мухим фактдир. Навоий асари анализига шу тарзда ёндашилгандагина унга тўғри баҳо бера олиш мумкин. Навоий, юкорида айтилганидек, сиёсий бошқарув сиёсий раҳбар масалаларини ёритишда ўз даври нуктаи назаридан келиб чиқиб ёндашади.

Навоий Пешодийлар сулоласининг иккинчи подшоҳи Хўшантни “Одил ва хирадманд подшоҳ эрди” деб таърифлайди. Унинг ёзишича, у биринчи бўлиб мамлакатни илм ва қонун билан бошқаришга уринган. Навоий зикр этилган подшоҳларнинг фаолиятини аввало мамлакат иқтисодини юксалтириш, халқнинг моддий турмушини яхшилаш, илм-маданиятни ривожлантириш» мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш учун нима иш қилди ёки бундай ишларнинг ўрнига бузгунчилик ишларини олиб бордими? Мамлакатни адолат билан бошқардими ёки адолатсизлик биланми? деган мухим ижтимоий-сиёсий масалалардан келиб чиқиб характерлайди. Навоий сиёсий ҳокимига эга бўлган раҳбарларнинг тарихдаги ролини мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши ва сиёсий барқарорлик масалаларига аҳамият берганлиги билан белгилайди. Навоий томонидан масаланинг бундай ҳал қилиниши замонавий аҳамиятга

эга эди. Чунки Навоий бу билан темурийлар орасида XV асрнинг иккинчи ярмида тож-тахт учун олиб борилаётган тўхтовсиз уруш-жанжалларни халқ ва мамлакатга зарар деб топар, темурий хукмдорларни мамлакатни ривожлантиришга даъват этар эди.

